



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY SUDI



§

...

СУД ҚАРОРЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

175

ТОШКЕНТ – 2020



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



СУД ҚАРОРЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

УЎК 343.15
КБК 67.7

С 95

Суд қарорлари сифатини ошириш бўйича [Матн] : услубий кўрсатма / Ш.Кўчимов, Г.Аббасова, Д.Исроиловат [ва бошқ.]. - Тошкент : Baktria press, 2020. - 140 б.

Мазкур амалий қўлланмада маъмурий суд ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорларини тузишнинг амалий-методик асослари, юрислингвистик қоидалари ўз аксини топган. Айниқса, унда ҳозирги пайтда ҳал қилув қарорларини тузишга қўйиладиган асосий талаблар, уларнинг бу талабларга қанчалик жавоб бериши, бу соҳадаги хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Амалий қўлланма Республика бўйича маъмурий суд ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2018 йилдаги аксарият ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижасида тайёрланган бўлиб, унда давлат тилида суд ҳужжатларини юритиш, бунда ўзбек тили ва юридик тил қоидаларига қатъий риоя қилишнинг илмий-амалий асослари ҳисобга олинган. Шундан келиб чиққан ҳолда, улар ҳам ҳуқуқий, ҳам лингвистик жиҳатдан илмий-амалий таҳлил қилиниб, уларни такомиллаштириш юзасидан муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий қўлланма суд ҳужжатларини тайёрловчи мутахассислар, судьялар, умуман, суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритувчи ходимлар, юридик олий ўқув юрти талабалари ва магистрлари учун мўлжалланган.

МУАЛЛИФЛАР:

Ш. КЎЧИМОВ,

Тошкент давлат юридик университети профессори,
филология фанлари доктори

Г. АББАСОВА,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни
ривожлантириш агентлиги ходими

Д. ИСРОИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
судьяси

Т. ОБИДОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи

С. ХЎЖАМКУЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Суд амалиётини умумлаштириш ва қонунчилик бошқармаси катта консультанти

НАШР КООРДИНАТОРИ:

А. САЛАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” лойиҳаси раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН** тайёрланган. Нашр мазмунини Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳуқумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Мазкур нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.sud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.unfpr.org интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон (+998 71) 239-02-67

ISBN 978-9943-6235-3-8

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2019

© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), 2019

© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2019

© Baktria press, 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ	9
МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ	11
1.1. Маъмурий суднинг ҳал қилув қарорларига қўйилган талаблар	11
1.2. Маъмурий суднинг ҳал қилув қарорларини тузиш бўйича хатоликлар.....	11
1.2.1. Кириш қисмидаги хатоликлар.....	11
Иш рақами нотўғри кўрсатилган ёки умуман кўрсатилмаган ҳолатлар	11
Суд процессида қатнашган иштирокчилар тўлиқ кўрсатилмаган ҳолатлар.....	12
Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида талаб предмети тўлиқ кўрсатилмаган ҳолатлар.....	13
1.2.2. Баён қисмидаги хатоликлар.....	13
Арз талаби кўрсатилмаган ёки тўлиқ баён этилмаган ҳолатлар	13
Арз бўйича тушунтириш ва эътирозлар қисқача баён этилмаган ҳолатлар	14
Суд иштирокчиларининг тушунтиришлари баён ва асослантирувчи қисмларида такроран кўрсатилган ҳолатлар	14
1.2.3. Асослантирувчи қисмидаги хатоликлар	15
Суд аниқлаган ҳақиқий ҳолат баён этилмаган ҳолатлар.....	15
Суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосаларида асосланган далиллар кўрсатилмаган ҳолатлар	15
Суд у ёки бу далилларни қабул қилгани ёки рад қилганининг асоси кўрсатилмаган ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг важларини қабул қилингани ёки рад этилгани асослантирилмаган ҳолатлар.....	16
Олий суд Пленумининг ариза предметиға тааллуқли бўлмаган қарори қўлланган ҳолатлар	17
Ариза предметиға тааллуқли бўлмаган умумий қоидалар кўрсатилган ҳолатлар	18
1.2.4. Хулоса қисмидаги хатоликлар.....	20
Хулоса қисми аниқ ва тушунарли баён этилмаган ҳолатлар.....	20
Суд харажатларини тақсимлаш масаласи аниқ белгиланмаган ҳолатлар.....	21
Ҳал қилув қарори устидан кассация шикоят (протест) бериш муддати ва тартиби кўрсатилмаган ҳолатлар	22
1.3. Маъмурий суд қарорларини тузишда ўзбек тили ва юридик тил қоидаларини қўллаш бўйича хатоликлар.....	23
1.3.1. Юридик тил ва унинг талаблари	23
Юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (холислик) талаблари	27
Юридик тилнинг ўта (максимал) аниқлик талаби	28
Юридик тилнинг қисқалик, соддалик, лўндалик талаблари.....	31
Юридик тилнинг қолиплашганлик талаби.....	34
1.3.2. Услубий хатоликлар.....	38
Сўзни ортиқча қўллаш	41
Сўзни ноўрин қўллаш.....	42
Керакли сўзни қўлламаслик	44
Юридик иборани нотўғри қўллаш	45
1.3.3. Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар.....	46
Терминларни унификациялаш ва стандартлаш билан боғлиқ хатоликлар	48
Терминни ортиқча қўллаш	52
1.3.4. Грамматик хатоликлар.....	55
Гап тузишдаги хатоликлар.....	56
Келишиқ қўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар	59
Эғалиқ қўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар	61
1.3.5. Ишоравий хатоликлар.....	64
1.3.6. Имловий хатоликлар.....	71

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ	79
2.1. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорларига қўйилган талаблар.....	79
2.2. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини тузиш бўйича хатоликлар.....	80
2.2.1. Кириш қисмидаги хатоликлар.....	80
Иш рақами кўрсатилмаган ҳолатлар.....	80
2.2.2. Баён қисмидаги хатоликлар.....	82
Арз талабининг қисқа мазмуни кўрсатилмаган ҳолатлар.....	82
Кўшимча (қарши) даъво берилгани, талаб ўзгартирилгани, микдори камайтирилгани кўрсатилмаган ҳолатлар.....	83
Жавобгарнинг эътирозлари акс эттирилмаган ҳолатлар.....	84
2.2.3. Асослантирувчи қисмдаги хатоликлар.....	85
Суд аниқлаган ҳақиқий ҳолат баён этилмаган ҳолатлар.....	85
Суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосаларида асосланган далиллар кўрсатилмаган ҳолатлар.....	85
Суднинг у ёки бу далилларни қабул қилгани ёки рад қилганининг асоси кўрсатилмаган ҳолатлар.....	86
Ишда иштирок этувчи шахслар важдарининг қабул қилингани ёки рад этилгани асослантирилмаган ҳолатлар.....	87
Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари қўлланилмаган ва/ёки нотўғри қўлланган ҳолатлар.....	88
Олий суд Пленумининг низо предметиға тааллуқли бўлмаган қарори қўлланган ҳолатлар.....	88
2.2.4. Хулоса қисмидаги хатоликлар.....	89
Қандай қарор қабул қилингани аниқ ва тушунарли баён этилмаган ҳолатлар.....	89
Қарор ижросига қийинчилик туғдирадиган хулоса чиқарилган ҳолатлар.....	90
Суд харажатларини тақсимлаш масаласи ҳал қилинмаган ёки нотўғри ҳал қилинган ҳолатлар.....	90
Ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протест) бериш муддати ва тартиби кўрсатилмаган ҳолатлар.....	91
2.3. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини тузишда ўзбек тили ва юридик тил қоидаларини қўллаш бўйича хатоликлар.....	92
2.3.1. Юридик тил ва унинг талаблари.....	92
Юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (холислик) талаблари.....	95
Юридик тилнинг ўта (максимал) аниқлик талаби.....	97
Юридик тилнинг қолиплаганлик талаби.....	103
2.3.2. Услубий хатоликлар.....	106
Сўзни ортиқча қўллаш.....	107
Сўзни ноўрин қўллаш.....	108
Керакли сўзни қўлламаслик.....	110
Юридик иборани нотўғри қўллаш.....	111
2.3.3. Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар.....	112
Терминни ортиқча қўллаш.....	118
Керакли терминни қўлламаслик.....	119
Терминни нотўғри қўллаш.....	120
2.3.4. Грамматик хатоликлар.....	121
Гап тузишдаги хатоликлар.....	122
Келишиқ кўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар.....	124
Эгалиқ кўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар.....	126
Феъл нисбати кўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар.....	127
2.3.5. Ишоравий хатоликлар.....	129

Нуқта ва вергулни қўллашдаги хатоликлар.....	130
Тире ва чизиқча (дефис)ни қўллашдаги хатоликлар.....	131
Икки нуқта ва нуқтали вергулни қўллашдаги хатоликлар.....	133
Қўштирноқ ва қавсни қўллашдаги хатоликлар.....	135
2.3.6. Имловий хатоликлар.....	135
Бош ҳарфлар имлосидаги хатоликлар.....	137
“У” ва “Ў” ҳарфлар имлосидаги хатоликлар.....	139
“К” ва “Қ” ҳарфлар имлосидаги хатоликлар.....	140
“Х” ва “Ҳ” ҳарфлар имлосидаги хатоликлар.....	141

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини юксалтириш энг муҳим вазифалардан биридир. Шу боис 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш асосий вазифа сифатида белгиланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 13 июлда “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончли ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 12 мартда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Бу вазифаларни амалга оширишда суд ҳужжатлари лойиҳаларини юридик техника қоидаларига асосланган ҳолда, сифатли ишлаб чиқиш, уларни юридик тил талабларидан келиб чиққан ҳолда, мукамал даражада тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар аниқ ва тушунарли ишлаб чиқиши, улар ижрочилар томонидан турлича талқин қилинмаслиги мақсадга мувофиқ. Чунки суд қарорини турлича шарҳлаш унинг ижросига салбий таъсир қилади ва, шу билан бирга, ижронинг амалга оширилмаслигига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Улар ҳар томонлама мукамал даражада тузилсагина, ўз олдига қўйган мақсад ва вазифани бажара олади.

Шу нуқтаи назардан суд ҳужжати лойиҳаларини мукамал даражада ишлаб чиқиш суд ходимлари олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бироқ бу вазифа шундай мураккаб жараёнки, уни чуқур илмий-назарий жиҳатдан ўрганмасдан ҳамда юридик техника, юридик тил, юридик терминология, юрислингвистика оид билимларни ўзлаштирмасдан туриб, уни амалга ошириш анча мураккабдир. Шу боис суд ҳужжати лойиҳаларини саводхонлик билан тузиш ва тайёрлаш ишлари суд ходимларига маълум бир қийинчиликларни туғдиради, улардан маълум бир билим, малака ва амалий кўникмаларни талаб қилади.

Мазкур амалий қўлланмада маъмурий суд ва фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини тузишнинг амалий-методик асослари, юрислингвистик қоидалари ишлаб чиқилди. Айниқса, унда ҳозирги пайтда ҳал қилув қарорларини тузишга қўйиладиган асосий талаблар, уларнинг бу талабларга қанчалик жавоб бериши, бу соҳадаги хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур амалий қўлланманинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- » суд ходимларини судлов ҳужжатларини сифатли тузиш, тайёрлаш ва уни расмийлаштиришнинг асосий ташкилий-техник тушунчалари, қоидалари билан таништириш;
- » суд ходимларининг судлов ҳужжатларини сифатли тузиш, тайёрлаш ва уни расмийлаштиришда ўзбек адабий тилининг меъёр ва қоидаларидан моҳирона фойдалана олиш қобилиятини ривожлантириш;
- » судлов ҳужжатлари қабул қилингандан кейин уларнинг фуқаролар томонидан турлича шарҳланиши ва тушурилишига йўл қўймаслик учун суд ходимларининг ҳужжатларни ўта (максимал) аниқ, раво ва тушунарли ифодалаш малакасини ривожлантириш;
- » судлов ҳужжатларини илмий-амалий таҳлил қилиш, улардаги хато ва камчиликларни аниқлаш ва шундан келиб чиққан ҳолда, суд ходимлари учун судлов ҳужжатларини белгиланган талаблар асосида сифатли тузиш, тайёрлаш ва уни расмийлаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Амалий қўлланма Республика бўйича маъмурий суд ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2018 йилдаги аксарият ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижасида тайёрланган бўлиб, унда давлат тилида суд ҳужжатларини юритиш, бунда ўзбек тили ва юридик тил қоидаларига қатъий риоя қилишнинг илмий-амалий асослари ҳисобга олинди. Шундан келиб чиққан ҳолда, улар ҳам ҳуқуқий, ҳам лингвистик жиҳатдан илмий-назарий таҳлил қилинди ва уларни такомиллаштириш юзасидан муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Баҳолаш ҳуқуқшунос ва тилшунос экспертлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий судларнинг жами 1000 га яқин ҳал қилув қарорларини интерактив текшириш асосида амалга оширилди. Бунинг учун маълум бир баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Бу мезонларнинг ҳуқуқий ва илмий-амалий асосини Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси нормалари, ўзбек тилининг адабий тил меъёрлари, хусусан, 1956 йилда тасдиқланган кирилл ёзувига асосланган имло қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги 339-сонли қарори, шунингдек, юридик тил ва унга қўйиладиган талаблар ташкил этади. Бундан ташқари, баҳолаш мезонини ишлаб чиқишда шу соҳадаги энг муҳим дарсликлар, ўқув адабиётларига алоҳида эътибор қаратилди.

Суд ҳужжатларини баҳолаш махсус Excel дастури асосида амалга оширилди. Дастур қайси суд идораси қандай хатоликларга йўл қўйгани, уларнинг сони, асосий камчиликларини аниқ кўрсатиб берди. Ҳатто дастур судлов ҳужжатларининг сифатини таъминлашда қайси туман ёки вилоят судининг қанча хато ва камчиликлари мавжудлигини мониторинг қилиш имкониятига эга.

Мазкур амалий қўлланма бу соҳада илк амалга оширилаётган иш бўлгани сабабли унда мулоҳазали ўринлар бўлиши табиий бир ҳол, албатта. Муаллифлар бундай таклиф ва тавсияларни мамнуният билан қабул қилади ва бундай мулоҳазалар учун олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради.

МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ

1.1. Маъмурий суднинг ҳал қилув қарорларига қўйилган талаблар

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 154-моддасига асосан суд ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 158-моддасига мувофиқ суднинг ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида:

- ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг номи;
- суд таркиби, суд мажлиси котиби;
- иш рақами, ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва жой;
- талаб предмети;
- ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, уларнинг вакиллари ва суд процессининг бошқа иштирокчилари кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида ишда иштирок этувчи шахсларнинг арз талаблари ва эътирозлари, тушунтиришлари, аризалари ва илтимосномаларининг қисқача баёни бўлиши керак.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида:

- ишнинг суд томонидан аниқланган ҳақиқий ҳолатлари;
- суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосалари, асосланган далиллар;
- суднинг у ёки бу далилларни рад қилгани, ишда иштирок этувчи шахсларнинг важларини қабул қилгани ёки рад этганининг асослари;
- ҳал қилув қарорини қабул қилишда суд амал қилган қонун ҳужжатлари ҳамда суд ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлланмаганининг асослари кўрсатилиши керак.

Шунингдек, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларига ҳаволалар кўрсатилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида арз қилинган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ҳақидаги ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши керак.

Агар суд ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини белгилаган ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини қабул қилган бўлса, бу ҳақда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) муддати ва тартиби кўрсатилади.

1.2. Маъмурий суднинг ҳал қилув қарорларини тузиш бўйича хатоликлар

1.2.1. Кириш қисмидаги хатоликлар

Республика бўйича маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорларини ўрганиш жараёнида уларнинг кириш қисмига алоҳида эътибор қаратилди. Уларда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга мувофиқ киритилиши лозим бўлган маълумотларнинг тўлиқлиги текширилди ва бунда қуйидаги камчиликлар аниқланди:

Иш рақами нотўғри кўрсатилган ёки умуман кўрсатилмаган ҳолатлар


Бугунги кунда Республика судлари бўйича Маъмурий суд ишларини юритишда ягона электрон база жорий этилган бўлиб, унда ҳар бир маъмурий ишга иш юритувга олингандан бошлаб тегишли электрон рақам берилади. Масалан, 3-2202-1801/268 рақамли иш рақамида 3-маъмурий суд иш юритув рақами, 2202 рақамида 22 сони Хоразм вилоятига, 02 сони Урганч туманига тегишли, 1801 рақамида 18 сони 2018 йилда чиқарилган қарорни билдирса, 01 сони судьянинг коди бўлиб, охириги 268 сони маъмурий ишга берилган тартиб рақамини билдиради.

Аммо ўрганишлар шуни кўрсатдики, айрим суд қарорларида иш рақами нотўғри кўрсатилмоқда ёки уни умуман кўрсатмаслик ҳолатлари мавжуд.

Масалан, 2018 йил октябрь ойининг 3 кuni XXXX тумани маъмурий суди томонидан туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят бўйича юритилган маъмурий иш рақами ҳал қилув қароридан “2-49-2018-сонли маъмурий иш кўрилиб” деб кўрсатилган.

Аслида суд қароридан маъмурий иш сони “3-1704-1802/49-сонли” деб кўрсатилиши лозим эди.

Ҳал қилув қарорини тузишда иш рақамининг кўрсатилмагани ёки нотўғри кўрсатилгани жиддий хатолик ҳисобланади. Чунки бундай ҳолатда маъмурий иш тўғрисида электрон база орқали маълумот олиб бўлмайди. Бу эса судларда кўрилатган ишлар тўғрисида тузиладиган ҳисоботларнинг ҳаққонийлигига путур етказди.




Суд процессида қатнашган иштирокчилар тўлиқ кўрсатилмаган ҳолатлар

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 38-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар кўрсатилган. Унга кўра, “Тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар ўз зиммаларига юклатилган ваколатларга кўра ишда иштирок этувчи шахслардир”. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 158-моддаси талабига кўра, суд қарорининг кириш қисмида ишда иштирок этган шахслар тўлиқ кўрсатилиши лозим. Бироқ ўрганиш натижалари судлар томонидан қонуннинг ушбу талабларига тўлиқ риоя этилмаётганини кўрсатди.

Масалан, 2018 йил 4 май кuni XXXX тумани маъмурий судида кўриб чиқилган “ижро ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш ҳақида”ги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қароридан суд иштирокчилари сифатида “У.С.нинг раислигида, Б.Х.нинг котиблигида” деб кўрсатилган.

Лекин суд мажлисида иштирокчи сифатида қатнашган аризаши А.Г., жавобгар шахс Э.Т., учинчи шахслар А.А. ва Р.М. суд қарорининг кириш қисмида кўрсатилмаган.

Қонун талабига кўра, мазкур суд қарорининг кириш қисмида суд таркиби ва иштирокчилари кўрсатилганда “У.С.нинг раислигида, Х.Б.нинг котиблигида, аризаши А.Г., жавобгар шахс Э.Т., учинчи шахслар А.А. ва Р.М.лар иштирокида” деб ёзилиши лозим эди.




Хал қилув қарорининг кириш қисмида талаб предмети тўлиқ кўрсатилмаган ҳолатлар

Юқорида кўрсатилгандек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 158-моддасига мувофиқ суднинг хал қилув қарори кириш қисмида талаб предмети ҳам кўрсатилган бўлиши шарт. Бироқ айрим суд қарорларининг кириш қисмида кўрилган иш бўйича қўйилган талаб предмети кўрсатилмаган ёки тушунарсиз баён этилган.

Масалан, ХХХ тумани маъмурий судининг 2018 йил 11 декабрдаги маъмурий иш юзасидан чиқарилган хал қилув қарорининг кириш қисмида талаб предмети “ХХХ тумани ФХДЁ бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятни бўйича” деб кўрсатилган. Лекин суд қарорининг мазмуни қарор қисмига кўра, талаб предмети “ХХХХ тумани ФХДЁ бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш ва ўлим билан боғлиқ далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш” ҳақида бўлган.

Ушбу талаб предметининг тўғри, тўлиқ ёзилмагани суд қарорининг хулосасига нисбатан тушунарсиз ҳолатни юзага келтиради ва суд қарорини ўқиганда хал қилув қарорининг моҳиятини тушунишда чалғишга олиб келади. Шунинг учун суд қарорининг кириш қисмида аризачининг талаб предмети тўлиқ ва тўғри ёзилиши керак.



1.2.2. Баён қисмидаги хатоликлар

Арз талаби кўрсатилмаган ёки тўлиқ баён этилмаган ҳолатлар


Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 128-моддасида аризанинг мазмуни ва шаклига қўйилган талаблар кўрсатилган бўлиб, суд қарорининг баён қисмида арз қилинган талаблар ушбу модда талабларидан келиб чиқиб ёритилиши лозим. Унда арз қилинган талабларга асос бўлган ҳолатлар, арз қилинган талабларнинг асосларини тасдиқловчи далиллар, аризачининг қонун ҳужжатларига асослаб келтирган талаблари баён этилиши керак.

Лекин айрим суд қарорларининг баён қисмида арз талаби тўлиқ кўрсатилмаган. Масалан, ХХХХ тумани маъмурий судининг 2018 йил 11 декабрдаги маъмурий иш юзасидан чиқарилган хал қилув қарорининг баён қисмида арз талаби “ХХХХ тумани ФХДЁ бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятни аризаси билан мурожаат қилган” деб кўрсатилган бир вақтда, иш мазмунига кўра, арз талаби “аризачининг отасини фамилияси ўлим ҳақидаги гувоҳномасида нотўғри кўрсатилганлиги боис, ХХХХ тумани ФХДЁ бўлими мансабдор шахсларининг ўлим ҳақидаги далолатномага ўзгартириш киритишни рад этиш тўғрисидаги хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш ва ўлим билан боғлиқ далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш” ҳақида бўлган.

Суд эса ана шу арз талабларидан келиб чиқиб, иш бўйича тўпланган далилларга баҳо бериши ва қарор қабул қилиши лозим бўлади.

Яна бир мисол, ХХХХ тумани маъмурий суди томонидан чиқарилган хал қилув қарорининг баён қисми аризачининг тушунтиришларини баён этишдан бошланиб, арз талаблари ҳақида умуман ёзилмаган.

1.2.4-жадвал




Арс бўйича тушунтириш ва эътирозлар қисқача баён этилмаган ҳолатлар

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 158-моддасига асосан суд қарорининг баён қисмида ишда иштирок этувчи шахсларнинг эътирозлари, тушунтиришлари, аризалари ва илтимосномаларининг қисқача баёни бўлиши керак.

Лекин барча суд қарорларида ҳам бунга эътибор қаратилмаган. Айрим суд қарорларида иштирокчиларнинг тушунтиришлари ҳам жихатдан ҳал қилув қарорининг асосий қисмини ташкил этиб, суд қарорининг сифатсиз ёзилганидан далолат беради.

Шунинг учун суд қарорида ишда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари, эътирозларидаги арз талабига доир, иш ҳолатларига боғлиқ бўлган қисми қисқа ва тушунарли баён этилиши лозим.

1.2.5-жадвал




Суд иштирокчиларининг тушунтиришлари баён ва асослантувчи қисмларида такроран кўрсатилган ҳолатлар

Ўрганган суд қарорларида иштирокчиларнинг тушунтиришлари бир неча бор такрорланган ҳолатлар учрайди. Масалан, XXXX тумани маъмурий суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорида аризагининг баён қисмидаги тушунтиришлари асослантувчи қисмида ҳам такроран баён этилган.

Яна бир мисол XXXX тумани маъмурий суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорида аризагининг арз талабларини қаноатлантиришни сўраб берган тушунтиришлари ҳал қилув қарорининг баён ва асослантувчи қисмларида 3 мартаба такроран кўчириб ёзилган.

1.2.6-жадвал



Бундай ҳолатлар суд қарорларини эътиборсизлик билан сифатсиз ёзилганини кўрсатиб, одил судловнинг обрўсига путур етказди.

1.2.3. Асослантирувчи қисмдаги хатоликлар


Суд аниқлаган ҳақиқий ҳолат баён этилмаган ҳолатлар

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 158-моддаси мазмунига кўра, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмини ёритишда дастлаб суднинг иш юзасидан аниқлаган ҳақиқий ҳолати баён этилади ва шундан кейин аниқланган ҳолат қайси далиллар билан асослантирилиши кетма-кетликда ёзиб борилиши керак.

Лекин айрим суд қарорларида суд иши юзасидан аниқлаган ҳақиқий ҳолат баён этилмасдан, арз талабини қаноатлантиришга ёки уни рад этишга доир далиллар баён этиб борилган.

Масалан, ХХХХ тумани маъмурий судининг аризачи Р.М.нинг аризаси бўйича кўрилган маъмурий иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд аниқлаган ҳақиқий ҳолат баён этилмасдан, ҳолат юзасидан аниқланган далиллар, тегишли қонун нормалари кўрсатиб ёзилган.

Бу эса ҳал қилув қарорида келтирилган далиллар қайси низоли муносабатга аниқлик киритишини аниқ ифодаламайди.




Суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосаларида асосланган далиллар кўрсатилмаган ҳолатлар

ХХХХ тумани маъмурий судининг ҳал қилув қарорига кўра, суд аризачи Т.Н.нинг аризаси бўйича ҳокимият мансабдор шахсларига нисбатан уларнинг ҳаракатларини ғайриқонунийлиги ва аризачига уй-жойга эгалик бериш мажбуриятини ҳокимлик зиммасига юклаш лозимлиги тўғрисида хулосага келиб, қарорнинг асослантирувчи қисмида суднинг бу хулосаси қандай далиллар ёки қонун нормалари билан исботланиши баён этилмаган.

Яна бир мисол, ХХХХ тумани маъмурий судининг ҳал қилув қарорига кўра, аризачи Б.Б.нинг аризаси юзасидан кўрилган маъмурий иш бўйича чиқарилган суд қарорида ҳам кузатиш мумкин.

Амалдаги қонунларга кўра, суд қарорларини апелляция, кассация ёки назорат тартибида ўрганишда, суд қарорларига қўйилган талаблардан бири, яъни суд хулосасининг асослантирилганлик ҳолати ўрганилади. Қонуннинг ушбу талабининг бажарилмагани келгусида суд қарорларининг бекор бўлишига сабаб бўлади.



Суд у ёки бу далилларни қабул қилгани ёки рад қилганининг асоси кўрсатилмаган ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг важларини қабул қилингани ёки рад этилгани асослантилмаган ҳолатлар

Исботлаш мажбурияти

67-модда

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслар ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилади. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт.

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўзининг арз қилинган талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган далилларни ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдида, агар ушбу Кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, суд мажлиси бошлангунига қадар ёки суд белгилаган муддат доирасида очиб бериши керак.

Ишда иштирок этувчи шахслар фақат ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдиндан таништирилган далилларга асосланишга ҳақли.

Агар тараф суд томонидан талаб этилаётган далилни ўзида ушлаб турган ва суд сўрови билан белгиланган муддатда уни тақдим этмаётган бўлса, ундаги маълумотлар шу тараф манфаатларига қарши қаратилган деб фараз қилинади ва у томонидан тан олинган деб ҳисобланади.

Ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғида ҳал этиладиган масалалар

156-модда 1-қисм

- 1) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз талаблари ва эътирозларини асослантилариш учун келтирган далиллари ва эътирозларига баҳо беради;
- 2) иш учун аҳамиятга эга бўлган қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;
- 3) ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қилади;
- 4) ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини аниқлайди;
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини белгилайди;
- 6) талабни қаноатлантириш лозимлигини ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг ушбу талабларидан келиб чиқиб, суд ҳал қилув қароридан тарафлар томонидан келтирилган **у ёки бу далиллар рад қилинганини, ишда иштирок этувчи шахсларнинг важлари қабул қилингани ёки рад этилганини асослантилариши лозим.**

Лекин айрим суд қарорларида аризачининг ёки судда иштирок этувчи бошқа тараф томонидан келтирилган далиллар, важлар ёки эътирозлар суд қароридида муҳокама қилинмагани, улар далил сифатида қабул қилингани ёхуд рад этилгани асослантилмаган ҳолатлари мавжуд.

Масалан, XXXX тумани маъмурий суди ҳал қилув қароридида судга мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинган “XXX” фермер хўжалиги вакили Т.С. “собиқ “XXX” фермер хўжалигига қарашли бўлган ер майдонлари туман захирасига қайтариб олинганидан сўнг, ушбу ер майдони 13.03.2018 йил кунги ўтказилган тендер асосида унга бириктириб берилганлиги” тўғрисида важ келтирган.

Суд қарори мазмунига кўра, айнан ана шу ер майдони томонлар ўртасидаги низога сабаб бўлган бўлса-да, суд ўз қароридида Т.С. томонидан келтирилган важни муҳокама қилмасдан қарор қабул қилган.

Яна бир мисол, XXXX тумани маъмурий судининг туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоятни бўйича маъмурий иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қароридида аризачининг XXXX тумани ҳокимининг 2017 йил 21 сентябрдаги 0102-сонли қарорига асосан унинг розилигисиз туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида тузилган ер ижара шартномаси муддатидан олдин ноқонуний равишда бекор қилинганлигини оқибатида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари бузилганлиги” тўғрисидаги важлари ҳам суд қароридида муҳокама қилинмасдан, қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 67-моддаси талабларига риоя этмаслик судлар томонидан нотўғри, адолатсиз қарор қабул қилинишига олиб келмоқда.

1.2.9-жадвал



Олий суд Пленумининг ариза предметида тааллуқли бўлмаган қарори қўлланган ҳолатлар

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 158-моддасига кўра, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларига ҳаволалар кўрсатилиши мумкин. Бу ҳаволалар айнан маъмурий ишда муҳокама қилинаётган арз талаби билан унинг тўғри ечимига доир Пленум қарорининг тушунтиришлари бўлиши мумкин. Судлар томонидан қонуннинг ушбу талабини нотўғри талқин қилиш ва суд қароридида Олий суд Пленуми қароридан ҳаволалар бўлиши шарт деган хулосага келиб, арз талабига тааллуқли бўлмаган Пленум қарорларидан ҳаволалар келтириш суд қарорининг сифатини бузади ва суд қароридан фойдаланишда ёки ўқувчида тушунарсиз вазиятни вужудга келтиради.

Масалан, XXXX тумани маъмурий суди томонидан чиқарилган суд қароридида аризачининг талаби ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида бўлса-да, суд қароридида Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 31 майдаги қароридан куйидаги ҳавола келтирилган: “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 3-бандига кўра “Маъмурий судга маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, низолар бўйича ишлар, жумладан,


маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар тааллуқли”.

Ваҳоланки, суд қароридан кўринишича, судда мазкур ариза маъмурий суд иш юритувига тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги тўғрисида суд иштирокчиларидан ҳеч ким эътироз билдирмаган ва бундай масала муҳокама қилинмаган.

Ёки ХХХХ тумани маъмурий судининг аризачи Ю.М.нинг мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги маъмурий иш юзасидан чиқарилган суд қароридан ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги қароридан қуйидаги ҳавола келтирилган: “Ер кодексининг татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисидаги 3-сонли қарорининг 3-бандига кўра, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги фуқароларнинг ҳуқуқларини бузувчи хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар ва ерга оид ҳуқуқий муносабатлар юзасидан келиб чиққан низолар судларга тааллуқлидир”.

Суд қарори мазмунига кўра, аризачи томонидан туман ҳокимининг хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топиш тўғрисида ариза берилган ва шу ариза муҳокамаси доирасида далиллар муҳокама қилинган бир пайтда, ушбу Пленум қароридан келтирилган ҳаволага қандай эҳтиёж борлиги тушунарсиз бўлиб қолган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 133-моддасининг 1-қисмига асосан, суд ишни маъмурий судга тааллуқлилик масаласини аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилишни рад этиш масаласини ҳал қилиш чоғида кўриб чиқади.



Ариза предметиға тааллуқли бўлмаган умумий қоидалар кўрсатилган ҳолатлар

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 156-моддаси 1-қисми 4-бандига мувофиқ суд ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини аниқлайди. Яъни суд ҳал қилув қарори чиқаришда иш юзасидан тўпланган далилларни моддий ҳуқуқ нормаларига таянган ҳолда ва унинг талабларидан келиб чиқиб баҳолайди, шунингдек, лозим бўлса, ушбу қонун нормаларидан кўчирмани суд қароридан келтириши мумкин.

Лекин суд қароридан иш учун аҳамиятга эга бўлмаган қонун нормаларини кўчириб ёзиш, суд қарорининг ҳажминини бундай қонун нормалари билан тўлдириш суд иштирокчиларида ишнинг моҳиятини, нима сабабдан ушбу қонун нормаси қўлланганини англашни қийинлаштиради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 220-моддасига асосан юқори инстанция судлари томонидан суд қарорининг бекор бўлишига олиб келади.

Бу эса, ўз навбатида, суд қарорларини вақтида ижро қилиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклаш имкониятидан маҳрум қилади.

Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;
- 2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- 3) ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;
- 4) моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши қуйидагилардан иборат:

- 1) қўлланилиши лозим бўлган қонуннинг ёки бошқа қонун ҳужжатининг қўлланилмаганлиги;
- 2) қўлланилиши мумкин бўлмаган қонуннинг ёки бошқа қонун ҳужжатининг қўлланилганлиги;
- 3) қонуннинг ёки бошқа қонун ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги.

Масалан, XXXX тумани маъмурий судининг узоқ муддатга ижарага берилган ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги маъмурий иши бўйича чиқарилган суд қарорининг асослантирувчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддаси қуйидагича тўлиқ кўчириб ёзилган:

“Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддасига биноан, ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Ер участкасини шартнома асосида қуйидагилар ижарага берадилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига – туман ва шаҳар ҳокимлари;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички хўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкин.

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳада, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўзининг ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишига ҳақлидир.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Ижарачи ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуққа эга.

Ер участкаларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва унинг миқдори ижара шартномасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”.

Иш мазмунига кўра, ариза предмети ижарага берилган ер майдонини захирага қайтариб олиш ҳақидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида бўлган бир вақтда, ер участкаларини ким томонидан ижарага берилишини тартибга солувчи қонун нормасининг суд қароридан кўчириб ёзилгани суд қарорининг сифатини бузади ва ишнинг моҳиятидан чалғитади.

1.2.11-жадвал

Ариза предметиға тааллуқли бўлмаган умумий қоидалар кўрсатилган ҳолатлар	
6	Қорақалпоғистон Республикаси
16	Андижон
1	Бухоро
2	Жиззах
2	Қашқадарё
0	Навоий
0	Наманган
2	Самарқанд
2	Сурхондарё
4	Сирдарё
2	Фарғона
2	Хоразм
13	Тошкент вилояти
1	Тошкент шаҳар
ЖАМИ: 53	

1.2.4. Хулоса қисмидаги хатоликлар

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми аниқ, тушунарли бўлиши шарт. Унда арз қилинган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ҳақидаги ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар, ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби тушунарли тарзда ёзилган бўлиши керак.

Бундан ташқари, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши лозим.

Бироқ суд қарорларини ўрганиш чоғида ҳал қилув қарорининг хулоса қисми тушунарсиз ёзилган ҳолатлар, суд харажатлари тақсимланмагани ҳолатлари, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) муддати ва тартиби нотўғри кўрсатилган ҳолатлар аниқланди.

Хулоса қисми аниқ ва тушунарли баён этилмаган ҳолатлар

Масалан, ХХХХ тумани маъмурий суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида арз талабини рад этишга доир қисми куйидагича баён қилинган: “*Фуқаро К. З. З.ни мансабдор шахс ХХХХ тумани ҳокимлигининг хатти-ҳаракатлари устидан келтирган шикоят аризаси рад қилинсин*”. Ушбу ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини ўқиган шахс аризачи томонидан туман ҳокимлигининг қандай ёки қайси хатти-ҳаракатлари устидан келтирган шикоят аризаси рад қилинганини тушуниши мушкул. Шу сабабли ушбу ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини аниқ ва тушунарли ёзилган деб бўлмайди.

Суд қарорига кўра, аризачи туман ҳокимининг бинони нотурар жой тоифасидан турар жой тоифасига ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилмасликдан иборат хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топишни сўраган. Шунинг учун ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида “*Фуқаро К. З. З.ни ХХХХ тумани ҳокимининг туман “Х.Х.Х” бригадасида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш биносини нотурар жой тоифасидан турар жой тоифасига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилмасликдан иборат хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топиш тўғрисида келтирган аризаси рад қилинсин*” деб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ эди.

Худди шунингдек, XXXX тумани маъмурий суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қуйидагича баён этилган: “Аризачи С.М.В. томонидан жавобгар ХХХ тумани ҳокими қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси қисман қаноатлантириш рад этилсин”.

Мазкур суд қарорини ўқиган шахсда ҳам бир қанча саволлар туғилиши табиий. Шунинг учун бу тоифадаги маъмурий ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида аризачининг тўлиқ исм-шарифидан ташқари маъмурий органнинг тўлиқ номи, аризага кўра, рад қилинган ёки қаноатлантирилиб, ғайриқонуний деб топилган мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати, аризада келтирилган маъмурий орган қарорининг номи, чиқарилган санаси, мансабдор шахсга юклатилган мажбуриятнинг нимадан иборатлиги аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

1.2.12-жадвал		
6	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 13
2	Андижон	Сурхондарё 11
14	Бухоро	Сирдарё 6
9	Жиззах	Фарғона 31
0	Қашқадарё	Хоразм 9
4	Навоий	Тошкент вилояти 12
10	Наманган	Тошкент шаҳар 6
Хулоса қисми тушунарли баён этилмаган ҳолатлар ЖАМИ: 133		

Суд харажатларини тақсимлаш масаласи аниқ белгиланмаган ҳолатлар

Суд харажатларининг тақсимланиши

115-модда

Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган талаблар миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам, ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади.

Аризачи тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган талаблар миқдорига мутаносиб равишда жавобгадан Республика бюджети даромадига ундирилади.

Аризачининг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилса, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб ариза тақдим этилган шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.


Ишда иштирок этувчи шахслар суд харажатларини тақсимлаш тўғрисида келишиб олса, суд ушбу келишувга мувофиқ ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация, назорат шикояти бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 115-моддаси талабларидан келиб чиқиб, суд харажатларини тақсимлаши шарт. Бироқ суд қарорларини ўрганиш чоғида қонуннинг ушбу талабига риоя этилмагани ҳолатлари аниқланди.

Қонуннинг ушбу талабларига риоя этмаслик, суд иштирокчилари томонидан апелляция, кассация, назорат шикоятни бериш чоғида тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдорини аниқлашда турли ноаниқликларни вужудга келтиради.

Бундай вазиятда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 162-моддасига мувофиқ қўшимча ҳал қилув қарори чиқарилиши талаб этилади.



Ҳал қилув қарори устидан кассация шикоятни (протест) бериш муддати ва тартиби кўрсатилмаган ҳолатлар

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 39-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга.

Ишда иштирок этувчи шахслар ушбу ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишлари учун ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида мазкур қарор устидан шикоят бериш тартиби, муддатлари аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Ўрганилган суд қарорларининг барчасида ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) тартиби, муддати кўрсатилган бўлса-да, аксарият ҳал қилув қарорларида кассация тартибида шикоят бериш (протест келтириш) тартиби тушунтирилмаган.

Масалан, XXXX тумани маъмурий суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шикоят бериш (протест келтириш) тартиби қуйидагича кўрсатилган: *“Ҳал қилув қароридан норози тарафлар 20 (йигирма кун) муддат ичида шу суд орқали XXXX вилояти маъмурий судига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақли”*.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 227-моддасига мувофиқ кассация шикоятни (протести) суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин.

Шунинг учун ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шикоят бериш (протест келтириш) тартиби қуйидагича кўрсатилса, тўғри бўлади: *“Ҳал қилув қароридан норози тарафлар 20 (йигирма) кун муддат ичида апелляция тартибида, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин 1 (бир) ой ичида кассация тартибида шу суд орқали XXXX вилояти маъмурий судига шикоят бериши, прокурор протест келтириш ҳуқуқига эга”*.

Суд қарорларида кассация тартибида шикоят бериш (протест келтириш) тартибининг аниқ кўрсатилмагани ёки нотўғри кўрсатилгани тарафларнинг суд қарорларига нисбатан кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланиш имкониятини чеклайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 227-моддаси 2-қисмига кўра, кассация шикоятни (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилган ва кассация шикоятни (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

1.2.14-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси		Самарқанд	31
9	Андижон	Сурхондарё	31
46	Бухоро	Сирдарё	39
32	Жиззах	Фарғона	57
29	Қашқадарё	Хоразм	22
22	Навоий	Тошкент вилояти	52
21	Наманган	Тошкент шаҳар	34
30	ЖАМИ: 455		

Ҳал қилув қарори
устидан кассация шикоят
протест бериш муддати ва
тартиби кўрсатилмаган
ҳолатлар

ЖАМИ: 455

1.3. Маъмурий суд қарорларини тузишда ўзбек тили ва юридик тил қоидаларини қўллаш бўйича хатоликлар

1.3.1. Юридик тил ва унинг талаблари

Ҳар қандай расмий ҳужжатни мукамал даражада тузишнинг асосий шarti – умумдабий тил қоидалари билан бирга юридик тил ва унга қўйиладиган талабларни билиш ва уни амалиётда тўғри қўллаш ҳисобланади.

Тил жамиятдаги ҳамма масалалар бўйича инсонларнинг ўзаро муомала воситаси бўлса, юридик тил эса унинг муҳим бир таркибий қисми сифатида ижтимоий ҳаётнинг қонун, суд-ҳуқуқ соҳасида қўлланади. Шунга кўра, юристлар учун юридик тил фавқулодда муҳим аҳамиятга эга.

Хўш, шундай экан, юридик тил аслида нима?

“Юридик тил” термини алоҳида бир миллат тили тушунчасини англатмайди. У “юридик тил” деб номланса-да, давлат тили ва миллий адабий тилнинг ажралмас бир таркибий қисми ҳисобланади. Буни қуйидаги жадвалда янада яққолроқ кўриш мумкин.

1.3.1-расм



Кўринадики, юридик тил давлат тилининг фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан маълум бир нормага солинган ёзма адабий тили асосида иш кўради.

Шундай қилиб, **суд-ҳуқуқ соҳасида ишлатиладиган барча тил бирликларининг (нутқ товуши, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап) мажмуи юридик тил деб аталади.**

Юридик тил, биринчи навбатда, давлатнинг ўз фуқаролари билан “гаплашадиган” тили. У юридик тил орқали ўз амрини инсонларга етказди.

Юридик тил учун энг муҳими бирор хатти-ҳаракатни тақиқлаш ёки мумкинлигини билдириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилашдир. Содда қилиб айтганда, юридик тил фуқароларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ва юриш-туришларини қонуний асосда юритишлари учун давлат ва фуқаролар ўртасида “кўприк” вазифасини ўтайди.

Умуман, юридик тил қуйидаги мақсад ва вазифалар учун хизмат қилади:

ЮРИДИК ТИЛ

- Давлатнинг ўз фуқаролари билан “гаплашадиган” тили.
- Давлат юридик тил орқали ўз амрини барча фуқароларга етказди.
- Бирор хатти-ҳаракатни тақиқлайди ёки мумкинлигини билдиради.
- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.
- Давлат ва фуқаролар ўртасида “кўприк” вазифасини бажаради.

1.3.2-расм

Ўз навбатида, “юридик тил” термини ҳам умумий тушунча бўлиб, ҳуқуқнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, бир қанча ички турларга бўлинади.

ЮРИДИК ТИЛНИНГ ТУРЛАРИ

- | | |
|-------------------|---------------------------------|
| 1) қонун тили; | 5) юрист-педагог тили; |
| 2) судья тили; | 6) ҳуқуқшунос-журналист тили; |
| 3) прокурор тили; | 7) ҳуқуқшунос-тадқиқотчи нутқи. |
| 4) адвокат тили; | |

1.3.3-расм

Юридик тилнинг мазкур барча турлари умумий асосга эга ва бир хил тоифага мансуб бўлса ҳам, барибир бир-биридан мазмунан фарқ қилади. Масалан, публицист тили ёки адвокат тили кўплаб адабий образлар, истиоралар, қиёслашлар, мисоллар ва бошқалардан фойдалангани туфайли катта ҳиссиёт ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Судья, ҳуқуқшунос-олим ёки қонун чиқарувчиларнинг тиллари эса бошқача характерга эга бўлади. Булар орасида қонун чиқарувчилар тили расмий давлат юридик тили ҳисоблангани учун алоҳида ўрин эгаллайди¹.

Ҳақиқатан ҳам, қонун тили юридик тилнинг ўзаги, туб “маъзи” ҳисобланади ва юридик тилнинг барча кўринишлари учун энг муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Умуман, “юридик тил” термини шу маънодаки, унда ҳуқуқшуноснинг ўз фикрини ва ҳуқуқий нормаларни ифодалашда юқоридаги тил бирликлари мажмуи: товуш, кўшимча, сўз, термин, сўз бирикмаси ва гаплардан қандай фойдаланиши тушунилади. Шу маънода уни ҳуқуқшуноснинг ёзма сўз санъати деб аташ ҳам мумкин.

Ҳуқуқшунос кўпинча инсон тақдирини ҳал этади, буни ҳужжатлар воситасида расмийлаштиради. У бу ҳужжатни тузаётган пайтда юридик тилдан усталик билан фойдаланган ҳолда, ҳар жиҳатдан мукамал, аниқ ва равон ифодаланган матнни яратиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, талабга тўла жавоб бермайдиган, аниқ ифодаланмаган, бошқалар томонидан тушунилиши оғир бўлган матнни шакллантириши ҳам мумкин. Ҳужжат ҳар хил тушунилгандан кейин унинг ижроси ҳам ҳар хил бўлади, амалиётда бир қанча қийинчиликларга, ҳатто ижро этилмаслигига ҳам олиб келади.

Шунинг учун юридик тилда оддий, арзимас нарсанинг ўзи йўқ. Айниқса, суд ҳужжатларининг тилида ўрни келганда, оддий бир вергул ҳам фикрни бутунлай ўзгартириб юборади. Жумладан, тарихда “*Ўлим, йўқ шафқат. Ўлим йўқ, шафқат*” дейилиши натижасида, яъни битта вергулнинг ҳар хил жойда ишлатилиши оқибатида бир инсон қатл этилган ёки унинг ҳаёти сақлаб қолинган.

Албатта, бу мисол тарихий даврга оид, лекин бугунги кунда бундай ҳолат учрамайди деб бўлмайди. Ҳозирда ҳам юридик ҳужжатларда юқоридагига ўхшаш ҳолатлар жуда кўп учрайди. Масалан, баъзан айрим юридик ҳужжатларда “*энг кам таъминланган ёш болали оилаларга ёрдам пули ажратилсин*” жумласи “*энг кам таъминланган, ёш болали оилаларга ёрдам пули ажратилсин*” тарзида берилади ёки аксинча. Ҳужжат тузаётган мутахассис юқоридаги ҳар икки гапни бир хил мазмунга эга деб ўйлайди. Аслида эса бу юридик ва молиявий жиҳатдан жуда катта хатоликка олиб келади.

¹ Саидов А., Саркисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. –Т.:Адолат,1994. –5-б.

“Энг кам таъминланган ёш болали оилаларга ёрдам пули ажратилсин” дейилганда, фақат бир тоифадаги, яъни энг кам таъминланган ёш болали оила тушунилади. “Энг кам таъминланган, ёш болали оилаларга ёрдам пули ажратилсин” дейилганда эса икки тоифадаги, яъни ҳам энг кам таъминланган оилалар, ҳам ёш болали оилалар тушунилади.

Шунга кўра, суд ҳужжатларини тўғри тузиш ҳам бир санъат ҳисобланади. Бу санъатни тўла эгаллаш ҳуқуқшуносдан маълум бир билим ва малакани тақозо этади. Айниқса, юридик тил, унинг ўзига хос белгиларини билиш ҳужжат тузишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу белгиларни қуйидаги жадвалда яққолроқ кўриш мумкин:



Ўз навбатида, бу белгилар юридик тилга қўйиладиган талаблар ҳам ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, маъмурий суд ҳужжатлари тилига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар қандай ҳал қилув қарори матни расмий, қатъий ва, ўз навбатида, нейтрал ифодаланган бўлиши керак, унда услубий бўёқдорликка йўл қўйилмаслиги лозим;

2. Ҳал қилув қарори матни энг юқори даражада (максимал) аниқ ифодаланиши керак, унинг тилидаги ҳар бир сўз фақат биргина маънони бериши, унда кўп маъноли сўзлар, синоним ва омонимлар ишлатилмаслиги лозим;

3. Ҳал қилув қарори матнини тузишда мумкин қадар кўпчилик тушунадиган сўз ва терминлардан кенг фойдаланиш лозим. Бунда терминларни тўғри қўллаш билишга, сўз ва терминлар синонимияси, омонимияси ва полисемиясига йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериш керак;

4. Ҳал қилув қарори матни шу тилнинг фонетик, лексик ва грамматик қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, мумкин қадар қисқа, содда ва лўнда бўлиши зарур;

5. Ҳал қилув қароридан ифодаланаётган фикрлар мантиқий кетма-кетлик асосида изчил баён этилиши, мазмунан тўлиқ бўлиши лозим;

6. Юридик тилнинг қолиплашганлик белгисидан келиб чиққан ҳолда, ҳал қилув қароридан акс эттирилаётган фикрларни мумкин қадар олдиндан мавжуд бўлган (қолиплашган) маълум бир грамматик конструкциялар асосида ифодалаш тамойилига амал қилиш керак;

7. Ҳал қилув қарори матни фақат ҳуқуқшунос мутахассислар яхши тушуниши нуқтаи назаридан эмас, балки барча фуқароларнинг идрок этиши имконидан келиб чиқиб тузилиши зарур.

Маъмурий суд ҳал қилув қарорини бу талаблар асосида мукамал тузиш ҳуқуқшуносдан катта билим ва салоҳиятни тақозо қилади. Шу боис суд ҳужжатларини тузувчи мутахассис бу талабларнинг мазмун ва моҳияти ҳамда уни амалга ошириш усулларини мукамал ўзлаштирган бўлиши лозим.

Республика бўйича маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда ўзбек тили ва юридик тил қоидаларини қўллаш юзасидан жуда кўп хатоликлар мавжуд. Буни қуйидаги жадвалда яққол кўриш мумкин:

т/р	Вилоят	Имловий хатоликлар	Ишоравий хатоликлар	Грамматик хатоликлар	Услубий хатоликлар	Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар	Юридик тил талаблари	Қарорнинг композицион тузилишидаги хатоликлар	Бошқа хатоликлар	ЖАМИ
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	264	224	180	130	27	11	10	0	846
2.	Андижон	299	245	327	213	174	69	32	0	1359
3.	Бухоро	292	387	250	208	90	8	28	0	1263
4.	Жиззах	200	191	238	66	89	65	24	0	873
5.	Қашқадарё	261	344	382	221	69	14	27	0	1318
6.	Навоий	398	283	131	125	28	91	51	0	1107
7.	Наманган	316	405	456	214	77	36	25	1	1530
8.	Самарқанд	456	388	334	150	92	41	27	0	1488
9.	Сурхондарё	192	457	439	187	164	94	31	1	1565
10.	Сирдарё	365	254	381	194	69	44	24	0	1331
11.	Фарғона	231	140	389	172	25	77	10	0	1044
12.	Хоразм	317	329	236	98	118	66	28	0	1192
13.	Тошкент вилояти	415	316	294	202	72	57	6	0	1362
14.	Тошкент шаҳар	657	489	288	89	184	64	22	0	1793
	ЖАМИ:	4663	4452	4325	2269	1278	737	345	2	18071

1.3.1-жадвал

Жадвалдан кўринадик, маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари имловий, ишоравий, грамматик, услубий, юридик терминларни тўғри қўллаш, юридик тил талаблари, композицион тузилиши нуқтаи назардан ўрганилганда жами 18071 та хатолик мавжуд экани аниқланди. Айниқса, бу кўрсаткич Тошкент шаҳри (1793), Сурхондарё вилояти (1565), Самарқанд вилояти (1488) маъмурий суд ҳал қилув қарорларида жуда ҳам юқори.

Республика бўйича маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорларидаги бундай хатоликлар асосан ўзбек тилининг имловий (4663), ишоравий (4452), грамматик (4325) қоидаларига риоя қилинмаганида кўринадик².

Шу билан бирга, юридик тил ва унинг талабларига риоя қилинмаётган ҳолатлар ҳам жуда кўп учрайди. Юқоридаги жадвалдан кўринадик, Республика бўйича маъмурий суднинг ҳал қилув қарорларида 737 та ҳолатда юридик тил, 1278 та ҳолатда юридик терминларни тўғри қўллаш талабларига риоя қилинмаган.

Бинобарин, маъмурий суд ҳал қилув қарорини юқоридаги талаблар асосида тузиш қуйидаги масалаларни ҳал этиш имконини беради:

1. Маъмурий суд ҳужжатларини амалиётда қўллаш иши осонлашади;
2. Маъмурий суд ҳужжатлари сифат жиҳатидан такомиллашади;
3. Маъмурий суд ҳужжатлари ўта аниқ, раво ва тушунарли тузилади;
4. Маъмурий суд ҳужжатларини турлича шарҳлашнинг олди олинади;
5. Маъмурий суд ҳужжатларида ифодаланаётган ҳуқуқий фикрларнинг мантиқий изчиллигига эришилади ва ўзаро алоқадорлиги таъминланади;
6. Миллий юридик терминология унификация ва стандартизация қилинади;
7. Мамлакатда ижтимоий адолат ўрнатилади, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожланади.

Демак, бу фикрлардан кўринадик, суд ҳужжатларини тузиш техникаси юксак даражада ривожланган мамлакатда қонун устуворлиги ҳам таъминланади.

² Бу ҳақда кейинги мавзуларда алоҳида фикр юритамиз.

Шу боис ҳар қандай ҳужжат тили расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (холислик), ўта аниқлилик, қисқалик ва соддалик, қолиплашганлик, мантикий изчиллик каби юрислингвистик талабларга тўла жавоб бериши лозим.

Юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (холислик) талаблари

Юридик тил адабий тилнинг муҳим функционал услуби сифатида ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Шундай талаблардан энг асосийси – **расмийлик, қатъийлик ва нейтраллик.**

Юридик тил, аввало, давлат томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатнинг тили. У айрим шахсларнинг хоҳиш-истакларини ифодаламасдан, балки шу жамиятдаги барча фуқароларнинг орзу, ният ва интилишларини акс эттиради. Қонунни айрим шахслар томонидан ўзгартириб бўлмагани сингари, юридик тилни ҳам ўзбошимчалик билан ўзгартириб бўлмайди. У давлатнинг амри асосида иш кўради. Одат тусига айланган ва олдиндан мавжуд бўлган услуб, тил шакллари, лексик-грамматик қолиплар асосида иш кўради. Шунга кўра, юридик тил, биринчи навбатда, **расмийлик белгисига** эга бўлади.

Юридик тил кишиларнинг хулқ-атворини бошқарадиган восита бўлиб, бадий ва публицистик нутқлар сингари кишиларнинг ҳис-туйғуларига эмас, балки ақл-идрокига мурожаат этади. Бадий, публицистик матнларни ёзувчи ўзи истаганча тузиши мумкин. Бадий нутқнинг олдида қўйиладиган вазифа ҳаётни бадийлаштириб, умумлаштириб ифодалашдан иборат. Бунинг учун ёзувчи ўзи хоҳлаган тарзда воқеаларни акс эттириши, турли сўз, ибора, мақол, матал ва топишмоқларни ишлатиши, турли маъно товланишларидан – ўхшатиш, метафора, синекдоха, литота, аллегория, жонлантириш, гипербола ва сўз ўйинларидан фойдаланиши мумкин.

Юридик тил эса нутқнинг турли кўринишларидан тубдан фарқ қилади. У инсоннинг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, руҳий ҳолатини акс эттирмайди, илмий тушунчаларни ифодаламайди. Шунинг учун ҳам бадий услубга хос услубий кучли, ҳиссий буюқдор сўзлар: *мактуб, тузук, ораз, жамол, васф, сулув* каби сўзлар ишлатилмасдан, фақатгина услубий жиҳатдан нейтрал сўзлар ва терминлар қўлланади. Шунинг учун ҳам юридик тилга қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири **нейтраллик (холислик)**дир.

Юридик матн, аввало, давлат ёки юридик шахс томонидан қабул қилинган расмий ҳужжат. Унинг амрини шу ҳудудда, жамиятда яшовчи фуқаро, ким бўлишидан қатъи назар, бажариши, унга амал қилиши шарт. Унда ифодаланган ҳуқуқий нормалар тахмин, истак ёки гумон деб эмас, балки бажарилиши шарт бўлган ҳуқуқий норма деб қабул қилинади. Унинг амри ҳамма фуқароларнинг хоҳиш-иродасидан устун туради. Шунга кўра, юридик тилда **қатъийлик белгиси** кучли бўлади. Буни, айниқса, қонуннинг ҳар бир моддасида кузатиш мумкин. Масалан,

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

(ЎзР Конституцияси 15-м.)

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

(ЎзР Конституцияси 12-м.)

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

(ЎзР Конституцияси 21-м.)

Матндан кўринадики, бу ҳуқуқий нормалар ўта қатъий ифодаланган. Айниқса, бу моддалардаги “сўзсиз”, “ҳеч қайси”, “ягона фуқаролик” сўзлари ҳуқуқий нормаларнинг қатъийлигини янада оширган.

Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, қатъийлик нисбий тушунча бўлиб, у баъзи қонунларда ўта кучли, айримларида эса сал бўлса-да, кучсизроқ бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан Конституция ўта қатъий ифодаланиш хусусиятига эга бўлади. Буни юқоридагидек, бош қомусимиз – Конституциянинг ҳар бир моддасида кузатиш мумкин. Ҳуқуқий нормаларнинг қатъий ифодаланиши қонуншуносликда ижобий ҳолат ҳисобланади.

Шу боис **юридик тилнинг энг муҳим турларидан бири сифатида суд ҳужжатлари тилида ҳам расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабларига тўла риоя қилиш лозим. Бу қоидаларга амал қилмаслик суд ҳужжатлари тилининг сифатига салбий таъсир қилади, юридик техника талабларининг бажарилмаслигига, энг ёмони, ҳужжатнинг амалиётда тўла ижро этилмаслигига ҳам олиб келади.**

Афсуски, маъмурий суд ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижасида суд ҳужжатлари амалиётида бундай камчиликлар кўплаб кузатилиши аниқланди. Буни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

1.3.2-жадвал		
4	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 0
0	Андижон	Сурхондарё 0
0	Бухоро	Сирдарё 1
0	Жиззах	Фарғона 3
0	Қашқадарё	Хоразм 0
11	Навоий	Тошкент вилояти 0
7	Наманган	Тошкент шаҳар 2
Расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (холислик) талаблари ЖАМИ: 28		

Жадвалдан кўринадики, республика бўйича маъмурий суд ҳал қилув қарорларида 28 ҳолатда юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабларига риоя қилинмаяпти.

Бу, биринчи навбатда, суд ҳужжатлари тилида сўзлашув услубига хос сўз ва грамматик конструкцияларнинг ишлатилишида кўринади. Жумладан, маъмурий судларнинг ҳал қилув қарори баён қисмида *“Аризачи С.Х. суддан шикоят аризасини қаноатлантириб беришликни сўради”* каби жумлалар жуда кўп учрайди.

Бу юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик ва нейтраллик талабларига зиддир. Чунки юқоридаги матнда *“қаноатлантириб беришлик”* жумласида *“беришлик”* сўзи ортиқча ишлатилган. Чунки бундай ҳолат расмий услубда эмас, кўпроқ сўзлашув услубида ишлатилади, ҳамда бу сўз бирикмасида *“бирор нарса эвазига бирор ишни қилиб бериш”* каби яширин услубий маъно ҳам англашилади. Бундан ташқари, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига ҳам зид бўлиб, *“бермоқ”* феълига ҳаракат номи шаклининг *-иш, -лик* қўшимчаларининг ҳар иккисининг бир пайтда қўшилиши хато ҳисобланади. Шунинг учун юқоридаги матнни *“Аризачи С.Х. суддан шикоят аризасини қаноатлантиришни сўради”* деб ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Айрим ҳолатларда ҳал қилув қарорларида расмийликка хос бўлмаган, миллий менталитет ва шевага хос бўлган жумлалар ҳам берилмоқда. Жумладан, *“Аризачи ота-онасининг уйига бориб яшаб, ота-онасининг чироғини ёқмоқчи эканлигини айтди”*. Бу гапда *“ота-онасининг чироғини ёқмоқчи”* каби жумлани ишлатишга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим.

Агар суд ҳужжатини тузаётган мутахассис аризачи, гувоҳ ёки бошқа бир шахснинг фикрини кўчирма гап шаклида бераётган бўлса, уни шундайлигича қолдириши мумкин. Лекин ўзлаштира гап сифатида берилганда, уни юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабидан келиб чиққан ҳолда, расмий тарзда бериш мақсадга мувофиқ.

Шунинг учун юқоридаги жумлани суд ҳужжатларида қуйидаги икки хил ҳолатда бериш мумкин:

1. *Аризачи “ота-онамининг уйига бориб, ота-онамининг чироғини ёқаман”, деб айтди;*
2. *Аризачи ота-онасининг уйига бориб яшашини таъкидлади.*

Бундай ўринларда, яъни суднинг адолатли қарор чиқариши учун суд иштирокчиларининг юридик аҳамиятга эга бўлган сўзларини улар қандай айтган бўлса, шундайлигича кўчирма гап сифатида ифодалаш лозим. **Чунки улар ўзлаштира гапга айлантириб берилганда, юридик мазмун касб этган асосий сўзнинг маъноси ўзлаштира гапга айлантирилиб, унинг синонимларини қўллаш ёки бузилган ҳолатда берилиши суд ишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чунки судья шу сўзнинг луғавий ва услубий маъноларини чуқур ва атрофлича тушуниши ва шундан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилиши лозим. Акс ҳолда, суд қарорининг нотўғри чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин.**

Юридик тилнинг ўта (максимал) аниқлик талаби

Юридик тил маълум бир тоифадаги айрим кишиларгагина эмас, шу жамиятдаги барча шахсларга тааллуқли бўлади, улар кундалик фаолияти давомида ана шу қонунларга амал қилиб яшайдилар. Шунинг учун барча шахслар расмий ҳужжатлар билан танишганларида, ундаги ҳар бир моддани, ҳар бир сатрни бир хил тушунишлари, бир хил “ҳазм қилиш”лари керак, акс ҳолда, ҳар ким ўзича тушунадиган бўлса, бу турли ножўя

ҳаракатларга, оғир оқибатларга олиб келиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг содир этилишига кенг йўл очиши мумкин. Бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун юридик ҳужжатда ифодаланаётган ҳуқуқий нормалар ниҳоятда аниқ ва раво тузилиши лозим.

Бадиий матни, масалан, юз нафар китобхон ўқиса, ҳар ким ўзича тушуниши, турлича шарҳлаши мумкин ёки бир шахс бадиий матни бир неча марта ўқиб, ҳар ўқиганда турли маъноларни “кашф” этиши мумкин. Лекин ҳужжат матнини барча фуқаролар бир хил тушуниши ёки уни бир шахс такрор-такрор ўқиганда ҳам фақат ва фақат бир ҳуқуқий маънони англаши лозим. Бусиз ҳужжат ўз кучини йўқотади. Шунинг учун юридик тилнинг ўта (максимал даражада) аниқлик талабини олимлар юридик тилга қўйиладиган энг муҳим ва асосий талаб деб биладилар.

Ҳақиқатан ҳам, юридик тилнинг ўта аниқлиги қонунийликни мустаҳкамлашга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқий нормаларни аниқ қўллашга таъсир этади, сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Шунинг учун ҳам “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида “қонун лойиҳаси лўнда, аниқ, оддий ва раво тилда, нормаларни турлича изоҳлашни истисно этадиган тарзда юридик атамашуносликка риоя қилинган ҳолда баён қилинади. Эскирган ҳамда кўп маънони англадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди” деб таъкидланган.

“Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг 52-моддасига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва раво тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда оғзаки нутқ шакллари, хорижий тилларнинг атамалари, эскирган ҳамда кўп маънони англадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар, шунингдек, аббревиатура ва қисқартмалар (умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек, ташкилотларнинг қисқартирилган номлари бундан мустасно) қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Юридик тилнинг ўта аниқ бўлиши ҳуқуқий давлат куришининг, жамиятда суд-ҳуқуқ тизимининг нуфузини оширишининг ҳамда фуқаролар онгида қонунийликка риоя этиш ҳисларини шакллантиришининг бош омилidir. “Қонунни амалиётда қўллаш самарадорлиги, кўп жиҳатдан, юридик тилнинг аниқлиги, унинг ғоявий-ахлоқий таъсир этиш кучи, фуқаролар кўнглини топиши, тушунарли бўлиши, улар манфаатларини кўзлаши ҳам катта аҳамиятга эга”³. Шундай қилиб, юридик тилнинг энг муҳим белгиларидан бири – **ўта аниқликдир**.

Юридик тилда аниқликни таъминлаш учун, биринчи навбатда, маъмурий суд ҳужжатларининг матни тилнинг маълум бир илмий қонун-қоидаларига тўла бўйсундирилиши лозим.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, маъмурий суд ҳал қилув қарорлари матнида ҳар доим ҳам матннинг аниқлигига эътибор берилмаяпти. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

1.3.3-жадвал		
3	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 37
69	Андижон	Сурхондарё 89
4	Бухоро	Сирдарё 41
65	Жиззах	Фарғона 74
11	Қашқадарё	Хоразм 60
42	Навоий	Тошкент вилояти 56
16	Наманган	Тошкент шаҳар 56
Ўта (максимал) аниқлик талаблари ЖАМИ: 623		

Жадвалдан кўринадики, маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорларида юридик тилнинг ўта аниқлик талабига риоя қилинмаяпти, юридик тилдаги аксарият хатоликлар ўта аниқлик талабининг бузилишида (623 та ҳолатда) кўринаяпти.

Бундай хатоликлар маъмурий суд ҳал қилув қарорларининг кўпроқ кириш ва хулоса қисмларига тўғри келади. Кириш қисмида маъмурий иш рақами берилмаслиги ёки тўла кўрсатилмаслиги аниқланди. Жумладан,

³ Саидов А., Қосимова М., Каримова Л. Кўрсатилган мақола. – 39-б.

2018 йил май ойининг 3 кунини XXXX тумани маъмурий суди, XXXX тумани ҳокимлиги биносидан очиқ сайёр суд мажлисида

судья А.К. раислигида,

судья ёрдамчиси А. С. котиблигида, тарафлардан XXXX тумани прокурори катта ёрдамчиси С.Н.нинг иштирокида, шикоятчи С.Х.нинг жавобгар XXXX тумани ФХДЁ бўлимининг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган шикоят аризаси бўйича қўзғатилган маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

Аниқлади:

Матндан кўринадики, маъмурий ишнинг тартиб рақами кўрсатилмаган. Бу эса бугунги кунда жорий этилган Республика судлари бўйича маъмурий суд ишларини юритиш ягона электрон базаси қоидаларига зид ҳисобланади⁴.

Худди шундай хатоликлар маъмурий суд ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида ҳам кўплаб кузатилди. Жумладан,

Суд юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 67-68-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

А.Ш.нинг аризаси қаноатлантирилсин.

Кўринадики, мазкур қарор “қайси А.Ш.нинг (?) нима ҳақидаги (?) қайси аризаси (?) қаноатлантирилсин?” деган саволларга жавоб бера олмайди. Шунинг учун мазкур қарорни қуйидагича ифодалаш лозим эди:

Суд юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 67-68-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Аризачи А.Ш.нинг XXXX тумани ҳокимининг 2017 йил 6 июндаги ХХХ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиши тўғрисидаги шикоят аризаси қаноатлантирилсин.

Ҳақиқатан ҳам, ўрганиш жараёни шунини кўрсатдики, маъмурий суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳам кўпдан-кўп хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бу эса ҳужжатда ифодаланётган фикрнинг ноаниқлигига олиб келади. Жумладан,

Суд юқоридагиларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 67, 68- моддаларини қўлланилиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Мазкур матнда “қўлланилиб” сўзи хато ишлатилган, бу ўзбек тилининг грамматик қоидаларига мос келмайди. Чунки бу сўз феълнинг мажҳулик шаклида (қўлланилиб) эмас, балки аниқлик нисбатида (қўллаб) берилиши зарур. Чунки юқоридаги матнда гапнинг эгаси “суд” сўзидир. Гапда эга ифодаланганда ўзбек адабий тили қоидасига кўра, кесим аниқ нисбатда, яъни “қўллаб” шаклида берилиши зарур. Бу, ўз навбатида, матнни тушунишни анча осонлаштиради.

Юқоридаги матнда “қарор қилади” шаклида феълнинг келаси замонда берилиши ҳам тўғри эмас. Бундай ҳолатда “қарор қилди” шаклида ўтган замонда ифодаланиши керак, чунки суд келажакда қарор қабул қилмайди, аксинча, суд жараёнининг ўзида қарор қабул қилиб бўлган бўлади. Шунинг учун юқоридаги матнни қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқ:

⁴ Бу ҳақда мазкур рисоланинг «Кириш қисмида иш рақами кўрсатилмаган (ёки иш рақами нотўғри кўрсатилганлик) ҳолатлар» мавзусида батафсил маълумот берилган.

Суд юқоридагиларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 67-68-моддаларини қўллаб,
ҚАРОР ҚИЛДИ:

Маъмурий суд ҳужжатлар мазмунининг ўта аниқ бўлишига соя солаётган жиҳатлардан яна бири кўпчиликка маълум бўлмаган, барча ҳам тушунмайдиган қисқартма сўз ва аббревиатураларнинг жуда кўп қўлланаётганидир. Жумладан,

XXXX шаҳар ИИВВнинг XXXX тумани ИИОФМБ томонидан берилган С.В.га тегишли бўлган Ф-1 нинг шарифи устунида

Кўринадики, мазкур матндаги ИИВВ, ИИОФМБ каби қисқарма сўзларни барча фуқаролар тушунмайди. Бу Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг 52-моддасига ҳам зид бўлиб, бу моддада аббревиатура ва қисқартмалар (умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек, ташкилотларнинг қисқартирилган номлари бундан мустасно) қўлланилишига йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидланган.

Маъмурий суд ҳал қилув қароридаги муаммоли жиҳатлардан яна бири унда маълум суммадаги пул миқдори фақат рақамда кўрсатилмоқда. Жумладан,

Аризачи С.А.дан давлат фойдасига 172240 сўм миқдорида давлат божи ундирилсин.

Бу юридик тилнинг ўта аниқлик принципига зид ҳисобланади. Чунки юқоридаги рақамларнинг бирортаси техник хато сабабли ўзгариб кетса, катта молиявий тушунмовчиликларга олиб келади. Шунинг учун бундай ҳолатда айнан шу суммани рақам билан бирга қуйидагича қавс ичида сўз билан ифодалаш лозим:

Аризачи С.А.дан давлат фойдасига 172240 (бир юз етмиш икки минг икки юз қирқ) сўм миқдорида давлат божи ундирилсин.

Бундан ташқари, юридик тилда шевага хос сўзларни, эскирган сўзлар – историзм ёки архаизмларни, шунингдек, халқ тилига ҳали унчалик сингмаган янги сўзларни (неологизмларни) қўлламаслик керак, унда содда ва тушунарли терминларни қўллаш, ҳаммага маълум ва тушунарли бўлган лексик-грамматик қолиплардан фойдаланиш лозим.

Юридик тилнинг қисқалик, соддалик, лўндалик талаблари

Юридик тилда ифодалаётган фикрлар мумкин қадар қисқа, содда ва лўнда тузилиши лозим. Шундагина ўта аниқлик таъминланади. Шу боис маъмурий суднинг ҳал қилув қарорлари ўта мураккаб, узундан узоқ грамматик қолиплар билан берилмаслиги зарур. Шунинг учун юридик ҳужжатлар ёзиш услуби тил воситаларидан мумкин қадар тежаб фойдаланишни, фикрни содда гаплар асосида беришни, қўшма ва мураккаб жумлаларни кўп ишлатмасликни тақозо қилади. Чунки ортиқча сўзлар, сўзларни ўз ўрнида ишлата билмаслик ифодаланаётган ҳуқуқий нормани тушунишни қийинлаштиради.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, бугунги кунда маъмурий суд қарорларини тузишда ҳар доим ҳам бу тамойилга амал қилинмаяпти, бир қанча хато ва камчиликлар кузатилмоқда. Буни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

1.3.4-жадвал			
2	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	1
0	Андижон	Сурхондарё	0
0	Бухоро	Сирдарё	0
0	Жиззах	Фарғона	0
1	Қашқадарё	Хоразм	0
19	Навоий	Тошкент вилояти	0
0	Наманган	Тошкент шаҳар	1
Қисқалик, соддалик, лўндалик талаблари		ЖАМИ: 24	

Ҳал қилув қарорларидаги бундай хатоликларни қуйидаги гуруҳларга умумлаштириш мумкин:

1. Ифодаланаётган фикрлар ўта мураккаб конструкциялар асосида берилмоқда;
2. Гапларда ортиқча сўз, ноўрин жумлалар кўп ишлатилмоқда;
3. Гапда сўзларни бир-бирига боғлайдиган – келишик, эгалик, шахс-сон қўшимчалари ҳар доим ҳам тўғри ишлатилмаяпти.
4. Юқоридаги хатоликлар натижасида юридик тилда тиниш белгилари нотўғри ишлатиляпти.

Бундай ҳолатлар маъмурий суд ҳал қилув қарорининг асосан кириш ва баён қисмларида кўп кузатилади. Жумладан,

2018 йил июль ойининг 19-кунда ХХХХ туман маъмурий суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Ш.К. раислигида, суд баённомасини юритувчи, судья ёрдамчиси К.Н. котиблигида, тарафлардан ХХХХ тумани прокурори ёрдамчиси С. К.нинг иштирокида, аризачи Р.Ш.нинг жавобгар ХХХХ тумани ҳокимининг 2016 йил 25 майдаги ХХХ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича қўзғатилган ХХХХ-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни Аниқлади:

Бу гап ўта мураккаб гап конструкцияси асосида тузилган бўлиб, уни оддийроқ шаклда тузиш мумкин эди. Бундан ташқари, шу битта гапнинг ўзида ўзбек тилининг 6 та грамматик ва пунктуацион қоидаси бузиляпти⁵. Бундан ташқари, 6 та ортиқча кераксиз сўз (*ойининг, раислик қилувчи, суд баённомасини юритувчи, суд*) ишлатилган. Юридик тилдаги гапларда ортиқча сўзлар ҳуқуқий ахборотни тушунишни қийинлаштиради, мумкин қадар бирорта ҳам сўз ортиқча ишлатмаслик керак.

Шуни инобатга олган ҳолда, юқоридаги ҳуқуқий ахборотни қуйидагича ифодалаш лозим:

2018 йил 19 июль куни ХХХХ тумани маъмурий суди ўз биносида очиқ суд мажлисида туман судининг раиси Ш.Р. раислигида, судья ёрдамчиси К.Н. котиблигида, тарафлардан ХХХХ тумани прокурори ёрдамчиси С.К.нинг иштирокида аризачи ихсиева Ш.С.нинг жавобгар ХХХХ тумани ҳокимининг 2016 йил 25 майдаги ХХХ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича қўзғатилган ХХХХ-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни Аниқлади:

Маъмурий суд ҳал қилув қарорининг баён қисмида ҳам узундан узок, ўта мураккаб гаплар берилиб, юридик тилнинг ўта аниқлик талабининг бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда. Жумладан,

Аризачи А.А. судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, судда ўз шикоят аризасини қувватлаб, пенсия ёшига етганлиги сабабли Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ тумани бўлимига 2016 йил 26 апрел куни ёшга доир пенсия тайинлашларини сўраб мурожаат қилгани, мурожаатига асосан ёшга доир пенсия тайинлангани, 2018 йил 11 октябрь куни қайтадан тайинланган пенсия миқдорининг камлиги сабабли оғзаки мурожаат қилгани, мурожаати Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ туман бўлими томонидан 200-сонли жавоб хати орқали номига 1981 йил 1 октябрь куни очилган ГТ-1 №1318475 рақамли меҳнат дафтарчасидаги ёзувларга асосан ХХХХ туман “ХХХХ” собиқ тикувчилик фабрикасида 1980 йилдан 1 октябрь кунидан 1982 йил 20 феврал кунигача ишлаган даврида тўланган иш ҳақи тўғрисида иш жойидан 2018 йил 11 октябрь куни берилган 104-сонли маълумотномада 1980-1982 йилларда тўланган иш ҳақи ҳужжатларида иш ҳақи ёзилмагани кўрсатилгани, ХХХХ мебель х/ж ва уни негизида ташкил этилган “ХХХХ” “ХХХХ” кичик корхонасида 1982 йилдан 23 мартдан 2008 йил 1 ноябрь кунигача ишлагани даврида тўланган ойлик иш ҳақи тўғрисида ХХХХ тумани Давлат архиви томонидан

⁵ Бу ҳақда мазкур рисоланинг “Юридик тилнинг қолиплаганлик талаби” мавзусида батафсил фикр юритилган.

2015 йил 21 сентябрь куни берилган 1525-сонли маълумотномада 1983-1985, 1995, 2001-2002, 2006-2008 йилларда тўланган ойлик иш ҳақи ҳужжатлари иш жойи ва давлат архивига топширилмагани кўрсатилгани, шу сабабли маълумотнома тақдим эта олмагани сабаб мазкур даврдаги иш стажи пенсия тайинлашда ҳисобга олинмаганлиги кўрсатиб ўтилганини билдириб, ХХХХ тумани (собик тикувчилик фабрикаси) х/ж да 1980 йилдан 1 октябрь кунидан 1982 йил 20 февраль кунигача ишлагани ва ХХХХ туман ХХХХ мебель х/ж ва уни негизда ташкил этилган “ХХХХ”, “ХХХХ” кичик корхонасида 1983-1985, 1995, 2001-2002, 2006-2008 йилларда ҳақиқатан ишлагани, номига очилган ГТ-1 №1318475 рақамли меҳнат дафтарчаси билан мазкур ташкилотда бирга ишлаган Б.С. ва А.О.нинг кўрсатувлари билан ҳам тасдиқлашини, ХХХХ туман “ХХХХ” х/ж ва уни негизда ташкил этилган “ХХХХ”, “ХХХХ” кичик корхонаси ва унинг тегишли раҳбар ходимлари томонидан иш ҳақи китоблари архив сақловига топширилмаганида ўзининг айби йўқлигини билдириб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ тумани бўлимнинг 2018 йил 11 октябрь кунги 200-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ тумани бўлими зиммасига 01.10.1980 йил кунидан 20.02.1982 йилгача ХХХХ туман “ХХХХ” (собик тикувчилик фабрикаси) х/ж ва 1983-1985, 1995, 2001-2002, 2006-2008 йилларда ХХХХ туман “ХХХХ” х/ж ва уни негизда ташкил этилган “ХХХХ”, “ХХХХ” корхонасида ишлаган даврини пенсия ҳисоблашда иш стажига ҳисобга олиш мажбуриятини юклашни сўради.

Бу битта гап 400 дан ортиқ сўздан тузилган. Бир нечта мураккаб ҳуқуқий ахборот битта гап орқали берилган, айрим ўринларда тил қоидалари бузилган. Натижада матнда аниқлик етишмайди. Шунинг учун бу ҳуқуқий ахборотни бир ўқишда англаб олиш анча мушкул, тушуниш учун қанча куч ва вақт сарфлаш лозим бўлади ва шунда ҳам ҳуқуқий воқеани ипидан игнасигача тўла тушуниш қийин. Гапнинг бошидан ўқиб келиб, охирига етганда боши эсдан чиқиб қолади. Охиридан ўқиб бориб тушунишнинг имкони йўқ. Натижада мазкур тузилган гап “топишмоқ” қа айланиб қолган.

Бундай ҳуқуқий фикрлар узоқ ўйлаб ўтирмасдан, шошма-шошарлик билан яратилиши натижасида маъмурий суд ҳал қилув қарорларида ифодаланаяпти ва, ўз навбатида, унинг амалиётда яхши самара бермаслигига олиб келмоқда.

Ҳуқуқий ахборот жуда мураккаб ва кенг бўлган тақдирда уларни битта гап тарзида эмас, бир қанча абзац ва гапларга бўлиб бериш усулидан фойдаланиш лозим. Бунда ортиқча сўзларни мумкин қадар ишлатмаслик мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан юқоридаги мураккаб ҳуқуқий ахборотни қуйидагича абзац ва кичик гапларга бўлиб ифодалаш керак эди:

Аризачи А.А. судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, судда ўз шикоят аризасини қувватлаб, пенсия ёшига етгани сабабли 2016 йил 26 апрель куни Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ тумани бўлимига ёшга доир пенсия тайинлашларини сўраб мурожаат қилганини ва шунга асосан унга ёшга доир пенсия тайинланганини таъкидлади.

Судда А.А.нинг қайд этишича, 2018 йил 11 октябрь куни унинг пенсияси миқдори Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ тумани бўлими томонидан қайтадан ҳисоблаб чиқилиб, олдинги миқдордан (пенсиянинг олдинги ва кейинги миқдорлари аниқ кўрсатилиши керак) камайтирилган.

А.А. бундан норози бўлиб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ тумани бўлимига оғзаки мурожаат қилган. Унинг мурожаатига асосан унга Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ тумани бўлими 200-сонли жавоб хати йўллаган.

Мазкур жавоб хатида А.А.нинг пенсия ҳужжатларида хатоликлар мавжудлиги таъкидланган. Жумладан, пенсияга чиқиш пайтида А.А.нинг иш жойидан 2018 йил 11 октябрь куни берилган 104-сонли маълумотномада 1980-1982 йилларда А.А.га тўланган иш ҳақи ҳужжатларида иш ҳақи кўрсатилмагани таъкидланган ҳамда ХХХХ мебель х/ж ва уни негизда ташкил этилган “ХХХХ” “ХХХХ” кичик корхонасида 1982 йилнинг 23 мартидан 2008 йилнинг 1 ноябригача ишлагани даврида тўланган ойлик иш ҳақи юзасидан ХХХХ

тумани Давлат архиви томонидан 2015 йил 21 сентябрь куни берилган 1525-сонли маълумотномада 1983-1985, 1995, 2001-2002, 2006-2008 йилларда тўланган ойлик иш ҳақи ҳужжатлари иш жойи томонидан давлат архивига топширилмагани кўрсатилган.

А.А. эса ўзининг номига 1981 йил 1 октябрь куни очилган ГТ-1 №1318475 рақамли меҳнат дафтарчасидаги ёзувларга асосан ХХХХ тумани “ХХХХ” (собик тикувчилик фабрикаси) х/жда 1980 йилнинг 1 октябрдан 1982 йилнинг 20 февралигача ҳақиқатан ҳам ишлагани, иш даврида тўланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномада иш ҳақи кўрсатилмаганида унинг айби йўқлигини таъкидлади.

Шунингдек, А.А. 1983-1985, 1995, 2001-2002, 2006-2008 йилларда ХХХХ туман ХХХХ мебель х/ж ва уни негизида ташкил этилган “ХХХХ”, “ХХХХ” кичик корхонасида ҳақиқатан ишлагани, бу ўзининг ГТ-1 №1318475-рақамли меҳнат дафтарчасида қайд этилганини ҳамда бундан у билан мазкур ташкилотда бирга ишлаган Б.С. ва А.О.лар ҳам тасдиқлаши мумкинлигини билдирди ҳамда ХХХХ тумани “ХХХХ” х/ж ва уни негизида ташкил этилган “ХХХХ”, “ХХХХ” кичик корхонасининг раҳбар ходимлари томонидан иш ҳақи китоблари архив сақловига топширилмаганида ўзининг айби йўқлигини таъкидлади.

А.А. юқоридагиларни ҳисобга олиб, суддан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ тумани бўлимининг 2018 йил 11 октябрь кунги 200-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ тумани бўлими зиммасига 1980 йил 01.10 дан 1982 йил 20.02 гача ХХХХ тумани “ХХХХ” (собик тикувчилик фабрикаси) х/ж ва 1983-1985, 1995, 2001-2002, 2006-2008 йилларда ХХХХ тумани “ХХХХ” х/ж ва унинг негизида ташкил этилган “ХХХХ”, “ХХХХ” корхонасида ишлаган даврини пенсия ҳисоблашда иш стажига ҳисобга олиш мажбуриятини юклашни сўради.

Маъмурий суд ҳал қилув қароридаги бундай салбий ҳолатлар фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг ривожига эмас, балки пасайишига хизмат қилади. Чунки оддий фуқаро ҳал қилув қарори матнидаги фикрни тўла ва аниқ тушуниб олмас экан, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши англамайди.

Юридик тилнинг қолиплашганлик талаби

Юридик тилнинг муҳим белгиларидан яна бири унинг **қолиплашганлик** (шаблонлашган) характерга эга бўлишидир. Айрим ҳуқуқий фикрлар юридик тилда жуда кўп такрорланиши натижасида “навбатчи” жумлаларга айланиб қолади. Масалан, *Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси... -моддасининг биринчи қисмига мувофиқ...*; *Маъмурий жавобгарлик кодексининг... -моддаси бўйича жавобгарликка тортилади* каби қолиплашган лисоний тизимларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Юридик тилнинг маълум бир андозалар шаклида қолиплашиши унинг ижобий жиҳатидир. Чунки юридик тилни маълум бир жумла, сўз бирикмалари асосида шакллантириш ҳуқуқий норма ёки ҳуқуқий тушунчанинг осонлик билан тушурилишига, фуқаролар томонидан тез илғаб олинишига, улар онгига бу ҳуқуқий ахборотнинг тез сингишига сабаб бўлади.

Шу нуқтаи назардан юридик тилни маълум бир жумла, гап ва абзацлар асосида қолиплаштириш лозим. Юридик матни олдиндан мавжуд бўлган қолиплашган грамматик конструкциялар асосида тузиш мақсадга мувофиқ. Бу қоидага риоя қилмаслик катта хатоликларга олиб келади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонуннинг қуйидаги моддаларига эътибор беринг:

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикаси
Фуқаролиги тўғрисидаги қонун

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишларидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

1.3.5-жадвал

Кўринадики, иккала қонунда ҳам бир хил ҳуқуқий норма ифодаланган. Лекин уларнинг ифода усули бир-биридан фарқ қилади. Бу ҳуқуқий норма Конституцияда ҳаммаси бўлиб 29 та сўз орқали ифодаланган бўлиб, бирорта ортиқча сўз ишлатилмаган. Ҳуқуқий нормани тузишда ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларига тўла риоя қилинган. Шунинг учун ҳам бу модда ўта аниқ ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонунда эса бу ҳуқуқий норма ҳаммаси бўлиб 33 та сўз орқали ифодаланган бўлиб, бунда ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатилган деб бўлмайди. Жумладан, *динга муносабати* бирикмасидаги *муносабати* сўзи ортиқча бўлиб, шу тушунчани Конституциядаги сингари *дини* сўзи билан ифодалаш мумкин эди. Шунингдек, бу моддада *сажия* сўзининг ишлатилиши билан қўпол хатоликка йўл қўйилган. Чунки бу сўзнинг луғавий маъноси аниқ эмас, уни кўпчилик фуқаролар тушунмайди, ҳатто бу ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам, Навоий асарлари луғатида ҳам келтирилмаган. Бу сўз “Тожиқ тилининг изоҳли луғати”да келтирилган бўлиб, арабча сўз экани, Абдурахмон Жомий асарларида ишлатилгани, *табиат*, *хислат*, *хулқ* маъноларини ифодалаш таъкидланади⁶. Кўринадики, юқоридаги моддада *сажия* сўзи қандай маънони ифодаланиши луғатлардан ҳам қидириб топиш анча мушкул.

Юқоридаги матнда лингвистик нуқтаи назардан лексик-грамматик тавтология ҳам юз берган. Жумладан, *ҳолати* сўзи икки марта ишлатилган. Ваҳоланки, шу сўзни бир марта ишлатиш ҳам мумкин эди. Бу моддада грамматик қўшимчаларни ишлатишда ҳам услубий жиҳатдан хатоликка йўл қўйилган. Матнда *машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар дейилганда ҳолатлардан* сўзида кўплик қўшимчасидан сўнг учинчи шахс эгалик қўшимчаси (-и) тушириб қолдирилган. Бундан ташқари, матнда чиқиш келишигининг қўшимчаси (-дан)

7 марта (*келиб чиқишларидан, мулкий ҳолатидан, миллатидан, тилидан, динга муносабатидан, бошқа эътиқодларидан, бошқа ҳолатларидан*) ишлатилган. Аслида -дан қўшимчасини Конституциядаги сингари бир марта ишлатиш йўли билан шу ҳуқуқий нормани аниқ ифодалаш мумкин эди. Матнда сон категориясини қўллашда ҳам хатоликка йўл қўйилган. Конституциянинг юқоридаги моддасида сўзлар асосан бирликда (*жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан*) ифодаланиб тўғри шаклда берилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонунда эса *-лар* кўплик қўшимчаси уч марта (*келиб чиқишларидан, бошқа эътиқодларидан, бошқа ҳолатларидан*) ишлатилиб услубий жиҳатдан хатоликка йўл қўйилган. Шунингдек, бу моддада *қатъи назар* сўзини *қатъий назар* тарзида бериб, орфографик хатолик ҳам юз берган.

Бундан ташқари, бу ҳуқуқий нормада *бошқа эътиқодларидан* дейишнинг ўзи мантиқий жиҳатдан тўғри эмас. Чунки кишининг эътиқоди бир нечта бўлмайди, эътиқоди кўп бўлса, унда эътиқодсиз одам ҳисобланади.

Агар юқоридаги икки нормани фуқароларга тушунарлилик нуқтаи назаридан ҳам таҳлил этилганда Конституциядаги шаклнинг муваффақиятли эканини таъкидлаш лозим.

Умуман, Конституциямиз тилининг лексик-грамматик услубий хусусиятлари ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унда ҳар бир сўз ва жумла ўз ўрнида ишлатилган, моддалардаги бирорта ортиқча ёки ноўрин қўлланган сўзни топиш амри маҳол. Гаплар ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларига қатъий

⁶ Фарҳанги забони тожики. -М.: 1969, -Б.229.

амал қилинган ҳолда тузилган. Шунга кўра, Конституцияни халқимиз тафаккурининг ижодий ютуғи сифатида баҳолаш мумкин.

Маъмурий суд ҳал қилув қарорларини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларда юридик тилнинг қолиплаганлик талаби тўла бажарилмапти. Буни қуйидаги жадвалдан яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

1.3.6-жадвал

Қолиплаганлик талаби	
2	Қорақалпоғистон Республикаси
0	Андижон
4	Бухоро
0	Жиззах
2	Қашқадарё
19	Навоий
13	Наманган
3	Самарқанд
5	Сурхондарё
2	Сирдарё
0	Фарғона
6	Хоразм
1	Тошкент вилояти
5	Тошкент шаҳар
ЖАМИ: 62	

Аксарият бундай хатоликлар маъмурий суд ҳал қилув қарорининг кириш қисми турли шаклларда ва қолипларда тузилаётгани, натижада мазкур ҳужжатда юридик тилнинг ўта аниқлилик талаби бузилаётгани кузатилди.

Жумладан, маъмурий судлар ҳал қилув қарорларининг кириш қисмлари асосан қуйидаги уч хил шаклда тузилаётгани аниқланди:

2018 йил июль ойининг 19-куни ХХХХ тумани маъмурий суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Ш.К., суд баённомасини юритувчи, судья ёрдамчиси К.А. котиблигида, тарафлардан ХХХХ тумани прокурори ёрдамчиси С.Ж.нинг иштирокида, аризачи М.Н.нинг жавобгар ХХХХ тумани ФХДЁ бўлимининг хулосасидан норози бўлиб ёзган шикоят аризаси бўйича қўзғатилган маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни Аниқлади:

2018 йил июль ойининг 19-кунида ХХХХ тумани маъмурий суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Ш.К. раислигида, суд баённомасини юритувчи, судья ёрдамчиси К.А. котиблигида, тарафлардан ХХХХ тумани прокурори ёрдамчиси С.К.нинг иштирокида, аризачи Р. Ш.нинг жавобгар ХХХХ тумани ҳокимининг 2016 йил 25 майдаги 1753-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича қўзғатилган ХХХХ-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни Аниқлади:

ХХХХ тумани маъмурий суди 2018 йил июль ойининг “19”куни, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси Ш.К. раислигида, судья ёрдамчиси К.Н. котибалигида, тарафлардан ХХХХ тумани прокурори ёрдамчиси С.К.нинг иштирокида, аризачи Ш.И.нинг жавобгар ХХХХ тумани ҳокимининг 2017 йил 24 майдаги 1753-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича қўзғатилган ХХХХ-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

Аниқланди:

Кўринадики, маъмурий судларнинг юқоридаги ҳал қилув қарорларининг кириш қисми турлича шаклларда тузилган, бу эса матннинг аниқлигига путур етказди. Бундан ташқари, кўпгина ўринларда ўзбек тилининг грамматик қоидалари бузилган. Жумладан, юқоридаги матнда “2018 йил июль ойининг 19-куни” дейилганда “ойининг” сўзи ноўрин қўлланган, бу мантиқан тўғри эмас, чунки ой номининг “июль” тарзида ифодаланиши “ой” маъносини беради. Бу юридик тилнинг қисқалик талабига ҳам зид ҳисобланади. Шунинг учун бу гапни “2018 йил 19 июль куни” тарзида ишлатиш зарур.

Шунингдек, юқоридаги матнда “XXXX тумани маъмурий суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, ...” гапида ўзбек тилининг грамматик ва пунктуацион қоидалари нуқтаи назаридан уч марта вергул ишлатиб, учта хатоликка йўл қўйилган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қарорини тузаётган мутахассис “XXXX тумани маъмурий суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, ...” гапида учта уюшган гап бўлаги мавжуд деб, ҳар бир гап бўлагидан сўнг вергул қўйиб, катта хато қилган. Бу ўзбек тилининг грамматик ва орфографик қоидаларини билмасликдан келиб чиқади.

Тил қоидаларига кўра, гапда уюшган бўлак бўлиши учун уюшган бўлакларнинг барчаси битта саволга жавоб бериши керак. Масалан, “Карим, Салим, Халим мактабдан келди” сингари. Ким мактабдан келди? – Карим, Салим, Халим.

Шундагина улар вергул билан ажратилади. Юқоридаги гапда эса берилган сўз бирикмаларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида саволга жавоб беради. Яъни

Ким? - XXXX тумани маъмурий суди

Қаерда? – ўз биносида

Қайси тартибда? – очик суд мажлисида.

Шу боис улар гапнинг уюшган бўлаклари ҳисобланмайди, вергул билан ҳам ажратилмайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур маъмурий суд ҳал қилув қарорининг кириш қисмидаги “XXXX тумани маъмурий суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, ...” гапини қуйидагича тузиш лозим эди:

“XXXX тумани маъмурий суди ўз биносида очик суд мажлисида....”

Шунингдек, маъмурий суд ҳал қилув қарорининг кириш қисмидаги “... раислик қилувчи туман судининг раиси Ш.К., суд баённомасини юритувчи, судья ёрдамчиси К.А. котиблигида, ...” гапида ҳам номукаммаликлар ва услубий ғализликлар, ортиқча сўз қўллашлар мавжуд.

Юридик тилнинг ўта аниқ бўлиши учун ифодаланаётган ҳуқуқий фикрлар қолиплаган грамматик конструкциялар асосида берилиши керак. Шунинг учун юқоридаги гап “... туман судининг раиси Ш.К. раислигида, судья ёрдамчиси К.А. котиблигида, ...” тарзида ифодаланиши зарур.

Бундан ташқари, мазкур гапда “суд баённомасини юритувчи, судья ёрдамчиси К.А. котиблигида, ...” дейилиши мантиқан тўғри эмас. Бу гапда “суд баённомасини юритувчи” жумласи ортиқча қўлланган. Чунки суд мажлисида котибнинг кўрсатилиши етарли ҳисобланади, одатда, суд баённомаси котиб томонидан юритилади.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, айрим маъмурий суд қарорининг кириш қисмида суд нечанчи сонли маъмурий ишни кўраётгани, баён ва хулоса қисмида эса пул миқдори рақам билан кўрсатилиб, сўз билан ифодаланмаяпти. Бу ҳам юридик тилнинг ўта аниқ бўлиш талабига зиддир. Шунинг учун суд томонидан кўриб чиқилаётган маъмурий ишнинг тартиб рақамини сон билан ва пул миқдорини сўз билан аниқ кўрсатиш лозим.

Юқоридаги каби ҳолатлар маъмурий суд ҳал қилув қарорининг кириш қисмида берилётган фикрни тушунишни анча қийинлаштиради, айниқса, ҳуқуқшунос бўлмаган, лекин суд ишига аризачи, жавобгар ёки гувоҳ сифатида жалб қилинган шахслар учун уни тушуниш анча мураккаб иш ҳисобланади. Ўз навбатида, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг пасайишига ҳам олиб келади.

Шу боис маъмурий суднинг ҳал қилув қарорида ифодаланаётган фикрлар ўта аниқ ифодаланиши шарт. Бунинг учун ҳал қилув қарорининг кириш қисмидаги гаплар турли шаклларда эмас, ягона бир қолиплаган грамматик конструкция асосида ифодаланиши зарур ва, албатта, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда тузилиши лозим.

Ўзбек тилининг грамматик қоидаларига асосан ҳал қилув қарорида ифодаланаётган фикрлар қуйидаги формула асосида тузилиши керак:

“Қачон? + Қаерда? + Ким? + Қайси тартибда? + Нима қилди?”

Шундагина ифодаланаётган ҳуқуқий фикрлар ўта аниқ даражада тузилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мазкур маъмурий суд ҳал қилув қарорининг кириш қисмини қуйидаги шаклда тузиш мақсадга мувофиқ:

2018 йил 18 июль кунини XXXX тумани маъмурий суди ўз биносида очик суд мажлисида судья Ш.К. раислигида,

судья ёрдамчиси К.Н. котиблигида, тарафлардан ХХХХ тумани прокурори ёрдамчиси С.Козимовнинг иштирокида аризачи Ш.И.нинг жавобгар ХХХХ тумани ҳокимининг 2017 йил 24 майдаги 1753-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги шикоят аризаси бўйича қўзғатилган ХХХХ-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни АНИҚЛАДИ:

Ҳатто ҳал қилув қарорининг номланишида муаммолар мавжуд бўлиб, у суд ҳужжатларида турлича номланиши кузатилди. Айрим ўринларда “Ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан” дейилса, бошқа ҳолатларда “Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори” деб юритилмоқда.

Ҳужжат номларининг унификацияси ва стандартизацияси талабидан келиб чиққан ҳолда, уни ягона шаклда қўллаш лозим. Шунинг учун мазкур суд ҳужжатини “Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори” деб ишлатиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, мазкур ном ўзбек тилининг қоидаларига ҳам мос келади.

“Ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан” шакли ўзбек тили қоидаларига зид бўлиб, у рус тилининг грамматик конструкциясига монанд тузилган, яъни у рус тилидаги “РЕШЕНИЕ Именем Российской Федерации” гапидан мазмунан эмас, сўзма-сўз таржима қилинган.

Шу нуқтаи назардан маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари юридик ҳужжатларга намуна бўлиб хизмат қилиши лозим. Бунинг учун уни тузишга ҳар томонлама ижодий ёндашиш зарур. Ҳал қилув қарорини тузишда юридик тилга қўйиладиган барча талабларга тўла риоя қилиш керак. Матнлар ўзбек тилининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тузилиши мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, суд ҳужжатларини тузувчи мутахассис шуни яхши тушуниши лозимки, ҳал қилув қарорининг сифатсиз тузилиши, ўзбек тили ва юридик тил қоидаларига риоя қилмаслик бу арзимаган техник хато эмас. Аксинча, суд ҳужжатларининг ижросига жиддий салбий таъсир қилади. Чунки суд қарори аниқ ва раvon тузилмаса, натижада ижрочилар томонидан турлича тушунилади ва уларнинг ижроси ҳам талаб даражасида бўлмайди.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, юридик тил ва юридик терминлар билан боғлиқ мазкур хатоликларнинг асосий сабаби суд ҳужжатларини тузувчи мутахассисларнинг юридик тил ва унга қўйиладиган талабларни билмаслигидир. Бундай билимларни эгалламасдан туриб, суд ҳужжатларни мукамал даражада тузиб бўлмайди. Шунинг учун шу соҳадаги ҳар бир мутахассис ўзбек тили ва юридик тил талабларини юқорида даражада эгаллаши, юрислингвистик қоидаларни мукамал билиши талаб этилади.

Умуман, маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари матнларида ўзбек тили ва юридик тил талабларига риоя қилинмаган бундай номукамалликларни кўплаб келтириш мумкин. Гап уларни келтиришда эмас. Балки суд ҳужжатларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш, уларнинг фуқаролар идрок имкони даражасида тузилишини таъминлаш ва шу йўл билан уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан иборат.

1.3.2. Услубий хатоликлар

Ҳар қандай расмий ҳужжат матнининг мукамал даражада тузилиши унинг услубий жиҳатдан тўғри шаклланишига боғлиқ. Чунки тилнинг давлат ва жамият фаолиятида тўла қўлланиши, ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг ишлатилиши функционал услубларда ва уларнинг ўзига хос жиҳатларида тўла намоён бўлади.

Шунга кўра, услубиятга оид илмий адабиётларда кўпчилик олимлар томонидан тил таркибида асосан сўзлашув, бадий, публицистик, илмий, расмий иш услуби сингари вазифавий (функционал) услублар мавжудлиги таъкидланади.

Ҳақиқатан ҳам, бу вазифавий услублар маълум бир ижтимоий фаолиятга хосланади. Масалан, илмий нутқнинг мақсад ва вазифаси илмий алоқадан; бадий услубники эса ҳаёт воқеликларини бадийлаштириб, умумлаштириб, ҳаққонийлик билан ёритиб беришдан, бундан ташқари, тингловчига эстетик-эмоционал таъсир кўрсатишдан иборат. Шунинг учун ёзувчи тилнинг барча лексик ва грамматик воситаларидан, шунингдек, турли бадий тасвир воситаларидан усталик билан фойдаланишга, янги-янги ифода воситаларини яратишга ҳаракат қилади.

Сўзлашув услуби кишиларнинг ўзаро кундалик фаолияти давомида қўлланади. Публицистик услуб эса оммавий ахборот воситаларида иш кўради. Расмий иш услуби эса расмий доирада, турли ҳужжат ва норматив акт лойиҳаларини, суд ҳужжатларини тузишда, иш қоғозлари: ариза, тилхат, тавсифнома кабиларни тўлдиришда қўлланади.

Шунга кўра, бу услубларнинг мақсад ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг сўз, қўшимча ва грамматик конструкцияларни танлаши ҳам ҳар хил бўлади. Сўзлашув ва бадиий услубда кўпроқ *мактуб*, *битик*, *ораз*, *жамол*, *васф* сингари сўзлар кўп ишлатилса, расмий ва илмий услубда асосан терминлар, услубий бўёғи бўлмаган сўзлар кўп қўлланади.

Шунинг учун маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорларини умумдабий тил ва юридик тилга қўйиладиган талаблар асосида ҳар жиҳатдан мукамал, аниқ ва раvon тузилиши, аввало, услубий жиҳатдан сўз ва терминлардан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Матнда сўзларнинг маъносини фарқламасдан бериш, ортиқча сўз ва ибораларнинг ишлатилишига йўл қўйилиши ҳуқуқий ахборотнинг ўта аниқ ва содда ифодаланишига тўсқинлик қилади. Айниқса, ҳуқуқий нормаларнинг грамматик қоидалар асосида тузилмаслиги, ҳатто бирор қўшимчанинг тушиб қолиши ёки унинг ўрнига бошқасининг ишлатилиши ҳуқуқий ахборотнинг мазмун ва моҳияти бутунлай ўзгаришига сабаб бўлади.

Шу боис ҳуқуқий ахборот норма сифатида шакллантирилаётганида, унда ифодаланаётган ҳар бир сўз, қўшимча, ҳатто тиниш белгилари биттама-битта таҳлилдан ўтказилиши, лозим бўлсагина, шу сўз ёки қўшимча қолдирилиши мақсадга мувофиқ.

Республика бўйича маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларни услубий жиҳатдан тўла мукамал деб бўлмайди. Улар юридик тилга қўйиладиган талабларга тўла жавоб бера олмайди, шунингдек, ўзбек тили қонун-қоидаларига бўйсунмайдиган кўпдан-кўп ўринлар мавжуд. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

1.3.7-жадвал

МЕЗОНЛАР		ХАТОЛИКЛАР СОНИ
Имловий хатоликлар	бош ҳарфлар имлоси	1 391
	“у” ва “ў” ҳарфлар	434
	“к” ва “қ” ҳарфлар	267
	“ҳ” ва “х” ҳарфлар	1 259
	сонларнинг имлоси	49
	бошқа хатоликлар	1 263
Жами имловий хатоликлар		4 663
Ишоравий хатоликлар	нуқта, вергул	2 567
	тире ва чизиқча (дефис)	636
	икки нуқта ва нуқтали вергул	74
	қўштирноқ ва қавс	169
	бошқа хатоликлар	1 006
Жами ишоравий хатоликлар		4 452

Грамматик хатоликлар	гап тузилиши	122
	келишк қўшимчалари	1 088
	эгалик қўшимчалари	1 489
	нисбат қўшимчалари	232
	бошқа хатоликлар	1 394
Жами грамматик хатоликлар		4 325
Услубий хатоликлар	сўзни ортиқча қўллаш	1 429
	сўзни ноўрин қўллаш	217
	керакли сўзни қўлламаслик	537
	юрдик иборани нотўғри қўллаш	15
	бошқа хатоликлар	71
Жами услубий хатоликлар		2 269
Юрдик терминларни қўллашдаги хатоликлар	унификациялаш ва стандартлаш	223
	ортиқча термин қўллаш	61
	терминни қўлламаслик	47
	нотўғри қўллаш	938
	бошқа хатоликлар	9
Жами юрдик терминларни қўллашдаги хатоликлар		1 278
Юрдик тил талаблари	расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (холислик) талаблари	28
	ўта (максимал) аниқлик талаблари	623
	қисқалик, соддалик, лўндалик талаблари	24
	қолиплаганлик талаби	62
	бошқа хатоликлар	0
Жами юрдик тил талаблари		737
Юрдик терминларни қўллашдаги хатоликлар	кириш қисмида	281
	баён қисмида	8
	асослантурувчи қисмида	2
	хулоса қисмида	10
	бошқа хатоликлар	44
Жами қарорнинг композицион тузилишидаги хатоликлар		345
Бошқа хатоликлар		2
Жами		18 071

Мазкур ўрганиш давомида Республика бўйича маъмурий суд ҳужжатларида жами 18071 та хатолик аниқланган бўлса, шундан 2269 таси услубий хатоликларга тўғри келади. Маъмурий суд ҳал қилув қарорини тузаётган мутахассислар сўзни тўғри қўллаш қодаларига амал қилмаяпти.

Маъмурий суд ҳал қилув қарорлари матнларидаги бундай услубий муаммоларни ўрганиб чиқиб, уларни қуйидаги гуруҳларга умумлаштирдик:

1.3.8-жадвал

МЕЗОНЛАР	ХАТОЛИКЛАР СОНИ
сўзни ортиқча қўллаш	1429
сўзни ноўрин қўллаш	217
Услубий хатоликлар	
керакли сўзни қўлламаслик	537
юрдик иборани нотўғри қўллаш	15
бошқа хатоликлар	71
Жами услубий хатоликлар	2 269

Бу кўрсаткични янада чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассислар Республика бўйича 1429 та ҳолатда услубий жиҳатдан сўзни ортиқча қўлламоқда, 537 ҳолатда керакли сўзни қўлламапти, 217 ҳолатда ноўрин ишлатмоқда.

Сўзни ортиқча қўллаш

Ҳал қилув қарори матнларидаги лексик-услубий муаммолар айрим сўз ва жумлаларни ортиқча қўллашда, маттни тузишда қисқалик, соддалик талабларига риоя этилмаглигида кўринади. Буни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

1.3.9-жадвал

Сўзни ортиқча қўллаш		ЖАМИ: 1429
48	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 140
141	Андижон	Сурхондарё 147
123	Бухоро	Сирдарё 97
63	Жиззах	Фарғона 71
144	Қашқадарё	Хоразм 80
33	Навоий	Тошкент вилояти 122
143	Наманган	Тошкент шаҳар 77

Бу айниқса, маъмурий суд ҳал қилув қарорларининг кириш, баён ва хулоса қисмларида кўп кузатилди. Деярли барча ҳал қилув қарорларининг кириш қисмида ортиқча сўз қўллаш, мантиқан такрорий ҳолатлар мавжуд. Жумладан,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2018 йил сентябрь ойининг 21 кунинда ХХХХ тумани маъмурий суди ўз биносида, очик суд мажлисида

судья А.О. раислигида,

С.К.нинг котибалигида, аризачи О.К.нинг иштирокида, аризачи К.О.нинг ХХХХ туман ФХДЁ бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топши ҳақидаги аризаси асосида юритилган ХХХХ-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни А Н И Қ Л А Д И:

Мазкур матнда “ойида” ва “кунинда” сўзлари хато қўлланган, мантиқий такрорлаш ҳолати юз берган. Чунки мазкур матнда “февраль” сўзининг ўзи ой маъносини беради. Шунингдек, “куни” сўзининг ўзи “кунинда” маъносини беради, яъни “кунинда” сўзидаги “-да” қўшимчаси ҳам ортиқча ишлатилган.

Шунингдек, қуйидаги мисолга эътибор беринг:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2018 йил 20 сентябрь куни ХХХХ-сонли ишни ХХХХ туман маъмурий суди ўз биносида,
судья А.О. раислигида,

С.К.нинг котибалигида, аризачи О.К.нинг иштирокида, аризачи К.О.нинг ХХХХ туман ФХДЁ бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Бу матнда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

1. Мазкур матн ҳал қилув қарори кириш қисмининг қолиплаганлик талабига жавоб бермайди. У аслида грамматик жиҳатдан қуйидагича тузилиши лозим эди:

2018 йил 20 сентябрь куни ХХХХ тумани маъмурий суди ўз биносида очиқ суд
мажлисида

судья А.О. раислигида,

С.К.нинг котибалигида, аризачи О.К.нинг иштирокида, аризачи К.О.нинг ХХХХ туман ФХДЁ бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризаси асосида юритилган ХХХХ-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2. Юқоридаги қоидага амал қилмаслик натижасида ҳал қилув қарорини ёзувчи мутахассис 4 та сўзни (иш ҳужжатлари билан бирга) ортиқча ишлатиб, катта хатоликка йўл қўйяпти. Чунки матнда аризаси асосида юритилган ХХХХ-сонли маъмурий иш дейилганда ариза асосидаги барча ҳужжатлар тўплами тушунилади. Шунинг учун

“... қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга...” гапидаги “иш ҳужжатлари билан бирга” жумласи ортиқча ҳисобланади ва, ўз навбатида, ҳуқуқий ахборотни тушунишни ҳам қийинлаштиради.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ҳал қилув қарорларининг асослантирувчи қисмида ҳам сўз қўллаш билан боғлиқ кўп хатоликлар аниқланди. Жумладан,

Суд аризачи Ж.К.нинг низоли турар-жой ўзига тегишли эканлиги, жавобгар Н.А. томонидан ўзига билдирмасдан ўзининг расмийлаштириб олган деган вазлари билан келиша олмайди.

Мазкур гапда “деган вазлари билан келиша олмайди” жумласи хато қўлланган. Аслида шу жумла “деган вазларини асосиз деб ҳисоблайди” тарзида ишлатилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки “келиша олмайди” сўзига нисбатан “асосиз деб ҳисоблайди” жумласи юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабларига жуда мосдир.

Сўзни ноўрин қўллаш

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, маъмурий суд ҳал қилув қарорларини тузувчи мутахассислар матнда кўпинча сўзни ноўрин қўлламоқдалар. Буни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

1.3.10-жадвал

Сўзни ноўрин қўллаш		ЖАМИ: 217	
53	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	7
4	Андижон	Сурхондарё	14
27	Бухоро	Сирдарё	6
2	Жиззах	Фарғона	2
35	Қашқадарё	Хоразм	7
15	Навоий	Тошкент вилояти	3
34	Наманган	Тошкент шаҳар	8

Бундай хатоликлар асосан матнда расмийлик, нейтраллик оҳангига эга бўлган сўзларни ишлатмасдан, оғзаки сўзлашувга ва бадий услубга хос сўзларни қўллашда кузатилди. Жумладан,

Суд тарафларнинг тушунтириш ва музокара сўзларини эшитиб, ишдаги ҳужжатларни текшириб ва муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келади.

Мазкур гапда “тўхтам” сўзи хато ишлатилган бўлиб, унинг ўрнига “хулоса” дейилганда ҳужжат тилига қўйиладиган талабларга анча мос келар эди. Чунки “тўхтам” сўзи кўпинча оддий сўзлашув услубида қўлланиб, расмий ва илмий услубда “хулоса” сўзи ишлатилади.

Ўрганиш нижалари шунини кўрсатдики, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида маъноси барча фуқароларга тушунарли бўлган сўзлар кўп ишлатилмоқда. Жумладан,

Бинобарин, суд юқоридаги ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 57, 67, 203-206, 215, 320-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Бу матнда “бинобарин”, “юқоридаги” сўзларини қўллашда муаммолар мавжуд. Ўзбек тили изоҳли луғатига кўра, “бинобарин” сўзи “шунга кўра”, “шунга қараб” маъносини беради⁷. Лекин унинг айнан шундай маънони ифодалашини барча фуқаролар тушунавермайди. Бундан ташқари, матнда “юқоридаги” сўзи билан нима назарда тутилаётган номаълум.

Шуларни ҳисобга олган ҳолатда юқоридаги матнни қуйидаги шаклда тузиш мақсадга мувофиқ эди:

Шунга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 57-, 67-, 203-206-, 215-, 320-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Суд ҳужжатларини ёзишда кенг тарқалган хатоликлардан бири юқорида таъкидланганидек, айрим ўринларда юридик терминларнинг халқ тилидаги вариантларининг берилишидир. Жумладан, “жабрланувчи” ўрнида “жабрдийда”, “даъвогар” ўрнида “даъвочи”, “судья” ўрнида “ҳакам”, “адвокат” ўрнида “оқловчи”, “прокурор” ўрнида “қораловчи”, “афв этилди” ўрнида “оқланди”, “озодликдан маҳрум этилди” ўрнида “кесилди”, “хулоса” ўрнида “тўхтам” каби сўзлар ҳам ишлатилади. Бу юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабларига мос келмайди. Шунинг учун юқоридаги сўз ва терминларни юридик тил мезонларидан келиб чиқиб ишлатган маъқул.

Бундан ташқари, маъмурий суд ҳал қилув қарорларида қуйидаги сўзларнинг ҳам ишлатилиши мақсадга мувофиқ эмас:

1. Айрим ҳуқуқий тушунчаларнинг умумдабий тил нормасига кирмаган халқ тилидаги вариантлари: *прокурор – қораловчи, адвокат – оқловчи, судья – ҳакам, жабрланувчи – жабрдийда, озодликдан маҳрум этмоқ – кесмоқ, афв этмоқ – оқламоқ, аноним хати – юмалоқхат, қамоқ – турма, номусга тегиш – зўрлаш, суиқасд қилиш – ўлдирмоқчи бўлиш* кабилар;

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (I жилд). Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 266-б.

2. Эскирган сўзлар: қози (судья), муддаи умуми (прокурор), тузук (кодекс), тилмоч (таржимон), фирқа (партия), жумҳурият (республика), қурултой (съезд), байналхалқ (байналмилал), мирза (котиб), синовчи (эксперт) кабилар;

3. Оғзаки сўзлашувга хос сўзлар: шарманда қилиш, кўндаков қилиш кабилар;

4. Жаргонлар: лой (пул), соққа (пул), кўк (валюта) кабилар;

5. Поэтик лексика: ораз, жамол, жилвакор, париваш, сулув, васф, таъзим, илҳом париси, шабада кабилар;

6. Шевага хос сўзлар: момо, маяк, тегра, така, ўжак, шоти, эна кабилар;

7. Варваризмлар (бошқа тиллардан ўринсиз равишда сўз ишлатиш): *Но так что мен эртага келмайман* сингари;

8. Вульгаризмлар: *(қарғиш ва уят сўзлари)*;

Бундай сўзларда услубий бўёқдорлик ўта кучли бўлиб, улар юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик ва нейтраллик талабларга зиддир. “Қонун тили субъектив ҳиссиётларга бепарқ бўлиши, у бир маромда хотиржам, нейтрал оҳангда ифодаланиши лозим. Унда дабдабалилик, тантанаворлик, кўтаринкиликка ҳамда турли маъно кўчишларига йўл қўйилмайди. Қонун тилининг “гўзаллиги ва нафосати” унинг содда ва лўнда, қисқа ифодаланганлигида, ҳуқуқий нормаларнинг энг юқори даражада аниқ акс эттирилганлигидадир”⁸.

Керакли сўзни қўлламаслик

Матннинг аниқ бўлиши, аввало, сўзни тўғри қўллашга боғлиқ. Шу билан бирга керакли сўзни қўлламаслик ҳам катта хатоликка олиб келади. Ўрганиш натижаларига кўра, ҳал қилув қарорлари матнларида бу соҳада анча муаммолар кузатилди. Уни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

1.3.11-жадвал			
22	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	3
67	Андижон	Сурхондарё	24
57	Бухоро	Сирдарё	90
1	Жиззах	Фарғона	99
37	Қашқадарё	Хоразм	10
11	Навоий	Тошкент вилояти	77
37	Наманган	Тошкент шаҳар	2
Керакли сўзни қўлламаслик		ЖАМИ: 537	

Керакли сўзни қўлламаслик ҳужжатнинг хато тузилишига олиб келади. Суд ҳужжатлари матнларида бундай ҳолатлар жуда ҳам кўпдир. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтамыз.

2018 йил апрель ойининг 16 куни ХХХХ шаҳар маъмурий суди биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси Ф.Х.нинг раислигида, Д.М.нинг котибалигида, даъвогар А.А.нинг жавобгар ХХХХ шаҳар ҳокимлигига қарорига нисбатан ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилган 710-сонли маъмурий ишни кўриб, қуйидагиларни

Аниқлади:

Мазкур гапда гапнинг эгаси ифодаланмаган. Яъни “ким аниқлади?” деган саволга аниқ жавоб йўқ. Чунки ХХХХ шаҳар маъмурий суди дейилгандан кейин “ўз” сўзи ёки суд мажлисининг қаерда ўтказилганини ифодаловчи сўзлар тушиб қолган. Мантиқан ўйлаб кўрилганда эса гапнинг эгаси ХХХХ шаҳар маъмурий суди эканини аниқлаш мумкин. Шунинг учун бу матнда ХХХХ шаҳар маъмурий суди дейилгандан кейин ёки “ўз” сўзи, ёки суд мажлисининг қаерда ўтказилганини ифодаловчи сўзлар қўлланиши лозим эди. Умуман, юқоридаги гап қуйидагича тузилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

⁸ Керимов Д.А. Законодательная техника. -М.:Наука, 2000. -С.61.

2018 йил 16 апрель куни ХХХХ шаҳри маъмурий суди ўз биносида очиқ суд мажлисида шу суднинг раиси Ф.Х.нинг раислигида, Д.М.нинг котиблигида, даъвогар А.А.нинг жавобгар ХХХХ шаҳри ҳокимлиги қарорига нисбатан ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилган 710-сонли маъмурий ишни кўриб, қуйидагиларни Аниқлади:

Юридик иборани нотўғри қўллаш

Тилшунослик фанида маъноси бир сўзга тенг бўлган кўчма маънодаги турғун сўзлар бирикмасига ибора дейилади. Масалан, тарвузи қўлтиғидан тушмоқ, тепа сочи тикка бўлмоқ, юлдузни бенарвон урмоқ кабилар.

Юридик тилда ҳам юридик мазмунни ифодаловчи иборалар жуда кўп ишлатилади. Жумладан, жиноят иши қўзғатмоқ, ишни очиқ кўрмоқ, ишни ёпиқ кўрмоқ, меҳнат қобилиятини йўқотмоқ кабилар.

Ўрганишлар натижасида, маъмурий судлар ҳал қилув қарорлари матнида юридик ибораларни қўллашда бир қанча хатоликлар мавжуд экани кузатилди. Уларни қуйидаги жадвалда янада аниқроқ кўриш мумкин:

1.3.12-жадвал		
2	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 0
0	Андижон	Сурхондарё 2
1	Бухоро	Сирдарё 0
0	Жиззах	Фарғона 0
1	Қашқадарё	Хоразм 1
6	Навоий	Тошкент вилояти 0
0	Наманган	Тошкент шаҳар 2
Юридик иборани нотўғри қўллаш ЖАМИ: 15		

Бундай хатоликлар асосан ҳал қилув қарорларининг кириш қисмида кўпроқ кузатилди. Жумладан,

2018 йил 20 август куни ХХХХ-сонли маъмурий ишни жиноят ишлари бўйича ХХХХ туман суди биносида,

судья А. С.нинг раислигида,

С.О.нинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида, аризачи З. А.нинг ХХХХ тумани ҳокимининг 26.03.2018 йилдаги 984-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

Аниқлади:

Мазкур ҳал қилув қарори матнида очиқ суд мажлисида ибораси ўз ўрнида қўлланмаган бўлиб, уни аслида ҳужжат тузиш талабларига кўра, ХХХХ туман суди биносида сўзларидан кейин қўллаш лозим эди. Шунга кўра, юқоридаги матн қуйидаги тартибда тузилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди:

2018 йил 20 август куни ХХХХ тумани маъмурий суди жиноят ишлари бўйича ХХХХ тумани суди биносида очиқ суд мажлисида

судья А. С.нинг раислигида,

С.О.нинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида, аризачи З. А.нинг ХХХ тумани ҳокимининг 2018.26.03даги 984-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги аризаси асосида юритилган ХХХХ-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

Аниқлади:

Энг асосийси, сўз ва юридик иборани қўллашдаги бундай хато ва камчиликлар ҳуқуқий матннинг асосий маъносига ҳам соя солиб қўяди. Шунинг учун мутахассис ҳал қилув қарори матнини тузаётганида ҳар бир жумла, ҳар бир сўз устида пухта ўйлаб кўрса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, ҳар қандай ҳал қилув қарори ўз мазмун ва моҳияти билан жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларни тартибга солишга, уларнинг нозик қирраларини ҳал этишга қаратилади. Шунга кўра, ҳал қилув қарори ҳажми, тузилиши бўйича мураккаб мазмунга эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси эса бу ҳуқуқий ахборотнинг қандай ҳолатда ва тартибда, қай усулда ифода этилиши билан боғлиқ. Агар уларнинг ифода этилиши усули қанчалик мураккаб, узундан-узун, ноаниқ тузилса, бу ҳал қилув қарори ҳаётда ижобий самаралар бериш ўрнига жамиятда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик миқдорининг ошишига сабаб бўлади. Шунга кўра, ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг ифода этилиш усули давлат фаолиятида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга.

1.3.3. Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар

Маъмурий суд ҳал қилув қарорлари терминлашган тил бўлиб, унда кўплаб терминлар ишлатилади. Ҳуқуқшунос суд ҳужжати матнини тузаётганида оддий сўзларга нисбатан мумкин қадар терминларни кўпроқ ишлатишга ҳаракат қилади. Албатта, бунда ҳам маълум бир чегаралар ва мезонлар бўлиб, суд ҳужжатини тузиш фаолиятида терминлардан тўғри фойдаланишнинг маълум бир усуллари мавжуд. Шунга кўра, суд ҳужжатларини мукамал тузишда терминлардан тўғри фойдалана билиш масаласи муҳим ўрин тутди.

Бу масала илмий юридик адабиётларда етарли даражада ёритилган бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнларини тузаётганда терминлардан фойдаланишнинг илмий-назарий қоидалари тўла ёритилган. Ҳуқуқшунос олимлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнларини терминлардан фойдаланишнинг қуйидаги талабларини ишлаб чиқади:

1. Юридик ҳужжат матнларида ўзи ифодалаётган ҳуқуқий тушунчани аниқ акс эттирувчи терминларни қўллаш лозим; ноаниқ ва кўп маъноли терминларни қўлламаслик лозим.
2. Терминларни ҳаммага маълум маъноларда ишлатиш керак.
3. Суд ҳужжати матнларида ишлатилаётган терминлар барча учун оддий ва тушунарли бўлиши лозим.
4. Эскирган ва адабий тилда фаол ишлатилмайдиган терминларни қўлламаслик зарур.
5. Идоравий маҳдуд (канцеляризм) ва тўрачиликка (бюрократияга) оид терминлардан воз кечиш лозим.
6. Суд ҳужжати матнларида ҳамма биладиган терминларни кўпроқ ишлатиш мақсадга мувофиқ.
7. Суд ҳужжати лойиҳаларини тузаётганда юридик терминлар бирлиги ва барқарорлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.
8. Юридик терминларни услубий жиҳатдан тўғри ишлата билиш лозим. (Бунда юридик терминларга маъно кўчиши, уларнинг ижобий ёки салбий маънони ифодаласдан нейтрал бўлиши назарда тутилади).
9. Суд ҳужжати лойиҳаларида қисқартма (аббревиатура) терминларни мумкин қадар камроқ ишлатиш керак.
10. Келиб чиқиши бир ўзакдан ясалган (ўзакдош) терминларнинг бирлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.
11. Терминларнинг ўта қисқа бўлишига катта эътибор қаратиш зарур.

Ҳақиқатан ҳам, бу талабларда суд ҳужжати лойиҳаларида терминларни ишлатишнинг тўла илмий-назарий қоидаси ўз ифодасини топган бўлиб, унга риоя қилган ҳолда, суд ҳужжати лойиҳасини яратиш ҳуқуқшуносдан катта тажриба, масъулият, билим ва салоҳиятни тақозо қилади. Бу талабларни билмасдан туриб, суд ҳужжати лойиҳаларини яратиш шу ҳужжатнинг номукамаллигига ва амалиётда яхши самаралар бермаслиги ва, ўз навбатида, суд ҳужжатини қўлловчилар учун маълум бир қийинчиликларни туғдиради.

Маъмурий суд ҳал қилув қарорларининг бу талабларга қандай жавоб бериши масаласини ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келдикки, суд ҳужжатларида терминларни қўллаш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд. Уни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

1.3.13-жадвал

	МЕЗОНЛАР	ХАТОЛИКЛАР СОНИ
Имловий хатоликлар	бош ҳарфлар имлоси	1 391
	“у” ва “ў” ҳарфлар	434
	“к” ва “қ” ҳарфлар	267
	“ҳ” ва “х” ҳарфлар	1 259
	сонларнинг имлоси	49
	бошқа хатоликлар	1 263
Жами имловий хатоликлар		4 663
Ишоравий хатоликлар	нуқта, вергул	2 567
	тире ва чизикча (дефис)	636
	икки нуқта ва нуқтали вергул	74
	қўштирноқ ва қавс	169
	бошқа хатоликлар	1 006
Жами имловий хатоликлар		4 452
Грамматик хатоликлар	гап тузилиши	122
	келишик қўшимчалари	1 088
	эгалик қўшимчалари	1 489
	нисбат қўшимчалари	232
	бошқа хатоликлар	1 394
Жами имловий хатоликлар		4 325
Услубий хатоликлар	сўзни ортиқча қўллаш	1 429
	сўзни ноўрин қўллаш	217
	керакли сўзни қўлламаслик	537
	юрдик иборани нотўғри қўллаш	15
	бошқа хатоликлар	71
Жами имловий хатоликлар		2 269
Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар	унификациялаш ва стандартлаш	223
	ортиқча термин қўллаш	61
	терминни қўлламаслик	47
	нотўғри қўллаш	938
	бошқа хатоликлар	9
Жами юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар		1 278
Юридик тил талаблари	расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (холислик) талаблари	28
	ўта (максимал) аниқлилик талаблари	623
	қисқалик, соддалик, лўндалик талаблари	24
	қолиплаганлик талаби	62
	бошқа хатоликлар	0
Жами юридик тил талаблари		737

Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар	кириш қисмида	281
	баён қисмида	8
	асослантурувчи қисмида	2
	хулоса қисмида	10
	бошқа хатоликлар	44
Жами қарорнинг композицион тузилишидаги хатоликлар		345
Бошқа хатоликлар		2
Жами		18 071

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича маъмурий суд ҳужжатларида жами 18071 та хатолик аниқланган бўлса, шундан 1278 таси терминлар қўллаш билан боғлиқ хатоликларга тўғри келади. Бу кўрсаткич, айниқса, Тошкент шаҳри (184 та), Сурхондарё вилояти (164 та), Андижон вилоятида (174 та) жуда юқори, яъни мазкур вилоятлардаги маъмурий суд ҳужжатлари ҳал қилув қарорини тузаётган мутахассислар терминни тўғри қўллаш қоидаларига амал қилмаяпти.

Маъмурий суд ҳал қилув қарорлари матнларидаги бундай терминларни нотўғри қўллаш муаммоларни ўрганиб чиқиб, уларни қуйидаги гуруҳларга умумлаштирдик:

1.3.14-жадвал

МЕЗОНЛАР		ХАТОЛИКЛАР СОНИ
Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар	унификациялаш ва стандартлаш	223
	ортиқча термин қўллаш	61
	терминни қўлламаслик	47
	нотўғри қўллаш	938
	бошқа хатоликлар	9
Жами юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар		1 278

Бу кўрсаткични янада чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассислар Республика бўйича 938 та ҳолатда юридик терминни нотўғри қўлламоқда, 223 та юридик терминларни унификациялаш ва стандартлаштириш қоидаларини бузаяпти, 61 та ҳолатда терминни ортиқча ишлатаяпти, 47 ҳолатда керакли терминни қўлламаяпти.

Терминларни унификациялаш ва стандартлаш билан боғлиқ хатоликлар

Суд ҳужжати матнларида терминларни қўллашга доир энг муҳим талаблардан бири терминларни унификациялаш ва стандартлаш, яъни уларнинг бирлиги, яхлитлиги ва барқарорлигини сақлаш принциpidир. Шунинг учун юридик тилда бу принципнинг муҳимлиги шу соҳа билан шуғулланувчи барча ҳуқуқшунос ва тилшунос олимлар томонидан таъкидланади. Чунки бу талаб терминларда синонимия, омонимия, полисемия муаммоларининг олдини олади, терминларнинг ягона шаклларда ишлатиши учун хизмат қилади. Энг асосийси, юридик матннинг турлича шарҳланишига йўл қўймайди.

Юридик терминнинг сўздан фарқ қиладиган энг муҳим белгиси махсус ҳуқуқий тушунчанинг фақат бир ном билан юритилишидир. Яъни математик тил билан айтганда “бир тушунча ҳар доим бир номга тенг бўлиши лозим”. Акс ҳолда, бир тушунча бир нечта сўзлар билан ифодаланса, бу ҳолат шу терминнинг терминлик хусусиятига зид ҳодиса ҳисобланади. Энг салбий жиҳати шундаки, матнни турлича шарҳлашга сабаб бўлади, натижада суд ҳужжатининг ижросини ҳам турлича, ҳар ким ўзи тушунганича бажаради.

Шунинг учун ҳам юридик терминологияга бағишлаб ёзилган барча рисола ва мақолаларда юридик терминологияда синонимия ҳодисасига йўл қўйилмаслиги, бу юридик терминларга қўйиладиган энг муҳим талаб экани алоҳида таъкидланади⁹.

Шу боис ҳуқуқшунос олим В.М. Савицкий терминларда синонимия ҳодисасининг ижтимоий ҳаётда қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида тўхталиб ўтиб шундай ёзади: “Бир тушунчани турли тил воситалари (сўзлар – Ш.К.) билан берилиши бу тушунчани англашни нафақат қийинлаштиради, балки ижтимоий ҳаётда ёмон оқибатларга олиб келади. Қонунни қўлловчи ёки уни бажарувчи киши қонун чиқарувчининг юксак обрўси (саводхонлиги – Ш.К.)ни назарда тутиб, қонунларда хато берилмайди деган фикрга келади. Агар у қонунда бир ҳуқуқий тушунчани турлича шаклда кўрса, қонунни ҳам турлича талқин қилиб, шунга мос равишда ҳаракат қилади. Бундай ҳолатларда бошқача иш тутиши лозимлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу нафақат ҳуқуқни қўлловчилар, балки ҳуқуқшунос олимлар учун ҳам қийинчилик туғдиради, улар матнда маънони ўқиб олиш учун қанча куч ва вақт сарфлайдилар”¹⁰.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида: “Лойиҳада ишлатиладиган тушунчалар ва терминларни турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади”,- деб таъкидланади.

Кўринадики, юридик терминологияда унификациялаш ва стандартлаш принципига риоя қилмаслик ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, ҳал қилув қарори ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатдики, маъмурий суд ҳал қилув қарорларида терминларни унификациялаш ва стандартлаш ишига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.15-жадвал		
10	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 21
10	Андижон	Сурхондарё 19
27	Бухоро	Сирдарё 5
18	Жиззах	Фарғона 2
57	Қашқадарё	Хоразм 2
16	Навоий	Тошкент вилояти 4
0	Наманган	Тошкент шаҳар 32
Унификациялаш ва стандартлаш		
ЖАМИ: 223		

Бундай хатоликлар асосан суд ҳужжати тузиш ишининг мураккаблигидан ҳамда суд ҳужжати тузувчи шахснинг мавжуд юридик терминлардан тўла хабардор бўлмаслиги сабабли айрим ҳолатларда бирор юридик терминнинг олдиндан мавжуд шакли бўлса-да, шу терминга яқин сўзлар билан берилади. Бу эса ўз-ўзидан терминларнинг бирлиги ва барқарорлиги принципига зид ҳодиса ҳисобланади, бир юридик терминнинг хилма-хил шакллари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Маъмурий суд ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, юридик терминологияда терминларни унификациялаш ва стандартлаш қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Жумладан, бугунги кунда маъмурий суд ҳал қилув қарори матнида рус тилидаги “показание” термини ҳозирда **кўрсатув, кўрсатма, кўргазма, кўргазув, баёнот, гувоҳлик, сўроқ бериш, тушунтириш** сингари 8 та шаклда ишлатилмоқда. Масалан,

Суд тарафларнинг **тушунтириш** ва музокара сўзини эшитиб, ишдаги ҳужжатларни текшириб ва муҳокама қилиб, қуйидаги **тўхтамга** келди

⁹ Қаранг: Язык закона. -С.76-88.; Савицкий В.М. Язык процессуального закона. -С.30-35.; Ушаков А.А. Очерки советской законодательной стилистики. -С.171.; Боголюбов С.А. Стиль правовых актов // Сов. государство и право. 1973, №10.; Боголюбов С.А. Язык правоприменительных актов//Сов. юстиция. 1973 №15.; Сырых В.М. Критирии и способы выявления смысловых отношений между правовыми понятиями. Проблемы совершенствования советского законодательства. Труды ВНИИС 3, вып.5. -М.: 1976.

¹⁰ Савицкий В.М. Язык прцессуального закона. - С.35.

Суд мажлисида манфаатдор шахс А.Б. келтирилган даъво аризани тан олмасдан, судга қуйидагича **кўрсатув** берди.

Суд тарафларнинг **баёнотини**, прокурорнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги **тўхтамга** келди.

Мазкур гапда ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассис тарафларнинг баёноти деб ишлатиб, катта хатоликка йўл қўйган. Чунки баёнот давлатлараро дипломатик муносабатлар, музокаралар, халқаро аҳвол ва шу каби масалалар ҳақида манфаатдор томонларнинг расмий фикрлари, қарашлари ҳамда мақсадларини ифодаладиган расмий ҳужжатнинг номи. Шунинг учун бу сўзни **гувоҳнинг баёноти** тарзида ишлатиб бўлмайди.

Бундай ҳолатлар терминларнинг терминологик принципига мутлақо зид ҳодиса ҳисобланади. Бундай ҳолатларда айнан мана шу термин Конституция ва қонунларда қандай ифодаланган бўлса, айнан шу шаклда бериш мақсадга мувофиқ. Юқоридаги термин Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда кўрсатув шаклида берилган. Жумладан,

238-модда. Ёлғон гувоҳлик бериш

Ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб, ёлғон **кўрсатув бериши** ёхуд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади

(ЖК, 238-м.)

Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг **кўрсатувлари**, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади

(ЖПК, 81-м.)

Бу маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг **кўрсатувлари**, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида тузилган баённома, шунингдек, бошқа материаллар билан белгиланади

(МЖТК, 276-м.)

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳақиқатан ҳам, суд ҳужжатларида юридик терминларни унификациялаш ва стандартлаш қоидалари жуда кўп ҳолатларда бузилапти, кўплаб терминларимиз турлича шаклларда берилмоқда. Бундай терминлардан айримларини қуйидаги жадвалда ифодалашга ҳаракат қилдик:

1.3.16-жадвал

Терминнинг русча номи ва ўзбекча қисқача мазмуни	Терминнинг суд ҳужжатлари матнидаги шакллари	Терминнинг тўғри шакли
исполнительная власть	ижро ҳокимияти, ижро этиш ҳокимияти, ижро этувчи ҳокимият, ижроия ҳокимияти	ижро ҳокимияти

Терминнинг русча номи ва ўзбекча қисқача мазмуни	Терминнинг суд ҳужжатлари матнидаги шакллари	Терминнинг тўғри шакли
областной (районный) хокимият	вилоят (туман) ҳокимлиги, вилоят (туман) ҳокимияти	вилоят (туман) ҳокимлиги
кассационная жалоба	шикоят аризаси, шикоят ариза, шикоят-ариза	шикоят аризаси
исковое заявление	даъво аризаси, даъво ариза, даъво-ариза	даъво аризаси
административное принуждение	маъмурий мажбурлов, маъмурий мажбурлаш, маъмурий мажбур этиш	маъмурий мажбурлов
административное судопроизводство	маъмурий-судлов ишлари маъмур-судлов ишлари	маъмурий-судлов ишлари
стороны	тарафлар, томонлар,	тарафлар
потерпевший	жабрланувчи, жабрдийда	жабрланувчи
уголовное дело	жиноят иши жиноий иш	жиноят иши
подозреваемый	гумон қилинувчи гумондор гумонланувчи шубҳа остига олинган шахс	гумон қилинувчи
исполнитель	маъмурий мажбурлов, маъмурий мажбурлаш, маъмурий мажбур этиш	ижрочи
умышленно	қасддан билиб туриб била туриб билган ҳолда	қасддан
возобновление	тиклаш қайта тиклаш	тиклаш
дознователь	суриштирувчи суриштирувчи шахс	суриштирувчи
ответственное лицо	масъул шахс жавобгар шахс	масъул шахс
давность	муддат муҳлат ўтган муддат кучини йўқотиш муддати	Муддат

Терминнинг русча номи ва ўзбекча қисқача мазмуни	Терминнинг суд ҳужжатлари матнидаги шакллари	Терминнинг тўғри шакли
договор	шартнома аҳднома битим келишув	шартнома
соглашение	битим шартнома аҳднома келишув	битим шартнома келишув
сделка	битим шартнома аҳднома келишув	битим
устав	устав низом	устав
положение	низом устав	низом
законный интерес	қонуний манфаат қонун билан қўриқланадиган манфаат	қонуний манфаат
соучастник	иштирокчи қатнашчи	иштирокчи

Терминни ортиқча қўллаш

Терминни ортиқча қўллаш ҳуқуқий ахборотнинг аниқ ва раво ифодаланишига салбий таъсир қилади. Чунки ортиқча ишлатилган терминлар ижрочини чалғитади, асосий фикрни тушунишни қийинлаштиради ва, ўз навбатида, гапнинг услубий жиҳатдан нотўғри шаклланишига сабаб бўлади.

Ўрганиш натижалари маъмурий суд ҳал қилув қарорлари матнида терминларнинг ортиқча ишлатилиш ҳолатларин кўрсатди. Уни қуйидаги жадвалда аниқроқ кўриш мумкин:

1.3.17-жадвал			
0	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	0
6	Андижон	Сурхондарё	0
0	Бухоро	Сирдарё	3
0	Жиззах	Фарғона	18
0	Қашқадарё	Хоразм	0
0	Навоий	Тошкент вилояти	29
0	Наманган	Тошкент шаҳар	5
Терминни ортиқча қўллаш		ЖАМИ: 61	

Бундай ҳолатлар асосан ҳал қилув қарорларининг баён қисмида кўпроқ кузатилди. Жумладан,

Шикоят-аризачи Б.С. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг XXXX туман бўлимига нисбатан мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят-ариза билан судга мурожаат қилган.

Мазкур матнда терминларни ишлатишда бир қанча муаммолар мавжуд. Айниқса, *шикоят-аризачи*, *шикоят-ариза* терминлари хато ишлатилган. Бунда гапнинг бошида келган *шикоят-аризачи* терминидаги шикоят сўзи ортиқча бўлиб, уни *аризачи* деб ишлатиш мақсадга мувофиқ эди. Бундан ташқари, бу термин юридик тилда *шикоят-ариза* деб эмас, *шикоят аризаси* деб қабул қилинган. Шунинг учун юқоридаги матнни қуйидагича тузиш лозим эди:

Аризачи Б.С. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ХХХХ туман бўлимига нисбатан мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят аризаси билан судга мурожаат қилган.

Шунингдек, ҳал қилув қарорларининг охириги хулоса қисмида унга имзо чекиш кўрсатувчи бандида айрим ҳолатларда *раислик қилувчи судья* деб кўрсатилмоқда. Аслида бу гапда *судья* термини ортиқча бўлиб, ҳал қилув қарорига *раислик қилувчи* терминини ишлатишнинг ўзи етарли, бу мантиқий жиҳатдан қаралганда тавтология ҳисобланади. Чунки суд мажлисига, албатта, судья раислик қилиши ҳаммага маълум.

Керакли терминни қўлласлик

Ўрганиш натижалари ҳал қилув қарорлари матнида айрим ҳолатларда керакли терминни қўлласлик ҳолатлари ҳам аниқланди. Буни қуйидаги жадвалда аниқроқ кўриш мумкин:

1.3.18-жадвал		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 5
0	Андижон	Сурхондарё 11
1	Бухоро	Сирдарё 1
4	Жиззах	Фарғона 0
1	Қашқадарё	Хоразм 7
11	Навоий	Тошкент вилояти 2
0	Наманган	Тошкент шаҳар 3
Терминни қўлласлик		
ЖАМИ: 47		

Бундай ҳолатлар ҳал қилув қарорларининг баён ва хулоса қисмларида кўпроқ кузатилди. Жумладан,

Ҳал қилув қароридан норози томонлар қарор эълон қилинган кундан эътиборан ушбу суд орқали 20 кунлик муддат ичида апелляция, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой муддат ичида кассация тартибида шикоят ва протест келтириши мумкин.

Мазкур матнда ким протест келтириши масаласи аниқ ифодаланмаган. Чунки ҳал қилув қарорида прокурор термини ишлатилмаган. Шунинг учун юқоридаги матн қуйидагича тузилиши лозим эди:

Ҳал қилув қароридан норози томонлар қарор эълон қилинган кундан эътиборан ушбу суд орқали 20 (йигирма) кунлик муддат ичида апелляция, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин 1 (бир) ой муддат ичида кассация тартибида шикоят ва прокурор протест келтириши мумкин.

Бундан ҳам қўпол хатоликни қуйидаги матнда кўриш мумкин:

Ҳал қилув қароридан норози тарафлар уни эълон қилган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида апелляция тартибда ХХХХ вилоят маъмурий судига келтиришликка ҳақлидирлар.

Мазкур ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида бир нечта терминларни ишлатмасдан қўпол хатоликка йўл қўйилган. Бу эса “*тарафлар қайси суд орқали нимани келтиришга ҳақли?*” деган саволни келтириб чиқаради. Чунки матнда айнан шу термин ва сўзлар ишлатилмаган, прокурор термини тушиб қолган. Шу боис юқоридаги маттни қуйидагича тузиш лозим эди:

Ҳал қилув қароридан норози тарафлар қарор эълон қилинган кундан бошлаб ушбу суд орқали ХХХХ вилояти маъмурий судига 20 (йигирма) кун муддат ичида апелляция тартибда шикоят ва прокурор протест келтиришга ҳақли.

Терминни нотўғри қўллаш

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, маъмурий суд ҳал қилув қарорларида терминларни нотўғри ишлатиш ҳолатлари кўплаб кузатилди. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.19-жадвал			
16	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	66
158	Андижон	Сурхондарё	132
59	Бухоро	Сирдарё	60
67	Жиззах	Фарғона	5
11	Қашқадарё	Хоразм	109
1	Навоий	Тошкент вилояти	37
73	Наманган	Тошкент шаҳар	144
Терминларни нотўғри қўллаш			
ЖАМИ: 938			

Бундай хатоликлар асосан суд ҳужжатини тузувчи мутахассислар терминларнинг маъносини фарқламасликларидан келиб чиқмоқда. Жумладан,

*Аризачи Ж.Ш. жавобгар ХХХХ туман **ҳокимиятига** нисбатан ХХХХ туман ҳокимининг 2014 йил 12 сентябрь кундаги 922-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси билан судга мурожаат этган.*

Матнда ҳокимият сўз хато ишлатилган бўлиб, у аслида ҳокимлик тарзида қуйидагича ишлатилиши лозим эди:

*Аризачи Ж.Ш. жавобгар ХХХХ туман **ҳокимлигига** нисбатан ХХХХ туман ҳокимининг 2014 йил 12 сентябрь кундаги 922-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси билан судга мурожаат этган.*

Шундай қилиб, бугунги кунда суд ҳужжатларининг аксарият қисмида “**ҳокимият**” ва “**ҳокимлик**” сўзларининг маъносини фарқламасдан ишлатмоқдалар, **ХХХХ вилояти ҳокимияти, ХХХХ тумани ҳокимияти** тарзида. Аслида **ХХХХ вилояти ҳокимлиги, ХХХХ тумани ҳокимлиги** тарзида қўллаш зарур.

Айрим ўринларда маъмурий суд ҳал қилув қарорларида терминларни қўллашда термин сифатида юридик тилга қабул қилинмаган, мунозарали терминларни қўллаш ҳолати ҳам кузатилди. Жумладан, айрим суд ҳужжатларида рус тилидаги **неустойка** термини ўрнида **боқимонда** сўзи ишлатилган.

Боқимонда араб ва форс-тожик тилларидан олинган бўлиб, тарихий асарларда **қолдиқ қарз, ундирилмаган солиқ маъноларида ишлатилган. Масалан, Валихон бориб Ғузор беклигидаги солиқларни, ҳатто боқимондаларигача ундирди (Ш. Тошматов, “Эрк қуши”¹¹.**

¹¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (I жилд). Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 347-б.

Суд ҳужжати матнларида бундай эскирган сўзларни ишлатиш яхши оқибатларга олиб келмайди. Суд ҳужжати учун энг асосий талаб ҳамма учун тушунарли бўлишидир. Суд ҳужжати матнларида бундай сўзларни ишлатиш ҳуқуқий нормани “топишмоқ”қа айлантириб қўяди. Уни топиш учун соатлаб луғатлар кўришни, қанча куч ва вақтни тақозо этади.

Бундан ташқари, ҳуқуқшуноснинг ўзи умумадабий тилда мавжуд бўлмаган янги сўзларни суд ҳужжати матнларида ишлатиб, ўзи ҳуқуқбузарликка йўл қўяди. Чунки “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига янги сўзларни ўзбек тилига жорий этиш тартиби ҳақида махсус ҳуқуқий норма киритилган бўлиб, унда шундай дейилади: “Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий терминларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди.

Янги илмий асосланган терминлар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади”.

Демак, янги терминлар Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилиши лозим.

Кўринадики, маъмурий суд ҳал қилув қарорларида терминларни қўллашда жуда кўп муаммолар мавжуд. Бунга асосий сабаб, биринчидан, ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассиснинг ўз ишига бефарқ қарагани бўлса, иккинчидан, шу мутахассиснинг юридик тил ва юридик терминларни қўллашга оид билимларининг етишмаслигидир. Айниқса, ҳуқуқий билимлардан ҳамда юридик терминлардан хабарсиз бўлган бошқа соҳа мутахассис-таржимони маълум бир ҳуқуқий нормани ифодалашда юридик тилда қабул қилинган терминларни эмас, балки шунга яқин маъноларни ифодаловчи сўзларни ишлатади. Натижада бундай сўзлар суд ҳужжатлари матнига кириб қолиб, юридик терминларда синонимия ҳодисасининг кўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун суд ҳужжатлари матни сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш, сўнгра унда ишлатилган ҳар бир термин устида чуқур ўйлаб кўриш ва юридик тилга қабул қилинган терминларнигина ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, суд ҳужжати матнларида терминларни тўғри ишлата билиш ўта мушкул ва, ўз навбатида, шарафли вазифа бўлиб, у ҳуқуқшуносга катта масъулият юклайди. Суд ҳужжатларининг амалиётда самарали натижалар бериши ва фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг ошиши ҳуқуқий нормаларни ифодалашда терминлардан тўғри фойдаланишга чамбарчас боғлиқ.

1.3.4. Грамматик хатоликлар

Суд ҳужжатларининг юридик тилга қўйиладиган талаблар асосида ҳар жиҳатдан мукамал, аниқ ва раван тузилиши, аввало, ҳуқуқий ахборотнинг ўзбек тили грамматик қонун-қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда тузилишига боғлиқ. Матннинг грамматик қоидалар асосида тузилмаслиги, ҳатто бирор қўшимчанинг тушиб қолиши ёки унинг ўрнига бошқасининг ишлатилиши ҳуқуқий ахборотнинг мазмун ва моҳияти бутунлай ўзгаришига сабаб бўлади. Шунга кўра, суд ҳужжатларида маълум бир фикрни аниқ ва раван ифодалашда нафақат сўз, балки грамматик шаклларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда жуда ҳам кўп грамматик хатоликлар мавжуд. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

ГРАММАТИК ХАТОЛИКЛАР							
т/р	Вилоят	Ҳап тузилиши	Келишик қўшимчалари	Эгалик қўшимчалари	Нисбат қўшимчалари	Бошқа хатоликлар	ЖАМИ
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	5	60	59	15	41	180
2.	Андижон	5	135	115	15	57	327
3.	Бухоро	12	45	137	1	55	250
4.	Жиззах	4	56	76	1	101	238
5.	Қашқадарё	20	130	121	38	73	382
6.	Навобий	1	47	25	11	47	131

ГРАММАТИК ХАТОЛИКЛАР

Т/р	Вилоят	Гап тузилиши	Келишик қўшимчалари	Эгалик қўшимчалари	Нисбат қўшимчалари	Бошқа хатоликлар	ЖАМИ
7.	Наманган	2	132	128	44	150	456
8.	Самарқанд	9	77	101	14	133	334
9.	Сурхондарё	14	113	121	44	147	439
10.	Сирдарё	11	154	120	26	70	381
11.	Фарғона	2	64	129	17	177	389
12.	Хоразм	10	20	111	4	91	236
13.	Тошкент вилояти	1	35	124	2	132	294
14.	Тошкент шаҳар	26	20	122	0	120	288
	ЖАМИ:	122	1088	1489	232	1394	4325

1.3.20-жадвал

Жадвалдан кўринадики, республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида жами 4325 та хатолик аниқланган. Айниқса, Наманган (456), Сурхондарё (439), Фарғона (389) вилоятларида бундай хатоликлар жуда кўп учрайди.

Ҳал қилув қарорларидаги бундай грамматик хатоликлар асосан гап тузилиши, келишик, эгалик, нисбат қўшимчаларининг нотўғри ишлатилишида кузатилди. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин.

1.3.21-жадвал

Грамматик хатоликлар	гап тузилиши	122
	келишик қўшимчалари	1 088
	эгалик қўшимчалари	1 489
	нисбат қўшимчалари	232
	бошқа хатоликлар	1 394
Жами грамматик хатоликлар		4 325

Гап тузишдаги хатоликлар

Расмий ҳужжатнинг сифати ифодаланаётган фикрнинг юридик тилга қўйиладиган талаблар асосида гапнинг қайси тартибда тузилиши билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассис, биринчи навбатда, гапларни ўзбек тили қоидаларига қатъий асосланган грамматик конструкциялар асосида қисқа, содда ва аниқ тузишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Айниқса, бунда гапда сўзларни бир-бирига мантиқан боғлаш вазифасини бажарувчи қўшимчалар: келишик, эгалик ва шахс-сон қўшимчаларини тўғри қўллаш фавқулудда муҳим ҳисобланади. Чунки бу қўшимчаларни хато қўллаш ифодаланаётган ҳуқуқий ахборот мазмунининг бутунлай ўзгариб кетишига сабаб бўлади ва оқибатда бу ҳужжатнинг ижроси ҳам турлича бўлади.

Ўрганишлар шунини кўрсатдики, маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида гапларни ўзбек тили ва юридик тил талабларидан келиб чиққан ҳолда тўғри тузишда бир қанча хатоликлар мавжудлиги кузатилди. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.22-жадвал

Гап тузилишидаги хатоликлар	
5	Қорақалпоғистон Республикаси
5	Андижон
12	Бухоро
4	Жиззах
20	Қашқадарё
0	Навоий
2	Наманган
9	Самарқанд
14	Сурхондарё
11	Сирдарё
0	Фарғона
10	Хоразм
0	Тошкент вилояти
26	Тошкент шаҳар
ЖАМИ: 118	

Жадвалдан кўринадики, маъмурий судлар қарорларида 118 та ҳолатда гапни тўғри тузишда хатоликлар мавжуд. Бу, айниқса, Тошкент шаҳри (26), Қашқадарё вилоятида (20) жуда юқори.

Бундай хатоликлар асосан ҳал қилув қарорининг кириш қисмида кўпроқ кузатилди. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтаемиз:

XXXX шаҳар XXXX туман маъмурий суди 2018 йил январь ойининг 12 кунда ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик этувчи судья С.Х.М.,

суд мажлиси котиби А.Ў.нинг котиблигида, аризачи А.Р.нинг мажбурий ижро XXXX шаҳар XXXX туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний деб топил ва давлат ижрочисининг 27.03.2017 йилдаги қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топил шикоятни бўйича юритилган XXXX-сонли маъмурий ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни АНИҚЛАДИ:

Мазкур гапда ўзбек тили ва юридик тилнинг бир қанча қоидаларининг бузилганини кўриш мумкин. Бу, биринчи навбатда, гапнинг тузилишига кўра нотўғри шаклланганлигида кўринади.

Ўзбек тили ва юридик тил талабларига кўра, гаплар қуйидаги формула асосида тузилиши керак:

Ўзбек тилининг грамматик қоидаларига ва юридик тил талабларига асосан ҳал қилув қарорида ифодаланаётган гапларда гап бўлақларининг жойлашиш тартиби: **пайт ҳоли + ўрин ҳоли + эга + тўлдирувчи + кесим** шаклида бўлиши лозим. Аниқловчи эса ўзи аниқлаётган сўздан (ё эгадан, ё тўлдирувчидан) олдин қўлланиши керак.

Бу фикрни яна ҳам оддийроқ қилиб айтганда, расмий ҳужжатларда гаплар қуйидаги формула асосида тузилиши керак:

“Қачон? + Қаерда? + Ким? + Қайси тартибда? + Нима қилди?”

Лекин юқоридаги гапда бу қоидаларга ва юридик тилнинг қолиплаганлик талабига риоя қилинмаган. Гап грамматик жиҳатдан ким? + қачон? + қаерда? + нима қилди? шаклида тузилган. Яъни мазкур гапнинг эгаси – *XXXX шаҳар XXXX туман маъмурий суди* жумласи *2018 йил январь ойининг 12 кунда* дегандан кейин ишлатилиши лозим эди:

Бундан ташқари, юқоридаги гапда “*2018 йил январь ойининг 12 кунда*” дейилганда “*ойининг*” сўзи ва –*да* келишик кўшимчаси ноўрин қўлланган, бу мантиқан тўғри эмас, чунки ой номининг “*январь*” тарзида ифодаланиши “*ой*” маъносини беради. Шунингдек, “*куни*” сўзи ҳам ўрин-пайт келишигининг кўшимчаси (-*да*)ни ифодлайди. Бу юридик тилнинг қисқалик талабига ҳам зид ҳисобланади. Шунинг учун бу гапни “*2018 йил 12 январь куни*” тарзида ишлатиш зарур эди.

Шунингдек, юқоридаги матнда “*XXXX шаҳар XXXX туман маъмурий суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, ...*” гапида ўзбек тилининг грамматик ва пунктуацион қоидалари нуқтаи назардан икки марта вергул ишлатиб, иккита хатоликка йўл қўйилган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қарорини тузаётган мутахассис “*XXXX шаҳар XXXX туман маъмурий суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, ...*” гапида учта уюшган гап бўлаги мавжуд деб ўйлаб, ҳар бир гап бўлагидан сўнг вергул қўйган ва катта хато қилган. Бу ўзбек тилининг грамматик ва орфографик қоидаларини билмасликдан келиб чиқади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур маъмурий суд ҳал қилув қарорининг кириш қисми “XXXX шахри XXXX тумани маъмурий суди ўз биносида очиқ суд мажлисида...” шаклида тузилиши лозим эди.

Шунингдек, юқоридаги гапда “Раислик этувчи судья С.Х.,” жумласи ҳам хато тузилган. Чунки юридик тилнинг ўта аниқ бўлиши учун ифодаланаётган ҳуқуқий фикрлар қолиплаган грамматик конструкциялар асосида берилиши керак. Шу боис юқоридаги мазкур жумла “судья С.Х. раислигида” тарзида ифодаланиши зарур эди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мазкур маъмурий суд ҳал қилув қарорининг кириш қисмини қуйидаги шаклда тузиш мақсадга мувофиқ эди:

2018 йил 12 январь куни XXXX шахри XXXX тумани маъмурий суди ўз биносида очиқ суд мажлисида

судья С.Х. раислигида,

суд мажлиси котиби А.Ў.нинг котиблигида, аризачи А.Р.нинг мажбурий ижро XXXX шахри XXXX тумани бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини файриқонуний деб топиш ва давлат ижрочисининг 27.03.2017 йилдаги қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилган XXXX-сонли маъмурий ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Шунингдек, маъмурий судлар ҳал қилув қарорларининг кириш қисмидаги гапда баъзан грамматик жиҳатдан гапнинг эгаси тушиб қолган ҳолатлар кузатилди. Жумладан,

2018 йил июль ойининг 10 кунда XXXX тумани XXXX МФЙ биносида сайёр суд мажлиси бўлиб, XXXX туман маъмурий судининг раиси А.Б.нинг раислигида, З.Р.нинг котиблигида, XXXX туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Я.нинг иштирокида, аризачи А.Ж.нинг мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан келтирган шикоят аризаси бўйича қўзғатилган маъмурий иши кўрилиб, қуйидагилар

АНИҚЛАДИ:

Мазкур гапда “ким маъмурий ишни кўриб чиқди?” деган саволга аниқ жавоб йўқ. Чунки гапнинг эгаси тушиб қолган. Шунинг учун мазкур маъмурий ишнинг қайси туман маъмурий суди томонидан кўриб чиқилганлиги номаълум. Бу гапни мантиқан ўйлаб кўрганда, гапнинг эгаси ё XXXX, ёки XXXX туманларидан бири эканини аниқлаш мумкин.

Бундан ташқари, мазкур гап *2018 йил июль ойининг 10 кунда XXXX тумани XXXX МФЙ биносида сайёр суд мажлиси бўлиб,...* тарзида тузилиб, юридик тилнинг грамматик жиҳатдан қолиплаганлик талаби ҳам бузилган.

Шунга кўра, юқоридаги гап қуйидагича тузилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди:

2018 йил 10 июль куни XXXX (XXXX) тумани маъмурий суди XXXX тумани “XXXX” МФЙ биносида сайёр суд мажлисида

XXXX тумани маъмурий судининг раиси А.Б.нинг раислигида, З.Р.нинг котиблигида, XXXX тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Я.нинг иштирокида, аризачи А.Ж.нинг мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан келтирган шикоят аризаси бўйича қўзғатилган маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Шундай қилиб, суд ҳужжатини тузувчи мутахассис ҳал қилув қарорининг сифатини ошириш учун гапларнинг тўғри шаклланишига, грамматик конструкцияларнинг ўзбек тили ва юридик тил қоидаларига тўла мос ҳолда тузилишига алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ.

Келишик қўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар

Суд ҳужжатининг сифатини оширишда, гапларнинг аниқ ва раво шакллантиришда ўзбек тилининг келишик қўшимчалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг грамматик қондасига кўра, келишиклар гапда сўзларни мантиқан боғлаш учун хизмат қилади. Аниқроғи, гапда от ва отлашган сўзларни бошқа бир сўзга боғлайди. Келишик шаклидаги сўз бошқа сўзлар билан грамматик алоқага киришади.

Отларнинг келишик қўшимчаларини олиб ўзгариши **турланиш** деб юритилади. Шунга кўра, келишик қўшимчалари **турловчи қўшимчалар** деб аталади.

Ўзбек тилида қуйидаги олти келишик мавжуд:


1.3.23-жадвал

КЕЛИШИКЛАР	ҚЎШИМЧА	САВОЛ	МИСОЛЛАР
Бош	-	Ким? Нима? Қаер?	<i>Карим, суд, Ўзбекистон</i>
Қаратқич	-нинг	Кимнинг? Ниманинг? Қаернинг?	<i>Каримнинг, суднинг, Ўзбекистоннинг</i>
Тушум	-ни	Кимни? Нимани? Қаерни?	<i>Каримни, судни, Ўзбекистонни</i>
Жўналиш	-га	Кимга? Нимага? Қаерга?	<i>Каримга, судга, Ўзбекистонга</i>
Ўрин-пайт	-да	Кимда? Нимада? Қаерда?	<i>Каримда, судда, Ўзбекистонда</i>
Чиқиш	-дан	Кимдан? Нимадан? Қаердан?	<i>Каримдан, суддан, Ўзбекистондан</i>

Гапда келишик қўшимчаларини хато қўллаш ёки уларни қўлламаслик суд ҳужжатларининг сифатига салбий таъсир қилади. Айниқса, юридик тилда бу жуда ҳам муҳим бўлиб, ифодаланаётган ҳуқуқий ахборот мазмунининг бутунлай ўзгаришига сабаб бўлади.

Маъмурий судлар ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда келишик қўшимчаларини нотўғри қўллаш ҳолатлари жуда ҳам юқори. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.24-жадвал



Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича маъмурий судларнинг қарорларида 1088 та ҳолатда келишик қўшимчаларини тўғри тузишда хатоликлар мавжуд. Айниқса, бу кўрсаткич Сирдарё (154), Андижон (135), Қашқадарё (130) вилоятларида жуда юқори.

Бундай хатоликлар асосан ҳал қилув қарорларининг барча қисмларида кузатилди. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтаемиз:

Суд давлат божини муҳоама қилиб, **аризачини** аризаси рад этилганлиги сабабали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрь кунги қарори билан тасдиқланган “Давлат божи ставка” ларининг 1-қисми “б” бандига кўра аризачидан энг кам **ойлик иш ҳақини** бир баравари миқдорида давлат божи ундириш лозим бўлса-да, аммо аризачи пенсия ёшида эканлигини, **моддий аҳволини** ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, уни давлат божи тўлашдан озод қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Мазкур гапда **аризачини, ойлик иш ҳақини, моддий аҳволини** сўзларида тушум келишиги қўшимчаси **-ни** ишлатилиб, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига асосан катта хатоликка йўл қўйилган. Аслида бу сўзларда тушум келишиги эмас, балки қаратқич келишиги қўшимчаси **-нинг** ишлатилиши керак эди.

Шунда юқоридаги гапни қуйидагича тузиш лозим бўлар эди:

*Суд давлат божини муҳокама қилиб, **аризачининг** аризаси рад этилгани сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрь кунги қарори билан тасдиқланган “Давлат божи ставка”ларининг 1-қисми “б” бандига кўра, аризачидан энг кам **ойлик иш ҳақининг** бир баравари миқдорида давлат божи ундириш лозим бўлса-да, аммо аризачи пенсия ёшида эканини, **моддий аҳволининг** ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, уни давлат божи тўлашдан озод қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.*

Худди шундай хатоликлар маъмурий судлар ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида кўплаб кузатилди. Жумладан,

*Аризачи “XXXX” МЧЖ **ни** жавобгар XXXX туман ҳокимлигига нисбатан “Ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топшиш ва кадастр идорасига мажбурият юклаш ҳақида”ги аризаси қаноатлантирилсин.*

Мазкур гапда **“XXXX” МЧЖ **ни**** сўзларида тушум келишиги қўшимчаси **-ни** ишлатилиб, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига асосан катта хатоликка йўл қўйилган. Аслида бу сўзларда тушум келишиги эмас, балки қаратқич келишиги қўшимчаси **-нинг** ишлатилиши керак эди.

Шунда юқоридаги гапни қуйидагича тузиш лозим бўлар эди:

*Аризачи **“XXXX” МЧЖнинг** жавобгар XXXX тумани ҳокимлигига нисбатан “Ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топшиш ва кадастр идорасига мажбурият юклаш ҳақида”ги аризаси қаноатлантирилсин.*

Шунингдек, XXXX тумани маъмурий суди ҳал қилув қарорининг қуйидаги хулосавий қисмида ҳам худди шундай хатоликка йўл қўйилади:

*Аризачи М.Ш. судга шикоят ариза билан мурожаат қилиб, XXXX тумани ҳокимининг 2018 йил 8 май кундаги XXXX-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топшиш ҳақидаги **шикоят аризаси** қаноатлантириш рад қилинсин.*

Мазкур гапда **шикоят аризаси** сўзи бош келишикда ишлатилиб, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига асосан катта хатоликка йўл қўйилган. Аслида бу сўзни бош келишикда эмас, балки тушум келишиги қўшимчаси **-ни** шаклида қуйидагича ишлатиш керак эди:

*Аризачи М.Ш. судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, XXXX тумани ҳокимининг 2018 йил 8 май кундаги X-1053/05-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топшиш ҳақидаги **шикоят аризасини** қаноатлантириш рад қилинсин.*

Эгалик қўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар

Ўзбек тили қоидаларига кўра, отларнинг грамматик хусусиятларидан бири унинг **эгалик категориясига** эга бўлишидир. Предметнинг кимга тегишли эканини англатувчи шакллар тизими эгалик категорияси дейилади. Предметнинг уч шахсдан бирига мансублигини кўрсатувчи қўшимчалар **эгалик қўшимчалари** дейилади. Улар шахс маъноси билан бирга унинг сонини (бирлиги ва кўплиги)ни ҳам кўрсатади.

Ўзбек тилида қуйидаги эгалик категорияси мавжуд:

1.3.25-жадвал

ШАХС	БИРЛИК	КЎПЛИК
I шахс	-(и)м	-(и)миз
II шахс	-(и)нг	-(и)нгиз
III шахс	-и,-си	-и, -си

Гапда эгалик қўшимчаларини хато қўллаш ёки уларни қўлламаслик суд ҳужжатларининг сифатига жиддий салбий таъсир қилади. Айниқса, юридик тилда бу жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Маъмурий судлар ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда эгалик қўшимчаларини нотўғри қўллаш ҳолатлари жуда ҳам юқори экани кузатилди. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.26-жадвал

Эгалик қўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар		ЖАМИ: 1 489	
59	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	101
115	Андижон	Сурхондарё	121
137	Бухоро	Сирдарё	120
76	Жиззах	Фарғона	129
121	Қашқадарё	Хоразм	111
25	Навоий	Тошкент вилояти	124
128	Наманган	Тошкент шаҳар	122

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича маъмурий судларнинг қарорларида 1489 та ҳолатда эгалик қўшимчаларини тўғри тузишда хатоликлар мавжуд. Айниқса, бу кўрсаткич Бухоро (137), Фарғона (129), Наманган (128) вилоятларида жуда юқори.

Бундай хатоликлар асосан ҳал қилув қарорларининг кириш қисмларида кузатилди. Бунда аксарият суд ҳужжатларида вилоят, шаҳар, туман номлари *XXXX вилоят, XXXX туман, XXXX шаҳар* тарзида хато берилмоқда, яъни учинчи шахс -и эгалик қўшимчаси вилоят, туман ва шаҳар сўзлари таркибида ишлатилмаяпти. Жумладан,

2018 йил август ойининг 3 кун, **XXXX туман** маъмурий суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик этувчи Ф.Р.И.,

М.Р.нинг котиблигида, XXXX туман прокурори ёрдамчиси Ш.М., адвокат Ф.М.нинг иштирокидамаъмурий ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Мазкур гапда **XXXX туман** сўз бирикмаси ўзбек тилининг грамматик қоидаларига асосан **XXXX тумани** шаклида ёзилиши керак. Чунки XXXX ва **туман** сўзлари ўзбек тили қоидаига кўра, мослашув шаклида бириккан бўлиб, қаратқич-қаралмиш муносабати акс этган. Бу ҳолатда XXXX сўзи қаратқич келишигининг

белгисиз (мактаб боғи сингари) шаклида экани аниқ. Шу боис бундай ҳолатларда қаралмиш сўз таркибида эгалик қўшимчалари ифодаланиши шарт. Шу нуқтаи назардан юқоридаги сўз бирикмаси **XXXX шахри** тарзида ифодаланиши лозим.

Юқоридагиларга асосланиб, мазкур гапни қуйидагича тузиш лозим эди:

2018 йил 3 август куни **XXXX тумани** маъмурий суди ўз биносида очиқ суд мажлисида Ф.Р.И. раислигида,

М.Р.нинг котиблигида, **XXXX тумани** прокурори ёрдамчиси Ш.М., адвокат Ф.М.нинг иштирокидамаъмурий ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Эгалик қўшимчаларини нотўғри қўллаш билан боғлиқ хатоликлар терминларни қўллашда ҳам учрайди. Жумладан, **XXXX шахри** маъмурий суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмига эътибор беринг:

Шикоят ариза қаноатлантирилсин.

XXXX шахар ҳокимлиги зиммасига аризачи **XXXX** йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонасига **XXXX шахар** чегарасидан 16842,7 м.кв.ер майдони ажратиб бериш, ... мажбурияти юклансин.

Мазкур гапда ҳам ўзбек тили грамматикасининг юқоридаги қондасига асосан шикоят ва ариза сўзлари мослашув шаклида бириккан. Шунинг учун мазкур сўз бирикмаси **шикоят ариза** тарзида эмас, **шикоят аризаси** тарзида қўлланиши лозим эди. Бундан ташқари, мазкур гапда **XXXX шахар** сўз бирикмасида эгалик қўшимчаси тушиб қолган. Аслида ушбу сўз бирикмаси **XXXX шахри** тарзида ишлатилиши лозим эди.

Феъл нисбати қўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар

Расмий ҳужжатларда асосий фикр (предикативлик)ни ифодалашда гапнинг кесими алоҳида аҳамиятга эга. Кесим одатда эга ҳақидаги ҳукми ифодалаб, *нима қилди?*, *нима қияпти?* *нима қилмоқчи?* каби сўроқларга жавоб беради ва кўпинча феъл билан ифодаланади.

Феъл иш-ҳаракат ёки ҳолатни ифодалаб, бир қанча грамматик қўшимчаларига эга. Расмий ҳужжатларда ўта муҳим аҳамият касб этадиган категорияларидан бири феъл нисбатлари ҳисобланади. Чунки у расмий ҳужжатда иш-ҳаракатнинг бажарувчиси (субъекти) ва предмети (объекти) ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалайди. Масалан, *суд қарор қилди* дейилганда, иш ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ (суд), шунинг учун бу феъл аниқ нисбатда ҳисобланади. *Аниқланди* дейилганда эса иш ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ, шунинг учун у мажхул нисбатда.

Шунга кўра, ўзбек тилида феъл нисбати категориясини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

1.3.27-жадвал

НИСБАТ	ҚЎШИМЧАСИ	МАЪНОСИ	МИСОЛ
аниқ	–	иш-ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бўлади	Суд аниқлади. Суд қарор қилди.
ўзлик	-н,-ин -л,-ил	ҳаракатнинг субъекти билан объекти бир шахснинг ўзи бўлади	қувонмоқ, кийинмоқ шошилмоқ, суркалмоқ
мажхуллик	-н,-ин -л,-ил	иш-ҳаракат бажарувчиси номаълум бўлади	аниқланди қарор қилинди
биргалик	-ш,-иш -лаш	иш-ҳаракат бажарувчиси бир неча шахс бўлади	аниқлашди қарор қилишди
орттирма	-т, -тир (-дир) -сат	иш-ҳаракат бир шахснинг бошқа бир шахсга таъсири, тазйиқи билан бажарилади	қисқарт аниқлаштир кўрсат

Гапда феълнинг нисбат қўшимчаларини хато қўллаш ёки уларни қўлламаслик суд ҳужжатларининг сифатига жиддий салбий таъсир қилиб, гапда фикрнинг бутунлай ўзгаришига сабаб бўлади Шунинг учун юридик тилда бу жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Маъмурий судлар ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда феълнинг нисбат қўшимчаларини нотўғри қўллаш ҳолатлари жуда ҳам юқори. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.28-жадвал		
15	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 14
15	Андижон	Сурхондарё 44
1	Бухоро	Сирдарё 26
1	Жиззах	Фарғона 17
38	Қашқадарё	Хоразм 4
11	Навоий	Тошкент вилояти 2
44	Наманган	Тошкент шаҳар 0
Нисбат қўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар ЖАМИ: 232		

Жадвалдан кўринадик, Республика бўйича маъмурий судларнинг қарорларида 1489 та ҳолатда феълнинг нисбат қўшимчаларини тўғри қўллашда хатоликлар мавжуд. Айниқса, бу кўрсаткич Наманган (44), Сурхондарё (44), Қашқадарё (38) вилоятларида жуда юқори.

Бундай хатоликлар асосан ҳал қилув қарорларининг кириш қисмларида кўпроқ кузатилди. Жумладан,

*2018 йил сентябрь ойининг 25 кун*и ХХХХ туман маъмурий суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Э.А., Ш.С.нинг котиблигида, БТПЖ ХХХХ туман бўлими вакили И.Ж., тарафлардан прокурор ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи Т.С.нинг иштирокида, аризачи Б.Х.нинг манфаатдор шахс Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ туман бўлимига нисбатан “мажбурият юклаш” ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилган ХХХХ-сонли маъмурий ишни кўриб, қуйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

Мазкур гап ўзбек тили грамматик қоидаларига кўра нотўғри тузилган. Чунки гапнинг эгаси ХХХХ тумани маъмурий суди, гапнинг кесими эса аниқланди сўзи ҳисобланади. Лекин улар феъл нисбати қоидаларига кўра бир-бирига мослашмаган. Гапда эга ифодаланган бўлса, кесим аниқ нисбатда (аниқлади) бўлиши керак. Бу ўринда юқоридаги гапда қуйидагилар сўзи ҳам тушум келишигида ифодаланиши лозим эди.

Шунга кўра, юқоридаги гапни қуйидагича бериш лозим эди:

*2018 йил 25 сентябрь кун*и ХХХХ тумани маъмурий суди ўз биносида очик суд мажлисида

судья Э.А. раислигида,

Ш.С.нинг котиблигида, БТПЖ ХХХХ тумани бўлими вакили И.Ж., тарафлардан прокурор ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи Т.С.нинг иштирокида, аризачи Б.Х.У.нинг манфаатдор шахс Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ХХХХ тумани бўлимига нисбатан “мажбурият юклаш” ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилган ХХХХ-сонли маъмурий ишни кўриб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Худди шундай хатолик маъмурий суд ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида ҳам такрорланмоқда. Жумладан,

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 154-160 **моддаларига қўлланиб,**
Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Мазкур гапда **моддаларига қўлланиб** сўзлари грамматик жиҳатдан хато ишлатилган. Улар **“моддаларини қўллаб”** тарзида ишлатилиши зарур эди.

Шу боис юқоридаги гап қуйидагича ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўларди:

Шундай қилиб, суд Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 154-160-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, маъмурий судлар ҳал қилув қарорлари матнида грамматик жиҳатдан кўплаб номукамалликлар мавжуд. Шу боис уни тузувчи шахслар гапларни тузишда ўзбек тили грамматикаси қоидаларига алоҳида эътибор қаратишлари долзарб вазифа ҳисобланади.

1.3.5. Ишоравий хатоликлар

Ҳар қандай расмий ҳужжат матнида пунктуация қоидалари, ишоравий белгиларни тўғри қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки “тиниш белгилари ёзувнинг бошқа воситалари (ҳарфлар, рақамлар, диакритик белгилар) ҳамда тил бирликлари (сўзлар, морфемалар) билан кўрсатиш мумкин бўлмаган турлича фикрий муносабатларни, психологик ва интонацион ҳолатларни ифодалашда ҳам фавқулдда муҳим аҳамиятга эга. Пунктуация тилнинг синтактик қурилиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ёзма нутқни тўғри, ифодали, аниқ баён қилишда, унинг услубий раванлигини, тез тушунилишини таъминлашда бениҳоя зарурий воситадир¹².

Республика маъмурий судлар ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда пунктуация қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти, кўпгина ҳолатларда ишоравий белгилар хато қўлланмоқда.

Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

ИШОРАВИЙ ХАТОЛИКЛАР							
т/р	Вилоят	Нуқта, вергул	Тире ва чизикча (дефис)	Икки нуқта ва нуқтали вергул	Қўштирноқ ва қавс	Бошқа хатоликлар	ЖАМИ
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	110	38	5	5	66	224
2.	Андижон	134	37	0	10	64	245
3.	Бухоро	254	49	3	20	61	387
4.	Жиззах	104	21	0	9	57	191
5.	Қашқадарё	187	31	28	5	93	344
6.	Навоий	151	87	12	25	8	283
7.	Наманган	238	69	4	17	77	405
8.	Самарқанд	224	62	1	15	86	388
9.	Сурхондарё	289	93	3	20	52	457
10.	Сирдарё	80	18	9	2	145	254
11.	Фарғона	108	0	0	0	32	140
12.	Хоразм	209	42	4	14	60	329
13.	Тошкент вилояти	262	7	1	0	46	316
14.	Тошкент шаҳар	217	82	4	27	159	489
	ЖАМИ:	2567	636	74	169	1006	4452

1.3.29-жадвал

¹² Маҳмудов Н., Мадвалиев А., Маҳкамов Н. Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари. Т., Ўзбекистон, 2015, 4-6.

Жадвалдан кўринишича, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида 4452 ишоравий хатоликлар аниқланган. Айниқса, Тошкент шаҳри (489), Сурхондарё (457), Наманган (405) вилоятлари маъмурий судлари ҳал қилув қарорларида жуда кўп хатоликлар мавжуд.

Ҳал қилув қарорларида пунктуация қоидаларининг айнан қайси жиҳатларига риоя қилинмаётганини қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.30-жадвал		
Ишоравий хатоликлар	нуқта, вергул	2 567
	тире ва чизикча (дефис)	636
	икки нуқта ва нуқтали вергул	74
	қўштирноқ ва қавс	169
	бошқа хатоликлар	1 006
Жами ишоравий хатоликлар		4 452

Жадвалдан кўринадикки, бугунги кунда маъмурий судлар ҳал қилув қарорини тузаётган мутахассислар, асосан, нуқта, вергул, тире ва чизикча (дефис), қўштирноқ ва қавс, икки нуқта ва нуқтали вергулни тўғри қўллаш қоидаларига риоя қилмаяптилар.

Нуқта ва вергулни қўллашдаги хатоликлар

Тил қоидаларига кўра, ифодаланмоқчи бўлган фикр мазмунан тугалланган бўлса, нуқта қўйилади. Гап ичида фикрлар мазмунан санаб ўтилганда, мурожаат шакллари, кириш сўз ва кириш бирикмалар ишлатилганда, ажратилган бўлақлар орасида, қўшма гап ичидаги содда гапларни ажратишда вергул ишлатилади.

Тилшуносликда нуқта ва вергулни тўғри қўллаш қоидалари аниқ ишлаб чиқилган бўлиб, суд ҳужжатларини тузувчи мутахассисларнинг уларни билмаслиги ҳал қилув қарорларининг сифатига жиддий салбий таъсир қилади. Натижада суд ҳужжатларида ифодаланган фикрлар ноаниқ тузилади, улар ҳар хил тушунилиши оқибатида ижроси ҳам турлича бўлади.

Афсуски, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларини тузишда мутахассислар нуқта ва вергулни ишлатиш нуқтаи назардан кўпдан-кўп хатоликларга йўл қўймоқдалар. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.31-жадвал		
110	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 224
134	Андижон	Сурхондарё 289
254	Бухоро	Сирдарё 80
104	Жиззах	Фарғона 108
187	Қашқадарё	Хоразм 209
151	Навоий	Тошкент вилояти 262
238	Наманган	Тошкент шаҳар 217
Нуқта ва вергулни қўллашдаги хатоликлар		
ЖАМИ: 2 567		

Жадвалдан кўринишича, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида нуқта ва вергулни хато қўллаш билан боғлиқ 2567 ишоравий хатолик аниқланган. Айниқса, Сурхондарё (289), Тошкент (262), Наманган (238) вилоятлари маъмурий судлари ҳал қилув қарорларида жуда кўп хатоликлар мавжуд.

Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

2018 йил 26 июнь куни **XXXX туман маъмурий суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,** раислик қилувчи С.Қ., Ў.Ш. котиблигида, аризачи А.Р.М.нинг **XXXX туман ФХДЁ** бўлимига фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзувига ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни
А Н И Қ Л А Д И:

Мазкур гапда учта жойда вергул нотўғри қўлланган. Яъни, **XXXX туман маъмурий суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,** дейилганда суд ҳужжатини тузувчи мутахассис учта ўринда вергулни ишлатиб, катта хатоликка йўл қўйган. Бу уч жумла уюшган бўлақлар эмас. Балки бири-бири билан мазмунан боғланган сўз бирикмалари ҳисобланади. Шунинг учун улар орасида вергул қўлланмаслиги керак.

Шу нуқтаи назардан мазкур гап қуйидаги тартибда тузилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди:

2018 йил 26 июнь куни **XXXX тумани маъмурий суди ўз биносида очиқ суд мажлисида** судья С.Қ. раислигида,
Ў.Ш. котиблигида, аризачи А.Р.М.нинг **XXXX тумани ФХДЁ** бўлимига фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзувига ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни
А Н И Қ Л А Д И:

Худди шундай хатолик деярли барча ҳал қилув қилув қарорларининг баён ва хулоса қисмларида ҳам кўплаб кузатилди. Қуйидаги гапга эътибор беринг:

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишда тўпланган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, юқоридагиларга кўра, шикоят аризасини қаноатлантиришни лозим топди.

Мазкур гапда суд ҳужжатини тузувчи мутахассис **суд** сўзидан кейин вергул ишлатиб катта хатоликка йўл қўйган. Чунки **суд** сўзи гапнинг эгаси ҳисобланиб, бу гапда бошқа уюшган эгалар йўқ. Шунинг учун **суд** сўзидан кейин вергул қўлланмаслиги керак.

Шу нуқтаи назардан мазкур гап қуйидаги тартибда тузилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишда тўпланган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, юқоридагиларга кўра, шикоят аризасини қаноатлантиришни лозим топди.

Маъмурий судлар ҳал қилув қарорларининг аксариятининг баён қисмида зидлов боғловчилари (аммо, лекин, бироқ)дан кейин вергул ишлатилиб, хатоликка йўл қўйилган. Жумладан,

Бироқ, аризачилар **XXXX туман ҳокимининг 2014 йил 374-сонли қарори** уларнинг ҳуқуқларинибузганлиги ҳақида судга бирон бир далил ёки ҳужжат келтирмадилар.

Ўзбек тили қоидаларига кўра, гапда зидлов боғловчилари қўлланиб, икки содда гапни боғлаганда, улардан кейин эмас, балки олдин вергул ишлатиш зарур. Масалан, *аризачи суд мажлисига келди, лекин жавобгар келмади.*

Тире ва чизикча (дефис)ни қўллашдаги хатоликлар

Гапда фикрни аниқ ва раво ифодалашда тире ва чизикча муҳим аҳамият касб этади. Тире айрим сўз ва гаплар қўшимча равишда изоҳланганда, тенглик, таққослаш каби маъноларни билдирувчи сўзлар орасида ва диалогларда ишлатилади.

Чизикча (дефис) эса сўзларни қисмга бўлишда қўлланиладиган белги, у жуфт ва такрорий сўзларда (*опа-сингил, узоқ-яқин, аста-секин, кула-кула*), айрим юкламаларда (*айтдим-ку, айтдим-да*), бўғин кўчиришда ва тартиб сонлардан кейин қўлланади.

Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорлари ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, суд ҳужжатларида тире ва чизикчани қўллаш юзасидан кўплаб хатоликлар кузатилди. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.32-жадвал		
38	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 62
37	Андижон	Сурхондарё 93
49	Бухоро	Сирдарё 18
21	Жиззах	Фарғона 0
31	Қашқадарё	Хоразм 42
87	Навоий	Тошкент вилояти 7
69	Наманган	Тошкент шаҳар 82
Тире ва чизикча (дефис)ни қўллашдаги хатоликлар ЖАМИ: 636		

Жадвалдан кўринишича, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида тире ва чизикчани хато қўллаш билан боғлиқ 636 та ишоравий хатолик аниқланган. Айниқса, Сурхондарё (93), Навоий (87) вилоятлари, Тошкент шаҳри (82) маъмурий судлари ҳал қилув қарорларида жуда кўп хатоликлар мавжуд.

Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтамыз.

XXXX вилояти XXXX тумани маъмурий судининг 2018 йил 29 март куни тузилган ҳал қилув қароридида *уй-жой, опа-ука* каби жуфт сўзлар **уй жой, уйжой, уй – жой, опа ука** тарзида хато ёзилган. Жумладан,

Судда гувоҳ тариқасида сўралган М.Ҳ. марҳума А.О. билан қўшни бўлиб яшаганлигини, ... О.А. 1993 йилда вафот этганлигини, вафотидан сўнг ўғли Ж.Қ. ва унинг турмуш ўртоғи Г.А. эски уйжойларни ҳаммасини бузиб ташлаб, янги уй жой қурганлигини, Г.А. ва Ж.Қ.лар уй-жойларига қараб туриш учун унга бериб кетганлигини баён қилди.

Мазкур гапда **уй-жой** сўзи уч жойда уч хил қўлланган. Аслида ўзбек тили қоидаларига кўра, мазкур сўз жуфт сўз ҳисобланади ва улар чизикча билан **уй-жой** тарзида ёзилади.

Шу нуқтаи назардан юқоридаги гап қуйидагича ёзилиши лозим эди:

Судда гувоҳ тариқасида сўралган М.Ҳ. марҳума А.О. билан қўшни бўлиб яшаганини, ... О.А. 1993 йилда вафот этганини, вафотидан сўнг ўғли Ж.Қ. ва унинг турмуш ўртоғи Г.А. эски уй-жойларнинг ҳаммасини бузиб ташлаб, янги уй-жой қурганларини, Г.А. ва Ж.Қ.лар уй-жойларига қараб туриш учун унга бериб кетганини баён қилди.

Шунингдек, бугунги кунда суд ҳужжатини тузувчи айрим мутахассислар тире (–) ва чизикчани (–) фарқига бормасдан, уларни битта тиниш белгиси деб тушунмоқдалар ва суд ҳужжатларида ҳам худди шундай ҳолатда қўлламоқдалар. Жумладан,

... Г.А. ушбу онаси ва опа укалари бирга яшаган уйни сотишга ҳаракат қилганлигини, бироқ сота олмаганлигини, ... ҳозирги кунда ушбу онасига тегишли бўлган уй-жойга Г. А. бегонани киритиб қўйганлигини, ... билдириб, ишни қонуний ҳал этишликни сўради.

Мазкур гапда тире ва чизиқча (дефис)ни тўғри қўллаш билан боғлиқ иккита хатолик мавжуд: биринчиси, матнда **опа укалари** сўзи жуфт сўз бўлгани учун чизиқча билан ёзилиши керак эди. Иккинчиси, гапда **уй-жой** сўзи **уй-жой** тарзида ёзилиб, яъни чизиқчанинг ўрнига тире қўйилиб, хатоликка йўл қўйилган. Чунки жуфт сўзлар орасида тире эмас, чизиқча (дефис) ишлатилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан юқоридаги гапни қўйидагича тузиш лозим эди:

... Г.А. онаси ва **опа-укалари** бирга яшаган уйни сотишга ҳаракат қилганини, бироқ сота олмаганини, ... ҳозирги кунда ушбу онасига тегишли бўлган **уй-жой**га Г.А. бегонани киритиб қўйганини,... билдириб, ишни қонуний ҳал этишни сўради.

Икки нуқта ва нуқтали вергулни қўллашдаги хатоликлар

Юридик матнни аниқ ва раво ифодалашда икки нуқта (:) ва нуқтали вергул (;) муҳим аҳамият касб этади. Икки нуқта қўйидаги ҳолатларда ишлатилади:

1. Шаклан тугаган, лекин мазмунан боғланган боғловчисиз боғланган қўшма гапларда, жумладан, суд қўйидагиларни аниқлади:;

2. Уюшган бўлақлардан олдин келган умумлаштирувчи сўздан кейин, жумладан, *давлат рамзлари: байроқ, герб, мадҳия;*

3. *Режа, мавзу, қарор қилинди, аниқланди* каби сўзлардан кейин.

Нуқтали вергул қўйидаги ҳолатларда ишлатилади:

1. Режа, қарор, фармон, буйруқ, қонун каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги санаш мазмунини акс эттирган охириги бандидан олдин ҳар бир бандида.

2. Уюшиқ бўлақлар гуруҳланиб, ўзаро вергуллар ёрдамида бир-биридан ажратилганда, ҳар бир гуруҳни аниқлаштирувчи сўздан кейин.

Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорлари ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, суд ҳужжатларида икки нуқта ва нуқтали вергулни қўллаш юзасидан кўплаб хатоликлар мавжуд. Буни қўйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.33-жадвал			
5	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	1
0	Андижон	Сурхондарё	3
3	Бухоро	Сирдарё	9
0	Жиззах	Фарғона	0
28	Қашқадарё	Хоразм	4
12	Навоий	Тошкент вилояти	1
4	Наманган	Тошкент шаҳар	4
Икки нуқта ва нуқтали вергулни қўллашдаги хатоликлар		ЖАМИ: 74	

Жадвалдан кўринишича, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида тире ва чизиқчани хато қўллаш билан боғлиқ 74 та ишоравий хатолик аниқланган. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

2018 йил январь ойининг 22 куни ХХХХ туман маъмурий суди ўз биносида очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья М.М.Ж.,

А.Д.нинг котиблигида, аризачи А.Д.нинг иш ҳақлари ҳисобидан суғурта бадаллари ушланганлик мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган маъмурий ишни кўриб, қўйидагиларни

АНИҚЛАДИ

Мазкур гапда ўзбек тили пунктуациясининг юқоридаги қоидаларига кўра, АНИҚЛАДИ сўздан кейин икки нуқта ишлатилиши керак эди. Бундан ташқари, бу гапда бошқа бир қанча хатоликлар ҳам мавжуд.

Шу нуқтаи назардан мазкур гапни қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқ эди:

2018 йил 22 январь куни ХХХХ тумани маъмурий суди ўз биносида очиқ суд мажлисида судья М.М. раислигида,

А.Д.нинг котиблигида, аризачи Ж.А.нинг иш ҳақлари ҳисобидан суғурта бадаллари ушланганлик мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган ? - сонли маъмурий ишни кўриб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, деярли барча ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида нуқтали вергул ишлатилиши керак бўлган ўринда уни қўллагандан хатоликка йўл қўйилмоқда. Жумладан,

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203-206-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Даъвогар О.М.нинг жавобгар ХХХХ туман ҳокимлигига нисбатан “Туман ҳокимининг 22.11.2017 йилдаги Қ-2074-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида”ги даъво аризаси қаноатлантиришдан рад этилсин.

Даъвогар О. М. давлат фойдасига 172.240 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарорига нисбатан 20 кун ичида шу суд орқали ХХХХ вилояти маъмурий судига апелляция тартибида шикоят бериш ва прокурор протест келтириш мумкин.

Мазкур гапда қарор қилинди дейилгандан кейин ўзбек тили пунктуация қоидаларига кўра, ҳар бир гап охирида нуқтали вергул ишлатилиши лозим эди. Бундан ташқари, мазкур гапда бошқа бир қанча хатоликлар ҳам мавжуд.

Шу нуқтаи назардан мазкур гапни қуйидагича тузиш лозим эди:

Суд юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203-206-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Даъвогар О.М.нинг жавобгар ХХХХ тумани ҳокимлигига нисбатан “Туман ҳокимининг 22.11.2017 йилдаги Қ-2074-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида”ги даъво аризаси қаноатлантиришдан рад этилсин;

Даъвогар О.М.дан давлат фойдасига 172.240 (бир юз етмиш икки минг икки юз қирқ минг) сўм давлат божи ундирилсин;

Ҳал қилув қароридан норози тарафлар ҳал қилув қарори эълон қилинган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида шу суд орқали ХХХХ вилояти маъмурий судига апелляция тартибида шикоят бериши ва прокурор протест келтириши мумкин.

Қўштирноқ ва қавсни қўллашдаги хатоликлар

Ўзбек тили пунктуацияси қоидларига кўра, кўчирма гап, цитата, қонун, фармон, асарларнинг, корхона ва ташкилотларнинг номлари қўштирноқ ичида берилади. Қавс эса изоҳ маъносидаги сўз ёки сўз бирикмаларида ишлатилади.

Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорлари ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, суд ҳужжатларида қўштирноқ ва қавсни қўллашда кўп хатоликлар кузатилди. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.34-жадвал		
5	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 15
10	Андижон	Сурхондарё 20
20	Бухоро	Сирдарё 2
9	Жиззах	Фарғона 0
5	Қашқадарё	Хоразм 14
25	Навоий	Тошкент вилояти 0
17	Наманган	Тошкент шаҳар 27
Қўштирноқ ва қавсни қўллашдаги хатоликлар ЖАМИ: 169		

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида қўштирноқ ва қавсни хато қўллаш билан боғлиқ 169 та ишоравий хатолик аниқланган. Айниқса, Тошкент шаҳри (27), Навоий (25), Сурхондарё (20) вилоятлари маъмурий судлари ҳал қилув қарорларида жуда кўп хатоликлар мавжуд.

Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтаемиз.

..., Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.11.2016 йилдаги 394-қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлиги **тўғрисидаги**” Низомга мувофиқ Агентлик ихтиро, фойдали модел, ... ҳужжатларини бериш....

Мазкур гапда **тўғрисидаги** сўздан кейинги қўштирноқ нотўғри ишлатилган. У пунктуация қоидаларига кўра, **тўғрисида** сўздан кейин **-ги** қўшимчасидан олдин қуйидагича ишлатилиши лозим эди:

..., Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24.11даги 394-қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги **тўғрисида**”ги низомга мувофиқ Агентлик ихтиро, фойдали модель, ... ҳужжатларини бериш....

Мазкур гапда ҳам қўштирноқ билан боғлиқ хатолик мавжуд:

Суд мажлисида сўралган аризачи Б. А. шикоят аризасини қувватлаб, ... ўзи ва ака укаларининг барча ҳужжатларида ҳам ота графасида Усмон деб ёзилганлигини, ... билдириб, шикоятни қаноатлантиришни сўради.

Бу гапда Усмон сўзи қуйидагича қўштирноққа олиниши керак эди:

Суд мажлисида сўралган аризачи Б.А. шикоят аризасини қувватлаб, ... ўзи ва ака-укаларининг барча ҳужжатларида ҳам ота устунда **“Усмон”** деб ёзилганини, ... билдириб, шикоятни қаноатлантиришни сўради.

1.3.6. Имловий хатоликлар

“Орфография” юнунча сўз бўлиб, “орфо” – “тўғри”, “графо” – “ёзаман” деган маъноларни англатади. У ўзбек тилида “имло” деб ҳам юритилади. “Имло” арабча сўз бўлиб, “тўғри ёзиш” демакдир.

Орфография тилшуносликнинг бир бўлими ҳисобланади. У маълум бир тилдаги сўз ва нутқни тўғри ёзиш қоидаларини, ёзув принципларини белгилайди. Ўзбек тилининг кирилл ёзувиге асосланган имло қоидалари 1956 йилда тасдиқланган. Ўзбек тилининг лотин алифбосига асосланган имло қоидалари эса 1995 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги 339-сонли қарори билан тасдиқланган.

Бугунги кунда ўзбек ёзуви юқоридаги ҳар икки қарор қоида ва принципларига асослани бюритилмоқда. Шу боис суд ҳужжатларини ёзганда ана шу қарор қоидаларига қатъий асосланиш мақсадга мувофиқ.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларини ёзишда юқоридаги орфография қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Бу соҳада уларда бир қанча хато ва камчиликлар аниқланди. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

ИМЛОВИЙ ХАТОЛИКЛАР								
т/р	Вилоят	Бош ҳарфлар имлоси	“у” ва “ў” ҳарфлар	“к” ва “қ” ҳарфлар	“ҳ” ва “х” ҳарфлар	Сонларнинг имлоси	Бошқа хатоликлар	ЖАМИ
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	47	96	33	52	3	33	264
2.	Андижон	129	0	0	47	3	120	299
3.	Бухоро	93	10	7	58	4	120	292
4.	Жиззах	86	4	7	48	3	52	200
5.	Қашқадарё	129	35	21	30	0	46	261
6.	Навоий	74	61	21	106	16	120	398
7.	Наманган	108	7	8	64	10	119	316
8.	Самарқанд	113	32	26	164	0	121	456
9.	Сурхондарё	82	11	4	48	4	43	192
10.	Сирдарё	131	14	8	47	1	164	365
11.	Фарғона	65	1	3	78	1	83	231
12.	Хоразм	80	1	13	157	1	65	317
13.	Тошкент вилояти	79	54	67	119	3	93	415
14.	Тошкент шаҳар	175	108	49	241	0	84	657
	ЖАМИ:	1391	434	267	1259	49	1263	4663

1.3.35-жадвал

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида жами 4663 та имловий хатолик аниқланган. Айниқса, Тошкент шаҳри (657), Самарқанд (456), Тошкент (415) вилоятлари маъмурий судлари ҳал қилув қарорларида бундай хатоликлар жуда кўп учрайди.

Ҳал қилув қарорларидаги бундай грамматик хатоликлар асосан бош ҳарфлар имлоси ва сўзларнинг нотўғри ёзилишида кузатилди. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.36-жадвал

МЕЗОНЛАР		ХАТОЛИКЛАР СОНИ
Имловий хатоликлар	бош ҳарфлар имлоси	1 391
	“у” ва “ў” ҳарфлар	434
	“к” ва “қ” ҳарфлар	267
	“ҳ” ва “х” ҳарфлар	1 259
	сонларнинг имлоси	49
	бошқа хатоликлар	1 263
Жами имловий хатоликлар		4 663

Бош ҳарфлар имлосидаги хатоликлар

Орфография қоидаларига мувофиқ қуйидаги сўзлар бош ҳарфлар билан ёзилади:

1. Кишининг исми, ота исми, фамилияси, тахаллуси бош ҳарф билан бошланади: Дилбар, Ўринова, Муҳаббат Мажидовна, Азамат Шухрат ўғли каби.

2. Жой номлари бош ҳарф билан бошланади: Андижон, Янгийўл (шаҳарлар), Найманча, Булоқбоши (қишлоқлар), Бодомзор, Чигатой (маҳаллалар), Заврақ (дара), Ярқоқ (яйлов), Қоратоғ, Помир (тоғлар), Оқтепа, Учтепа (тепалар), Зарафшон, Сирдарё, Ёйилма (канал); Туркия, Ҳиндистон (мамлакатлар) каби. Бундай атоқли от таркибидаги сифатловчи ҳам бош ҳарф билан ёзилади: Шимолий Кавказ, Марказий Қизилқум каби.

3. Юлдуз ва сайёралар, бошқа хил осмон жисмларининг атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: Хулкар, Қавс, Миррих (юлдуз ва сайёралар номи), Тинчлик денгизи (Ойдаги рельеф номи) каби. Ер, қуёш, ой турдош отлари сайёра номи бўлиб келгандагина бош ҳарф билан ёзилади: Ер Қуёш атрофида, Ой Ер атрофида айланади.

4. Маданий-маиший ва савдо корхоналарига, адабиёт ва санъат асарларига, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига, шунингдек, транспорт воситалари, спорт иншоотларига қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланади: “Тонг” (меҳмонхона), “Саодат” (фирма), “Наврўз” (хайрия жамғармаси), “Камалак” (матбаа бирлашмаси), “Ғунча” (боғча), “Ботаника” (санаторий), “Пахтакор” (стадион), “Қутлуғ қон” (роман), “Дилором” (опера), “Тановар” (қуй), “Озодлик” (ҳайкал), “Жасорат” (ёдгорлик), “Сино” (совуткич) каби.

5. Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: Мустақиллик куни, Хотира ва қадрлаш куни, Наврўз байрами, Рамазон ҳайити каби.

6. Давлатларнинг, давлат олий ташкилотлари ва мансабларининг, халқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси, Миср Араб Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Раиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Тинчлик Кенгаши каби.

Бошқа таркибли номларда олий мансабни билдирувчи биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: Бош вазир ўринбосари, Мудофаа вазири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси каби.

Вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номи таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Тилшунослик институти каби.

7. Давлатнинг олий даражали мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: “Ўзбекистон Қаҳрамони” (унвон), “Олтин юлдуз” (медал). Бошқа мукофотлар, фахрий унвонлар, нишонлар номидаги биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: “Соғлом авлод учун” (орден), “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” (фахрий унвон), “Матбаа аълочиси” (нишон) каби.

8. Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади. Суд қарор қилди.

9. Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар, атоқли от бўлмаган баъзи бирикмаларнинг қисқартмалари бош ҳарф билан ёзилади: АҚШ (Америка Қўшма Штатлари), БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти), АЭС (атом электр станцияси) каби. Қисқартма таркибида бўғинга тенг қисм бўлса, унинг биринчи ҳарфигина бош ҳарф билан ёзилади: ТошДТУ (Тошкент давлат техника университети) каби.

Бу ўринда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1) кўчирма гапдан кейин келган муаллиф гапининг биринчи сўзи (агар у атоқли от бўлмаса) кичик ҳарф билан ёзилади: “Бу мен”, – қўрқибгина жавоб берди кўлага (О.Ёқубов);

2) хатбошига гапнинг саналувчи қисмлари чиқарилганда бундай қисмлар олдида чизиқча қўйилади ва улар кичик ҳарф билан ёзилади:

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

- мазкур ишни кўриб чиқиш унинг ҳуқуқ доирасига кириш-кирмаслигини;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протокол ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганини;

3) гапнинг қисмлари қавсли рақам ёки қавсли ҳарф қўйиб саналса, бундай қисмлар ҳам кичик ҳарф билан ёзилади:

Юқоридаги иш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1) материаллар кўриб чиқилди;

2) гувоҳлар кўрсатмалари баённомаси тузилди;...

Бу қоидаларни билмаслик ёки уларга риоя қилмаслик суд ҳужжатларида жиддий хатоликларга сабаб бўлади. Афсуски, маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида бош ҳарфлар имлоси бўйича кўплаб хатоликлар аниқланди. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

1.3.37-жадвал		
47	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 113
129	Андижон	Сурхондарё 82
93	Бухоро	Сирдарё 131
86	Жиззах	Фарғона 65
129	Қашқадарё	Хоразм 80
74	Навоий	Тошкент вилояти 79
108	Наманган	Тошкент шаҳар 175
Бош ҳарфлар имлосидаги хатоликлар		
ЖАМИ: 1 391		

Жадвалдан кўринадикки, Республика бўйича маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорларида бош ҳарфлар имлосида жами 1391 та хатолик мавжуд. Бу ҳолат, айниқса, Тошкент шаҳри (175), Сирдарё (131), Қашқадарё (129), Андижон (129) вилоятларида жуда юқори.

Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. Кўпгина суд ҳужжатларида вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар номлари хато ёзилмоқда. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси XXXX шаҳар XXXX туман бўлимининг 2018 йил 15.10даги 2378-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилсин.

Бу гапда бош ҳарфлар имлоси билан боғлиқ иккита хатолик мавжуд. Биринчиси, **Молия Вазирлиги** дейилганда **вазирлиги** сўзи катта ҳарфда эмас, кичик ҳарфлар билан ёзилиши керак. Чунки имло қоидаларига мувофиқ вазирлик унга тенглаштирилган агентлик, қўмита ва бошқа ташкилотларнинг номини ифодаловчи сўзлар таркибидаги фақат биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади (*Ташқи ишлар вазирлиги* каби). Иккинчиси, юқоридаги қоидага кўра, **бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси** дейилганда ҳам **пенсия** сўзи эмас, балки **бюджет** сўзи бош ҳарф билан ёзилиши керак.

Шу нуқтаи назардан мазкур гап қуйидагича ёзилиши керак эди:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси XXXX шаҳри XXXX тумани бўлимнинг 15.10. 2018 йилдаги 2378-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилсин.

Худди шундай хатолик қуйидаги гапда ҳам учрайди:

Судда сўралган мансабдор шахс Суд ижрочиларининг XXXX туман бўлими (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси XXXX туман бўлими) вакили М.Х. ўз тушунтиришида ... сўради.

Мазкур гапдаги мажбурий ижро бюроси номидаги мажбурий сўзи бош ҳарф билан ёзилиши керак эди:

Судда сўралган мансабдор шахс Суд ижрочиларининг XXXX тумани бўлими (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Гулистон тумани бўлими) вакили М.Х. ўз тушунтиришида ... сўради.

Бош ҳарфлар имлоси билан боғлиқ хатоликлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг номини ёзишда ҳам кўп кузатилди. Жумладан,

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг 189-моддасига кўра, ... ҳал қилув қарори қабул қилади.

Мазкур гапда кодекс сўзи бош ҳарфда эмас, кичик ҳарф билан ёзилиши керак эди. Чунки Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс дейилганда маъмурий сўзининг бош ҳарф билан ёзилиши етарли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан мазкур гап қуйидагича ёзилганда, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасига кўра, ... ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ҳал қилув қарорларида бош ҳарфлар имлоси бўйича учрайдиган хатоликлардан яна бири маълум бир лавозим ёки мансабни ифодаловчи сўзларнинг хато ёзилишидир. Имло қоидаларига кўра, давлатнинг олий даражадаги лавозим ва мансаблари номини ифодаловчи сўзлар бош ҳарфлар билан ёзилади: *Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири* кабилар. Қолган ҳолатларда барча лавозим ва мансабни ифодаловчи сўзлар кичик ҳарфлар билан ёзилади.

“У” ва “Ў” ҳарфлар имлосидаги хатоликлар

Юридик тилда “у” ва “ў” ҳарфларини ўзбек орфографияси қоидаларига асосан тўғри ёзиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо ёзма нутқда ҳар доим ҳам бу қоидаларга амал қилмаслик кўп хатоликларга сабаб бўлади. Бу эса ҳужжат матнининг сифатсиз бўлишига, айрим ҳолларда, ҳуқуқий тушунмовчиликларга ҳам сабаб бўлади. Чунки “у” ва “ў” ҳарфлари айрим ҳолатларда маънони фарқлаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, *тўр (сетка), тўр (уйнинг тўри), тур (хил, нав), тур (ҳаракат), тур (спорт тури)*. Шунинг учун суд ҳужжатларида уларни фарқлашдан қўллаш жиддий хатоликларга олиб келиши мумкин.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларини ёзишда юқоридаги орфография қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Бу соҳада уларда бир қанча хато ва камчиликлар аниқланди. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.38-жадвал

“у” ва “ў” ҳарфлари имлосидаги хатоликлар	
96	Қорақалпоғистон Республикаси
0	Андижон
10	Бухоро
4	Жиззах
35	Қашқадарё
61	Навоий
7	Наманган
32	Самарқанд
11	Сурхондарё
14	Сирдарё
1	Фарғона
1	Хоразм
54	Тошкент вилояти
108	Тошкент шаҳар
ЖАМИ: 434	

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида “у” ва “ў” ҳарфларни қўллашда жами 434 та хатолик аниқланган. Айниқса, Тошкент шаҳри (108), Қорақалпоғистон Республикаси (96) маъмурий судлари ҳал қилув қарорларида бундай хатоликлар жуда кўп учрайди.

Айрим ҳал қилув қарорлари матнларида ҳатто давлатимизнинг номини хато ёзиш ҳолатлари учрайди. Жумладан, ХХХХ шаҳри ХХХХ тумани маъмурий судининг ҳал қилув қарорида шундай дейилган:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-моддасида манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлса, ... суд томонидан ҳал қилиниши белгиланган.

Бу жуда ҳам кўпол хато ҳисобланади. Бу ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассиснинг эътиборсизлиги натижасида юзага келган.

Бундай хатолик вилоят, туман ва айрим ташкилот ва идораларнинг номини ёзишда ҳам учрайди. Жумладан, ХХХХ тумани маъмурий судининг ҳал қилув қарорида шундай дейилган:

Суд мажлисида аризачи шикоят аризани қувватлаб, **Тахтақулип** тумани “Жанадарё каракулчилик” ширкат хўжалиklarини фермер хўжалигига айлантириш ... сўради.

Мазкур гапда **Тахтақулип** деб туман номи нотўғри ёзилган. У аслида **Тахтақўлип** тарзида ёзилиши керак эди. Чунки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда шу тарзда қабул қилинган.

Бундан ташқари, ҳал қилув қарорлари матнларида кундалик фаолиятимизда ҳар куни ишлатиладиган оддий сўзлар: **хўжалик** (хўжалик), **хўжат** (ҳужжат), **давлат мулк қўмитаси** (қўмитаси), **уй-жой урни** (ўрни), **кўчмас** (кўчмас) мулк кадастри, **қўйидаги** (қуйидаги), узига (ўзига) **ажратилган**, **нотўғри** (нотўғри), **турмуш ўртоғи** (ўртоғи), **тузатиш киритиш туғрисида** (тўғрисида), **адлия бўлими** (бўлими), **бўйруқ** (буйруқ) тарзида хато ёзилиши суд ҳужжатларининг сифатсизлигига олиб келади.

“К” ва “Қ” ҳарфлар имлосидаги хатоликлар

Суд ҳужжатлари матнида “к” ва “қ” ҳарфларини ўзбек орфографияси қоидаларига асосан тўғри ёзиш муҳим ҳисобланади. Аммо суд ҳужжати тузувчи мутахассиснинг эътиборсизлиги натижасида ёзма нутқда кўп хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бу эса ҳужжат матнининг сифатсиз бўлишига, айрим ҳолларда, тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Чунки “к” ва “қ” ҳарфлари айрим ҳолатларда сўзларда маънони фарқлаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, *кир* (ҳаракат, доғ), *қир* (адир, ҳаракат), *қул* (предмет, ҳаракат), *қул* (хизматкор) кабилар. Шунинг учун суд ҳужжатларида уларни фарқлашдан қўллаш жиддий хатоликларга олиб келиши мумкин.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларини ёзишда юқоридаги орфография қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Бу соҳада уларда бир қанча хато ва камчиликлар аниқланди. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.39-жадвал

“к” ва “қ” ҳарфлари имлосидаги хатоликлар		ЖАМИ: 267	
33	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	26
0	Андижон	Сурхондарё	4
7	Бухоро	Сирдарё	8
7	Жиззах	Фарғона	3
21	Қашқадарё	Хоразм	13
21	Навоий	Тошкент вилояти	67
8	Наманган	Тошкент шаҳар	49

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида “к” ва “қ” ҳарфларини тўғри қўллашда жами 267 та хатолик аниқланган. Айниқса, Тошкент вилояти (67) Тошкент шаҳри (49) маъмурий судлари ҳал қилув қарорларида бундай хатоликлар жуда кўп учрайди.

Айрим ҳал қилув қарорлари матнларида “к” ва “қ” ҳарфи билан боғлиқ хатоликлар вилоят, туман, шаҳар ва айрим ташкилот ва идораларнинг номини ёзишда ҳам учрайди. Жумладан, Чирчиқ шаҳри маъмурий судининг ҳал қилув қарорида шундай дейилган:

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар Маъмурий суди 2018 йил июль ойининг 23 кунини ўз биносидан очик суд мажлисида ... сонли маъмурий ишни қуриб чикиб, қуйидагиларни АНИҚЛАДИ:

Мазкур битта гапнинг ўзида “к” ва “қ” ҳарфи билан боғлиқ тўртта хатоликка йўл қўйилган. Шу боис мазкур гап қуйидагича тузилиши лозим эди:

2018 йил 23 июль кунини Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри маъмурий суди ўз биносидан очик суд мажлисида ... -сонли маъмурий ишни қўриб чиқиб, қуйидагиларни АНИҚЛАДИ:

Бундан ташқари, ҳал қилув қарорлари матнларида кундалик фаолиятимизда ҳар кунини ишлатиладиган оддий сўзлар: **каноатлантирилган** (қаноатлантирилган), **турмушга чиққан** (чиққан), **қисқариш** (қисқариш), **қарор чиқариш** (чиқариш), **тускинлик** (тўсқинлик) қилиш, **кичик халқа** (халқа) йўли, **такдим** (такдим) қилган, **қайд қилинган** (қайд қилинган), **ҳақида** (ҳақида), **қайд** (қайд) этилган, **турмуш қурган** (қурган), **қушимча** (қўшимча), **қуйидаги** (қуйидаги), **ҳал қилади** (ҳал қилади) тарзида хато ёзилиши суд ҳужжатларининг сифатсизлигига олиб келади.

Айрим ҳал қилув қарорларида шу ҳужжат номининг ҳал қилув қарори тарзида нотўғри ёзилиши, оддий юридик терминлар: **қонун** (қонун), **хуқук** (хуқуқ), **фуқаролик** (фуқаролик), **қонуний** (қонуний), **ғайриқонуний** (ғайриқонуний), **сўроқ** (сўроқ) қилинган, **қуролли** (қуролли) кучлар тарзида хато ёзилиши жуда ачинарли ҳолат ҳисобланади.

“Х” ва “Х” ҳарфлар имлосидаги хатоликлар

Юридик матнда “х” ва “х” ҳарфларини ўзбек орфографияси қоидаларига асосан тўғри ёзиш муҳим ҳисобланади. Аммо бу ҳарфлар айрим шева вакиллари нутқида фарқланмаслиги, қолаверса, суд ҳужжатини тузувчи мутахассисларнинг эътиборсизлиги натижасида суд ҳужжатларини ёзишда жуда кўп хатоликлар юз бермоқда. Бу эса ҳужжат матнининг сифатсиз бўлишига, айрим ҳолларда, тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Чунки улар айрим ҳолатларда маънони фарқлаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, *хил-хил* (*турли-туман*), *ҳил-ҳил* (*мевалар ҳил-ҳил пишди*) каби. Шунинг учун суд ҳужжатларида уларни фарқламасдан қўллаш жиддий хатоликларга олиб келиши мумкин.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида “ҳ” ва “х” ҳарфларини қўллашда орфография қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти, бу эса суд ҳужжатларида бир қанча хато ва камчиликларни келтириб чиқармоқда. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.40-жадвал			
52	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	164
47	Андижон	Сурхондарё	48
58	Бухоро	Сирдарё	47
48	Жиззах	Фарғона	78
30	Қашқадарё	Хоразм	157
106	Навоий	Тошкент вилояти	119
64	Наманган	Тошкент шаҳар	241
“ҳ” ва “х” ҳарфлари имлосидаги хатоликлар		ЖАМИ: 1 259	

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида “ҳ” ва “х” ҳарфларни тўғри қўллашда жами 1259 та хатолик аниқланган. Айниқса, Тошкент шаҳри (241), Самарқанд (164), Хоразм (157) вилоятлари маъмурий судлари ҳал қилув қарорларида жуда кўп хатоликлар учрайди.

Айрим ҳал қилув қарорлари матнларида “х” ва “ҳ” ҳарфи билан боғлиқ хатоликлар айрим давлат идоралари, вилоят, туман, шаҳар ва айрим ташкилот ва идораларнинг номини ёзишда кўпроқ учрайди. Жумладан, **Вазирлар Маҳкамаси** (Вазирлар Маҳкамаси), **ФХДЁ** (ФХДЁ), **ҳокимият** (ҳокимият) кабилар.

Шунингдек, ҳал қилув қарорлари матнларида кундалик фаолиятимизда ишлатиладиган оддий сўзлар: **никоҳ** (никоҳ), **ҳақида** (ҳақида), **ҳолат** (ҳолат), **ҳаракат** (ҳаракат), **баҳо** (баҳо), **шаҳар** (шаҳар), **муҳокама** (муҳокама), **ҳудуд** (ҳудуд), **рўйхат** (рўйхат), **ҳақиқий** (ҳақиқий), **муҳит** (муҳит), **мустаҳкам** (мустаҳкам) каби сўзларни ёзишда ҳам хатоликлар мавжуд.

Бундан ташқари, айрим юридик терминларни ёзишда жуда кўп хатоликларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, **ҳал қилув қарори** (ҳал қилув қарори), **ҳуқуқ** (ҳуқуқ), **ҳужжат** (ҳужжат) кабилар.

Бошқа имловий хатоликлар

Суд ҳужжатларининг сифат жиҳатдан мукамал бўлиши нафақат юқоридаги ҳарфларни тўғри қўллаш, балки мавжуд барча ҳарфий белгиларни, сўз ва қўшимчаларни орфография қоидаларига асосан тўғри ёзишни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорлари ўрганиб чиқилганда, уларда кўплаб хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Уларни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

1.3.41-жадвал			
33	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	121
120	Андижон	Сурхондарё	43
120	Бухоро	Сирдарё	164
52	Жиззах	Фарғона	83
46	Қашқадарё	Хоразм	65
120	Навоий	Тошкент вилояти	93
119	Наманган	Тошкент шаҳар	84
Бошқа имло хатоликлари		ЖАМИ: 1 263	

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича маъмурий судлар ҳал қилув қарорларида “у” ва “ў”, “к” ва “қ”, “х” ва “ҳ” ҳарфларини қўллашдан ташқари жами 1253 та имловий хатолик аниқланган. Айниқса, Сирдарё (164), Самарқанд (121), Навоий (120), Андижон (120), Бухоро (120), Наманган (119) вилоятлари маъмурий судлари ҳал қилув қарорларида жуда кўп хатоликлар учрайди.

Бундай хатоликларни қуйидаги гуруҳга умумлаштириш мумкин:

1. Ҳарфларни ортиқча қўллаш: **энг кам иш ҳаққи** (ҳақи), **сулд** (суд) ҳокимияти, **ривожлантириш** (ривожлантириш) жамғармаси кабилар;
2. Керакли ҳарфни қўлласлик: **тарафланинг** (тарафларнинг), **лозимлигин** (лозимлигини) билдирди кабилар;
3. Ҳарфларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш: **Гулистон туман ижория** (ижроия) қўмитаси, **протест** (протест) кабилар;
4. Сўзларни қўшиб ёзиш: **Гулистон туман ҳокимлиги вакили** (ҳокимлиги вакили), **сохта ҳужжатлар** (сохта ҳужжатлар), **мазкур уйнинг Раҳматов Абдуваҳоб Абдужабборовичга тегишли эканлиги**, **Раҳматов Абдурашид ўзининга** (Абдурашид ўзининг), **қароритўлиқ** (қароритўлиқ) ҳақиқий эмаслиги кабилар;
5. Аббревиатура ва қисқартма сўзларни хато ёзиш: **Тошкент шаҳар ИИБ** (ИИБ), **Ҳақиқат ҚФЙ** (ҚФЙ), **Мирзачўл СИУ** (СИУ) кабилар;
6. Ўзбек алифбосида мавжуд бўлмаган ҳарфларни қўллаш: **Крым** (Крим) вилояти Карасубазар тумани, **Сырдаря вилояти** кабилар;
7. Ташкилот ва идора номларидаги ҳар бир ҳарфни бош ҳарфлар билан ёзиш: **“ХАЙРУЛЛА САТТАРОВ”** фермер хўжалиги, **“АСЛИДДИН-ХУМОЮНБЕК”** фермер хўжалиги, **“УВОҚЛИ-ФАХРИДДИН”** фермер хўжалиги, **“GO’ZAL”** хусусий корхонаси кабилар;
8. Айрим юктамаларни хато қўллаш: **қонунга мос бўлмасада** (бўлмаса-да), **пойдевор қурилган бўлсада** (бўлса-да) кабилар.

Шундай қилиб, бугунги кунда маъмурий судлар ҳал қилув қарорларини тузишда орфография ва пунктуация қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Бу эса ҳал қилув қарорлари матнида ноаниқликлар, услубий ғализликларга олиб келмоқда. Натижада унинг матнлари ижрочилар томонидан турлича талқин этилмоқда. Шунинг учун суд ҳужжатларини тузувчи мутахассислар ҳал қилув қарорларини тузишда орфография ва пунктуация қоидаларига қатъий риоя қилишга алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ

2.1. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорларига қўйилган талаблар

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан кейинги матнларда “Кодекс” деб юритилади) 249-моддасига асосан, суд ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини қабул қилади. Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилади.

Кодекснинг 251-моддасига кўра, суд ҳал қилув қарорини қабул қилаётганида далилларга баҳо беради, иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатлар аниқланганини ва қандайлари аниқланмаганини, бу иш бўйича қандай қонун ёки бошқа қонун ҳужжати қўлланилиши кераклигини ҳамда арз қилинган талаб қаноатлантирилиши лозимлигини ёки лозим эмаслигини аниқлайди. Суд, шунингдек, суд харажатларини ҳам тақсимлайди, ҳал қилув қарорини ижро этиш муддати ва тартибини белгилайди, бошқа қўшимча масалаларни ҳал қилади.

Шунингдек, Кодекснинг 253-моддасига кўра, суднинг ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг мазмунига бўлган қўшимча талаблар 2019 йил 24 майга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 13-сонли қароридан (бундан кейинги матнларда Пленум қарори деб юритилади) белгилаб ўтилган. Хусусан,

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида:

- иш рақами;
- ҳал қилув қарори қабул қилинган вақт ва жой;
- ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг номи;
- судьянинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- суд мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, уларнинг вакиллари;
- низо предмети ёки арз қилинган талаб кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида:

- даъвогарнинг талаби;
- жавобгарнинг эътирозларининг қисқача мазмуни (*жавобгарнинг даъвони тўлиқ ёки қисман тан олгани, унинг даъвога нисбатан эътирозлари*);
- ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари акс эттирилиши керак.

Даъвогарнинг даъвони ўзгартиргани (даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини ошириш ёки камайтириш, даъводан воз кечиш) ҳам кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида:

- ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари (иш учун аҳамиятга эга бўлган);
- суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосалари асосланган далиллар;
- суднинг у ёки бу далилларни рад қилгани ҳақидаги хулосалари (қайси асосларга кўра бошқа тарафнинг вазлари қабул қилинмагани).
- суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари;
- арз қилинган талаб жавобгар томонидан тан олинган тақдирда, фақат арз қилинган талабнинг тан олингани ва унинг суд томонидан қабул қилингани кўрсатилиши керак.

Зарур ҳолатларда суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини ҳам қўллаши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида:

- суднинг арз қилинган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш тўғрисидаги ёхуд қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги хулосаси;
- суд харажатларини тақсимлаш;
- ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва юридик шахснинг номи тўлиқ келтирилиши, қарорни ижро этиш чоғида тушунмовчиликлар ва низолар вужудга келмаслиги учун тушунарли ва аниқ тарзда ифода этилиши лозим.

2.2. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини тузиш бўйича хатоликлар

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2018 йил давомида кўрилган айрим тоифадаги ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари юқорида келтирилган қонун талабларига мувофиқ тузилган-тузилмагани ўрганилганда, суд қарорлари бир мунча камчиликлар билан тузилаётгани, хусусан, Кодекс талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги аниқланди.

Хусусан, суд қарорларининг кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларида Кодексга мувофиқ киритилиши лозим бўлган маълумотлар тўлиқ ёки умуман киритилмаслиги ҳолатлари мавжуд.

2.2.1. Кириш қисмидаги хатоликлар


Иш рақами кўрсатилмаган ҳолатлар

Бугунги кунда республика судлари бўйича фуқаролик ишларини юритишда ягона электрон база жорий этилган бўлиб, унда ҳар бир фуқаролик ишига иш юритувга қабул қилиб олишда тегишли электрон рақам берилади ва ушбу рақам асосида фуқаролик иши юзасидан маълумотлар киритиб борилади. Бироқ суд қарорларида бундай рақамлар умуман кўрсатилмаслиги ҳолатлари ҳам мавжудлиги аниқланди.

1. 2018 йил 25 майдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Ж.Э.нинг жавобгар Ж.Э.га нисбатан мерос мулкни натура шаклида бўлиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарориди фуқаролик ишининг рақами умуман кўрсатилмаган.

2. 2018 йил 6 ноябрдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг аризачи Қ.Ш.нинг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш ҳақидаги аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарориди ҳам фуқаролик ишининг рақами кўрсатилмаган.

Аслида суд қарорларида фуқаролик ишининг рақами кўрсатилиши лозим бўлиб, иш рақамининг кўрсатилмагани электрон база орқали фуқаролик иши тўғрисида маълумотларни олиш имконини бермайди ва судларда кўриладиган ишлар тўғрисида тузиладиган ҳисоботларнинг ҳаққонийлигига тўсқинлик қилади.



Ишда иштирок этган шахслар (уларнинг вакиллари) тўлиқ кўрсатилмаган ҳолатлар

Кодекснинг 39-моддасига кўра, тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, ариза берувчилар ва судда кўриладиган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича бошқа манфаатдор шахслар, прокурор, ишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади.

Кодекснинг 43-моддасида эса, даъвогар (ариза берувчи) ва жавобгар фуқаролик суд ишларини юриштининг тарафлари ҳисобланиши кўрсатилган.

Кодекснинг 253-моддасида тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, уларнинг вакиллари суд қарорининг кириш қисмида тўлиқ кўрсатилиши лозимлиги ҳақида талаб қўйилган бўлса-да, ўрганиш натижалари судлар томонидан қонуннинг ушбу талабига тўлиқ риоя этилмаётганини кўрсатди.

1. 2018 йил 2 августдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Алимов Ботирнинг жавобгар Атабаев Иброхимжонга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топилган ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қароридан ишда иштирок этган шахслар тўлиқ кўрсатилмаган.


Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида иш “адвокат Т.С.нинг иштирокида” кўрилгани таъкидланиб, бошқа иштирокчилар ҳақида маълумот мавжуд эмас, ваҳоланки, ишда даъвогар Б.Алимов, қўшимча даъвогар С.Каримова, жавобгар И.Аҳмедовлар шахсан иштирок этиб, уларнинг кўрсатмалари олинган.

Қонун талабига кўра, суд қарорининг кириш қисмида ишда иштирок этган шахслар кўрсатилганда адвокат Т.С.дан сўнг “даъвогар Б.Алимов, қўшимча даъвогар С.Каримова ва жавобгар И.Аҳмедовларнинг иштирокида” деб ёзилиши лозим эди.

2. 2018 йил 22 январдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Саломов Яҳёё Файзиевичнинг жавобгар “ХХХ” Унитар корхонасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун ҳақ ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қароридан фақатгина прокурор ва адвокатларнинг иштироки кўрсатилган бўлиб, қолган иштирокчилар кўрсатилмаган.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида иш “адвокатлар Д.А., Д.У. ва В.Л. иштирокида” кўрилгани таъкидланиб, бошқа иштирокчилар, яъни даъвогар Я.Саломов, жавобгар “ХХХ” унитар корхонаси вакиллари Г.Соатов, Ш.Саидовалар иштирок этганлари кўрсатилмаган.

Қонун талабига кўра, суд қарорининг кириш қисмида ишда иштирок этган шахслар кўрсатилганда адвокатлардан сўнг “даъвогар Я.Саломов, жавобгар “ХХХ” унитар корхонаси вакиллари Г.Соатов, Ш.Саидоваларнинг иштирокида” деб ёзилиши лозим эди.



Суд қарори қабул қилинган жой ва/ёки суднинг номи кўрсатилмаган ҳолатлар


Кодекснинг 253-моддасида суд қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарори қабул қилинган жой ва суднинг номи кўрсатилиши лозимлиги қайд этилган бўлса-да, суд қарорларини тузишда бу талаб ҳам бузилаётгани аниқланди.

1. 2018 йил 14 ноябрдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Ю.А. жавобгар Б.Т.га нисбатан меросхўр деб топилган ва улушни белгилаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қароридан суд қарори қабул қилинган жой “фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туман суди биносидан” деб кўрсатилган бўлса-да, ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг номи кўрсатилмаган.

Қонун талабига кўра, суд қарорининг кириш қисмида “фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туман суди ўз биносидан раислик қилувчи” деб ёзилиши лозим эди.

2. 2018 йил 2 августдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Р.М.нинг жавобгар К.С. ва бошқаларга нисбатан баённома ва олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топish ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарориди суд қарори қабул қилинган жой ва суднинг номи умуман кўрсатилмаган, фақатгина ишда раислик қилган “фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро суди судьяси” кўрсатилган.

Қонун талабига кўра, суд қарорининг кириш қисмида “фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро суди ўз биносиди раислик қилувчи судья раислигида” деб ёзилиши лозим эди.



2.2.2. Баён қисмидаги хатоликлар

Ҳал қилув қарорининг баён қисми мумкин қадар қисқа ёзилиб, низонинг нимадан иборатлиги тўла баён қилиниши лозим. Бу қисмда даъвогарнинг талаблари ва уларнинг асослари, шунингдек, даъвогарнинг талабига қарши жавобгарнинг эътирозлари ва уларга асос бўлган ҳужжатлар баён қилиниши лозим.

Суд амалиётида ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмини ёзишда турли хатолар учрайди. Баъзан бу қисмда ишдаги барча ҳолатларнинг мазмуни, тарафларнинг барча тушунтиришлари ҳеч бир зарурат бўлмаса ҳам, тўла равишда ёзилган бўлиши лозим. Қарорда тарафлар ўртасидаги даъво мақсадини аниқлаш учун зарур бўлган далилларгина баён қилиниши, яъни даъвогарнинг нимани ва қандай асосга биноан ўша нарсани талаб қилгани ва жавобгар даъвогарнинг қандай талабларига ва нима учун эътироз қилгани кўрсатилиши лозим.

Суд қарорлари ўрганилганда уларнинг баён қисмини тузишда ҳамон камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди.

Арз талабининг қисқа мазмуни кўрсатилмаган ҳолатлар

Кодекснинг 253-моддаси ва Пленум қарори талабларига кўра, суд қарорининг баён қисмида даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътирозлари, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари акс эттирилиши, даъво ўзгартирилгани (даъвонинг асоси ёки предмети ўзгаргани, талабларининг миқдори оширилгани ёки камайтирилгани, даъводан воз кечилгани) кўрсатилиши лозим. Ўрганиш давомида судлар томонидан ушбу қонун талабларига тўлиқ риоя қилинмаётгани аниқланди.


1. 2018 йил 2 августдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Х.О.нг жавобгар Х.Р.га нисбатан оддий ёзма битимни ҳақиқий эмас деб топish ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарориди даъво талабининг қисқа мазмуни баён этилмаган.

Қонун талабига кўра, суд қарорининг баён қисмида даъво аризанинг асоси, предмети, даъвогарнинг важлари қисқа баён этилиши лозим эди.

2. 2018 йил 25 майдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Ж.Э.нинг жавобгар Ж.Э.га нисбатан мерос мулкани натура шаклида бўлиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъво талабининг қисқа мазмуни кўрсатилмаган, фақатгина даъвогар И.Ж.нинг суд мажлисида берган кўрсатмалари киритилган.

Амалиётда даъвогар ўз даъво аризасида кўрсатилган асос ва важлардан фарқ қилувчи кўрсатмалар бериб, даъво талаби асосидан ташқарига чиқади ва асосий талабга қўшимча ёки умуман бошқа важлар келтиради, шу сабабли суд қарориди талабнинг қисқа мазмуни кўрсатилиши лозим.

Қонун талабига кўра, мазкур суд қарорининг баён қисмида *“Даъвогар И.Ж. ўз даъво аризасида мерос мулкни натура шаклида бўлиш ҳақида талаб қўйиб, унда ... важларни келтирган”* деб ёзилиши лозим эди.



Кўшимча (қарши) даъво берилгани, талаб ўзгартирилгани, миқдори камайтирилгани кўрсатилмаган ҳолатлар

Кодекснинг 253-моддасида суд қарорининг баён қисмида даъвогарнинг талаби кўрсатилиши шартлиги белгиланган бўлиб, Пленум қарори ушбу нормани кенг тушунтириб, унда даъвогарнинг даъвои ўзгартиргани, яъни даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилгани, даъво талабларнинг миқдорини оширган ёки камайтиргани, даъводан воз кечгани ҳам кўрсатилиши лозимлиги белгиланган.

Бироқ суд қарорларида ушбу талабларга тўлиқ риоя қилинмаётгани билан бир қаторда, қўшимча ёки қарши даъво киритилгани умуман кўрсатилмасдан, асослантурувчи қисмида бу талабларга баҳо берилган, баъзи талаблар эса тўлиқ баён қилинмасдан қолаётганини кузатиш мумкин.

1. 2018 йил 24 февралдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Ё.Ф.нинг жавобгар Н.А. ва бошқаларга нисбатан уй-жойга киритиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг кириш қисмида Н.А.нинг жавобгар Ё.Ф. нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризаси ҳам кўрилатгани қайд этилган бўлса-да, суд қарорининг баён қисмида қарши даъво бўйича даъвогар А.Н. бундай талаб билан мурожаат қилгани, асосий ва қарши даъво аризаларнинг қисқа мазмуни умуман кўрсатилмаган.


Қонун талабига кўра, суд қарорининг баён қисмида даъвогар Ф.Ё.нинг асосий даъвосининг қисқа мазмуни кўрсатилиб, ундан сўнг қарши даъво бўйича даъвогар А.Н. бундай талаб билан мурожаат қилганини ва унинг қисқача мазмунини кўрсатиш лозим эди.

Хусусан, *“Даъвогар Ф.Ё. жавобгар А.Н. ва бошқаларга нисбатан уй-жойга киритиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда важларни келтирган”*.

“Ўз навбатида, даъвогар А.Н. жавобгар Ф.Ё.га нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда важларни келтирган” деб ёзилиши лозим эди.

2. 2018 йил 11 январдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар У.А.нинг жавобгарлар С.М. ва бошқаларга нисбатан ҳоким қарори ва олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида суд даъвогар Х.У.нинг ХХХХ туман ҳокимиятига нисбатан берилган эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклаш ҳақидаги талабини муҳокама қилиб, ушбу талабни рад этишни лозим топган, бироқ қарорнинг баён қисмида даъвогар бундай қўшимча талаб билан мурожаат қилгани умуман кўрсатилмаган.

Қонун талабига кўра, мазкур суд қарорининг баён қисмида даъвогар Х.У.нинг асосий талабининг қисқача мазмунидан сўнг “Суд муҳокамаси давомида даъвогар Х.У. жавобгар ХХХХ тумани ҳокимлигига нисбатан эгаллик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклаш ҳақидаги кўшимча даъво билан муурожаат қилиб, унда ҳақида важларни келтирган” деб ёзилиши лозим бўлган.




Жавобгарнинг эътирозлари акс эттирилмаган ҳолатлар

Кодекснинг 253-моддасида суд қарорининг баён қисмида жавобгарнинг эътирозлари қисқа баён қилиниши лозимлиги кўрсатилган бўлса-да, суд қарорларида ушбу талабларга ҳам тўлиқ риоя қилинмаётганини кузатиш мумкин. Ушбу талаб суд қароридида жавобгарнинг важларига тегишли баҳо бериш, унинг талаблари ва эътирозларини рад қилиш ёки қабул қилиш асосларини кўрсатиш учун зарурдир.

1. 2018 йил 19 июндаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторининг И.Д.нинг манфаатида жавобгар ХХХХ “Навбахор” МФЙ кенгашига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул учун ҳақ ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг баён қисмида кўшимча жавобгарлар ХХХХ туман ФЎЎБОФМБ раиси ўринбосари Ю.Д. ва ХХХХ туман ҳокимлиги вакили Ш.Қ.лар иштирок этиб, даъво аризага эътироз билдиришлари ва уни рад қилишни сўраганлари кўрсатилган бўлса-да, уларнинг эътирозларининг қисқа мазмуни баён этилмаган.

2. 2018 йил 26 январдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар А.К.нинг жавобгар С.К.га нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг баён қисмида жавобгар Р.С. даъвои тан олмай, уни рад қилишни сўрагани кўрсатилган бўлса-да, унинг эътирозларининг қисқа мазмуни баён этилмаган.

Қонун талабига кўра, мазкур суд қарорларининг баён қисмида жавобгарларнинг кўрсатмаларига даъво аризага нисбатан эътирозларининг мазмуни, яъни эътирозларнинг асосий важлари қисқа баён қилиниши лозим бўлган.



2.2.3. Асослантирувчи қисмдаги хатоликлар

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилиши лозим.

Шунингдек, суд тарафлар топширган ҳужжатларни, суд мажлисида аниқланган далилларни таҳлил қилиб, тарафлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида чиқарилган хулоса ва бу муносабатларга берилган ҳуқуқий баҳони кўрсатиши лозим, яъни далилларга баҳо берилиши, қандай далиллар аниқланган деб ҳисоблангани ва даъвогарнинг қандай талаблари ёки жавобгарнинг қандай эътирозлари тўғри деб топилгани кўрсатиб ўтилади.


Суд аниқлаган ҳақиқий ҳолат баён этилмаган ҳолатлар

Кодекснинг 253-моддаси ва Пленум қарорида суд қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ва иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлари баён этилиши кўрсатилган.

Бироқ суд қарорлари ўрганилганда қонуннинг ушбу талабига тўлиқ риоя қилинмаётгани, суд қарорларида аниқланган ҳақиқий ҳолат эмас, балки тарафларнинг тахминий, бирон-бир далилга асосланмаган важдари ҳақиқий ҳолат сифатида кўрсатилган ёки умуман бу ҳолатлар баён этилмагани аниқланди. Бу ҳолатлар эса суднинг аниқ бир хулосага келишида муҳим роль ўйнайди.

1. 2018 йил 22 ноябрдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Р.Й.нинг жавобгар Р.Й. қизига нисбатан мерос уйни натура ҳолида ажратиш, улушни пул шаклида компенсация қилиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида низо бўйича ҳақиқий ҳолат, яъни низоли мерос уй-жой хусусийлаштирилишида иштирок этган шахслар аниқланмасдан, хусусийлаштирилган уй-жой бўйича мерос масаласи ҳал қилинган.

Қонун талабига кўра, суд қарорининг ушбу қисмида хонадонни хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг доираси, бундай розилик берилган-берилмагани ҳолати аниқланиб, ҳақиқий ҳолат баён этилиши лозим бўлган.



Суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосаларида асосланган далиллар кўрсатилмаган ҳолатлар

Кодекснинг 253-моддаси ва Пленум қарорида суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосаларига асосланган далиллар кўрсатилиши белгиланган.

Кодекснинг 73-75-моддалари талабларига кўра, иш учун аҳамиятга эга бўлган фактлар, суд томонидан текширилган далиллар билан тасдиқланган, уларнинг алоқадорлиги ва мақбуллиги қонун талабларига жавоб берадиган ёки суд ҳаммага маълум деб топган, исботлашга муҳтож бўлмаган ҳолатлар, шунингдек, аниқланган фактлардан келиб чиқадиган яқуний хулосалар акс эттирилгандагина ҳал қилув қарори асослантирилган ҳисобланади.

Суд мажлисида текширилган далилларни суд Кодекснинг 80-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда баҳолаши лозим.


Суд қарорлари ўрганилганда суд хулосалари бирон-бир далилга асосланмагани ёки асосланган бўлса-да, далилларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланмагани, яъни баҳо бериш натижалари акс эттирилмагани кузатилди.

1. 2018 йил 24 январдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро суднинг даъвогар ХХХХХ шаҳар прокурорининг фуқаро У.З.нинг манфаатида жавобгар К.Н. ва бошқаларга нисбатан қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд томонидан мерос уй марҳум А.С. тегишли бўлганлиги, у эса Н.К.нинг холасининг турмуш ўртоғи ҳисобланиши, Н.К. марҳумнинг меросхўри экани кўрсатилган бўлса-да, у марҳумнинг қайси навбатдаги меросхўрлар доирасига кириши аниқланмаган.

Қонун талабига кўра, суд қарорининг ушбу қисмида жавобгар Н.К. марҳумнинг меросхўрлари доирасига кириш-кирмалиги аниқланиши ва унинг номига берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни рад қилишда аниқланган далилларга таяниши лозим бўлган.

2. 2018 йил 24 июлдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туман судининг даъвогар Д.Х. ва Ж.М.нинг жавобгар А.А.га нисбатан умумий мулкдаги улушни ажратиш, бир қисмини натура ҳолда қолдириш ва ер участкасидан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида низоли уй-жой даъвогарлар ўртасида тенг икки қисмга бўлинган бўлиб, даъвогар Х.Д. ва М.Ж.ларга уларнинг уй-жойдаги улушлари тенг эканини асослантирувчи далил келтирилмаган.

Қонун талабига кўра, суд қарорининг ушбу қисмида низоли уйдаги даъвогар М.Ж.нинг 6/8қисм улуши қайси далилларга асосан 1/2 қисмга кўпайтирилгани кўрсатилиши ва ушбу улушига мутаносиб равишда уй-жой бўлинаётгани далиллар билан асослантирилиши лозим бўлган.



Суднинг у ёки бу далилларни қабул қилгани ёки рад қилганининг асоси кўрсатилмаган ҳолатлар


Суд ҳал қилув қарорида иш учун аҳамиятга эга у ёки бу ҳолатлар тасдиқланадиган далилларни кўрсатиб ўтилиши билан чегараланмасдан, балки бу далилларнинг мазмунини баён этиши шарт. Агар суд далилларга баҳо бериб, тарафлар ўзларининг талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатлар у ёки бу фактик маълумотлар билан тасдиқланмаганини аниқласа, ҳал қилув қарорида бу ҳақдаги хулосасини асослантириши лозим.

Кодекснинг 253-моддаси ва Пленум қарорида ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суднинг у ёки бу далилларни рад қилгани ҳақидаги хулосалари, яъни қайси асосларга кўра бошқа тарафнинг важлари қабул қилинмагани кўрсатилиши лозим. Бироқ далилларни қабул қилиш ёки рад қилишнинг асослари аксарият суд қарорларида кўрсатилмасдан келинмоқда.

2018 йил 17 майдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Қ.Ш.нинг жавобгар Д.Г. ва бошқаларга нисбатан қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида даъвогар ўз талаб ва эътирозларини исботлай олмагани сабабли унинг талаби рад қилингани кўрсатилган. Бироқ

даъвогарнинг ушбу гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топшида у ўз улушидан жавобгарнинг фойдасига воз кечгани, эндиликда бундан норози экани ҳақида важ келтириб, ушбу аризасини далил сифатида тақдим этган, суд эса унинг ушбу далилини рад қилганининг асосини кўрсатмаган.

Қонун талабига кўра, суд қарорининг ушбу қисмида даъвогарнинг келтирган далилини рад қилишнинг асоси баён этилиши лозим бўлган.




Ишда иштирок этувчи шахслар вазларининг қабул қилингани ёки рад этилгани асослантирилмаган ҳолатлар

Ҳал қилув қарорида фойдасига ҳал қилув қарори қабул қилган тарафнинг вазлари ва далилларининг бир томонлама баён этилишига йўл қўйилмайди. Суд қайси асосларга кўра бошқа тарафнинг вазлари суд томонидан қабул қилинмаганини кўрсатиши шарт. Худди шундай уларнинг вазлари рад этилгани асосини ҳам кўрсатиши лозим.

2018 йил 28 сентябрдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Х.Қ. жавобгар Б.О. ва бошқаларга нисбатан ижара шартномасини бекор қилиш ва бинодан чиқариш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида низоли ижара шартномасини бекор қилиш ҳақида хулосага келинган бўлса-да, даъвогарнинг келтирган вазлари шартномани бекор қилиш учун далил сифатида қабул қилингани асоси кўрсатилмаган.

Қонун талабига кўра, суд қарорининг ушбу қисмида даъвогарнинг жавобгар томонидан ижара шартномасида кўрсатилган майдондан ташқари қўшимча майдон эгаллангани ҳақидаги важи ижара шартномасини бекор қилишга асос ҳисобланадиган далил бўлиши ва даъвогарнинг ушбу важи қабул қилинганининг асоси кўрсатилиши лозим бўлган.



Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари қўлланилмаган ва/ёки нотўғри қўлланган ҳолатлар

Кодексининг 253-моддаси ва Пленум қарорида ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилиши кераклиги қайд этилган. Хусусан, ҳал қилув қарори процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ва ушбу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига мос равишда қабул қилинган, зарур ҳолларда қонун ўхшашлиги ёки ҳуқуқ ўхшашлигини қўллашга асосланган бўлиши лозим.

Бироқ суд қарорларини ўрганишда низо ҳал қилинаётганда қўлланилиши лозим бўлмаган моддий ва процессуал қонун нормалари қўлланилиб, баъзи ҳолларда умуман қўлланилмаслик ҳолатлари ҳам мавжудлиги кузатилди. Бу эса низоли ҳуқуқий муносабатни ҳал қилишнинг қонуний асосини белгиламайди.

2018 йил 30 мартдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Е.В.нинг жавобгар Д.Э. ва бошқаларга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низоли муносабатга Фуқаролик кодексининг 11-,12- ва 164-моддалари қўлланилган. Бироқ ушбу моддалар мулк ҳуқуқига оид ҳамда давлат органи ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормалар ҳисобланиб, мазкур низоли муносабатга нисбатан нотўғри қўлланган.

Қонун талабига кўра, бундай низоли ҳуқуқий муносабатга битимларга оид Фуқаролик кодексининг 9-боби нормалари қўлланилиши лозим бўлган.

2.2.11-жадвал

Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари қўлланилмаган ва/ёки нотўғри қўлланган ҳолатлар	
6	Қорақалпоғистон Республикаси
16	Андижон
13	Бухоро
8	Жиззах
6	Қашқадарё
9	Навоий
4	Наманган
	Самарқанд
	Сурхондарё
	Сирдарё
	Фарғона
	Хоразм
	Тошкент вилояти
	Тошкент шаҳар
ЖАМИ: 142	

Олий суд Пленумининг низо предметиға тааллуқли бўлмаган қарори қўлланган ҳолатлар

Пленум қарорида берилган тушунтиришларга кўра, суд қарорида у ёки бу ҳуқуқ нормаларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларига ҳавола қилиши мумкин. Бироқ амалиётда судлар томонидан низо предметиға тааллуқли бўлмаган Пленум қарорлари тушунтиришлари қўлланиб келинаётгани аниқланди.

2018 йил 4 июндаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар К.В.нинг жавобгар ХХХХХ шаҳар ҳокимлиги ва бошқаларга нисбатан уй-жойни хусусийлаштириш ордерини ва хусусийлаштиришга оид ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низоли муносабатга Олий суд Пленумининг “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарор тушунтиришлари қўлланилган.

Ушбу Пленум қарори битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низоларни кўриб чиқишда қўлланилиши лозим бўлиб, хусусийлаштириш ордери битим эмас, давлат органининг ҳужжати ҳисобланиши ва ушбу муносабатга Олий суд Пленумининг “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарор тушунтиришлари қўлланилиши лозим бўлган.

2.2.12-жадвал

2.2.12-жадвал			
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	4
4	Андижон	Сурхондарё	2
3	Бухоро	Сирдарё	5
1	Жиззах	Фарғона	1
1	Қашқадарё	Хоразм	1
1	Навоий	Тошкент вилояти	6
1	Наманган	Тошкент шаҳар	1
Олий суд Пленумининг низо предметиға тааллуқли бўлмаган қарори қўлланилган ҳолатлар		ЖАМИ: 32	

2.2.4. Хулоса қисмидаги хатоликлар

Қандай қарор қабул қилингани аниқ ва тушунарли баён этилмаган ҳолатлар

Ҳал қилув қарори хулоса қисмининг аниқ ва равшан ёзилмаслиги қарорнинг бажарилишини қийинлаштиради, яъни даъво қаноатлантирилган бўлса, айнан нима бажарилиши кераклиги кўрсатилган буйруқ шаклида ёзилиши лозим. Ушбу қисмда суд дастлабки даъво бўйича ҳам, қарши даъво бўйича ҳам қандай қарор қабул қилганини аниқ ва тушунарли баён этиши лозим.

Кодекснинг 253-моддаси ва Пленум қароридида ҳал қилув қарорининг хулоса қисми асослантирувчи қисмда аниқланган фактик ҳолатлардан келиб чиқувчи, даъвони қаноатлантириш ёки даъвони қисман ёки тўлиқ рад қилиш ҳақидаги суднинг якуний хулосаларини ўз ичига олиши лозим. Бироқ суднинг хулосалари аниқ ва тушунарли эмаслиги қабул қилинган қарорларнинг ижросини қийинлаштиради.

1. 2018 йил 24 сентябрдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар С.Г.нинг жавобгар ХХХХ туман ХХХга қарашли 25-сонли умумтаълим мактабига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун ҳақ ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида жавобгар ХХХХ туман ХХХга қарашли 25-сонли умумтаълим мактабидан даъвогар Г.С.нинг фойдасига мажбурий прогул кунлари учун август, сентябрь ойлари ҳисобига ўртача ойлик иш ҳақи ундирилгани кўрсатилган. Бироқ ушбу хулосада ундирилган иш ҳақи қайси йилнинг ойлари ва ойлик иш ҳақининг аниқ миқдори кўрсатилмаган.

Қонун талабига кўра, ундирилган пул суммасининг даври ва ҳар ой учун ҳисобланган қатъий миқдори кўрсатилиши лозим бўлган.

2. 2018 йил 26 мартдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар У.С.нинг жавобгар У.Ҳ. ва бошқаларга нисбатан мерос мулкни натура шаклида ажратиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қарорнинг хулоса қисмининг мерос мулкнинг натура шаклида С.У. ва С.А.ларга қолдирилган қисмлари аниқ ва тушунарли эмас, чунки тарафлар ўртасида мерос улушлар белгиланмаган, мерос уйнинг эгалик белгилаш масаласи ҳал қилинмаган.

Қонун талабига кўра, мерос уй-жойдаги тарафларнинг мерос улушлари аниқланиши ва уй-жой уларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ҳамда натура шаклида ажратилган қисмига эгалик ҳуқуқи белгиланиши лозим бўлган.

2.2.13-жадвал


2.2.13-жадвал			
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	4
8	Андижон	Сурхондарё	6
3	Бухоро	Сирдарё	4
2	Жиззах	Фарғона	5
2	Қашқадарё	Хоразм	2
4	Навоий	Тошкент вилояти	10
2	Наманган	Тошкент шаҳар	2
Қандай қарор қабул қилингани аниқ ва тушунарли баён этилмаган ҳолатлар		ЖАМИ: 55	

Қарор ижросига қийинчилик туғдирадиган хулоса чиқарилган ҳолатлар

Ҳал қилув қарорини ижро қилишда қийинчиликлар туғдирмаслиги учун суд томонидан Кодекснинг 251-моддасида кўрсатилган бошқа масалалар ҳам ҳал қилиниши лозим. Бироқ суд қарорларида уларни ижро қилишда қийинчилик туғдириши мумкин бўлган хулосалар қилинаётгани аниқланди.

2018 йил 30 январдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар ХХХХ туман прокурорининг Б.К.нинг манфаатида жавобгар ХХХХ туман 20-сонли умумтаълим мактабига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун ҳақ ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ХХХХ туман 20-сонли умумтаълим мактаби директорининг 24.05.2017 йилдаги 46-сонли ва 28.08.2017 йилдаги 70-к-сонли буйруқлари ғайриқонуний деб топилган ва К.Б. мактабга котиба вазифасига тикланган.

Бироқ ғайриқонуний буйруқларнинг бекор қилинмаслиги, ходимни ишга тиклашга тўсқинлик қилади, шу сабабли қонун талабига кўра, ғайриқонуний деб топилган буйруқлар бекор қилиниши лозим бўлади, акс ҳолда, қарорнинг ишга тиклаш ҳақидаги хулосасини ижро қилишда қийинчилик туғдиради.

Суд харажатларини тақсимлаш масаласи ҳал қилинмаган ёки нотўғри ҳал қилинган ҳолатлар

Кодекснинг 253-моддаси ва Пленум қарорида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини тақсимлаш масаласи кўрсатилиши лозим бўлиб, суд қарорлари ўрганилганда, аксарият ҳолларда суд харажатларига оид масала очик, яъни муҳокама қилинмасдан қолаётгани, муҳокама қилинганда ҳам нотўғри ҳал қилинаётганини кузатиш мумкин.

1. 2018 йил 18 сентябрдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар К.Х.нинг жавобгар ХХХХ туман ХХХ-сонли Давлат нотариал идорасига нисбатан уй-жой ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топилган ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъвогар Х.К. давлат божи тўловидан озод қилинган.


Амалдаги Кодекси талабига кўра, судлар тарафларни суд харажатларидан озод қилиш ваколатига эга эмас, озод қилинган шахслар рўйхати Солиқ кодексининг 329-моддасида белгиланган бўлиб, уларнинг рўйхати қатъий ҳисобланади.

2. 2018 йил 3 апрелдаги ХХХХХ фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Д.К.нинг жавобгар Ш.А. ва бошқаларга нисбатан нолайиқ меросхўрларни меросдан четлатиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори билан даъво ариза рад қилинган, бироқ суд томонидан суд харажатларини тақсимлаш масаласи ҳал қилинмаган.

3. 2018 йил 3 майдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Қ.Д.нинг жавобгар ХХХХ туман ХХХ нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул учун ҳақ тўлаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида

даъво ариза қаноатлантирилиб, Д.Қ. ишга тикланган ва жавобгар ХХХХ туман ХХХдан мажбурий прогул учун ҳақ ундирилган. Бироқ ундирилган суммадан келиб чиқиб, давлат божини ундириш масаласи ҳал қилинмаган.

Қонун талабига кўра, жавобгардан даъво аризанинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб, яъни ундирилган суммадан келиб чиқиб, давлат божи ундирилиши лозим бўлган.



Ҳал қилув қарори устидан кассация шикоят (протест) бериш муддати ва тартиби кўрсатилмаган ҳолатлар

Кодекснинг 403-моддасида суд қарорларига нисбатан кассация шикояти бериш муддати кўрсатилган бўлиб, 253-моддасида ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши кераклиги баён этилган.


Суд қарорлари ўрганилганда уларнинг хулоса қисмида асосан апелляция тартибида шикоят бериш муддати ва тартиби тушунтирилиб, кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартиби тушунтирилмаган.

1. 2018 йил 17 майдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Т.Г.нинг жавобгар Т.Х. ва бошқаларга нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд қарори устидан кассация шикояти бериш тартиби ва муддати тушунтирилмаган.

2. 2018 йил 26 мартдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Ш.Н.нинг жавобгар К.Н. ва бошқаларга нисбатан уйдан кўчириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд қарори устидан кассация шикояти бериш тартиби ва муддати тушунтирилмаган.

3. 2018 йил 23 ноябрдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг аризачи Ҳ.Х.нинг юридик фактни белгилаш ҳақидаги аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд қарори устидан кассация шикояти бериш тартиби ва муддати тушунтирилмаган.

4. 2018 йил 9 октябрдаги фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг даъвогар Ш.Е.нинг жавобгар Т.И. нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд қарори устидан кассация шикояти бериш тартиби ва муддати тушунтирилмаган.



2.3. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини тузишда ўзбек тили ва юридик тил қоидаларини қўллаш бўйича хатоликлар

2.3.1. Юридик тил ва унинг талаблари

Суднинг ҳал қилув қарорини қабул қилиш – бу мураккаб ҳамда кўп қиррали жараён. Бунда бирон-бир муаммоли вазият юзасидан бутун бир давлат – Ўзбекистон Республикаси номидан қарор қабул қилиниб, суд ҳукми эълон қилинади. Бу эса ҳуқуқий давлат барпо этишда ва эркин демократик жамият қуришда, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлашда ҳал қилув қарорининг ўта муҳим ҳужжат эканидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан ҳал қилув қарорини тузиш ҳам юридик, ҳам лингвистик билимлар билан боғлиқ ўта мураккаб иш ҳисобланади. Бунда суд, биринчи навбатда, юридик билимлар ва амалдаги қонунлардан келиб чиққан ҳолда, даъвога сабаб бўлган муаммонинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, томонларнинг ҳуқуқ ва жавобгарлигини, уларнинг ҳақ ёки ноҳақ эканини аниқлайди. Бу бир вақтнинг ўзида лингвистик билимлардан келиб чиққан ҳолда, ҳужжат лойиҳа сифатида шакллантириб борилади.

Биобарин, суд муаммони бартараф этар экан, миллати, дини, ирқи, ёши, касби, ижтимоий ва моддий ҳолатидан қатъи назар, ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳар бир фуқаросига давлат ва жамият томонидан яратилган ҳуқуқий кафолатларни таъминлайди. Суд қарорлари даъво қаноатлантирилгани ёки қаноатлантирилмаганига қарамай, ижрочилар учун мажбурий бўлиб, уни сўзсиз бажаришлари талаб қилинади.

Суд ҳужжатида қўйиладиган айнан ана шу талабни таъминлашда ҳал қилув қарорини қай тарзда шакллантириш, унинг томонлар учун ягона адолат мезони бўлиб хизмат қилиши, албатта, унинг сифатида боғлиқ. Чунки ўта аниқ ифодаланган, ҳеч бир хатоликсиз тузилган ҳужжатгина томонларда унга бўлган ишончни юзага келтиради. Акс ҳолда, суднинг обрў-эътиборига путур етказиши, низоли масалани ҳал этмасдан, аксинча, қўшимча муаммоларни келтириб чиқаради.

Шу нуқтаи назардан ҳар қандай расмий ҳужжатни мукамал даражада тузишнинг асосий шarti – умумодабий тил қоидалари билан бирга юридик тил ва унга қўйиладиган талабларни билиш ва уни амалиётда тўғри қўллаш ҳисобланади.

Тил жамиятдаги ҳамма масалалар бўйича инсонларнинг ўзаро муомала воситаси бўлса, юридик тил эса унинг муҳим бир таркибий қисми сифатида ижтимоий ҳаётнинг қонун, суд-ҳуқуқ соҳасида қўлланади. Шунга кўра, юристлар учун юридик тил фавқулодда муҳим аҳамиятга эга.

Хўш, шундай экан, юридик тил аслида нима?

“Юридик тил” термини алоҳида бир миллат тили тушунчасини англатмайди. У “юридик тил” деб номланса-да, давлат тили ва миллий адабий тилнинг ажралмас бир таркибий қисми ҳисобланади. Буни қуйидаги жадвалда янада яққолроқ кўриш мумкин.



Кўринадиги, юридик тил давлат тилининг фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан маълум бир нормага солинган ёзма адабий тили асосида иш кўради.

Шундай қилиб, **суд-ҳуқуқ соҳасида ишлатиладиган барча тил бирликларининг (товуш, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап) мажмуи юридик тил деб аталади.**

Юридик тил, биринчи навбатда, давлатнинг ўз фуқаролари билан “гаплашадиган” тили. У юридик тил орқали ўз амрини инсонларга етказиши.

Юридик тил учун энг муҳими бирор хатти-ҳаракатни тақиқлаш ёки мумкинлигини билдириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилашдир. Содда қилиб айтганда, юридик тил фуқароларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ва юриш-туришларини қонуний асосда юритишлари учун давлат ва фуқаролар ўртасида “кўприк” вазифасини ўтайди.

Умуман, юридик тил қуйидаги мақсад ва вазифалар учун хизмат қилади:

ЮРИДИК ТИЛ

- Давлатнинг ўз фуқаролари билан “гаплашадиган” тили.
- Давлат юридик тил орқали ўз амрини барча фуқароларга еткази.
- Бирор хатти-ҳаракатни тақиқлайди ёки мумкинлигини билдиради.
- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.
- Давлат ва фуқаролар ўртасида “кўприк” вазифасини бажаради.

2.3.2-расм

Ўз навбатида, “юридик тил” термини ҳам умумий тушунча бўлиб, ҳуқуқнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, бир қанча ички турларга бўлинади.

ЮРИДИК ТИЛНИНГ ТУРЛАРИ

- | | |
|-------------------|---------------------------------|
| 1) қонун тили; | 5) юрист-педагог тили; |
| 2) судья тили; | 6) ҳуқуқшунос-журналист тили; |
| 3) прокурор тили; | 7) ҳуқуқшунос-тадқиқотчи нутқи. |
| 4) адвокат тили; | |

2.3.3-расм


Юридик тилнинг мазкур барча турлари умумий асосга эга ва бир хил тоифага мансуб бўлса ҳам, барибир бир-биридан мазмунан фарқ қилади. Масалан, публицист тили ёки адвокат тили кўплаб адабий образлар, истиоралар, қиёслашлар, мисоллар ва бошқалардан фойдалангани туфайли катта ҳиссиёт ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Судья, ҳуқуқшунос-олим ёки қонун чиқарувчиларнинг тиллари эса бошқача характерга эга бўлади. Булар орасида қонун чиқарувчилар тили расмий давлат юридик тили ҳисоблангани учун алоҳида ўрин эгаллайди¹³.

Ҳақиқатан ҳам, қонун тили юридик тилнинг ўзаги, туб “мағзи” ҳисобланади ва юридик тилнинг барча кўринишлари учун энг муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Умуман, “юридик тил” термини шу маънодаки, унда ҳуқуқшуноснинг ўз фикрини ва ҳуқуқий нормаларни ифодалашда юқоридаги тил бирликлари мажмуи: товуш, қўшимча, сўз, термин, сўз бирикмаси ва гаплардан қандай фойдаланиши тушунилади. Шу маънода уни ҳуқуқшуноснинг ёзма сўз санъати деб аташ ҳам мумкин.

Шунга кўра, суд ҳужжатларини тўғри тузиш ҳам бир санъат ҳисобланади. Бу санъатни тўла эгаллаш ҳуқуқшуноздан маълум бир билим ва малакани тақозо этади. Айниқса, юридик тил, унинг ўзига хос белгиларини билиш ҳужжат тузишнинг муҳим шарт ҳисобланади. Бу белгиларни қуйидаги жадвалда яққолроқ кўриш мумкин:

2.3.4-расм



¹³ Саидов А., Сарқисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. –Т.: Адолат, 1994. –5-б.

Ўз навбатида, бу белгилар юридик тилга қўйиладиган талаблар ҳам ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик суди ҳужжатлари тилига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар қандай ҳал қилув қарори матни расмий, қатъий ва, ўз навбатида, нейтрал ифодаланган бўлиши керак, унда услубий бўёқдорликка йўл қўйилмаслиги лозим.

2. Ҳал қилув қарори матни энг юқори даражада (максимал) аниқ ифодаланиши керак, унинг тилидаги ҳар бир сўз фақат биргина маънони бериши, унда кўп маъноли сўзлар, синоним ва омонимлар ишлатилмаслиги лозим.

3. Ҳал қилув қарори матнини тузишда мумкин қадар кўпчилик тушунадиган сўз ва терминлардан кенг фойдаланиш лозим. Бунда терминларни тўғри қўллаш билишга, сўз ва терминлар синонимияси, омонимияси ва полисемиясига йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериш керак.

4. Ҳал қилув қарори матни шу тилнинг фонетик, лексик ва грамматик қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, мумкин қадар қисқа, содда ва лўнда бўлиши зарур.

5. Ҳал қилув қарорида ифодаланаётган фикрлар мантиқий кетма-кетлик асосида изчил баён этилиши, мазмунан тўлиқ бўлиши лозим.

6. Юридик тилнинг қолиплаганлик белгисидан келиб чиққан ҳолда, ҳал қилув қарорида акс эттириляётган фикрларни мумкин қадар олдиндан мавжуд бўлган (қолиплаган) маълум бир грамматик конструкциялар асосида ифодалаш тамойилига амал қилиш керак.

7. Ҳал қилув қарори матнини тузишда фақат ҳуқуқшунос мутахассислар яхши тушуниши нуқтаи назаридан эмас, балки барча фуқароларнинг идрок этиш имконидан келиб чиқиб тузиш зарур.

Бинобарин, фуқаролик суди ҳал қилув қарорини юқоридаги талаблар асосида тузиш қуйидаги масалаларни ҳал этиш имконини беради:

1. Фуқаролик суди ҳужжатларини амалиётда қўллаш иши осонлашади;

2. Фуқаролик суди ҳужжатлари сифат жиҳатидан такомиллашади;

3. Фуқаролик суди ҳужжатлари ўта аниқ, равон ва тушунарли тузилади;

4. Фуқаролик суди ҳужжатларини турлича шарҳлашнинг олди олинади;

5. Фуқаролик суди ҳужжатларида ифодаланаётган ҳуқуқий фикрларнинг мантиқий изчиллигига эришилади ва ўзаро алоқадорлиги таъминланади;

6. Миллий юридик терминология унификация ва стандартизация қилинади;

7. Мамлакатда ижтимоий адолат ўрнатилади, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожланади.

Демак, бу фикрлардан кўринадики, суд ҳужжатларини тузиш техникаси юксак даражада ривожланган мамлакатда қонун устуворлиги ҳам таъминланади.

Шу боис ҳар қандай ҳужжат тили расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (хोलислик), ўта аниқлик, қисқалик ва соддалик, қолиплаганлик, мантиқий изчиллик каби юрислингвистик талабларга тўла жавоб бериши лозим.

Фуқаролик суди ҳал қилув қарорини бу талаблар асосида мукамал тузиш ҳуқуқшуносдан катта билим ва салоҳиятни тақозо қилади. Шу боис суд ҳужжатларини тузувчи мутахассис бу талабларнинг мазмун ва моҳияти ва уни амалга ошириш усулларини мукамал ўзлаштирган бўлиши лозим.

Фуқаролик суди ҳал қилув қарорларининг сифат жиҳатдан юқоридаги талабларга қанчалик жавоб беришини аниқлаш мақсадида Республика бўйича фуқаролик ишлари бўйича судларнинг жами 522 та ҳал қилув қарори ўрганиб чиқилди. Уни қуйидаги жадвалда вилоятлар кесимида аниқ кўриш мумкин:

2.3.1-жадвал

Қарорлар сони	
21	Қорақалпоғистон Республикаси
34	Андижон
34	Бухоро
36	Жиззах
39	Қашқадарё
30	Навоий
31	Наманган
32	Самарқанд
38	Сурхондарё
37	Сирдарё
38	Фарғона
39	Хоразм
60	Тошкент вилояти
53	Тошкент шаҳар
ЖАМИ: 522	

Мазкур ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларни ўзбек тили ва юридик тил қоидаларини қўллаш юзасидан мукамал деб бўлмайди, уларда жуда кўп хато ва камчиликлар мавжуд. Буни қуйидаги жадвалда яққол кўриш мумкин:

Т/р	Вилоят	Имловий хатоликлар	Ишоравий хатоликлар	Грамматик хатоликлар	Услубий хатоликлар	Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар	Юридик тил талаблари	Қарорнинг композицион тузилишидаги хатоликлар	Бошқа хатоликлар	ЖАМИ
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	318	366	155	85	12	75	23	0	1034
2.	Андижон	521	639	491	166	40	119	79	0	2055
3.	Бухоро	419	715	434	181	30	163	70	0	2012
4.	Жиззах	592	719	337	124	25	107	43	0	1947
5.	Қашқадарё	276	715	628	139	17	114	57	0	1946
6.	Навоий	423	729	292	131	35	119	40	0	1769
7.	Наманган	460	698	396	147	29	111	35	0	1876
8.	Самарқанд	646	802	478	159	19	117	52	0	2273
9.	Сурхондарё	561	747	334	202	24	129	57	0	2054
10.	Сирдарё	765	604	422	178	15	145	53	0	2182
11.	Фарғона	497	766	454	173	25	90	73	0	2078
12.	Хоразм	336	587	279	122	17	121	52	0	1514
13.	Тошкент вилояти	1157	535	308	139	192	103	43	0	2477
14.	Тошкент шаҳар	572	1324	524	293	39	111	69	0	2932
	ЖАМИ:	7543	9946	5532	2239	519	1624	746	0	28149

2.3.2-жадвал

Жадвалдан кўринадикки, фуқаролик судларининг ҳал қилув қарорлари имловий, ишоравий, грамматик, услубий, юридик терминларни тўғри қўллаш, юридик тил талаблари, композицион тузилиши нуқтаи назардан ўрганилганда жами 28149 та хатолик мавжуд экани аниқланди. Айниқса, бу кўрсаткич Тошкент шаҳри (2932), Тошкент вилояти (2477), Самарқанд вилояти (2273), Фарғона вилояти (2078), Андижон (2055), Сурхондарё вилояти (2054) фуқаролик суди ҳал қилув қарорларида жуда ҳам юқори.

Республика бўйича фуқаролик судларининг ҳал қилув қарорларидаги бундай хатоликлар асосан ўзбек тилининг имловий (7543), ишоравий (9946), грамматик (5532) қоидаларига риоя қилинмаганида кўринадик¹⁴.

Шу билан бирга, юридик тил ва унинг талабларига риоя қилинмаётган ҳолатлар ҳам жуда кўп учрайди. Юқоридаги жадвалдан кўринадикки, Республика бўйича фуқаролик судининг ҳал қилув қарорларида 1624 та ҳолатда юридик тил, 519 та ҳолатда юридик терминларни тўғри қўллаш талабларига риоя қилинмаган.

Юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (халислик) талаблари

Юридик тил адабий тилнинг муҳим функционал услуби сифатида ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Шундай талаблардан энг асосийси – **расмийлик, қатъийлик ва нейтраллик**.

Юридик тил, биринчи навбатда, давлат томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатнинг тили. У айрим шахсларнинг хоҳиш-истакларини ифодаламасдан, балки шу жамиятдаги барча фуқароларнинг орзу, ният ва интилишларини акс эттиради. Қонунни айрим шахслар томонидан ўзгартириб бўлмагани сингари, юридик тилни

¹⁴ Бу ҳақда кейинги мавзуларда алоҳида тўхталиб ўтамыз.

ҳам ўзбошимчалик билан ўзгартириб бўлмайди. У давлатнинг амри асосида иш кўради. Одат тусига айланган ва олдиндан мавжуд бўлган услуб, тил шакллари, лексик-грамматик қолиплар асосида иш кўради. Шунга кўра, юридик тил, биринчи навбатда, **расмийлик белгисига** эга бўлади.

Юридик тил кишиларнинг хулқ-атворини бошқарадиган восита бўлиб, бадиий ва публицистик нутқлар сингари кишиларнинг ҳис-туйғуларига эмас, балки ақл-идрокига мурожаат этади. Бадиий, публицистик матнларни ёзувчи ўзи истаганча тузиши мумкин. Бадиий нутқнинг олдига қўйиладиган вазифа, ҳаётни бадиийлаштириб, умумлаштириб ифодалашдан иборат. Бунинг учун ёзувчи ўзи хоҳлаган тарзда воқеаларни акс эттириши, турли сўз, ибора, мақола, матал ва топишмоқларни ишлатиши, турли маъно товланишларидан – ўхшатиш, метафора, синекдоха, литота, аллегория, жонлантириш, гипербола ва сўз ўйинларидан фойдаланиши мумкин.

Юридик тил эса нутқнинг турли кўринишларидан тубдан фарқ қилади. У инсоннинг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, руҳий ҳолатини акс эттирмайди, илмий тушунчаларни ифодаламайди. Шунинг учун ҳам бадиий услубга хос услубий кучли ҳиссий бўёқдор сўзлар: *мактуб, тузук, ораз, жамол, васф, сулув* каби сўзлар ишлатилмасдан, фақатгина услубий жиҳатдан нейтрал сўзлар ва терминлар қўлланади. Шунинг учун ҳам юридик тилга қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири **нейтраллик (холислик)**дир.

Юридик матн, аввало, давлат ёки юридик шахс томонидан қабул қилинган расмий ҳужжат. Унинг амрини шу ҳудудда, жамиятда яшовчи фуқаро, ким бўлишидан қатъи назар, бажариши, унга амал қилиши шарт. Унда ифодаланган ҳуқуқий нормалар тахмин, истак ёки гумон деб эмас, балки бажарилиши шарт бўлган ҳуқуқий норма деб қабул қилинади. Унинг амри ҳамма фуқароларнинг хоҳиш-иродасидан устун туради. Шунга кўра, юридик тилда **қатъийлик белгиси** кучли бўлади.

Шу боис **юридик тилнинг энг муҳим турларидан бири сифатида суд ҳужжатлари тилида ҳам расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабларига тўла риоя қилиш лозим. Бу қоидаларга амал қилмаслик суд ҳужжатлари тилининг сифатига салбий таъсир қилади, юридик техника талабларининг бажарилмаслигига, энг ёмони, ҳужжатнинг амалиётда тўла ижро этилмаслигига ҳам олиб келади.**

Афсуски, фуқаролик суди ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижасида суд ҳужжатлари амалиётида бундай камчиликлар кўплаб кузатилиши аниқланди. Буни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

2.3.3-жадвал

15	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	16
12	Андижон	Сурхондарё	9
13	Бухоро	Сирдарё	15
5	Жиззах	Фарғона	2
6	Қашқадарё	Хоразм	4
25	Навоий	Тошкент вилояти	3
7	Наманган	Тошкент шаҳар	1
Расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (холислик) талаблари			
ЖАМИ: 133			

Жадвалдан кўринадикки, республика бўйича фуқаролик суди ҳал қилув қарорларида 133 ҳолатда юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабларига риоя қилинмаяпти.

Бу, биринчи навбатда, суд ҳужжатлари тилида сўзлашув услубига хос сўз ва грамматик конструкцияларнинг ишлатилишида кўринадик. Жумладан, ҳал қилув қароридан мисоллар келтирамыз:

...**умуман даъвогар З.М. ОФЙда раис вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган даврда ҳамманинг ишига аралашиб, жамоатда оғизбирчиликга салбий таъсир кўрсатганлигини, унинг устидан бир неча маротаба ОФЙда истиқомат қилувчилардан оғзаки ва ёзма шикоятлар тушганлигини билдириб кўрсатма берди ...**¹⁵.

... **ОФЙ маъмурияти эса ўзи билан бир оғиз ҳам гаплашмасдан** эгаллаб турган лавозимидан озод этганлигини, суд мажлисида қуйдагилар аниқланганлигини,...(КҚРОС, 21-иш).

¹⁵ Фуқаролик суди ҳал қилув қарорларидаги хатолар ҳеч бир ўзгаришсиз берилган

... 120 кун банк иш кунида МЧЖ унга Спарк русумли **автомашинани чиқариб бериши** лозимлигини,

... даъвогарни олдидан жавобгарни деб **юзи шувут бўлганлигини**, ...”.

Шунингдек, фуқаролик судларининг ҳал қилув қарорининг баён қисмида “*Аризачи С.Х. суддан шикоят аризасини қаноатлантириб беришликни сўради*” каби жумлалар жуда кўп учрайди.

Бу юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик ва нейтраллик талабларига зиддир. Чунки юқоридаги матнда “қаноатлантириб беришлик” жумласида “*беришлик*” сўзи ортиқча ишлатилган. Чунки бундай ҳолат расмий услубда эмас, кўпроқ сўзлашув услубида ишлатилади, бундан ташқари, бу сўз бирикмасида “*бирор нарса эвазига бирор ишни қилиб бериш*” каби яширин услубий маъно ҳам англашилади. Бундан ташқари, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига ҳам зид бўлиб, “*бермоқ*” феълига ҳаракат номи шаклининг *-иш* шакли ҳамда *-лик* қўшимчаларининг бир пайтда қўшилиши хато ҳисобланади. Шунинг учун юқоридаги матнни “*Аризачи С.Х. суддан шикоят аризасини қаноатлантиришни сўради*” деб ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Айрим ҳолатларда ҳал қилув қарорларида расмийликка хос бўлмаган, миллий менталитет ва шевага хос бўлган жумлалар ҳам берилмоқда. Жумладан, “*Аризачи ота-онасининг уйига бориб яшаб, ота-онасининг чироғини ёқмоқчи эканлигини айтди*”. Бу гапда “*ота-онасининг чироғини ёқмоқчи*” каби жумлани ишлатишга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим.

Худди шундай хатолик қуйидаги гапда ҳам такрорланади:

Жавобгар Х.А. судга карши даъво ариза билан мурожаат қилиб, қарши жавобгар Абдуллаева Севара собиқ хотини бўлиб, доимий равишда унинг устидан ёзиши-чизишлари ва йиллаб судма-суд сарсон-саргардон юрганлиги натижасида рухан эзилиб, соғлигини юқотганлигини маълум қилиб, қарши жавобгардан 15 000 000 сўм маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Агар суд ҳужжатини тузаётган мутахассис аризачи, гувоҳ ёки бошқа бир шахснинг фикрини кўчирма гап шаклида бераётган бўлса, уни шундайлигича қолдириши мумкин. Лекин ўзлаштира гап сифатида берилганда, уни юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабидан келиб чиққан ҳолда, расмий тарзда бериш мақсадга мувофиқ.

Бундай ўринларда, яъни суднинг адолатли қарор чиқариши учун суд иштирокчиларининг юридик аҳамиятга эга бўлган сўзларини улар қандай айтган бўлса, шундайлигича кўчирма гап сифатида ифодалаш лозим. **Чунки улар ўзлаштира гапга айлантириб берилганда, юридик мазмун касб этган асосий сўзнинг маъноси ўзлаштира гапга айлантирилиб, унинг синонимларини қўллаш ёки бузилган ҳолатда берилиши суд ишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чунки судья шу сўзнинг луғавий ва услубий маъноларини чуқур ва атрофлича тушуниши ва шундан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилиши лозим. Акс ҳолда, суд қарорининг нотўғри чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин.**

Юридик тилнинг ўта (максимал) аниқлик талаби

Юридик тил маълум бир тоифадаги айрим кишиларгагина эмас, шу жамиятдаги барча шахсларга тааллуқли бўлади, улар кундалик фаолияти давомида ана шу қонунларга амал қилиб яшайдилар. Шунинг учун барча шахслар расмий ҳужжатлар билан танишганларида, ундаги ҳар бир моддани, ҳар бир сатрни бир хил тушунишлари, бир хил “ҳазм қилиш”лари керак, акс ҳолда, ҳар ким ўзича тушунадиган бўлса, бу турли ножўя ҳаракатларга, оғир оқибатларга олиб келиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг содир этилишига кенг йўл очиши мумкин. Бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун юридик ҳужжатда ифодаланаётган ҳуқуқий нормалар ниҳоятда аниқ ва равион тузилиши лозим.

Бадий матнни, масалан, юз нафар китобхон ўқиса, ҳар ким ўзича тушуниши, турлича шарҳлаши мумкин ёки бир шахс бадий матнни бир неча марта ўқиб, ҳар ўқиганда турли маъноларни “кашф” этиши мумкин. Лекин ҳужжат матнини барча фуқаролар бир хил тушунишлари ёки уни бир шахс такрор-такрор ўқиганда ҳам фақат

ва фақат бир ҳуқуқий маънони англаши лозим. Бусиз ҳужжат ўз кучини йўқотади. Шунинг учун юридик тилнинг ўта (максимал даражада) аниқлик талабини олимлар юридик тилга қўйиладиган энг муҳим ва асосий талаб деб биладилар.

Ҳақиқатан ҳам, юридик тилнинг ўта аниқлиги қонунийликни мустаҳкамлашга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқий нормаларни аниқ қўллашга таъсир этади, сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Шунинг учун ҳам “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида “қонун лойиҳаси лўнда, аниқ, оддий ва равон тилда, нормаларни турлича изоҳлашни истисно этадиган тарзда юридик атамашуносликка риоя қилинган ҳолда баён қилинади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди” деб таъкидланган.

“Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг 52-моддасига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда оғзаки нутқ шакллари, хорижий тилларнинг атамалари, эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар, шунингдек, аббревиатура ва қисқартмалар (умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек, ташкилотларнинг қисқартирилган номлари бундан мустасно) қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Юридик тилнинг ўта аниқ бўлиши ҳуқуқий давлат қуришнинг, жамиятда суд-ҳуқуқ тизимининг нуфузини оширишнинг ҳамда фуқаролар онгида қонунийликка риоя этиш ҳисларини шакллантиришнинг бош омилidir. “Қонунни амалиётда қўллаш самарадорлиги, кўп жиҳатдан, юридик тилнинг аниқлиги, унинг ғоявий-ахлоқий таъсир этиш кучи, фуқаролар кўнглини топиши, тушунарли бўлиши, уларнинг манфаатларини кўзлаши ҳам катта аҳамиятга эга”¹⁶. Шундай қилиб, юридик тилнинг энг муҳим белгиларидан бири – **ўта аниқликдир**.

Юридик тилда аниқликни таъминлаш учун, биринчи навбатда, фуқаролик суди ҳужжатларининг матни тилнинг маълум бир илмий қонун-қоидаларига тўла бўйсундирилиши лозим.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, фуқаролик суди ҳал қилув қарорлари матнида ҳар доим ҳам матннинг аниқлигига эътибор берилмаяпти. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

2.3.4-жадвал			
40	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	68
48	Андижон	Сурхондарё	108
96	Бухоро	Сирдарё	88
62	Жиззах	Фарғона	56
73	Қашқадарё	Хоразм	90
58	Навой	Тошкент вилояти	86
68	Наманган	Тошкент шаҳар	108
Ўта (максимал) аниқлик талаблари			
ЖАМИ: 1 049			

Жадвалдан кўринадики, фуқаролик судларининг ҳал қилув қарорларида юридик тилнинг ўта аниқлик талабига тўла риоя қилинмаяпти, юридик тилдаги аксарият хатоликлар ўта аниқлик талабининг бузилишида (1049 та ҳолатда) кўриняпти.

Бундай хатоликлар фуқаролик суди ҳал қилув қарорларининг кўпроқ кириш ва хулоса қисмларига тўғри келади. Кириш қисмида фуқаролик иш рақами берилмаслиги ёки тўла кўрсатилмаслиги аниқланди. Мисол тариқасида *XXXX вилояти XXXX туманлараро судининг ҳал қилув қарорини келтирамиз:*

2018 йил май ойининг 11 кунда фуқаролик ишлари бўйича XXXX туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи: А.О.

¹⁶ Саидов А., Қосимова М., Каримова Л. Кўрсатилган мақола. – 39-б.

Н.Н. котиблигида, даъвогар Х.З.нинг жавобгарлар Т.Х. ва ХХХХ туман давлат нотариал идорасига нисбатан ҳаё шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича фуқаролик ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни АНИҚЛАДИ:

Матндан кўринадики, фуқаролик ишининг тартиб рақами кўрсатилмаган. Бу эса бугунги кунда жорий этилган Республика судлари бўйича фуқаролик суди ишларини юритиш ягона электрон базаси қоидаларига зид ҳисобланади¹⁷.

Худди шундай хатоликлар фуқаролик суди ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида ҳам кўпга кузатилди. Жумладан,

Юқорида қайд этилганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-253- моддаларини қўллаб, суд ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилсин.

Кўринадики, мазкур қарор “қайси даъвогарнинг (?) нима ҳақидаги (?) қайси аризаси (?) қаноатлантирилсин?” деган саволларга жавоб бера олмайди. Шунинг учун мазкур қарорни қуйидагича ифодалаш лозим эди:

Суд юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик суди ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 249-253-моддаларини қўллаб, ҚАРОР ҚИЛДИ:

Аризачи Ф.Хасановнинг “ХХХ” жамғармасининг 2018 йил 22 мартдаги 11-сонли буйруғини бекор қилиш, ишга тиклаш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Ҳақиқатан ҳам, ўрганиш жараёни шуни кўрсатдики, фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳам кўпдан кўп хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бу эса ҳужжатда ифодаланаётган фикрнинг ноаниқлигига олиб келади.

Фуқаролик суди ҳужжатлар мазмунининг ўта аниқ бўлишига соя солаётган жиҳатлардан яна бири кўпчиликка маълум бўлмаган, барча ҳам тушунмайдиган қисқартма сўз ва аббревиатураларнинг жуда кўп қўлланаётганидир. Жумладан,

ХХХХХ шаҳар ИИБВнинг ХХХХ тумани ИИОФМВ томонидан берилган С.В.га тегишли бўлган Ф-1нинг шарифи устунда ...

Кўринадики, мазкур матндаги ИИБВ, ИИОФМВ каби қисқартма сўзларни барча фуқаролар тушунмайди. Бу “Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг 52-моддасига ҳам зид бўлиб, бу моддада аббревиатура ва қисқартмалар (умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек, ташкилотларнинг қисқартирилган номлари бундан мустасно) қўлланишига йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидланган.

Фуқаролик суди ҳал қилув қароридаги муаммоли жиҳатлардан яна бири унда маълум суммадаги пул миқдори фақат рақамда кўрсатилмоқда. Жумладан,

Аризачи С.Х.дан давлат фойдасига 172240 сўм миқдорида давлат божи ундирилсин.

¹⁷ Бу ҳақда мазкур рисоланинг “Кириш қисмида иш рақами кўрсатилмаган ҳолатлар” мавзусида батафсил маълумот берилган.

Бу юридик тилнинг ўта аниқлик принцигига зид ҳисобланади. Чунки юқоридаги рақамларнинг бирортаси техник хато сабабли ўзгариб кетса, катта молиявий тушунмовчиликларга олиб келади. Шунинг учун бундай ҳолатда айнан шу суммани рақам билан бирга қуйидагича қавс ичида сўз билан ифодалаш лозим:

Аризачи С.Х.дан давлат фойдасига **172240 (бир юз етмиш икки минг икки юз қирқ)** сўм миқдоридан давлат божи ундирилсин.

Рақамлар билан боғлиқ хатоликни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин:

... ўзининг ҳовлиси 100.000.000 сўмдан ортиқ туршини, олди-сотди шартномасида гўёки ўзи 2.500 минг сўмга сотган деб мутлақо нотўғри баҳоланганлигини, уйни 2013 йил 02 апрель кунда Ш.О. 80.000.000 сўмга сотиб олганлигини ва жавобгар ўзидан 2.500 минг сўмга 2013 йил 22 октябрда сотиб олган деб...таъкидлайди...

... 916,0 кв.метрдан иборат бўлган 273-сонли уй-жойни 2.500.000 сўмга тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ўтказиладиган савдолар орқали сотиб беришни сўраганлигини...

Мазкур гапда низоли уй-жойнинг нархи ҳал қилув қарорининг турли қисмларида ҳар хил шаклларда берилмоқда. Ортиқча чалкашликнинг олдини олиш мақсадида бундай ҳолатларда рақамларнинг ёнида қавсда сўз билан пул миқдорини кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юридик тилнинг қисқалик, соддалик, лўндалик талаблари

Юридик тилда ифодалаётган фикрлар мумкин қадар қисқа, содда ва лўнда тузилиши лозим. Шундагина ўта аниқлик таъминланади. Шу боис фуқаролик судининг ҳал қилув қарорлари ўта мураккаб, узундан-узоқ грамматик қолиплар билан берилмаслиги зарур. Шунинг учун юридик ҳужжатларни ёзиш услуби тил воситаларидан мумкин қадар тежаб фойдаланишга, фикрни содда гаплар асосида беришга, қўшма ва мураккаб жумлаларни кўп ишлатмасликни тақозо қилади. Чунки ортиқча сўзлар, сўзларни ўз ўрнида ишлата билмаслик ифодаланаётган ҳуқуқий нормани тушунишни қийинлаштиради.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, бугунги кунда фуқаролик суди қарорларини тузишда ҳар доим ҳам бу тамойилга амал қилинмаяпти, бир қанча хато ва камчиликлар кузатилмоқда. Буни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

2.3.5-жадвал			
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	1
4	Андижон	Сурхондарё	0
15	Бухоро	Сирдарё	5
4	Жиззах	Фарғона	0
1	Қашқадарё	Хоразм	0
5	Навоий	Тошкент вилояти	1
4	Наманган	Тошкент шаҳар	1
Қисқалик, соддалик, лўндалик талаблари		ЖАМИ: 42	

Ҳал қилув қарорларидаги бундай хатоликларни қуйидаги гуруҳларга умумлаштириш мумкин:

- 1) ифодаланаётган фикрлар ўта мураккаб конструкциялар асосида берилмоқда;
- 2) гапларда ортиқча сўз, ноўрин жумлалар кўп ишлатилмоқда;
- 3) гапда сўзларни бир-бирига боғлайдиган келишик, эгалик, шахс-сон қўшимчалари ҳар доим ҳам тўғри ишлатилмаяпти;
- 4) юқоридаги хатоликлар натижасида юридик тилда тиниш белгилари нотўғри ишлатилмаяпти.

Бундай ҳолатлар фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг асосан кириш ва баён қисмларида кўп кузатилади. Жумладан,

2018 йил июль ойининг 19-кунда ХХХХ туман фуқаролик суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Ш.К. раислигида, суд баённомасини юритувчи, судья ёрдамчиси К.Н. котиблигида, тарафлардан ХХХХ тумани прокурори ёрдамчиси С.К.нинг иштирокида, аризачи Р.С.нинг жавобгар ХХХХ тумани ҳокимининг 2016 йил 25 майдаги 1753-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги шикоят аризаси бўйича қўзғатилган ХХХХ-сонли фуқаролик ишни кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Бу гап ўта мураккаб гап конструкцияси асосида тузилган бўлиб, уни оддийроқ шаклда тузиш мумкин эди. Бундан ташқари, шу битта гапнинг ўзида ўзбек тилининг 6 та грамматик ва пунктуацион қоида бузиляпти¹⁸. Бундан ташқари, 6 та ортиқча кераксиз сўз (ойининг, раислик қилувчи, суд баённомасини юритувчи, суд) ишлатилган. Юридик тилдаги гапларда ортиқча сўзлар ҳуқуқий ахборотни тушунишни қийинлаштиради, мумкин қадар бирорта ҳам сўзни ортиқча ишлатмаслик керак.

Шуни инобатга олган ҳолда, юқоридаги ҳуқуқий ахборотни қуйидагича ифодалаш лозим:

2018 йил 19 июль куни ХХХХ тумани фуқаролик суди ўз биносида очиқ суд мажлисида
Судья Ш.К.Р. раислигида,
судья ёрдамчиси К.Н. котиблигида, тарафлардан ХХХХ тумани прокурори ёрдамчиси С.К.нинг иштирокида аризачи Ш.Р.нинг жавобгар ХХХХ тумани ҳокимининг 2016 йил 25 майдаги 1753-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги шикоят аризаси бўйича қўзғатилган ХХХХ-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг баён қисмида ҳам узундан-узук, ўта мураккаб гаплар берилмоқда. Бу эса юридик тилнинг ўта аниқлик талабининг бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда. Жумладан,

Даъвогар М.А. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга оид “ХХХ комбинати” Давлат корхонаси ХХ ХХ бошқармасининг 2018 йил 22 февраль кундаги 137/лс-сонли буйруғини ғайриқонуний равишда чиқарилган деб ҳисоблаши, у дастлаб, 2007 йил 19 октябрдаги 4271/лс-сонли буйруқ билан ХХ ХХ бошқармасига қарашли 1-сонли автокорхонага электрон ҳисоб-китоб машинаси оператори лавозимига ишга қабул қилинганлиги, 2008 йил 12 сентябрдаги 4412/лс-сонли буйруқ билан Шимолий кон бошқармаси автомобил транспорт бошқармасига автотототранспорт воситаларини техник назорат қилиш назоратчиси лавозимига димий ишга ўтказилганлиги, 2010 йил 01 февралдаги 10-сонли буйруқ билан ушбу бошқармада ёқилғи мойлаш махсулотлари муҳандиси лавозимига доимий ишга ўтказилганлиги, 2012 йил 18 июндаги 382-сонли буйруқ билан ушбу бошқарманинг эксплуатация бўлимига катта диспетчер лавозимига доимий ишга ўтказилганлиги ва ушбу лавозимда 2018 йилнинг 22 февраль кунига қадар ишлаб келганлиги, унга 2017 йил 16 ноябрь куни ХХ ХХ бошқармасининг 2017 йил 06 октябрдаги 1482-сонли буйруғига кўра иш ўрни қисқартирилатганлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-модда 2-қисмининг 1-бандига асосан бекор қилиниши тўғрисида икки ой олдин огоҳлантириш хати берилганлиги, унга огоҳлантириш муддати давомида бошқа жойлардан иш разрядидан паст бўлганлиги ва мақбул бўладиган иш ўрни бўлмаганлиги сабабли таклиф қилинган иш ўринларини рад этилганлиги, 2017 йил 25 сентябрдаги 17.03-03-01/3348-сонли Шимолий кон бошқармасига қарашли Автомобил транспорт бошқармаси бошлиғи А.Н. томонидан иш берувчига тақдим этилган билдириш хатида кўрсатилишича, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида, эксплуатация бўлимидаги катта диспетчер лавозимини

¹⁸ Бу ҳақда мазкур рисоланнинг “Юридик тилнинг қолиплаганлик талаби” мавзусида батафсил фикр юритилган.

иккиламчи штат бирлиги деб кўрсатилганлиги, ушбу штат бирлиги қисқартирилиб, унинг ўрнига таъмирлаш участкасига уста иш ўрни киритилиши сўралган бўлиб, мазкур билдириш хатига асосланган ҳолда 2017 йил 06 октябрь кундаги ХХ ХХ бошқармасининг “Автомобил транспорт бошқармасидаги ишлаб чиқаришнинг ва ундаги ишчи хизматчиларнинг сони ўзгартирилиши тўғрисида”ги 1482-сонли буйруғи чиқарилганлиги, катта диспетчер лавозими штат бирлигидан чиқарилиб, унинг ўрнига таъмирлаш участкасига уста штат бирлиги киритилганлиги, “хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори”да катта диспетчер лавозими мутахассислар тоифасида уста лавозими эса бошқарув тоифасидаги касблар бўлиб, ушбу касблар бир тоифадаги касблар бўлмасада, бирини иккинчисига алмаштиришга йўл қўйилганлиги, бундан ташқари, катта диспетчер штат бирлиги доимий моддий жавобгар иш ўрни деб ҳисоблансада, асоссиз иккиламчи иш ўрни деб ҳисоблаб, штат бирлигидан чиқариб ташланганлиги, 2017 йил 06 октябрдаги ХХ ХХ бошқармасининг “Шимолий кон бошқармасига қарашли Автомобил транспорт бошқармасидаги ишлаб чиқаришнинг ва ундаги ишчи хизматчиларнинг сони ўзгартирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 1-бандига мувофиқ” чиқарилган 1482-сонли буйруғига кўра, штат бирлигидан чиқарилиб ташланган катта диспетчер штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 103-моддаси 1-бандига мувофиқ кўриб чиқилмаганлиги, уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, катта диспетчер штат бирлиги Шимолий кон бошқармаси, 1-сонли Автокорхонада, “Шарқий” кончилик ва бошқа корхоналарда мавжуд штат бирлиги эканлиги, мазкур штат бирлиги иккиламчи штат бирлиги ҳисобланмаслиги ва қисқартирилишига йўл қўйилмаслиги, Шимолий кон бошқармасига қарашли Автомобил транспорт бошқармаси автопарки 2016 йил ва 2017 йил билан солиштирилганда автопарк, ишчи ва ҳайдовчиларнинг сони ошганлиги, Автомобил транспорт бошқармасининг эксплуатация бўлим штат жадвали 1) эксплуатация бўйича бошлиқ мовуни, 2) эксплуатация бўлим бошлиғи, 3) битта катта диспетчер, 4) тўртта смена диспетчер, 5) битта оператор, 6) битта таксировкачи иборат эканлиги, эксплуатация бўлими штатлар жадвалида кўрсатилган иш ўринларининг ичида иккиламчи иш ўрни кўрсатилмаганлиги, штатлар жадвалидан катта диспетчер штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-модда 2-қисмининг 1-бандига асосан қисқартирилганлиги, мазкур қисқартирилган штат бирлигининг иш вазифалари буйруқ асосида бошқа юқорида кўрсатилган иш ўринларининг бирортасига юклатилмаганлиги, тунги 11.1 соатли сменадан ишлаб чиққан смена диспетчерларига штат жадвалидан қисқартирилган катта диспетчер штат бирлигининг иш вазифалари мажбуран бажартирилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115-120 ва 123-моддаларининг бузилишига йўл қўйилганлиги, Автомобил транспорт бошқармасининг эксплуатация бўлимидаги катта диспетчер штатлар бирлиги штат жадвалидан қисқартирилган вақтда, ушбу бўлимда 2018 йил февраль ойидан бошлаб бўлим ишчиларининг кетма-кет меҳнат таътилига кетиш даврида бошланганлиги, Шимолий кон бошқармаси раҳбарияти томонидан тасдиқланган “Меҳнат таътили графиги”га биноан эксплуатация бўлимидаги смена диспетчерларининг кетма-кет меҳнат таътилига кетиши муносабати билан бўлимда ишчи кучларини етишмай қолганлиги учун ушбу бошқармадаги таъмирлаш участкасининг навбатчи чилангари смена диспетчерлиги лавозимига стажировка қилиниб, ишга жалб этилганлиги, Автомобил транспорт бошқармаси раҳбари ва мутахассислари эксплуатация бўлимидаги мавжуд катта диспетчер штат бирлиги иккиламчи, ортиқча штат бирлиги деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-модда 2-қисмининг 1-бандига асосан қисқартириб, эксплуатация бўлимида етишмай қолган иш ўрнига ушбу бошқарманинг бошқа участкаларидаги ишчини ишга жалб қилишга йўл қўйилганлиги, бу ҳаракатлар билан “Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонаси Шимолий кон бошқармасига қарашли Автомобил транспорти бошқармаси раҳбарияти ва мутахассис ходимлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-модда

2-қисмининг 1-бандига мувофиқ чиқарилган 1482-сонли буйруқ асосида қисқартиришга йўл қўйилган катта диспетчер штат бирлиги ушбу бошқарманинг эксплуатация бўлими штатлар жадвалида иккиламчи штат бирлиги мавжуд эмаслигини исботлашганлиги, фаолияти даврида дастлабки ҳужжатларни ишловида юзага чиққан ишдаги камчиликлар ва ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида Автомобил транспорти бошқармаси бошлиғи, эксплуатация бўйича бошлиқ муовини ва эксплуатация бўлими бошлиғига ёзган билдиргилари туфайли унга нисбатан қилинаётган бундай муносабатларни қасддан қилинаётган деб ҳисоблаши, ушбу билдиргиларни ўз меҳнат йўриқномасига таянган ва ваколатидан чиқмаган ҳолда ёзганлиги, юқоридагиларга кўра, уни Автомобил транспорт бошқармаси эксплуатация бўлими катта диспетчер вазифасига ишга тиклаб, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб беришни сўраган.

Бу битта гап 500 дан ортиқ сўздан тузилган. Гапда бир нечта мураккаб ҳуқуқий ахборот битта гап орқали берилган, айрим ўринларда тил қоидалари бузилган. Натижада матнда аниқлик етишмайди. Шунинг учун бу ҳуқуқий ахборотни бир ўқишда англаб олиш анча мушкул, тушуниш учун қанча куч ва вақт сарфлаш лозим бўлади ва шунда ҳам ҳуқуқий воқеани тўлиқ тушуниш қийин. Гапнинг бошидан ўқиб келиб, охирига етганда боши эсдан чиқиб қолади. Охиридан ўқиб бориб тушунишнинг имкони йўқлиги сабабли, гап “топишмоқ”қа айланиб қолган.

Бундай ҳуқуқий фикрлар узоқ ўйлаб ўтирилмасдан, шошма-шошарлик билан яратилиши натижасида фуқаролик суди ҳал қилув қарорларида ифодаланяпти ва, ўз навбатида, унинг амалиётда яхши самара бермаслигига олиб келмоқда.

Ҳуқуқий ахборот жуда мураккаб ва кенг бўлган тақдирда уларни битта гап тарзида эмас, бир қанча абзац ва гапларга бўлиб бериш усулидан фойдаланиш лозим. Бунда ортиқча сўзларни мумкин қадар ишлатмаслик мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан юқоридаги мураккаб ҳуқуқий ахборотни бир қанча абзац ва кичик гапларга бўлиб ифодалаш керак эди.

Юридик тилнинг қолиплашганлик талаби

Юридик тилнинг муҳим белгиларидан яна бири унинг **қолиплашганлик (шаблонлашган)** характерга эга бўлишидир. Айрим ҳуқуқий фикрлар юридик тилда жуда кўп такрорланиши натижасида “навбатчи” жумлаларга айланиб қолади. Масалан, *Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси... -моддасининг биринчи қисмига мувофиқ...; Фуқаролик процессуал кодексининг... -моддаси бўйича жавобгарликка тортилади* каби қолиплашган лисоний тизимларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Юридик тилнинг маълум бир андозалар шаклида қолиплашиши бу унинг ижобий жиҳатидир. Чунки юридик тилни маълум бир жумла, сўз бирикмалари асосида шакллантириш ҳуқуқий норма ёки ҳуқуқий тушунчанинг осонлик билан тушунилишига, фуқаролар томонидан тез илғаб олинишига, улар онгига бу ҳуқуқий ахборотнинг тез сингишига сабаб бўлади. Шунинг учун юридик тилни маълум бир жумлалар асосида қолиплаштириш лозим.

Фуқаролик суди ҳал қилув қарорларини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларда юридик тилнинг қолиплашганлик талаби тўла бажарилмаяпти. Буни қуйидаги жадвалдан яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

2.3.6-жадвал

Қолиплашганлик талаби	
19	Қорақалпоғистон Республикаси
54	Андижон
38	Бухоро
36	Жиззах
33	Қашқадарё
31	Навоий
30	Наманган
32	Самарқанд
12	Сурхондарё
37	Сирдарё
32	Фарғона
26	Хоразм
13	Тошкент вилояти
1	Тошкент шаҳар
ЖАМИ: 394	

Аксарият бундай хатоликлар фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг кириш қисми турли шаклларда ва қолипларда тузилаётгани, натижада мазкур ҳужжатда юридик тилнинг ўта аниқлик талаби бузилаётгани кузатилди.

Жумладан, фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларининг кириш қисмлари асосан қуйидаги шаклларда тузилаётгани аниқланди:

2018 йил май ойининг 21-куни фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик этувчи Ф.А., судья ёрдомчиси М.С.нинг котиблигида, даъвогар Х.С.ни жавобгар И.Х.С. ва бошқаларга нисбатан “қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида”ги даъво аризаси бўйича фуқаролик ишини кўриб, суд қуйидагиларни –

АНИҚЛАДИ:

2018 йил июнь ойининг 22 кун фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ХХХХ туман Халқ қабулхонаси биносида бўлиб фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг судьяси У.М., М.Й.нинг котиблигида, аризачи И.Р.ни «Юридик фактни тасдиқлаш ҳақида»ги аризаси бўйича юритилган 029-25061/ХХ-сонли фуқаролик иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, суд қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

2018 йил 23 ноябрь ХХХХХ шахри ХХХХ-сонли иш

Фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро суди ўз биносида очиқ суд мажлисида суд раиси, судья М.А. раислигида, А.А.нинг котиблигида, адвокат А.Х. ҳамда тарафлар иштирокида даъвогар И.А. ўғлини жавобгар ХХХХХ вилоят Психоневрология диспансерига нисбатан “Буйруқни ғайриқонуний деб топиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ҳисоблаш ҳақидаги”ги даъвоси бўйича юритилган фуқаролик ишини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Кўринадик, фуқаролик судларининг юқоридаги ҳал қилув қарорларининг кириш қисми турлича шаклларда тузилган, бу эса матннинг аниқлигига путур етказди. Бундан ташқари, кўпгина ўринларда ўзбек тилининг грамматик қоидалари бузилган. Жумладан, юқоридаги матнда “2018 йил май ойининг 21-куни” ёки “2018 йил июнь ойининг 22 кун” дейилганда “ойининг” сўзи ноўрин қўлланган, бу мантиқан тўғри эмас, чунки ой номининг “май”, “июнь” тарзида ифодаланиши “ой” маъносини беради. Бу юридик тилнинг қисқалик талабига ҳам зид ҳисобланади. Шунинг учун бу гапларни “2018 йил 21 май кун” ёки “2018 йил 22 июнь кун” тарзида ишлатиш зарур.

Юқоридаги каби ҳолатлар фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг кириш қисмида берилаётган фикрни тушунишни анча қийинлаштиради, айниқса, ҳуқуқшунос бўлмаган, лекин суд ишига аризачи, жавобгар ёки гувоҳ сифатида жалб қилинган шахслар учун уни тушуниш анча мураккаб иш ҳисобланади.

Шу боис фуқаролик судининг ҳал қилув қарорида берилаётган фикрлар ўта аниқ ифодаланиши шарт. Бунинг учун ҳал қилув қарорининг кириш қисмидаги гаплар турли шаклларда эмас, ягона бир қолиплаган грамматик конструкция асосида ифодаланиши зарур ва, албатта, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда тузилиши лозим.

Ўзбек тилининг грамматик қоидаларига асосан ҳал қилув қарорида ифодаланаётган фикрлар қуйидаги формула асосида тузилиши керак:

“Қачон? + Қаерда? + Ким? + Қайси тартибда? + Нима қилди?”

Шундагина ифодаланаётган ҳуқуқий фикрлар ўта аниқ даражада тузилади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг кириш қисмини қуйидаги шаклда тузиш мақсадга мувофиқ эди:

2018 йил 21 май куни фуқаролик ишлари бўйича XXXX туманлараро суди ўз биносидан очиқ суд мажлисида

судья Ф.Х. раислигида,

судья ёрдамчиси М.С.нинг котиблигида, даъвогар Қ.С.нинг жавобгар М.С. ва бошқаларга нисбатан “қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида”ги даъво аризаси бўйича ?-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни АНИҚЛАДИ:

2018 йил 22 июнь куни фуқаролик ишлари бўйича XXXX туманлараро суди XXXX туман Халқ қабулхонаси биносидан очиқ суд мажлисида

судья У.С. раислигида,

М.Й.нинг котиблигида, аризачи К.Р.нинг “Юридик фактни тасдиқлаш ҳақида”ги аризаси бўйича юритилган XXXX-сонли фуқаролик иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Бундан ташқари, ҳал қилув қарорининг номланишида муаммолар мавжуд бўлиб, у суд ҳужжатларида турлича кўринишда кузатилди. Айрим ўринларда “*Ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан*” дейилса, бошқа ҳолатларда “*Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори*” деб юритилмоқда.

Ҳужжат номларининг унификацияси ва стандартизацияси талабидан келиб чиққан ҳолда, уни ягона шаклда қўллаш лозим. Шунинг учун мазкур суд ҳужжатини “*Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори*” деб ишлатиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, мазкур ном ўзбек тилининг қоидаларига ҳам мос келади.

“*Ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан*” шакли ўзбек тили қоидаларига зид бўлиб, у рус тилининг грамматик конструкциясига монанд тузилган, яъни у рус тилидаги “*РЕШЕНИЕ Именем Российской Федерации*” гапидан мазмунан эмас, сўзма-сўз таржима қилинган.

Шу нуқтаи назардан фуқаролик судларининг ҳал қилув қарорлари юридик ҳужжатларга намуна бўлиб хизмат қилиши лозим. Бунинг учун уни тузишга ҳар томонлама ижодий ёндашиш зарур. Ҳал қилув қарорини тузишда юридик тилга қўйиладиган барча талабларга тўла риоя қилиш керак. Матнлар ўзбек тилининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тузилиши мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, суд ҳужжатларини тузувчи мутахассис шуни яхши тушуниши лозимки, ҳал қилув қарорининг сифатсиз тузилиши, ўзбек тили ва юридик тил қоидаларига риоя қилмаслик бу арзимаган техник хато эмас. Аксинча, суд ҳужжатларининг ижросига жиддий салбий таъсир қилади. Чунки суд қарори аниқ ва раво тузилмаса, натижада ижрочилар томонидан турлича тушунилади ва уларнинг ижроси ҳам талаб даражасида бўлмайди.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, юридик тил ва юридик терминлар билан боғлиқ мазкур хатоликларнинг асосий сабаби суд ҳужжатларини тузувчи мутахассисларнинг юридик тил ва унга қўйиладиган талабларни билмаслигидадир. Бундай билимларни эгалламасдан туриб, суд ҳужжатларни мукамал даражада тузиб бўлмайди. Шунинг учун шу соҳадаги ҳар бир мутахассис ўзбек тили ва юридик тил талабларини юқори даражада эгаллаши, юрислингвистик қоидаларни мукамал билиши талаб этилади.

Умуман, фуқаролик судларининг ҳал қилув қарорлари матнларида ўзбек тили ва юридик тил талабларига риоя қилинмаган бундай номукамалликларни кўплаб келтириш мумкин. Гап уларни келтиришда эмас. Балки суд ҳужжатларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш, уларнинг фуқаролар идрок имкони даражасида тузилишини таъминлаш ва шу йўл билан уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан иборат.

2.3.2. Услубий хатоликлар

Ҳар қандай расмий ҳужжат матнининг муқаммал даражада тузилиши унинг услубий жиҳатдан тўғри шаклланишига боғлиқ. Чунки тилнинг давлат ва жамият фаолиятида тўла қўлланиши, ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг ишлатилиши функционал услубларда ва уларнинг ўзига хос жиҳатларида тўла намоён бўлади.

Шунга кўра, услубиятга оид илмий адабиётларда кўпчилик олимлар томонидан тил таркибида асосан сўзлашув, бадиий, публицистик, илмий, расмий иш услуби сингари вазилавий (функционал) услублар мавжудлиги таъкидланади.

Ҳақиқатан ҳам, бу вазилавий услублар маълум бир ижтимоий фаолиятга хосланади. Масалан, илмий нутқнинг мақсад ва вазилави илмий алоқадан; бадиий услубники эса ҳаёт воқеликларни бадиийлаштириб, умумлаштириб, ҳаққонийлик билан ёритиб беришдан, бундан ташқари, тингловчига эстетик-эмоционал таъсир кўрсатишдан иборат. Шунинг учун ёзувчи тилнинг барча лексик ва грамматик воситаларидан, шунингдек, турли бадиий тасвир воситаларидан усталик билан фойдаланишга, янги-янги ифода воситаларини яратишга ҳаракат қилади.

Сўзлашув услуби кишиларнинг ўзаро кундалик фаолияти давомида қўлланади. Публицистик услуб эса оммавий ахборот воситаларида иш кўради. Расмий иш услуби эса расмий доирада, турли ҳужжат ва норматив акт лойиҳаларини, суд ҳужжатларини тузишда, иш қоғозлари: ариза, тилхат, тавсифнома кабиларни тўлғашида қўлланади.

Шунга кўра, бу услубларнинг мақсад ва вазилавида келиб чиққан ҳолда, уларнинг сўз, қўшимча ва грамматик конструкция танлаши ҳам ҳар хил бўлади. Сўзлашув ва бадиий услубда кўпроқ мактуб, битик, ораз, жамол, васф сингари сўзларкўп ишлатилса, расмий ва илмий услубда асосан терминлар, услубий бўёғи бўлмаган сўзлар кўп қўлланади.

Шунинг учун фуқаролик судларининг ҳал қилув қарорларини умумда бадиий тил ва юридик тилга қўйиладиган талаблар асосида ҳар жиҳатдан муқаммал, аниқ ва раво тузилиши, аввало, услубий жиҳатдан сўз ва терминлардан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Матнда сўзларнинг маъносини фарқламасдан бериш, ортиқча сўз ва ибораларнинг ишлатилишига йўл қўйилиши ҳуқуқий ахборотнинг ўта аниқ ва содда ифодаланишига тўсқинлик қилади. Айниқса, ҳуқуқий нормаларнинг грамматик қоидалар асосида тузилмаслиги, ҳатто бирор қўшимчанинг тушиб қолиши ёки унинг ўрнига бошқасининг ишлатилиши ҳуқуқий ахборотнинг мазмун ва моҳияти бутунлай ўзгаришига сабаб бўлади.

Шу боис ҳуқуқий ахборот норма сифатида шакллантирилаётганида, унда ифодаланаётган ҳар бир сўз, қўшимча, ҳатто тиниш белгилари биттама-битта таҳлилдан ўтказилиши, лозим бўлсагина шу сўз ёки қўшимча қолдирилиши мақсадга мувофиқ.

Республика бўйича фуқаролик судларининг ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларни услубий жиҳатдан тўла муқаммал деб бўлмайди. Улар юридик тилга қўйиладиган талабларга тўла жавоб бера олмайди, шунингдек, ўзбек тили қонун-қоидаларига бўйсунмайдиган кўпдан-кўп ўринлар мавжуд.

Мазкур ўрганиш давомида Республика бўйича фуқаролик суди ҳужжатларида жами 28149 та хатолик аниқланган бўлса, шундан 2239 таси услубий хатоликларга тўғри келади. Фуқаролик суди ҳал қилув қарорини тузаётган мутахассислар сўзни тўғри қўллаш қоидаларига амал қилмаяптилар.

Фуқаролик суди ҳал қилув қарорлари матнларидаги бундай услубий муаммоларни ўрганиб чиқиб, уларни қуйидаги гуруҳларга умумлаштирдик:

2.3.7-жадвал

МЕЗОНЛАР	ХАТОЛИКЛАР СОНИ
сўзни ортиқча қўллаш	584
сўзни ноўрин қўллаш	236
керакли сўзни қўлламаслик	358
юридик иборани нотўғри қўллаш	78
бошқа хатоликлар	983
Жами услубий хатоликлар	2 239

Бу кўрсаткични янада чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассислар Республика бўйича 584 та ҳолатда услубий жиҳатдан сўзни ортиқча қўлламоқда, 358 ҳолатда керакли сўзни қўлламаяпти, 236 ҳолатда ноўрин ишлатмоқда.

Сўзни ортиқча қўллаш

Ҳал қилув қарори матнларидаги лексик-услубий муаммолар айрим сўз ва жумлаларнинг ортиқча қўллашда, матнни тузишда қисқалик, соддалик талабларига риоя этилмаслигида кўринади. Буни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

2.3.8-жадвал			
9	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	43
30	Андижон	Сурхондарё	60
63	Бухоро	Сирдарё	42
13	Жиззах	Фарғона	36
25	Қашқадарё	Хоразм	12
24	Навоий	Тошкент вилояти	125
12	Наманган	Тошкент шаҳар	90
Сўзни ортиқча қўллаш		ЖАМИ: 584	

Бундай хатоликлар фуқаролик суди ҳал қилув қарорларининг кириш, баён ва хулоса қисмларида кўп кузатилди. Деярли барча ҳал қилув қарорларининг кириш қисмида ортиқча сўз қўллаш, мантиқан такрорий ҳолатлар мавжуд. Жумладан,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2018 йил июль ойининг 21 кунда фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро суди биносида очик суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи ХХХХ туманлараро судининг раиси А.Б.М., Ш.Ю.нинг котибалигида, адвокатлар М.Х.ни иштирокида, даъвогар М.Х.ни жавобгар ХХХХ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 2016 йил 29 август кунни реестрга 4496-сон билан қайд этилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси асосида юритилган ХХХХ-сонли фуқаролик иши кўриб чиқилганда, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Мазкур матнда “*ойида*” ва “*кунда*” сўзлари хато қўлланган, мантиқий такрорлаш ҳолати юз берган. Чунки мазкур матнда “*июль*” сўзнинг ўзи ой маъносини беради. Шунингдек, кунни сўзининг ўзи “*кунда*” маъносини беради, яъни “*кунда*” сўзидаги “*-да*” қўшимчаси ҳам ортиқча ишлатилган.

Шунингдек, қуйидаги мисолга эътибор беринг:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2018 йил 20 сентябрь кунни ХХХХ-сонли ишни ХХХХ туман фуқаролик суди ўз биносида, судья А.О. раислигида,

С.К.нинг котибалигида, аризачи О.К.нинг иштирокида, аризачи К.С.нинг ХХХХ туман ФХДЎ бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Бу матнда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

1. Мазкур матн ҳал қилув қарори кириш қисмининг қолиплаганлик талабига жавоб бермайди. У аслида грамматик жиҳатдан қуйидагича тузилиши лозим эди:

2018 йил 20 сентябрь куни ХХХХ тумани Фуқаролик суди ўз биносидан очиқ суд мажлисида

судья А.О. раислигида,

С.К.нинг котибалигида, аризачи О.Каримовнинг иштирокида, аризачи О.К.нинг ХХХХ туман ФХДЎ бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топилган ҳақидаги аризаси асосида юритилган ХХХХ-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2. Юқоридаги қоидага амал қилмаслик натижасида ҳал қилув қарорини ёзувчи мутахассис 4 та сўзни (иш ҳужжатлари билан бирга) ортиқча ишлатиб, катта хатоликка йўл қўйяпти. Чунки матнда *аризаси асосида юритилган 3-2207-1801/ХХ-сонли фуқаролик иши* дейилганда ариза асосидаги барча ҳужжатлар тўплами тушунилади. Шунинг учун “... қонунга хилоф деб топилган ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга...” гапидаги “иш ҳужжатлари билан бирга” жумласи ортиқча ҳисобланади ва, ўз навбатида, ҳуқуқий ахборотни тушунишни ҳам қийинлаштиради.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ҳал қилув қарорларининг асослантирувчи қисмида ҳам сўз қўллаш билан боғлиқ кўп хатоликлар аниқланди. Жумладан,

Суд аризачи Ж.Каримовнинг низоли турар-жой ўзига тегишли эканлиги, жавобгар Н.А. томонидан ўзига билдирмасдан ўзининг расмийлаштириб олган деган важлари билан келиша олмайди.

Мазкур гапда “деган важлари билан келиша олмайди” жумласи хато қўлланган. Аслида шу жумла “деган важларини асосиз деб ҳисоблайди” тарзида ишлатилганда, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки “келиша олмайди” сўзига нисбатан “асосиз деб ҳисоблайди” жумласи юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабларига жуда мосдир.

Сўзни ноўрин қўллаш

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, фуқаролик суди ҳал қилув қарорларини тузувчи мутахассислар матнда кўпинча сўзни ноўрин қўлламоқдалар. Буни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

2.3.9-жадвал		
21	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 11
19	Андижон	Сурхондарё 19
18	Бухоро	Сирдарё 19
15	Жиззах	Фарғона 9
16	Қашқадарё	Хоразм 22
33	Навоий	Тошкент вилояти 7
13	Наманган	Тошкент шаҳар 14
Сўзни ноўрин қўллаш ЖАМИ: 236		

Бундай хатоликлар асосан матнда расмийлик, нейтраллик оҳангига эга бўлган сўзларни ишлатмасдан, оғзаки сўзлашувга ва бадий услубга хос сўзларни қўллашда кузатилди. Жумладан,

Суд тарафларнинг тушунтириш ва музокара сўзларини эшитиб, ишдаги ҳужжатларни текшириб ва муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келади.

Мазкур гапда “*тўхтам*” сўзи хато ишлатилган бўлиб, унинг ўрнига “*хулоса*” дейилганда ҳужжат тилига қўйиладиган талабларга анча мос келар эди. Чунки “*тўхтам*” сўзи кўпинча оддий сўзлашув услубида қўлланиб, расмий ва илмий услубда “*хулоса*” сўзи ишлатилади.

Ўрганиш нижалари шуни кўрсатдики, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида маъноси барча фуқароларга тушунарсиз бўлган сўзлар кўп ишлатилмоқда. Жумладан,

Бинобарин, суд юқоридаги ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 57, 67, 203-206, 215, 320-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Бу матнда “*бинобарин*”, “*юқоридаги*” сўзларини қўллашда муаммолар мавжуд. Ўзбек тили изоҳли луғатида *кўра* “*бинобарин*” сўзи “*шунга кўра*”, “*шунга қараб*” маъносини беради¹⁹. Лекин унинг айнан шундай маънони ифодалашини барча фуқаролар тушунавермайди. Бундан ташқари, матнда “*юқоридаги*” сўзи билан нима назарда тутилаётган номаълум.

Шуларни ҳисобга олган ҳолатда юқоридаги матнни қуйидаги шаклда тузиш мақсадга мувофиқ эди:

Шунга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 57, 67, 203-206, 215, 320-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Суд ҳужжатларини ёзишда кенг тарқалган хатоликлардан бири юқорида таъкидланганидек, айрим ўринларда юридик терминларнинг халқ тилидаги вариантларининг берилишидир. Жумладан, “*жабрланувчи*” ўрнида “*жабрдийда*”, “*даъвогар*” ўрнида “*даъвочи*”, “*судья*” ўрнида “*ҳакам*”, “*адвокат*” ўрнида “*оқловчи*”, “*прокурор*” ўрнида “*қораловчи*”, “*афв этилди*” ўрнида “*оқланди*”, “*озодликдан маҳрум этилди*” ўрнида “*кесилди*”, “*хулоса*” ўрнида “*тўхтам*” каби сўзлар ҳам ишлатилади. Бу юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабларига мос келмайди. Шунинг учун юқоридаги сўз ва терминларни юридик тил мезонларидан келиб чиқиб ишлатган маъқул.

Бундан ташқари, фуқаролик суди ҳал қилув қарорларида қуйидаги сўзларнинг ҳам ишлатилиши мақсадга мувофиқ эмас:

1. Айрим ҳуқуқий тушунчаларнинг умумидабий тил нормасига кирмаган халқ тилидаги вариантлари: *прокурор* – *қораловчи*, *адвокат* – *оқловчи*, *судья* – *ҳакам*, *жабрланувчи* – *жабрдийда*, *озодликдан маҳрум этмоқ* – *кесмоқ*, *афв этмоқ* – *оқламоқ*, *аноним хати* – *юмалоқ хат*, *қамоқ* – *турма*, *номусга тегиш* – *зўрлаш*, *суиқасд қилиш* – *ўлдирмоқчи бўлиш* кабилар;

2. Эскирган сўзлар: *қози (судья)*, *муддаи умуми (прокурор)*, *тузук (кодекс)*, *тилмоч (таржимон)*, *фирқа (партия)*, *жумҳурият (республика)*, *курултой (съезд)*, *байналхалқ (байналмилал)*, *мирза (котиб)*, *синовчи (эксперт)* кабилар.

3. Оғзаки сўзлашувга хос сўзлар: *шарманда қилиш*, *кўндаков қилиш* кабилар.

4. Жаргонлар: *лой (пул)*, *соққа (пул)*, *кўк (валюта)* кабилар;

5. Поэтик лексика: *ораз*, *жамол*, *жилвакор*, *париваш*, *сулув*, *васф*, *таъзим*, *илҳом париси*, *шабада* кабилар;

6. Шевага хос сўзлар: *момо*, *маяк*, *тегра*, *така*, *ўжак*, *шоти*, *эна* кабилар;

7. Варваризмлар (бошқа тиллардан ўринсиз равишда сўз ишлатиш): *Но так что мен эртага келмайман* сингари;

8. Вульгаризмлар: (*қарғиш ва уят сўзлари*).

¹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (I жилд). Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 266-б.

Бундай сўзларда услубий бўёқдорлик ўта кучли бўлиб, улар юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик ва нейтраллик талабларга зиддир. “Қонун тили субъектив ҳиссиётларга бефарқ бўлиши, у бир маромда хотиржам, нейтрал оҳангга ифодаланиши лозим. Унда дабдабалик, тантанаворлик, кўтаринкиликка ҳамда турли маъно кўчишларига йўл қўйилмайди. Қонун тилининг “гўзаллиги ва нафосати” унинг содда ва лўнда, қисқа ифодаланганлигида, ҳуқуқий нормаларнинг энг юқори даражада аниқ акс эттирилганлигидадир”²⁰.

Афсуски, суд ҳужжатларини тузишда айнан шу талабларга тўла риоя қилинмаяпти. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолларга тўхталамиз:

... га бўлиб беришни, турар жойнинг эксперт хулосасида кўрсатилган биринчи ва иккинчи томон **долон** (1), **дахлсиз** (2), **яшаш хона** (3), **яшаш хона** (4)...

...2002 йилда ширкат хўжалигидан **хороз қуриш** учун ер майдони ажратиб берилганлиги ва шу ер участкасида **хороз қурганлигини**,...

... бошқа турар жойда яшаб келганлигини, ҳақиқатан ҳам **турар жой йиқилганидан кейин компенсация пули ва ер майдони берилганлигини, ушбу ер майдонидан ... турар жой йўқ бўлиб кетганлигини**...

Мазкур гапларда **долон, дахлсиз, хороз қуриш, турар-жой йиқилиши** каби ўғиз шевасига хос сўзлар ишлатилган. Бу эса ҳужжатнинг сифатига, тўлиқ тушунилишига қийинчилик туғдиради. Шунинг учун суд ҳужжатини тузувчи мутахассис мазкур сўзларнинг умумадабий тилда қабул қилинган шакллари ишлатиши лозим эди.

Керакли сўзни қўлламаслик

Матннинг аниқ бўлиши, аввало, сўзни тўғри қўллашга боғлиқ. Шу билан бирга, керакли сўзни қўлламаслик ҳам катта хатоликка олиб келади. Ўрганиш жараёнида ҳал қилув қарорлари матнларида бу соҳада анча муаммолар кузатилди. Уни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

2.3.10-жадвал			
10	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	29
17	Андижон	Сурхондарё	27
25	Бухоро	Сирдарё	33
21	Жиззах	Фарғона	26
21	Қашқадарё	Хоразм	22
20	Навоий	Тошкент вилояти	7
33	Наманган	Тошкент шаҳар	67
Керакли сўзни қўлламаслик		ЖАМИ: 358	

Керакли сўзни қўлламаслик ҳужжатнинг хато тузилишига олиб келади. Суд ҳужжатлари матнларида бундай ҳолатлар жуда ҳам кўпдир. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

2018 йил апрель ойининг 16 кунини ХХХХХ шаҳар Фуқаролик суди биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси Ғ.Х.нинг раислигида, Д.М.нинг котибалигида, даъвогар А.А.нинг жавобгар ХХХХХ шаҳар ҳокимлигига қарорига нисбатан ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилган 710-сонли фуқаролик ишини кўриб, қуйидагиларни

Аниқлади:

Мазкур гапда гапнинг эгаси ифодаланмаган, яъни “ким аниқлади?” деган саволга аниқ жавоб йўқ. Чунки ХХХХХ шаҳар фуқаролик суди дейилгандан кейин “ўз” сўзи ёки суд мажлисининг қаерда ўтказилганини ифодаловчи сўзлар тушиб қолган. Мантиқан ўйлаб кўрилганда эса, гапнинг эгаси ХХХХ шаҳри фуқаролик

²⁰ Керимов Д.А. Законодательная техника. -М.:Наука, 2000. -С.61.

суди эканини аниқлаш мумкин. Шунинг учун бу матнда ХХХХ шаҳар фуқаролик суди дейилгандан кейин ёки “Ўз” сўзи, ёки суд мажлисининг қаерда ўтказилганини ифодаловчи сўзлар қўлланиши лозим эди. Умуман, юқоридаги гап куйидагича тузилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

2018 йил 16 апрель куни ХХХХ шаҳрифуқаролик суди ўз биносида очик суд мажлисида судья *Ғ.Х.нинг раислигида,*
Д.М.нинг котиблигида, даъвогар А.А.нинг жавобгар ХХХХХ шаҳар ҳокимлиги қарорига нисбатан ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилган 710-сонли фуқаролик ишини кўриб, куйидагиларни
АНИҚЛАДИ:

Юридик иборани нотўғри қўллаш

Тилшунослик фанида маъноси бир сўзга тенг бўлган кўчма маънодаги турғун сўзлар бирикмаси ибора дейилади. Масалан, *тарвузи қўлтиғидан тушмоқ, тепа сочи тикка бўлмоқ, юлдузни бенарвон урмоқ* кабилар.

Юридик тилда ҳам юридик мазмунни ифодаловчи иборалар жуда кўп ишлатилади. Жумладан, *жиноят иши кўзғатмоқ, ишни очик кўрмоқ, ишни ёпиқ кўрмоқ, меҳнат қобилиятини йўқотмоқ* кабилар.

Ўрганишлар натижасида, фуқаролик судларнинг ҳал қилув қарорлари матнида юридик ибораларни қўллашда бир қанча хатоликлар мавжуд экани кузатилди. Уларни куйидаги жадвалда яна аниқроқ кўриш мумкин:

2.3.11-жадвал		
4	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 2
3	Андижон	Сурхондарё 5
7	Бухоро	Сирдарё 14
3	Жиззах	Фарғона 7
7	Қашқадарё	Хоразм 6
4	Навоий	Тошкент вилояти 0
11	Наманган	Тошкент шаҳар 5
Юридик иборани нотўғри қўллаш ЖАМИ: 78		

Бундай хатоликлар асосан ҳал қилув қарорларининг кириш қисмида кўпроқ кузатилди. Жумладан,

2018 йил 20 август куни ХХХХ-сонли фуқаролик ишини жиноят ишлари бўйича ХХХХ туман суди биносида,

судья *А. С.нинг раислигида,*

С.О.нинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида, аризачи З.А.нинг ХХХХ тумани ҳокимининг 26.03.2018 йилдаги 984-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга очик суд мажлисида кўриб чиқиб, куйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Мазкур ҳал қилув қарори матнида *очик суд мажлисида* ибораси ўз ўрнида қўлланмаган бўлиб, аслида ҳужжат тузиш талабларига кўра, уни *ХХХХ туман суди биносида* сўзларидан кейин қўллаш лозим эди. Шунга кўра, юқоридаги матн куйидаги тартибда тузилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди:

2018 йил 20 август куни ХХХХ тумани фуқаролик суди жиноят ишлари бўйича ХХХХ туман суди биносида очик суд мажлисида

судья *А.С.нинг раислигида,*

С.О.нинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида, аризачи З.А.нинг ХХХХ тумани ҳокимининг 2018 йил 26.03даги 984-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги аризаси асосида юритилган ХХХХ-сонли фуқаролик ишни кўриб чиқиб, куйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Энг асосийси, сўз ва юридик иборани қўллашдаги бундай хато ва камчиликлар ҳуқуқий матннинг асосий маъносига ҳам соя солиб қўяди. Шунинг учун мутахассис ҳал қилув қарориматнини тузаётганида ҳар бир жумла, ҳар бир сўз устида пухта ўйлаб кўрса, мақсадга мувофиқ бўлади.

2.3.3. Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар

Суд ҳужжатлари терминлашган тил бўлиб, унда кўплаб терминлар ишлатилади. Ҳуқуқшунос суд ҳужжати матнини тузаётганида оддий сўзларга нисбатан мумкин қадар терминларни кўпроқ ишлатишга ҳаракат қилади. Албатта, бунда ҳам маълум бир чегаралар ва мезонлар бўлиб, суд ҳужжатини тузиш фаолиятида терминлардан тўғри фойдаланишнинг маълум бир усуллари мавжуд. Шунга кўра, суд ҳужжатларини мукамал тузишда терминлардан тўғри фойдалана билиш масаласи муҳим ўрин тутди.

Бу масала илмий юридик адабиётларда етарли даражада ёритилган бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнларини тузаётганда терминлардан фойдаланишнинг илмий назарий қоидалари тўла ёритилган. Ҳуқуқшунос олимлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнларини терминлардан фойдаланишнинг қуйидаги талабларини ишлаб чиқади:

1. Юридик ҳужжат матнларида ўзи ифодалаётган ҳуқуқий тушунчани аниқ акс эттирувчи терминларни қўллаш лозим; ноаниқ ва кўп маъноли терминларни қўлламаслик лозим.
2. Терминларни ҳаммага маълум маъноларда ишлатиш керак.
3. Суд ҳужжати матнларида ишлатилаётган терминлар барча учун оддий ва тушунарли бўлиши лозим.
4. Эскирган ва адабий тилда фаол ишлатилмайдиган терминларни қўлламаслик зарур.
5. Идоравий маҳдуд (канцеляризм) ва тўрачиликка (бюрократияга) оид терминлардан воз кечиш лозим.
6. Суд ҳужжати матнларида ҳамма биладиган терминларни кўпроқ ишлатиш мақсадга мувофиқ.
7. Суд ҳужжати лойиҳаларини тузаётганда юридик терминлар бирлиги ва барқарорлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.
8. Юридик терминларни услубий жиҳатдан тўғри ишлата билиш лозим. (Бунда юридик терминларга маъно кўчиши, уларнинг ижобий ёки салбий маънони ифодаласдан нейтрал бўлиши назарда тутилади).
9. Суд ҳужжати лойиҳаларида қисқартма (аббревиатура) терминларни мумкин қадар камроқ ишлатиш керак.
10. Келиб чиқиши бир ўзакдан ясалган (ўзакдош) терминларнинг бирлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.
11. Терминларнинг ўта қисқа бўлишига катта эътибор қаратиш зарур.

Ҳақиқатан ҳам, бу талабларда суд ҳужжати лойиҳаларида терминларни ишлатишнинг тўла илмий-назарий қоидаси ўз ифодасини топган бўлиб, унга риоя қилган ҳолда, суд ҳужжати лойиҳасини яратиш ҳуқуқшуноздан катта тажриба, масъулият, билим ва салоҳиятни тақозо қилади. Бу талабларни билмасдан туриб суд ҳужжати лойиҳаларини яратиш шу ҳужжатнинг номукамаллигига ва амалиётда яхши самаралар бермаслиги ва, ўз навбатида, суд ҳужжатини қўлловчилар учун маълум бир қийинчиликларни туғдиради.

Фуқаролик суди ҳал қилув қарорларининг бу талабларга қандай жавоб бериши масаласини ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келдикки, суд ҳужжатларида терминларни қўллаш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд. Уни қуйидаги жадвалда яна ҳам аниқроқ кўриш мумкин:

2.3.12-жадвал

	МЕЗОНЛАР	ХАТОЛИКЛАР СОНИ
Имловий хатоликлар	бош ҳарфлар имлоси	1182
	“y” ва “ў” ҳарфлар	727
	“к” ва “қ” ҳарфлар	661
	“ҳ” ва “х” ҳарфлар	2291
	сонларнинг имлоси	100
	бошқа хатоликлар	2582
Жами имловий хатоликлар		7 543
Ишоравий хатоликлар	нуқта, вергул	6 950
	тире ва чизиқча (дефис)	1 516
	икки нуқта ва нуқтали вергул	464
	қўштирноқ ва қавс	854
	бошқа хатоликлар	162
Жами ишоравий хатоликлар		9 946
Грамматик хатоликлар	гап тузилиши	453
	келишиқ қўшимчалари	2 648
	эгалиқ қўшимчалари	1 003
	нисбат қўшимчалари	313
	бошқа хатоликлар	1 115
Жами грамматик хатоликлар		5 532
Услубий хатоликлар	сўзни ортиқча қўллаш	584
	сўзни ноўрин қўллаш	236
	керакли сўзни қўлламаслиқ	358
	юримдик иборани нотўғри қўллаш	78
	бошқа хатоликлар	983
Жами услубий хатоликлар		2 239
Юримдик терминларни қўллашдаги хатоликлар	унификациялаш ва стандартлаш	226
	ортиқча термин қўллаш	6
	терминни қўлламаслиқ	77
	нотўғри қўллаш	201
	бошқа хатоликлар	9
Жами юримдик терминларни қўллашдаги хатоликлар		519

Юридик тил талаблари	расмийлик, қатъийлик, нейтраллик (холислик) талаблари	133
	ўта (максимал) аниқлик талаблари	1 049
	қисқалик, соддалик, лўндалик талаблари	42
	қолиплаганлик талаби	394
	бошқа хатоликлар	6
Жами юридик тил талаблари		1 624
Қарорнинг композицион тузилишидаги хатоликлар	кириш қисмида	144
	баён қисмида	11
	асослантурувчи қисмида	11
	хулоса қисмида	48
	бошқа хатоликлар	532
Жами қарорнинг композицион тузилишидаги хатоликлар		746
Бошқа хатоликлар		0
Жами		28 149

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича фуқаролик суди ҳужжатларида жами 28149 та хатолик аниқланган бўлса, шундан 519 таси терминни қўллаш билан боғлиқ хатоликларга тўғри келади. Уларни ўрганиб чиқиб, куйидаги гуруҳларга умумлаштирдик:

2.3.13-жадвал

МЕЗОНЛАР		ХАТОЛИКЛАР СОНИ
Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар	унификациялаш ва стандартлаш	226
	ортиқча термин қўллаш	6
	терминни қўлламаслик	77
	нотўғри қўллаш	201
	бошқа хатоликлар	9
Жами услубий хатоликлар		519

Бу кўрсаткични янада чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассислар Республика бўйича 226 та ҳолатда юридик терминларни унификациялаш ва стандартлаштириш қоидаларини бузаяпти, 201 та ҳолатда юридик терминни нотўғри қўлламоқда, 77 та ҳолатда керакли терминни қўлламаяпти, 6 та ҳолатда терминни ортиқча ишлатаяпти.

Терминларни унификациялаш ва стандартлаш билан боғлиқ хатоликлар

Суд ҳужжати матнларида терминларни қўллашга доир энг муҳим талаблардан бири терминларни унификациялаш ва стандартлаш, яъни уларнинг бирлиги, яхлитлиги ва барқарорлигини сақлаш принциpidир. Шунинг учун юридик тилда бу принципнинг муҳимлиги шу соҳа билан шуғулланувчи барча ҳуқуқшунос ва тилшунос олимлар томонидан таъкидланади. Чунки бу талаб терминларда синонимия, омонимия, полисемия муаммоларининг олдини олади, терминларнинг ягона шаклларда ишлатиши учун хизмат қилади. Энг асосийси, юридик матннинг турлича шарҳланишини бартараф қилади.

Юридик терминнинг сўздан фарқ қиладиган энг муҳим белгиси махсус ҳуқуқий тушунчанинг фақат бир ном билан юритилишидир. Яъни математик тил билан айтганда, “бир тушунча ҳар доим бир номга тенг бўлиши лозим”. Акс ҳолда, бир тушунча бир нечта сўзлар билан ифодаланса, бу ҳолат шу терминнинг терминлик хусусиятига зид ҳодиса ҳисобланади. Энг салбий жиҳати шундаки, матнни турлича шарҳлашга сабаб бўлади, натижада суд ҳужжатининг ижросини ҳам турлича, ҳар ким ўзи тушунганича бажаради.

Шунинг учун ҳам “Ўзбекистон Республикаси қонуларини тайёрлаш тўғрисидаги қонун”нинг 20-моддасида: “Лойиҳада ишлатиладиган тушунчалар ва терминлар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади”, деб таъкидланади.

Кўринадики, юридик терминологияда унификациялаш ва стандартлаш принципига риоя қилмаслик ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, ҳал қилув қарори ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутати.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатдики, фуқаролик суди ҳал қилув қарорларида терминларни унификациялаш ва стандартлаш ишига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.14-жадвал

Унификациялаш ва стандартлаш			
10	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	21
10	Андижон	Сурхондарё	19
27	Бухоро	Сирдарё	5
18	Жиззах	Фарғона	6
57	Қашқадарё	Хоразм	2
20	Навоий	Тошкент вилояти	59
0	Наманган	Тошкент шаҳар	32
ЖАМИ: 226			

Бундай хатоликлар асосан суд ҳужжати тузиш ишининг мураккаблигидан ҳамда суд ҳужжати тузувчи шахснинг мавжуд юридик терминлардан тўла хабардор бўлмаслиги сабабли юз беради. Айрим ҳолатларда бирор юридик терминнинг олдиндан мавжуд шакли бўлса-да, шу терминга яқин сўзлар билан берилади. Бу эса, ўз-ўзидан, терминларнинг бирлиги ва барқарорлиги принципига зид ҳодиса ҳисобланади, бир юридик терминнинг хилма-хил шакллари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Фуқаролик суди ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, юридик терминларни унификациялаш ва стандартлаш қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Жумладан, бугунги кунда фуқаролик суди ҳал қилув қарори матнида рус тилидаги **“показание”** термини ҳозирда **кўрсатув, кўрсатма, кўргазма, кўргазув, баёнот, гувоҳлик, сўроқ бериш, тушунтириш** сингари 8 та шаклда ишлатилмоқда. Масалан,

Суд тарафларнинг **тушунтириш** ва музокара сўзини эшитиб, ишдаги ҳужжатларни текшириб ва муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келди.

Суд мажлисида манфаатдор шахс А.Б. келтирилган даъво аризани тан олмасдан, судга қуйидагича **кўрсатув** берди.

Суд тарафларнинг **баёнотини**, прокурорнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги тўхтамга келди.

Мазкур гапда ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассис **тарафларнинг баёноти** деб ишлатиб, катта хатоликка йўл қўйган. Чунки **баёнот** давлатлараро дипломатик муносабатлар, музокаралар, халқаро аҳвол ва шу каби масалалар ҳақида манфаатдор томонларнинг расмий фикрлари, қарашлари ҳамда мақсадларини ифодалайдиган расмий ҳужжатнинг номи. Шунинг учун бу сўзни **гувоҳнинг баёноти** тарзида ишлатиб бўлмайди.

Бундай ҳолатлар терминологик принципга мутлақо зид ҳодиса ҳисобланади. Суд ҳужжатларида айнан мана шу термин Конституция ва қонунларда қандай ифодаланган бўлса, айнан шу шаклда берилиши мақсадга мувофиқ. Юқоридаги термин Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик кодексларида **кўрсатув** шаклида берилган. Жумладан,

238-модда. Ёлфон гувоҳлик бериш

*Ёлфон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб, ёлфон **кўрсатув** бериши ёхуд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қamoқ билан жазоланади.*

(ЖК, 238-м.)

*Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг **кўрсатувлари**, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.*

(ЖПК, 81-м.)

*Бу маълумотлар қуйидаги воситалар: Фуқаролик ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, Фуқаролик жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг **кўрсатувлари**, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида тузилган баённома, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади*

(МЖТК, 276-м.)

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳақиқатан ҳам суд ҳужжатларида юридик терминларни унификациялаш ва стандартлаш қоидалари жуда кўп ҳолатларда бузиляпти, кўплаб терминларимиз турлича шаклларда берилмоқда. Бундай терминлардан айримларини қуйидаги жадвалда ифодалашга ҳаракат қилдик:

2.3.15-жадвал

Терминнинг русча номи	Терминнинг суд ҳужжатлари матнидаги шакллари	Терминнинг тўғри шакли
исполнительная власть	ижро ҳокимияти ижро этиш ҳокимияти ижро этувчи ҳокимият ижроия ҳокимияти	ижро ҳокимияти
областной (районный) хокимият	вилоят (туман) ҳокимлиги вилоят (туман) ҳокимияти	вилоят (туман) ҳокимлиги
кассационная жалоба	шикоят аризаси шикоят ариза шикоят-ариза	шикоят аризаси
исковое заявление	даъво аризаси даъво ариза даъво-ариза	даъво аризаси
административное принуждение	фуқаролик мажбурлов фуқаролик мажбурлаш фуқаролик мажбур этиш	маъмурий мажбурлов

Терминнинг русча номи ва ўзбекча қисқача мазмуни	Терминнинг суд ҳужжатлари матнидаги шакллари	Терминнинг тўғри шакли
административное судопроизводство	маъмурий-судлов ишлари маъмур-судлов ишлари	маъмурий-судлов ишлари
стороны	тарафлар, томонлар,	тарафлар
потерпевший	жабрланувчи, жабрдийда	жабрланувчи
уголовное дело	жиноят иши жиноий иш	жиноят иши
подозреваемый	гумон қилинувчи гумондор гумонланувчи шубҳа остига олинган шахс	гумон қилинувчи
исполнитель	ижрочи ижро этувчи бажарувчи	ижрочи
умышленно	қасддан билиб туриб била туриб билган ҳолда	қасддан
возобновление	тиклаш қайта тиклаш	тиклаш
дознователь	суриштирувчи суриштирувчи шахс	суриштирувчи
ответственное лицо	масъул шахс жавобгар шахс	масъул шахс
давность	муддат муҳлат ўтган муддат кучини йўқотиш муддати	муддат
договор	шартнома аҳднома битим келишув	шартнома
соглашение	битим шартнома аҳднома келишув	битим шартнома келишув
сделка	битим шартнома аҳднома келишув	битим

Терминнинг русча номи	Терминнинг суд ҳужжатлари матнидаги шакллари	Терминнинг тўғри шакли
устав	устав низом	устав
положение	низом устав	низом
законный интерес	қонуний манфаат қонун билан қўриқланадиган манфаат	қонуний манфаат
соучастник	иштирокчи қатнашчи	иштирокчи

Терминни ортиқча қўллаш

Терминни ортиқча қўллаш ҳуқуқий ахборотнинг аниқ ва раво ифодаланишига салбий таъсир қилади. Чунки ортиқча ишлатилган терминлар ижрочини чалғитади, асосий фикрни тушунишни қийинлаштиради ва, ўз навбатида, гапнинг услубий жиҳатдан нотўғри шаклланишига сабаб бўлади.

Ўрганиш натижалари фуқаролик суди ҳал қилув қарорлари матнида терминларнинг ортиқча ишлатилиши ҳолатларини кўрсатди. Уни қуйидаги жадвалда аниқроқ кўриш мумкин:

2.3.16-жадвал		
0	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 2
1	Андижон	Сурхондарё 0
0	Бухоро	Сирдарё 1
0	Жиззах	Фарғона 0
0	Қашқадарё	Хоразм 1
0	Навоий	Тошкент вилояти 1
0	Наманган	Тошкент шаҳар 0
Терминни ортиқча қўллаш ЖАМИ: 6		

Бундай ҳолатлар асосан ҳал қилув қарорларининг баён қисмида кўпроқ кузатилди. Жумладан,

Шикоят-аризачи Б.Т. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ХХХХ туман бўлимига нисбатан мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят-ариза билан билан судга мурожаат қилган.

Мазкур матнда терминларни ишлатишда бир қанча муаммолар мавжуд. Айниқса, **шикоят-аризачи**, **шикоят-ариза** терминлари хато ишлатилган. Бунда гапнинг бошида келган **шикоят-аризачи** терминидаги **шикоят** сўзи ортиқча бўлиб, уни **аризачи** деб ишлатиш мақсадга мувофиқ эди. Бундан ташқари, бу термин юридик тилда **шикоят-ариза** деб эмас, **шикоят аризаси** деб қабул қилинган. Шунинг учун юқоридаги матни қуйидагича тузиш лозим эди:

Аризачи Б.Т. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ХХХХ туман бўлимига нисбатан мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят аризаси билан билан судга мурожаат қилган.

Шунингдек, ҳал қилув қарорларининг охириги хулоса қисмида унга имзо чекиш кўрсатувчи бандида айрим ҳолатларда **раислик қилувчи судья** деб кўрсатилмоқда. Аслида бу гапда судья термини ортиқча бўлиб, ҳал қилув қарорига **раислик қилувчи** терминини ишлатишнинг ўзи етарли, бу маниқий жиҳатдан қаралганда тавтология ҳисобланади. Чунки суд мажлисига, албатта, судья раислик қилиши ҳаммага маълум.

Керакли терминни қўлламаслик

Ўрганиш натижаларига кўра, ҳал қилув қарорлари матнида айрим ҳолатларда керакли терминни қўлламаслик ҳолатлари ҳам аниқланди. Буни қуйидаги жадвалда аниқроқ кўриш мумкин:

2.3.17-жадвал		
5	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 1
15	Андижон	Сурхондарё 1
18	Бухоро	Сирдарё 5
4	Жиззах	Фарғона 0
1	Қашқадарё	Хоразм 0
14	Навоий	Тошкент вилояти 6
7	Наманган	Тошкент шаҳар 0
Керакли терминни қўлламаслик ЖАМИ: 77		

Бундай ҳолатлар ҳал қилув қарорларининг баён ва хулоса қисмларида кўпроқ кузатилди. Жумладан,

Ҳал қилув қароридан норози томонлар қарор эълон қилинган кундан эътиборан ушбу суд орқали 20 кунлик муддат ичида апелляция, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой муддат ичида кассация тартибида шикоят ва протест келтириш мумкин.

Мазкур матнда ким протест келтириши масаласи аниқ ифодаланмаган. Чунки ҳал қилув қарорида прокурор термини ишлатилмаган. Шунинг учун юқоридаги матн қуйидагича тузилиши лозим эди:

*Ҳал қилув қароридан норози томонлар қарор эълон қилинган кундан эътиборан ушбу суд орқали 20 (йигирма) кун муддат ичида апелляция, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин 1 (бир) ой муддат ичида кассация тартибида шикоят ва **прокурор** протест келтириши мумкин.*

Бундан ҳам қўпол хатоликни қуйидаги матнда кўриш мумкин:

Ҳал қилув қароридан норози тарафлар уни эълон қилган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида апелляция тартибда ХХХХ вилоят фуқаролик судига келтиришликка ҳақлидирлар.

Мазкур ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида бир нечта терминларни ишлатмасдан қўпол хатоликка йўл қўйилган. Бу эса “*тарафлар қайси суд орқали нимани келтиришга ҳақли?*” деган саволни келтириб чиқаради. Чунки матнда айнан шу термин ва сўзлар ишлатилмаган, *прокурор* термини тушиб қолган. Шу боис юқоридаги матнни қуйидагича тузиш лозим эди:

*Ҳал қилув қароридан норози тарафлар қарор эълон қилинган кундан бошлаб ушбу суд орқали ХХХХ вилояти фуқаролик судига 20 (йигирма) кун муддат ичида апелляция тартибда шикоят ва **прокурор** протест келтиришга ҳақли.*

Терминни нотўғри қўллаш

Ўрганиш давомида фуқаролик суди ҳал қилув қарорларида терминларни нотўғри ишлатиш ҳолатлари кўплаб кузатилди. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.18-жадвал			
0	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	5
10	Андижон	Сурхондарё	5
6	Бухоро	Сирдарё	1
1	Жиззах	Фарғона	17
1	Қашқадарё	Хоразм	1
1	Навобий	Тошкент вилояти	124
1	Наманган	Тошкент шаҳар	28
Терминни нотўғри қўллаш		ЖАМИ: 201	

Бундай хатоликлар асосан суд ҳужжатини тузувчи мутахассиснинг терминларнинг маъносини фарқламаслигидан келиб чиқмоқда. Жумладан,

Аризачи Ж.Я. жавобгар ХХХХ туман ҳокимиятига нисбатан ХХХХ туман ҳокимининг 2014 йил 12 сентябрь кундаги 922-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси билан судга мурожаат этган.

Матнда **ҳокимият** сўз хато ишлатилган бўлиб, у аслида **ҳокимлик** тарзида қуйидаги чаишлатилиши лозим эди:

*Аризачи Ш.Я. жавобгар ХХХ туман **ҳокимлигига** нисбатан ХХХХ туман ҳокимининг 2014 йил 12 сентябрдаги 922-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси билан судга мурожаат қилган.*

Шундай қилиб, бугунги кунда суд ҳужжатларининг аксарият қисмида “ҳокимият” ва “ҳокимлик” сўзларининг маъносини фарқламасдан ишлатмоқдалар. Масалан, **Хоразм вилояти ҳокимияти, Сайхунобод тумани ҳокимияти** тарзида. Аслида **Хоразм вилояти ҳокимлиги, Сайхунобод тумани ҳокимлиги** тарзида қўллаш зарур.

Кўринадики, фуқаролик суди ҳал қилув қарорларида терминларни қўллашда жуда кўп муаммолар мавжуд. Бунга асосий сабаб, биринчидан, ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассиснинг ўз ишига бефарқ қарагани бўлса, иккинчидан, шу мутахассиснинг юридик тил ва юридик терминларни қўллашга оид билимларининг етишмаслигидир. Айниқса, ҳуқуқий билимлардан ҳамда юридик терминлардан хабарсиз бўлган бошқа соҳа мутахассис-таржимони маълум бир ҳуқуқий нормани ифодалашда юридик тилда қабул қилинган терминларни эмас, балки шунга яқин маъноларни ифодаловчи сўзларни ишлатади. Натижада бундай сўзлар суд ҳужжатлари матнига кириб қолиб, юридик терминларда синонимия ҳодисасининг кўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун суд ҳужжатлари матни сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш, сўнгра унда ишлатилган ҳар бир термин устида чуқур ўйлаб кўриш ва юридик тилда қабул қилинган терминларнигина ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, айрим ҳолатларда нафақат юридик, балки бошқа соҳа терминларини ҳам ноўрин қўллаш кузатилмоқда. Масалан, “... унинг фамилияси арифметик хато бўлиб ёзилиб кетилганлигини...”. Мазкур матн мазмунидан арифметик (математикага оид) эмас, балки орфографик – имло хатога йўл қўйилгани ҳақида гап кетаётганини тушуниш мумкин.

2.3.4. Грамматик хатоликлар

Суд ҳужжатларининг юридик тилга қўйиладиган талаблар асосида ҳар жиҳатдан мукамал, аниқ ва раван тузилиши, аввало, ҳуқуқий ахборотнинг ўзбек тили грамматик қонун-қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда тузилишига боғлиқ. Матннинг грамматик қоидалар асосида тузилмаслиги, ҳатто бирор қўшимчанинг тушиб қолиши ёки унинг ўрнига бошқасининг ишлатилиши ҳуқуқий ахборотнинг мазмун ва моҳияти бутунлай ўзгаришига сабаб бўлади. Шунга кўра, суд ҳужжатларида маълум бир фикрни аниқ ва раван ифодалашда нафақат сўз, балки грамматик шаклларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда жуда ҳам кўп грамматик хатоликлар мавжуд. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

ГРАММАТИК ХАТОЛИКЛАР							
т/р	Вилоят	Гап тузилиши	Келишик қўшимчалари	Эгалик қўшимчалари	Нисбат қўшимчалари	Бошқа хатоликлар	ЖАМИ
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	21	23	56	4	51	155
2.	Андижон	52	298	61	22	58	491
3.	Бухоро	30	202	93	15	94	434
4.	Жиззах	20	141	55	25	96	337
5.	Қашқадарё	41	390	76	54	67	628
6.	Навоий	27	133	41	21	70	292
7.	Наманган	17	227	73	22	57	396
8.	Самарқанд	30	256	78	20	94	478
9.	Сурхондарё	24	146	63	15	86	334
10.	Сирдарё	33	224	70	35	60	422
11.	Фарғона	34	236	91	13	80	454
12.	Хоразм	34	90	78	21	56	279
13.	Тошкент вилояти	41	43	67	16	141	308
14.	Тошкент шаҳар	49	239	101	30	105	524
	ЖАМИ:	453	2648	1003	313	1115	5532

2.3.19-жадвал

Жадвалдан кўринадики, республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида жами 5532 та хатолик аниқланган. Айниқса, Қашқадарё вилояти (628), Тошкент шаҳри (524), Андижон вилояти (491)да бундай хатоликлар жуда кўп учрайди.

Ҳал қилув қарорларидаги бундай грамматик хатоликлар асосан гап тузилиши, келишик, эгалик, нисбат қўшимчаларининг нотўғри ишлатилишида кузатилди. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин.

2.3.20-жадвал

МЕЗОНЛАР		ХАТОЛИКЛАР СОНИ
Грамматик хатоликлар	гап тузилиши	453
	келишик қўшимчалари	2648
	эгалик қўшимчалари	1003
	нисбат қўшимчалари	313
	бошқа хатоликлар	1115
Жами грамматик хатоликлар		5 532

Гап тузишдаги хатоликлар

Расмий ҳужжатнинг сифати ифодаланаётган фикрнинг юридик тилга қўйиладиган талаблар асосида гапнинг қайси тартибда тузилиши билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассис, биринчи навбатда, гапларни ўзбек тили қоидаларига қатъий асосланган грамматик конструкциялар асосида қисқа, содда ва аниқ тузишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Айниқса, бунда гапда сўзларни бир-бирига мантқан боғлаш вазифасини бажарувчи қўшимчалар: келишик, эгалик ва шахс-сон қўшимчаларини тўғри қўллаш фавқулдда муҳим ҳисобланади. Чунки бу қўшимчаларни хато қўллаш ифодаланаётган ҳуқуқий ахборот мазмунининг бутунлай ўзгариб кетишига сабаб бўлади ва оқибатда бу ҳужжатнинг ижроси ҳам турлича бўлади.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида гапларни ўзбек тили ва юридик тил талабларидан келиб чиққан ҳолда, тўғри тузишда бир қанча хатоликлар мавжудлиги кузатилди. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.21-жадвал			
21	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	30
52	Андижон	Сурхондарё	24
30	Бухоро	Сирдарё	33
20	Жиззах	Фарғона	34
41	Қашқадарё	Хоразм	34
27	Навоий	Тошкент вилояти	41
17	Наманган	Тошкент шаҳар	49
Гап тузилиши		ЖАМИ: 453	

Жадвалдан кўринадики, фуқаролик судлари қарорларида 453 та ҳолатда гапни тўғри тузишда хатоликлар мавжуд. Бу, айниқса, Андижон вилоятида (52), Тошкент шаҳрида (49) жуда юқори.

Бундай хатоликлар асосан ҳал қилув қарорининг кириш қисмида кўпроқ кузатилди. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз:

XXXXX шаҳар XXXX туман фуқаролик суди 2018 йил январь ойининг 12 кунда ўз биносидан, очиқ суд мажлисида,

Раислик этувчи судья С.Х.М.,

суд мажлиси котиби А.Ў.нинг котиблигида, аризачи А.Р.нинг мажбурий ижро XXXX шаҳар XXXX туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний деб топиш ва давлат ижрочисининг 27.03.2017 йилдаги қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топиш шикоят бўйича юритилган XXXX-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Мазкур гапда ўзбек тили ва юридик тилнинг бир қанча қоидаларининг бузилганини кўриш мумкин. Бу, биринчи навбатда, гапнинг тузилишига кўра нотўғри шаклланганида кўринади.

Ўзбек тилининг грамматик қоидаларига ва юридик тил талабларига асосан ҳал қилув қарорида ифодаланаётган гапларда гап бўлақларининг жойлашиш тартиби: пайт ҳоли + ўрин ҳоли + эга + тўлдирувчи + кесим шаклида бўлиши лозим. Аниқловчи эса ўзи аниқлаётган сўздан (ё эгдан, ё тўлдирувчидан) олдин қўлланиши керак.

Бу фикрни яна ҳам оддийроқ қилиб айтганда, расмий ҳужжатларда гаплар қуйидаги формула асосида тузилиши керак:

“Қачон? + Қаерда? + Ким? + Қайси тартибда? + Нима қилди?”

Лекин юқоридаги гапда бу қоидаларга ва юридик тилнинг қолиплаганлик талабига риоя қилинмаган. Гап грамматик жиҳатдан ким? + қачон? + қаерда? + нима қилди? шаклида тузилган. Яъни мазкур гапнинг эгаси – *XXXXX шаҳар XXXX туман фуқаролик суди жумласи 2018 йил январь ойининг 12 кунда* дегандан кейин ишлатилиши лозим эди.

Бундан ташқари, юқоридаги гапда **“2018 йил январь ойининг 12 кунда”** дейилганда *“ойининг”* сўзи ва *-да* келишик қўшимчаси ноўрин қўлланган, бумантиқан тўғри эмас, чунки ой номининг *“январь”* тарзида ифодаланиши *“ой”* маъносини беради. Шунингдек, *“куни”* сўзи ҳам ўрин-пайт келишигининг қўшимчаси *(-да)*ни ифодалайди. Бу юридик тилнинг қисқалик талабига ҳам зид ҳисобланади. Шунинг учун бу гапни *“2018 йил 12 январь кун”* тарзида ишлатиш зарур эди.

Шунингдек, юқоридаги матнда *“XXXXX шаҳар XXXX туман фуқаролик суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, ...”* гапида ўзбек тилининг грамматик ва пунктуацион қоидалари нуқтаи назардан икки марта вергул ишлатиб, иккита хатоликка йўл қўйилган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қарорини тузаётган мутахассис *“XXXXX шаҳар XXXX туман фуқаролик суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, ...”* гапида учта уюшган гап бўлаги мавжуд деб, ҳар бир гап бўлагидан сўнг вергул қўйиб, катта хато қилган. Бу ўзбек тилининг грамматик ва орфографик қоидаларини билмасликдан келиб чиқади.

Мазкур фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг кириш қисми *“XXXXX шаҳри XXXX тумани фуқаролик суди ўз биносида очиқ суд мажлисида...”* шаклида тузилиши лозим эди.

Шунингдек, юқоридаги гапда **“Раислик этувчи судья С.Х.М.”** жумласи ҳам хато тузилган. Чунки юридик тилнинг ўта аниқ бўлиши учун ифодаланаётган ҳуқуқий фикрлар қолиплаган грамматик конструкциялар асосида берилиши керак. Шу боис юқоридаги мазкур жумла **“судья С.Х.М. раислигида”** тарзида ифодаланиши зарур эди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мазкур фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг кириш қисмини қуйидаги шаклда тузиш мақсадга мувофиқ эди:

2018 йил 12 январь кун XXXXX шаҳри XXXX тумани фуқаролик суди ўз биносида очиқ суд мажлисида

судья С.Х.М. раислигида,

А.Ў.нинг котиблигида, аризачи Р.А.нинг мажбурий ижро XXXXX шаҳри XXXX тумани бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш ва давлат ижрочисининг 2017.27.03даги қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилган XXXX-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни
АНИҚЛАДИ:

Фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларининг кириш қисмидаги гапда баъзан грамматик жиҳатдан гапнинг эгаси тушиб қолган ҳолатлар кузатилди. Жумладан,

2018 йил июль ойининг 10 кунда XXXX тумани XXXX МФЙ биносида сайёр суд мажлиси бўлиб, XXXX туман фуқаролик судининг раиси А.Б.нинг раислигида, З.Р.нинг котиблигида, XXXX туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Я.нинг иштирокида, аризачи А.Ж.нинг мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан келтирган шикоят аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик иши кўрилиб, қуйидагилар

АНИҚЛАДИ:

Мазкур гапда *“ким фуқаролик ишини кўриб чиқди?”* деган саволга аниқ жавоб йўқ. Чунки гапнинг эгаси тушиб қолган. Шунинг учун мазкур фуқаролик ишининг қайси туман фуқаролик суди томонидан кўриб чиқилгани номаълум.

Бундан ташқари, мазкур гап *2018 йил июль ойининг 10 кунда XXXX тумани XXX МФЙ биносида сайёр суд мажлиси бўлиб,...* тарзида тузилиши хато ҳисобланади. Чунки бунда юридик тилнинг грамматик жиҳатдан қолиплаганлик талаби ҳам бузилган.

Шунга кўра, юқоридаги гап қуйидагича тузилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди:

2018 йил 10 июль кун XXXX (XXXX) тумани фуқаролик суди XXXX тумани “XXX” МФЙ биносида сайёр суд мажлисида

XXXX тумани фуқаролик судининг раиси А.Б.нинг раислигида,
З.Р.нинг котиблигида, XXXX тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Я.нинг иштирокида, аризачи Ж.А.нинг мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан келтирганшикоят аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни АНИҚЛАДИ:

Шундай қилиб, суд ҳужжатини тузувчи мутахассис ҳал қилув қарорининг сифатини ошириш учун гапларнинг тўғри шаклланишига, грамматик конструкцияларнинг ўзбек тили ва юридик тил қоидаларига тўла мос ҳолда тузилишига алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ.

Келишик қўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар

Суд ҳужжатининг сифатини оширишда, гапларнинг аниқ ва раvon шакллантиришда ўзбек тилининг келишик қўшимчалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг грамматик қоидасига кўра, келишиклар гапда сўзларни мантиқан боғлаш учун хизмат қилади. Аниқроғи, гапда от ва отлашган сўзларни бошқа бир сўзга боғлайди. Келишик шаклидаги сўз бошқа сўзлар билан грамматик алоқага киришади.

Отларнинг келишик қўшимчаларини олиб ўзгариши **турланиш** деб юритилади. Шунга кўра, келишик қўшимчалари **турловчи қўшимчалар** деб аталади.

Ўзбек тилида қуйидаги олтита келишик мавжуд:

2.3.22-жадвал

КЕЛИШИКЛАР	ҚЎШИМЧА	САВОЛ	МИСОЛЛАР
Бош	-	Ким? Нима? Қаер?	Карим, суд, Ўзбекистон
Қаратқич	-нинг	Кимнинг? Ниманинг? Қаернинг?	Каримнинг, суднинг, Ўзбекистоннинг
Тушум	-ни	Кимни? Нимани? Қаерни?	Каримни, судни, Ўзбекистонни
Жўналиш	-га	Кимга? Нимага? Қаерга?	Каримга, судга, Ўзбекистонга
Ўрин-пайт	-да	Кимда? Нимада? Қаерда?	Каримда, судда, Ўзбекистонда
Чиқиш	-дан	Кимдан? Нимадан? Қаердан?	Каримдан, суддан, Ўзбекистондан

Гапда келишик қўшимчаларини хато қўллаш ёки уларни қўлламаслик суд ҳужжатларининг сифатига салбий таъсир қилади. Айниқса, юридик тилда бу жуда ҳам муҳим бўлиб, ифодаланаётган ҳуқуқий ахборот мазмунининг бутунлай ўзгаришига сабаб бўлади.

Фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда келишик қўшимчаларини нотўғри қўллаш ҳолатлари жуда ҳам юқори. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.23-жадвал

23	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	256
298	Андижон	Сурхондарё	146
202	Бухоро	Сирдарё	224
141	Жиззах	Фарғона	236
390	Қашқадарё	Хоразм	90
133	Навоий	Тошкент вилояти	43
227	Наманган	Тошкент шаҳар	239
ЖАМИ: 2 648			

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича фуқаролик судларининг қарорларида 2648 та ҳолатда келишик қўшимчаларини тўғри тузишда хатоликлар мавжуд.

Бундай хатоликлар асосан ҳал қилув қарорларининг барча қисмларида кузатилди. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтаемиз:

Гувоҳ сифатида сўралган ХХХХ тумани, “Дўстлик” МФЙ раиси З.С., ... лар бу оилани яхши танишлиklarини, улар ҳозирда ажрашиб кетишганлиги, даъвогар икки нафар фарзанди билан онасини уйида яшаб келаётганлигини, ... жавобгар Россия давлатига ишлаб пул юборганлиги ва даъвогар ушбу пулга уй-жой қурганлиги, у тўлиқ тугатилмаганлиги ва жавобгарни номида эканлигини... билдиришиб ўтдилар.

Мазкур гапда бошқа хатоликлардан ташқари, онасини, жавобгарни сўзларида тушум келишиги қўшимчаси **-ни** ишлатилиб, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига асосан катта хатоликка йўл қўйилган. Аслида бу сўзларда тушум келишиги эмас, балки қаратқич келишиги қўшимчаси **-нинг** ишлатилиши керак эди. Шунингдек, **давлатига** сўзи жўналиш келишигида қўлланилиши ҳам адабий тилнинг грамматик меъёрига зид.

Шунда юқоридаги гапни қуйидагича тузиш лозим бўлар эди:

Гувоҳ сифатида сўралган ХХХХ тумани “Дўстлик” МФЙ раиси З.С., ... лар бу оилани яхши танишларини, улар ҳозирда ажрашиб кетишгани, даъвогар икки нафар фарзанди билан онасининг уйида яшаб келаётганини, ... жавобгар Россия давлатида ишлаб, пул юборгани ва даъвогар ушбу пулга уй-жой қургани, у тўлиқ тугатилмагани ва жавобгарнинг номида эканини... билдирдилар.

Худди шундай хатоликлар фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида ҳам кўплаб кузатилди. Жумладан,

... мерос мулк уй-жойнинг “0001” литер қисмида турар жойни бугунги бозор нархи 3.547294 сўмни ташкил қилган, ... айвонни бугунги бозор нархи... .., ... омборхонани бугунги бозор нархи... .., ... ҳожатхонани бугунги бозор нархи... .. ташкил қилган қисми жавобгар А.С.га қолдирилсин.

Мазкур гапда турар жойни, айвонни, омборхонани, ҳожатхонани сўзларида тушум келишиги қўшимчаси **-ни** ишлатилиб, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига асосан катта хатоликка йўл қўйилган. Аслида бу сўзларда тушум келишиги эмас, балки қаратқич келишиги қўшимчаси **-нинг** ишлатилиши керак эди.

Шунда юқоридаги гапни қуйидагича тузиш лозим бўлар эди:

... мерос мулк уй-жойнинг “0001” литер қисмидаги турар жойнинг бугунги бозор нархи 3.547.294 (уч миллион беш юз қирқ етти минг икки юз тўқсон тўрт) сўмни ташкил қилган, ... айвоннинг бугунги бозор нархи... .., ... омборхонанинг бугунги бозор нархи... .., ... ҳожатхонанинг бугунги бозор нархи... .. ташкил қилган қисми жавобгар А.С.га қолдирилсин.

Шунингдек, ХХХХ тумани фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг қуйидаги хулосавий қисмида ҳам шу каби хатоликка йўл қўйилган:

Аризачи М.Я. судга шикоят ариза билан мурожаат қилиб, ХХХХ тумани ҳокимининг 2018 йил 8 май кундаги Х-1053/ХХ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги шикоят аризаси қаноатлантириш рад қилинсин.

Мазкур гапда **шикоят аризаси қаноатлантириш рад қилинсин** жумласидаги **шикоят аризаси** бош келишқда ишлатилиб, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига асосан катта хатоликка йўл қўйилган. Аслида бу сўзни бош келишқда эмас, балки тушум келишиги қўшимчаси **-ни** шаклида қуйидагича ишлатиш керак эди:

Аризачи Ш.Я. судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, ХХХХ тумани ҳокимининг 2018 йил 8 май кундаги ХХХХ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят аризасини қаноатлантириш рад қилинсин.

Эгалик қўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар

Ўзбек тили қоидаларига кўра, отларнинг грамматик хусусиятларидан бири унинг **эгалик категорияси**. Предметнинг кимга тегишли эканини англатувчи шакллар тизими эгалик категорияси дейилади. Предметнинг уч шахсдан бирига мансублигини кўрсатувчи қўшимчалар **эгалик қўшимчалари** дейилади. Улар шахс маъноси билан бирга унинг сони (бирлик ва кўплик)ни ҳам кўрсатади.

Ўзбек тилида қуйидаги эгалик категорияси мавжуд:

2.3.24-жадвал

ШАХС	БИРЛИК	КЎПЛИК
I шахс	-(и)м	-(и) миз
II шахс	-(и)нг	-(и) нгиз
III шахс	-и, -си	-и, -си

Гапда эгалик қўшимчаларини хато қўллаш ёки уларни қўлламастик суд ҳужжатларининг сифатига жиддий салбий таъсир қилади. Айниқса, юридик тилда бу жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда эгалик қўшимчаларини нотўғри қўллаш ҳолатлари жуда ҳам юқори экани кузатилди. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.25-жадвал

56	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	78
61	Андижон	Сурхондарё	63
93	Бухоро	Сирдарё	70
55	Жиззах	Фарғона	91
76	Қашқадарё	Хоразм	78
41	Навоий	Тошкент вилояти	67
73	Наманган	Тошкент шаҳар	101
Эгалик қўшимчалари		ЖАМИ: 1 003	

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича фуқаролик судларининг қарорларида 1003 та ҳолатда эгалик қўшимчаларини тўғри тузишда хатоликлар мавжуд.

Бундай хатоликлар асосан ҳал қилув қарорларининг кириш қисмларида кузатилди. Бунда аксарият суд ҳужжатларида вилоят, шаҳар, туман номлари *Тошкент вилоят, Когон туман, Бухоро шаҳар* тарзида хато берилмоқда, яъни **вилоят, туман, шаҳар** сўзлари таркибида **учинчи шахс -и эгалик қўшимчаси** ишлатилмаяпти. Жумладан,

2018 йил август ойининг 3 кuni, Когон туман фуқаролик суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик этувчи Ф.Р.И.,

М.Р.нинг котиблигида, Когон туман прокурори ёрдамчиси Ш.М., адвокат Ф.М.нинг иштирокида фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Мазкур гапда *Когон туман* сўз бирикмаси ўзбек тилининг грамматик қоидаларига асосан **Когон тумани** шаклида ёзилиши керак. Чунки **Когон** ва **туман** сўзлари ўзбек тили қоидасига кўра мослашув шаклида бириккан бўлиб, қаратқич-қаралмиш муносабати акс этган. Бу ҳолатда **Когон** сўзи қаратқич келишигининг белгисиз (мактаб боғи сингари) шаклида экани аниқ. Шу боис бундай ҳолатларда қаралмиш сўз таркибида эгалик қўшимчаси ифодаланиши шарт. Шу нуқтаи назардан юқоридаги сўз бирикмаси **Когон шаҳри** тарзида ифодаланиши лозим.

Юқоридагиларга асосланиб, мазкур гапни қуйидагича тузиш лозим эди:

2018 йил 3 август кун **Когон тумани** фуқаролик суди ўз биносида очиқ суд мажлисида судья Ф.И. раислигида,

М.Р.нинг котиблигида, Когон тумани прокурори ёрдамчиси Ш.М., адвокат Ф.М.нинг иштирокида.... фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Эгалик қўшимчаларини нотўғри қўллаш билан боғлиқ хатоликлар терминларни қўллашда ҳам учрайди. Жумладан, XXXXX шаҳри фуқаролик суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмига эътибор беринг:

Шикоят ариза қаноатлантирилсин.

XXXXX шаҳар ҳокимлиги зиммасига аризачи XXX корхонасига XXXXX шаҳар чегарасидан 16842,7 м.кв.ер майдони ажратиб бериш, ... мажбурияти юклансин.

Мазкур гапда ҳам ўзбек тили грамматикасининг юқоридаги қоидасига асосан *шикоят* ва *ариза* сўзлари мослашув шаклида бўлиши керак. Шунинг учун мазкур сўз бирикмаси **шикоят ариза** тарзида эмас, **шикоят аризаси** тарзида қўлланиши лозим эди. Бундан ташқари, мазкур гапда **Кўқон шаҳар** сўз бирикмасида эгалик қўшимчаси тушиб қолган. Аслида ушбу сўз бирикмаси **Кўқон шаҳри** тарзида ишлатилиши лозим эди.

Феъл нисбати қўшимчаларини қўллашдаги хатоликлар

Расмий ҳужжатларда асосий фикр (предикативлик)ни ифодалашда гапнинг кесими алоҳида аҳамиятга эга. Кесим, одатда, эга ҳақидаги ҳукми ифодалаб, *нима қилди? нима қилипти? нима қилмоқчи?* каби сўроқларга жавоб беради ва кўпинча феъл билан ифодаланади.

Феъл иш-ҳаракат ёки ҳолатни ифодалаб, бир қанча грамматик қўшимчаларига эга. Расмий ҳужжатларда ўта муҳим аҳамият касб этадиган категорияларидан бири феъл нисбатлари ҳисобланади. Чунки у расмий ҳужжатда иш-ҳаракатнинг бажарувчиси (субъекти) ва предмети (объекти) ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалайди. Масалан, *суд қарор қилди* дейилганда, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ (суд), шунинг учун бу феъл аниқ нисбатда ҳисобланади. *Аниқланди* дейилганда эса иш-ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ, шунинг учун у мажҳул нисбатда.

Шунга кўра, ўзбек тилида феъл қуйидаги жадвалда кўрсатилган нисбат категориясига эга:

2.3.26-жадвал

НИСБАТ	ҚЎШИМЧАСИ	МАЪНОСИ	МИСОЛ
аниқ	–	иш-ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бўлади	Суд аниқлади. Суд қарор қилди.
ўзлик	-н,-ин -л,-ил	ҳаракатнинг субъекти билан объекти бир шахннинг ўзи бўлади	қувонмоқ, кийинмоқ шошилмоқ, сурқалмоқ
мажҳуллик	-н,-ин -л,-ил	иш-ҳаракат бажарувчиси номаълум бўлади	аниқланди қарор қилинди

НИСБАТ	ҚЎШИМЧАСИ	МАЪНОСИ	МИСОЛ
биргалик	-ш,-иш -лаш	иш-ҳаракат бажарувчиси бир неча шахс бўлади	аниқлашди қарор қилишди
орттирма	-т, -тир (-дир) -сат	иш-ҳаракат бир шахснинг бошқа бир шахсга таъсири, таъйиқи билан бажарилади	қисқарт аниқлаштир кўрсат

Гапда феълнинг нисбат қўшимчаларини хато қўллаш ёки уларни қўлламаслик суд ҳужжатларининг сифатига жиддий салбий таъсир қилади. Гапда фикрнинг бутунлай ўзгаришига таъсир қилади. Шунинг учун юридик тилда бу жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда феълнинг нисбат қўшимчаларини нотўғри қўллаш ҳолатлари жуда ҳам юқори. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.27-жадвал

№	Ўлка	Сана
4	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 20
22	Андижон	Сурхондарё 15
15	Бухоро	Сирдарё 35
25	Жиззах	Фарғона 13
54	Қашқадарё	Хоразм 21
21	Навоий	Тошкент вилояти 16
22	Наманган	Тошкент шаҳар 30

Нисбат қўшимчалари
ЖАМИ: 313

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича фуқаролик судларининг қарорларида **313** та ҳолатда феълнинг нисбат қўшимчаларини қўллашда хатоликлар мавжуд. Бундай хатоликлар асосан ҳал қилув қарорларининг кириш қисмларида кўпроқ кузатилди. Жумладан,

2018 йил октябрь ойининг 12 кунда фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўзининг биносида бўлиб, судья Л.Б.В.нинг раислигида,

М.Қ.нинг котиблигида, адвокат Ю.М.нинг иштирокида, даъвогар Б.Қ.нинг жавобгар Б.Қ. ҳамда ХХХХХ шаҳар 2-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган 28854-сонли фуқаролик иши кўрилиб, қўйидагиларни

АНИҚЛАНДИ:

Мазкур гап ўзбек тили грамматик қоидаларига кўра нотўғри тузилган. Чунки шу шаклида гапнинг эгаси – ХХХХ туманлараро судининг очиқ суд мажлиси, гапнинг кесими эса аниқланди сўзи ҳисобланади. Лекин улар феъл нисбати қоидаларига кўра бир-бирига мослашмаган. Гапда эга ифодаланган бўлса, кесим аниқ нисбатда (*аниқлади*) бўлиши керак. Бу ўринда юқоридаги гапда *қўйидагилар* сўзи ҳам тушум келишиги ифодаланиши лозим эди.

Шунга кўра, юқоридаги гапни қўйидагича тузиш лозим эди:

2018 йил 12 октябрь куну фуқаролик ишлари бўйича ХХХХ туманлараро суди ўз биносида очиқ суд мажлисида

судья Л.В.нинг раислигида,

М.Қ.нинг котиблигида, адвокат Ю.М.нинг иштирокида, даъвогар Б.Қ.нинг жавобгар Б.Қ. ҳамда ХХХХХ шаҳар 2-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган ХХХ-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қўйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Худди шундай хатолик ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида ҳам такрорланмоқда. Жумладан,

Суд юқоридагиларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик суди ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 67-, 68- моддаларини қўлланилиб,
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Мазкур матнда “қўлланилиб” сўзи хато ишлатилган, бу ўзбек тилининг грамматик қоидаларига мос келмайди. Чунки бу сўз феълнинг мажхул нисбатида (*қўлланилиб*) эмас, балки аниқ нисбатида (*қўллаб*) берилиши зарур. Чунки юқоридаги матнда гапнинг эгаси “суд” сўзидир. Гапда эга ифодаланганда ўзбек адабий тили қоидасига кўра кесим аниқ нисбатда, яъни “қўллаб” шаклида берилиши зарур. Бу, ўз навбатида, маттни тушунишни анча осонлаштиради.

Юқоридаги матнда “қарор қилади” шаклида феълнинг келаси замонда берилиши ҳам тўғри эмас. Бундай ҳолатда “қарор қилди” шаклида ўтган замонда ифодаланиши керак, чунки суд келажакда қарор қабул қилмайди, аксинча, суд жараёнининг ўзида қарор қабул қилади. Шунинг учун юқоридаги маттни қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқ:

Суд юқоридагиларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 67-, 68- моддаларини қўллаб,
ҚАРОР ҚИЛДИ:

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, фуқаролик судлари ҳал қилув қарорлари матнида грамматик жиҳатдан кўплаб номукамалликлар мавжуд. Шу боис уни тузувчи шахслар гапларни тузишда ўзбек тили грамматикаси қоидаларига алоҳида эътибор қаратишлари долзарб вазифа ҳисобланади.

2.3.5. Ишоравий хатоликлар

Ҳар қандай расмий ҳужжат матнида пунктуация қоидалари, ишоравий белгиларни тўғри қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки “тиниш белгилари ёзувнинг бошқа воситалари (ҳарфлар, рақамлар, диакритик белгилар) ҳамда тил бирликлари (сўзлар, морфемалар) билан кўрсатиш мумкин бўлмаган турлича фикрий муносабатларни, психологик ва интонацион ҳолатларни ифодалашда ҳам фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Пунктуация тилнинг синтактик қурилиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ёзма нутқни тўғри, ифодали, аниқ баён қилишда, унинг услубий раванлигини, тез тушунилишини таъминлашда бениҳоя зарурий воситадир”²¹.

Республика фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда пунктуация қоидаларига тўла риоя қилинмапти, кўпгина ҳолатларда ишоравий белгилар хато қўлланмоқда.

Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

т/р	Вилоят	Имловий хатоликлар	Ишоравий хатоликлар	Грамматик хатоликлар	Услубий хатоликлар	Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар	Юридик тил талаблари	Қарорнинг композицион тузилишидаги хатоликлар	Бошқа хатоликлар	ЖАМИ
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	318	366	155	85	12	75	23	0	1034
2.	Андижон	521	639	491	166	40	119	79	0	2055
3.	Бухоро	419	715	434	181	30	163	70	0	2012

2.3.28-жадвал

²¹ Маҳмудов Н., Мадвалиев А., Маҳмамов Н. Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари. Т., Ўзбекистон, 2015, 4-6.

т/р	Вилоят	Имловий хатоликлар	Ишоравий хатоликлар	Грамматик хатоликлар	Услубий хатоликлар	Юридик терминларни қўллашдаги хатоликлар	Юридик тил талаблари	Қарорнинг композицион тузилишидаги хатоликлар	Бошқа хатоликлар	ЖАМИ
4.	Жиззах	592	719	337	124	25	107	43	0	1947
5.	Қашқадарё	276	715	628	139	17	114	57	0	1946
6.	Навоий	423	729	292	131	35	119	40	0	1769
7.	Наманган	460	698	396	147	29	111	35	0	1876
8.	Самарқанд	646	802	478	159	19	117	52	0	2273
9.	Сурхондарё	561	747	334	202	24	129	57	0	2054
10.	Сирдарё	765	604	422	178	15	145	53	0	2182
11.	Фарғона	497	766	454	173	25	90	73	0	2078
12.	Хоразм	336	587	279	122	17	121	52	0	1514
13.	Тошкент вилояти	1157	535	308	139	192	103	43	0	2477
14.	Тошкент шаҳар	572	1324	524	293	39	111	69	0	2932
ЖАМИ:		7543	9946	5532	2239	519	1624	746	0	28149

2.3.28-жадвал

Жадвалдан кўринишича, аниқланган жами 28149 хатолардан энг кўпи ишоравий хатоликлар бўлиб, улар 9946 тани ташкил этади.

Нуқта ва вергулни қўллашдаги хатоликлар

Тил қоидаларига кўра, ифодаланмоқчи бўлган фикр мазмунан тугалланган бўлса, нуқта қўйилади. Гап ичида фикрлар мазмунан санаб ўтилганда, мурожаат шакллари, кириш сўз ва кириш бирикмалар ишлатилганда, ажратилган бўлақлар орасида, қўшма гап ичидаги содда гапларни ажратишда вергул ишлатилади.

Тилшуносликда нуқта ва вергулни тўғри қўллаш қоидалари аниқ ишлаб чиқилган бўлиб, суд ҳужжатларини тузувчи мутахассисларнинг уларни билмаслиги ҳал қилув қарорларининг сифатига жиддий салбий таъсир қилади. Натижада суд ҳужжатларида ифодаланган фикрлар ноаниқ тузилади, улар ҳар хил тушунилиши оқибатида ижроси ҳам турлича бўлади.

Афсуски, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини тузишда мутахассислар вергулни ишлатиш нуқтаи назаридан кўпдан-кўп хатоликларга йўл қўймоқдалар. Бунини қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.29-жадвал		
235	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 601
444	Андижон	Сурхондарё 487
573	Бухоро	Сирдарё 441
0	Жиззах	Фарғона 484
524	Қашқадарё	Хоразм 472
519	Навоий	Тошкент вилояти 252
492	Наманган	Тошкент шаҳар 917
ЖАМИ: 6 950		

Нуқта ва вергулни қўллашдаги хатоликлар

Жадвалдан кўринишича, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида нуқта ва вергулли хато қўллаш билан боғлиқ 6950 ишоравий хатолик аниқланган. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтаемиз.

2018 йил 26 июнь куни **XXXX туман фуқаролик суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,** раислик қилувчи С.К., Ў.Ш. котиблигида, аризачи А.М.нинг XXXX туман ФХДЁ бўлимига фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзувига ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни
А Н И Қ Л А Д И:

Мазкур гапда урта жойда вергул нотўғри қўлланган. Яъни **XXXX туман фуқаролик суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,** дейилганда суд ҳужжатини тузувчи мутахассис урта ўринда вергулли ишлатиб, катта хатоликка йўл қўйган. Бу уч жумла уюшган бўлақлар эмас, балки бир-бири билан мазмунан боғланган сўз бирикмалари ҳисобланади. Шунинг учун улар орасида вергул қўлланмаслиги керак.

Шу нуқтаи назардан мазкур гап қуйидаги тартибда тузилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди:

2018 йил 26 июнь куни **XXXX тумани фуқаролик суди ўз биносида очиқ суд мажлисида** судья С.К. раислигида,

Ў.Ш. котиблигида, аризачи Р.А.нинг XXXX тумани ФХДЁ бўлимига фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзувига ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни
АНИҚЛАДИ:

Худди шундай хатолик деярли барча ҳал қилув қарорларининг баён ва хулоса қисмларида ҳам кўплаб кузатилди. Қуйидаги гапга эътибор беринг:

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишда тўпланган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, юқоридагиларга кўра, шикоят аризасини қаноатлантиришни лозим топди.

Мазкур гапда суд ҳужжатини тузувчи мутахассис **суд** сўзидан кейин вергул ишлатиб, катта хатоликка йўл қўйган. Чунки **суд** сўзи гапнинг эгаси ҳисобланиб, бу гапда бошқа уюшган эгалар йўқ. Шунинг учун **суд** сўзидан кейин вергул қўлланмаслиги керак.

Шу нуқтаи назардан мазкур гап қуйидаги тартибда тузилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишда тўпланган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, юқоридагиларга кўра, шикоят аризасини қаноатлантиришни лозим топди.

Фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларининг аксариятининг баён қисмида зидлов боғловчилари (аммо, лекин, бироқ)дан кейин вергул ишлатилиб, хатоликка йўл қўйилган. Жумладан,

Бироқ аризачилар XXXX туман ҳокимининг 2014 йил ХХ-сонли қарори уларнинг ҳуқуқларини бузганлиги ҳақида судга бирон бир далил ёки ҳужжат келтирмадилар.

Ўзбек тили қоидаларига кўра, гапда зидлов боғловчилари икки содда гапни боғлаш учун қўлланганда, улардан кейин эмас, балки олдин вергул ишлатиш зарур. Масалан, аризачи суд мажлисига келди, лекин жавобгар келмади.

Тире ва чизикча (дефис)ни қўллашдаги хатоликлар

Гапда фикрни аниқ ва равон ифодалашда тире ва чизиқча муҳим аҳамият касб этади. Тире айрим сўз ва гаплар қўшимча равишда изоҳланганда, тенглик, таққослаш каби маъноларни билдирувчи сўзлар орасида ва диалогларда ишлатилади.

Чизиқча (дефис) эса сўзларни қисмга бўлишда қўлланиладиган белги, у жуфт ва такрорий сўзларда (*опа-сингил, узоқ-яқин, аста-секин, кула-кула*), айрим юкламаларда (*айтдим-ку, айтдим-да*), бўғин кўчиришда ва тартиб сонлардан кейин қўлланади.

Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шунини кўрсатдики, суд ҳужжатларида тире ва чизиқчани қўллаш юзасидан кўплаб хатоликлар кузатилди. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.30-жадвал			
55	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	84
131	Андижон	Сурхондарё	127
112	Бухоро	Сирдарё	115
91	Жиззах	Фарғона	120
74	Қашқадарё	Хоразм	68
99	Навоий	Тошкент вилояти	94
120	Наманган	Тошкент шаҳар	226
Тире ва чизиқча (дефис)		ЖАМИ: 1 516	

Жадвалдан кўринишича, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида тире ва чизиқчани хато қўллаш билан боғлиқ 1516 та ишоравий хатолик аниқланган.

Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтаемиз. XXXXX вилояти XXXX тумани фуқаролик судининг 2018 йил 29 март куни тузилган ҳал қилув қарорида **уй-жой, опа-ука** каби жуфт сўзлар **уй жой, уйжой, уй – жой, опа ука** тарзида хато ёзилган. Жумладан,

*Судда гувоҳ тариқасида сўралган М.Ҳ. марҳума А.О. билан қўшни бўлиб яшаганлигини, ...О.А. 1993 йилда вафот этганлигини, вафотидан сўнг ўғли Ж.Қ. ва унинг турмуш ўртоғи Г.А. эски **уйжойларни** ҳаммасини бузиб ташлаб, янги **уй жой** қурганлигини, Г.А. ва Ж.Қ.лар **уй-жойларига** қараб туриш учун унга бериб кетганлигини баён қилди.*

Мазкур гапда **уй-жой** сўзи уч жойда қўлланган бўлиб, ҳаммаси ҳар хил ёзилган. Аслида ўзбек тили қоидаларига кўра, мазкур сўз жуфт сўз ҳисобланади ва улар чизиқча билан ёзилади.

Шу нуқтаи назардан юқоридаги гап қуйидагича ёзилиши лозим эди:

*Судда гувоҳ тариқасида сўралган Ҳ.М. марҳума О.А. билан қўшни бўлиб яшаганини, ...О.А. 1993 йилда вафот этганини, вафотидан сўнг ўғли Ж.Қ. ва унинг турмуш ўртоғи Г.А. эски **уй-жойларнинг** ҳаммасини бузиб ташлаб, янги **уй-жой** қурганларини, Г.А. ва Ж.Қ.лар **уй-жойларига** қараб туриш учун унга бериб кетганларини баён қилди.*

Шунингдек, бугунги кунда суд ҳужжатини тузувчи айрим мутахассислар тире (–) ва чизиқчанинг (–) фарқи бормасдан, уларни битта тиниш белгиси деб тушунмоқдалар ва суд ҳужжатларида ҳам худди шундай ҳолатда қўлламоқдалар. Жумладан,

*... Г.А. ушбу онаси ва **опа укалари** бирга яшаган уйни сотишга ҳаракат қилганлигини, бироқ сота олмаганлигини, ... ҳозирги кунда ушбу онасига тегишли бўлган **уй-жойга** Г.А. бегонани киритиб қўйганлигини, ... билдириб, ишни қонуний ҳал этишликни сўради.*

Мазкур гапда тире ва чизиқча (дефис)ни тўғри қўллаш билан боғлиқ иккита хатолик мавжуд: биринчиси, матнда **она укалари** сўзи жуфт сўз бўлгани учун чизиқча билан ёзилиши керак эди. Иккинчиси, гапда **уй-жой** сўзи **уй –жой** тарзида ёзилиб, яъни чизиқчанинг ўрнига тире қўйилиб, хатоликка йўл қўйилган. Чунки жуфт сўзлар орасида тире эмас, чизиқча (дефис) ишлатилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан юқоридаги гапни қуйидагича тузиш лозим эди:

... Г.А. онаси ва она-укалари бирга яшаган ушбу уйни сотишга ҳаракат қилганини, бироқ сота олмаганини, ... ҳозирги кунда ушбу онасига тегишли бўлган уй-жойга Г.А. бегонани киритиб қўйганини,... билдириб, ишни қонуний ҳал этишни сўради.

Икки нуқта ва нуқтали вергулни қўллашдаги хатоликлар

Юридик матнни аниқ ва раво ифодалашда икки нуқта (:) ва нуқтали вергул (;) муҳим аҳамият касб этади. Икки нуқта қуйидаги ҳолатларда ишлатилади:

1. Шаклан тугаган, лекин мазмунан боғланган боғловчисиз боғланган қўшма гапларда, жумладан, суд қуйидагиларни аниқлади:

2. Уюшган бўлақлардан олдин келган умумлаштирувчи сўздан кейин, жумладан, *давлат рамзлари: байроқ, герб, мадҳия;*

3. Режа, мавзу, қарор қилинди, аниқланди каби сўзлардан кейин.

Нуқтали вергул қуйидаги ҳолатларда ишлатилади:

1. Режа, қарор, фармон, буйруқ, қонун каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги санаш мазмунини акс эттирган охири банддан олдин ҳар бир бандда;

2. Уюшиқ бўлақлар гуруҳланиб, ўзаро вергуллар ёрдамида бир-биридан ажратилганда, ҳар бир гуруҳни аниқлаштирувчи сўздан кейин.

Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорлари ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, суд ҳужжатларида икки нуқта ва нуқтали вергулни қўллаш юзасидан кўплаб хатоликлар мавжуд. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.31-жадвал		
24	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 39
32	Анджон	Сурхондарё 52
12	Бухоро	Сирдарё 7
31	Жиззах	Фарғона 43
42	Қашқадарё	Хоразм 29
30	Навоий	Тошкент вилояти 8
21	Наманган	Тошкент шаҳар 94
Икки нуқта ва нуқтали вергул		
ЖАМИ: 464		

Жадвалдан кўринишича, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида тире ва чизиқчани хато қўллаш билан боғлиқ 464 та ишоравий хатолик аниқланган.

Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

2018 йил январь ойининг 22 куни ХХХХ туман фуқаролик суди ўз биносида очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья М.М. Ж,

А.Д.нинг котиблигида, аризачи Ж.Д.нинг иш ҳақлари ҳисобидан суғурта бадаллари ушланганлик мажбуриятни юклаш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ

Мазкур гапда ўзбек тили пунктуациясининг юқоридаги қоидаларига кўра АНИҚЛАДИ сўздан кейин икки нуқта ишлатилиши керак эди. Бундан ташқари, бу гапда бошқа бир қанча хатоликлар ҳам мавжуд.

Шу нуқтаи назардан мазкур гапни қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқ эди:

2018 йил 22 январь куні ХХХХ тумани фуқаролик суди ўз биносида очиқ суд мажлисида судья М.Ж. раислигида,

А.Д.нинг котиблигида, аризачи А.Ж.нинг иш ҳақлари ҳисобидан суғурта бадаллари ушланганлик мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган ?- сонли фуқаролик ишини кўриб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, деярли барча ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида нуқтали вергул ишлатилиши керак бўлган ўринда уни қўллагандан хатоликка йўл қўйилмоқда. Жумладан,

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203-206-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Даъвогар О.М.нинг жавобгар ХХХХ туман ҳокимлигига нисбатан “Туман ҳокимининг 22.11.2017 йилдаги Қ-ХХ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида”ги даъво аризаси қаноатлантиришдан рад этилсин.

Даъвогар О.М.дан давлат фойдасига 172.240 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарорига нисбатан 20 кун ичида шу суд орқали ХХХХ вилоят фуқаролик судига апелляция тартибида шикоят бериш ва прокурор протест келтириш мумкин.

Мазкур гапда қарор қилинди дейилгандан кейин ўзбек тили пунктуация қоидаларига кўра, ҳар бир гап охирида нуқтали вергул ишлатилиши лозим эди. Бундан ташқари, мазкур гапда бошқа бир қанча хатоликлар ҳам мавжуд.

Шу нуқтаи назардан мазкур гапни қуйидагича тузиш лозим эди:

Суд юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203-206-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Даъвогар М.О.нинг жавобгар ХХХХ тумани ҳокимлигига нисбатан “Туман ҳокимининг 2017.22.11даги Қ-ХХ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида”ги даъво аризаси қаноатлантиришдан рад этилсин;

Даъвогар М.О.дан давлат фойдасига 172.240 (бир юз етмиш икки минг икки юз қирқ минг) сўм давлат божи ундирилсин;

Ҳал қилув қароридан норози тарафлар ҳал қилув қарори эълон қилинган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида шу суд орқали ХХХХХ вилояти фуқаролик судига апелляция тартибида шикоят бериши ва прокурор протест келтириши мумкин.

Кўштирноқ ва қавсни қўллашдаги хатоликлар

Ўзбек тили пунктуацияси қоидаларига кўра, кўчирма гап, цитата, қонун, фармон, асарларнинг, корхона ва ташкилотларнинг номлари кўштирноқ ичида берилади. Қавс эса изоҳ маъносидаги сўз ёки сўз бирикмаларда ишлатилади.

Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, суд ҳужжатларида кўштирноқ ва қавсни қўллашда кўплаб хатоликлар кузатилди. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.32-жадвал		
51	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 73
32	Андижон	Сурхондарё 81
18	Бухоро	Сирдарё 40
86	Жиззах	Фарғона 117
75	Қашқадарё	Хоразм 18
77	Навоий	Тошкент вилояти 38
65	Наманган	Тошкент шаҳар 83
ЖАМИ: 854		

Жадвалдан кўринадикки, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида кўштирноқ ва қавсни хато қўллаш билан боғлиқ 854 та ишоравий хатолик аниқланган.

Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

... *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.11.2016 йилдаги 394-қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлиги **тўғрисидаги**” Низомга мувофиқ Агентлик ихтиро, фойдали модел, ... ҳужжатларини бериш...*

Мазкур гапда **тўғрисидаги** сўздан кейинги кўштирноқ нотўғри ишлатилган. У пунктуация қоидаларига кўра, **тўғрисида** сўздан кейин **-ги** қўшимчасидан олдин қуйидагича ишлатилиши лозим эди:

... *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016.24.11даги 394-қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги **тўғрисида”ги** Низомга мувофиқ Агентлик ихтиро, фойдали модел, ... ҳужжатларини бериш...*

Суд мажлисида сўралган аризачи Б.А. шикоят аризасини қувватлаб, ... ўзи ва ака укаларининг барча ҳужжатларида ҳам ота графасида **Ярали** деб ёзилганлигини, ... билдириб, шикоятни қаноатлантиришни сўради.

Мазкур гапда **Ярали** сўзи қуйидагича кўштирноққа олиниши керак эди:

Суд мажлисида сўралган аризачи Б.А. шикоят аризасини қувватлаб, ... ўзи ва ака-укаларининг барча ҳужжатларида ҳам ота устунда **“Ярали”** деб ёзилганини, ... билдириб, шикоятни қаноатлантиришни сўради.

Шундай қилиб, бугунги кунда фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини тузишда пунктуация қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Бу эса ҳал қилув қарорлари матнида ноаниқликлар, услубий ғализликларга олиб келмоқда. Натижада унинг матнлари ижрочилар томонидан турлича талқин этилмоқда. Шунинг учун суд ҳужжатларини тузувчи мутахассилар ҳал қилув қарорларини тузишда пунктуация қоидаларига алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

2.3.6. Имловий хатоликлар

“Орфография” юнонча сўз бўлиб, “орфо” – “тўғри”, “графо” – “ёзаман” деган маъноларни англатади. У ўзбек тилида “имло” деб ҳам юритилади. “Имло” арабча сўз бўлиб, “тўғри ёзиш” демакдир.

Орфография тилшуносликнинг бир бўлими ҳисобланади. У маълум бир тилдаги сўз ва нутқни тўғри ёзиш қоидаларини, ёзув принципларини белгилайди. Ўзбек тилининг кирилл ёзувига асосланган имло қоидалари 1956 йилда тасдиқланган. Ўзбек тилининг лотин алифбосига асосланган имло қоидалари эса 1995 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги 339-сонли қарори билан тасдиқланган.

Бугунги кунда ўзбек ёзуви юқоридаги ҳар икки қарор қоида ва принципларга асосланиб юритилмоқда. Шу боис суд ҳужжатларини ёзганда ана шу қарор қоидаларига қатъий асосланиш мақсадга мувофиқ.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини ёзишда юқоридаги орфография қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Бу соҳада уларда бир қанча хато ва камчиликлар аниқланди. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

ИМЛОВИЙ ХАТОЛИКЛАР								
т/р	Вилоят	Бош ҳарфлар имлоси	“у” ва “ў” ҳарфлар	“к” ва “қ” ҳарфлар	“ҳ” ва “х” ҳарфлар	Сонларнинг имлоси	Бошқа хатоликлар	ЖАМИ
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	49	48	48	74	1	129	318
2.	Андижон	109	4	4	168	8	188	521
3.	Бухоро	88	8	8	83	6	186	419
4.	Жиззах	96	33	33	219	3	190	592
5.	Қашқадарё	60	30	30	44	8	108	276
6.	Навоий	103	21	21	90	9	169	423
7.	Наманган	89	20	20	147	9	171	460
8.	Самарқанд	48	88	88	155	5	268	646
9.	Сурхондарё	52	65	65	183	9	198	561
10.	Сирдарё	128	140	140	196	5	255	765
11.	Фарғона	64	2	2	182	16	222	497
12.	Хоразм	84	1	1	127	5	98	336
13.	Тошкент вилояти	146	243	243	456	0	124	1157
14.	Тошкент шаҳар	66	24	24	167	16	276	572
	ЖАМИ:	1182	727	727	2291	100	2582	7543

2.3.33-жадвал

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида жами 7543 та имловий хатолик аниқланган.

Ҳал қилув қарорларидаги бундай грамматик хатоликлар асосан бош ҳарфлар имлоси ва сўзларнинг нотўғри ёзилишида кузатилди. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин.

2.3.34-жадвал

МЕЗОНЛАР		ХАТОЛИКЛАР Сони
Имловий хатоликлар	бош ҳарфлар имлоси	1182
	“у” ва “ў” ҳарфлар	727
	“к” ва “қ” ҳарфлар	661
	“ҳ” ва “х” ҳарфлар	2291
	сонларнинг имлоси	100
	бошқа хатоликлар	2582
Жами имловий хатоликлар		7 543

Бош ҳарфлар имлосидаги хатоликлар

Орфография қоидаларига мувофиқ қуйидаги сўзлар бош ҳарфлар билан ёзилади:

1. Кишининг исми, ота исми, фамилияси, тахаллуси бош ҳарф билан бошланади: Дилбар, Ўринова, Муҳаббат Мажидовна, Азамат Шухрат ўғли кабилар.

2. Жой номлари бош ҳарф билан бошланади: Андижон, Янгийўл (шаҳарлар), Найманча, Булоқбоши (қишлоқлар), Бодомзор, Чигатой (маҳаллалар), Заврақ (дара), Ярқоқ (яйлов), Қоратоғ, Помир (тоғлар), Оқтепа, Учтепа (тепалар), Зарафшон, Сирдарё, Ёйилма (канал); Туркия, Ҳиндистон (мамлакатлар) каби. Бундай атоқли от таркибидаги сифатловчи ҳам бош ҳарф билан ёзилади: Шимолий Кавказ, Марказий Қизилқум каби.

3. Юлдуз ва сайёралар, бошқа хил осмон жисмларининг атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: Ҳулкар, Қавс, Миррих (юлдуз ва сайёралар номи), Тинчлик денгизи (Ойдаги рельеф номи) каби. Ер, қуёш, ой турдош отлари сайёра номи бўлиб келгандагина бош ҳарф билан ёзилади: Ер Қуёш атрофида, Ой Ер атрофида айланади.

4. Маданий-маиший ва савдо корхоналарига, адабиёт ва санъат асарларига, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига, шунингдек, транспорт воситалари, спорт иншоотларига қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланади: “Тонг” (меҳмонхона), “Саодат” (фирма), “Наврўз” (хайрия жамғармаси), “Камалак” (матбаа бирлашмаси), “Ғунча” (боғча), “Ботаника” (санаторий), “Пахтакор” (стадион), “Кутлуғ қон” (роман), “Дилором” (опера), “Тановар” (қуй), “Озодлик” (ҳайкал), “Жасорат” (ёдгорлик), “Сино” (совуткич) каби.

5. Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: Мустақиллик куни, Хотира ва қадрлаш куни, Наврўз байрами, Рамазон ҳайити каби.

6. Давлатларнинг, давлат олий ташкилотлари ва мансабларининг, халқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси, Миср Араб Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Раиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Тинчлик Кенгаши каби.

Бошқа таркибли номларда олий мансабни билдирувчи биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: Бош вазир ўринбосари, Мудофаа вазири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси каби.

Вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номи таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Тилшунослик институти каби.

7. Давлатнинг олий даражали мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: “Ўзбекистон Қаҳрамони” (унвон), “Олтин юлдуз” (медаль). Бошқа мукофотлар, фахрий унвонлар, нишонлар номидаги биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: “Соғлом авлод учун” (орден), “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” (фахрий унвон), “Матбаа аълочиси” (нишон) каби.

8. Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади. Суд қарор қилди.

9. Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар, атоқли от бўлмаган баъзи бирикмаларнинг қисқартмалари бош ҳарф билан ёзилади: АҚШ (Америка Қўшма Штатлари), БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти), АЭС (атом электр станцияси) каби. Қисқартма таркибида бўғинга тенг қисм бўлса, унинг биринчи ҳарфигина бош ҳарф билан ёзилади: ТошДТУ (Тошкент давлат техника университети) каби.

Бу ўринда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1) кўчирма гапдан кейин келган муаллиф гапининг биринчи сўзи (агар у атоқли от бўлмаса) кичик ҳарф билан ёзилади: “Бу мен”, – *қўрқибгина жавоб берди кўлага (О.Ёқубов)*;

2) хатбошига гапнинг саналувчи қисмлари чиқарилганда бундай қисмлар олдидан чизиқча қўйилади ва улар кичик ҳарф билан ёзилади:

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

- *мазкур ишни кўриб чиқиш унинг ҳуқуқ доирасига кириш-кирмаслигини;*
- *маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протокол ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлигини;*

3) гапнинг қисмлари қавсли рақам ёки қавсли ҳарф қўйиб саналса, бундай қисмлар ҳам кичик ҳарф билан ёзилади:

Юқоридаги иш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- 1) материаллар кўриб чиқилди;
- 2) гувоҳлар кўрсатмалари баённомаси тузилди;...

Бу қоидаларни билмаслик ёки уларга риоя қилмаслик суд ҳужжатларида жиддий хатоликларга сабаб бўлади. Афсуски, фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида бош ҳарфлар имлоси бўйича кўплаб хатоликлар аниқланди. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

2.3.35-жадвал		
49	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 48
109	Андижон	Сурхондарё 52
88	Бухоро	Сирдарё 128
96	Жиззах	Фарғона 64
60	Қашқадарё	Хоразм 84
103	Навоий	Тошкент вилояти 146
89	Наманган	Тошкент шаҳар 66
Бош ҳарфлар имлоси ЖАМИ: 1 182		

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича фуқаролик судларининг ҳал қилув қарорларида бош ҳарфлар имлосида жами 1182 та хатолик мавжуд

Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. Кўпгина суд ҳужжатларида вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номлари хато ёзилмоқда. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси XXXXX шаҳар XXXX туман бўлимининг 15.10.2018 йилдаги XX-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилсин.

Бу гапда бош ҳарфлар имлоси билан боғлиқ иккита хатолик мавжуд. Биринчиси, **Молия Вазирлиги** дейилганда **вазирлиги** сўзи катта ҳарфда эмас, кичик ҳарф билан ёзилиши керак. Чунки имло қоидаларига мувофиқ вазирлик унга тенглаштирилган агентлик, қўмита ва бошқа ташкилотларнинг номини ифодаловчи сўзлар таркибидаги фақат биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади (*Ташқи ишлар вазирлиги каби*). Иккинчиси, юқоридаги қоидага кўра **бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси** дейилганда ҳам **пенсия** сўзи эмас, балки **бюджет** сўзи бош ҳарф билан ёзилиши керак.

Шу нуктаи назардан мазкур гап қуйидагича ёзилиши керак эди:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси XXXXX шаҳри XXXX тумани бўлимининг 2018 йил 15.10 даги XX-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилсин.

... 2018 йил 21 март-21апрель кунлари соғлигини тиклаш мақсадида, XXX туманидаги Кўп тармоқли Марказий поликлиникада даволанганини...”;

Худди шундай хатолик қуйидаги гапда ҳам учрайди:

Судда сўралган мансабдор шахс Суд ижрочиларининг XXXX туман бўлими (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси XXXX туман бўлими) вакили М.Х. ўз тушунтиришида ... сўради.

Мазкур гапдаги мажбурий ижро бюроси номидаги мажбурий сўзи бош ҳарф билан ёзилиши керак эди:

Судда сўралган мансабдор шахс Суд ижрочиларининг XXXX тумани бўлими (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси XXXX тумани бўлими) вакили М.Ҳасанов ўз тушунтиришида ... сўради.

Бош ҳарфлар имлоси билан боғлиқ хатоликлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг номини ёзишда ҳам кўп кузатилди. Жумладан,

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг 189-моддасига кўра, ... ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси уй-жой Кодексининг...

Мазкур гапда кодекс сўзи бош ҳарфда эмас, кичик ҳарфлар билан ёзилиши керак эди. Чунки Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс дейилганда фуқаролик сўзининг бош ҳарф билан ёзилиши етарли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан мазкур гап қуйидагича ёзилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасига кўра, ... ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ҳал қилув қарорларида бош ҳарфлар имлоси бўйича учрайдиган хатоликлардан яна бири маълум бир лавозим ёки мансабни ифодаловчи сўзларнинг хато ёзилишидир. Имло қоидаларига кўра, давлатнинг олий даражадаги лавозим ва мансаблари номини ифодаловчи сўзлар бош ҳарфлар билан ёзилади: Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири кабилар. Қолган ҳолатларда барча лавозим ва мансабни ифодаловчи сўзлар кичик ҳарфлар билан ёзилади.

“У” ва “Ў” ҳарфлар имлосидаги хатоликлар

Юридик тилда “у” ва “ў” ҳарфларини ўзбек орфографияси қоидаларига асосан тўғри ёзиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо ёзма нутқда ҳар доим ҳам бу қоидага амал қилмаслик кўп хатоликларга сабаб бўлади. Бу эса ҳужжат матнининг сифатсиз бўлишига, айрим ҳолларда, ҳуқуқий тушунмовчиликларга ҳам сабаб бўлади. Чунки “у” ва “ў” ҳарфлари айрим ҳолатларда маънони фарқлаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, *тўр (сетка), тўр (уйнинг тўри), тур (хил, нав), тур (ҳаракат), тур (спорт тури)*. Шунинг учун суд ҳужжатларида уларни фарқламасдан қўллаш жиддий хатоликларга олиб келиши мумкин.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини ёзишда юқоридаги орфография қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Бу соҳада уларда бир қанча хато ва камчиликлар аниқланди. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.36-жадвал		
48	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 88
4	Андижон	Сурхондарё 65
8	Бухоро	Сирдарё 140
33	Жиззах	Фарғона 2
30	Қашқадарё	Хоразм 1
21	Навоий	Тошкент вилояти 243
20	Наманган	Тошкент шаҳар 24
“у” ва “ў” ҳарфлари имлосидаги хатоликлар ЖАМИ: 727		

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида “у” ва “ў” ҳарфларни қўллашда жами 727 та хатолик аниқланган.

Айрим ҳал қилув қарорлари матнларида ҳатто давлатимизнинг номини хато ёзиш ҳолатлари учрайди. Жумладан,

... Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ...

.. Ўзбекистон **республикаси** ...

Бу жуда ҳам қўпол хато ҳисобланиб, ҳал қилув қарорини тузувчи мутахассиснинг эътиборсизлиги натижасида юзага келган.

Бундай хатолик вилоят, туман, айрим ташкилот ва идораларнинг номини ёзишда ҳам кўп учради.

Бундан ташқари, ҳал қилув қарорлари матнларида кундалик фаолиятимизда ҳар куни ишлатиладиган оддий сўзлар: **хужалик** (хўжалик), **хўжжат** (хужжат), **давлат мулк қумитаси** (қўмитаси), **уй-жой урни** (ўрни), **кучмас** (кўчмас) мулк кадастри, **қўйидаги** (қуйидаги), **узига** (ўзига) **ажратилган**, **нотўғри** (нотўғри), **турмуш ўртоғи** (ўртоғи), **тузатиш киритиш туғрисида** (тўғрисида), **адлия бўлими** (бўлими), **бўйриқ** (бўйруқ) тарзида хато ёзилиши суд ҳужжатларининг сифатсизлигига олиб келади.

“К” ва “Қ” ҳарфлар имлосидаги хатоликлар

Суд ҳужжатлари матнида “к” ва “қ” ҳарфларини ўзбек орфографияси қоидаларига асосан тўғри ёзиш муҳим ҳисобланади. Аммо суд ҳужжатини тузувчи мутахассиснинг эътиборсизлиги натижасида ёзма нутқда кўп хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бу эса ҳужжат матнининг сифатсиз бўлишига, айрим ҳолларда, тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Чунки “к” ва “қ” ҳарфлари айрим ҳолатларда сўзларда маънони фарқлаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, *кир* (*ҳаракат, доғ*), *қир* (*адир, ҳаракат*), *кул* (*предмет, ҳаракат*), *қул* (*хизматкор*) кабилар. Шунинг учун суд ҳужжатларида уларни фарқламасдан қўллаш жиддий хатоликларга олиб келиши мумкин.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини ёзишда юқоридаги орфография қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Бу соҳада уларда бир қанча хато ва камчиликлар аниқланди. Уни қўйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.37-жадвал			
17	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд	82
44	Андижон	Сурхондарё	54
48	Бухоро	Сирдарё	41
51	Жиззах	Фарғона	11
26	Қашқадарё	Хоразм	21
31	Навоий	Тошкент вилояти	188
24	Наманган	Тошкент шаҳар	23
“к” ва “қ” ҳарфлари имлосидаги хатоликлар		ЖАМИ: 661	

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида “к” ва “қ” ҳарфларни тўғри қўллашда жами 661 та хатолик аниқланган.

Айрим ҳал қилув қарорлари матнларида “к” ва “қ” ҳарфи билан боғлиқ хатоликлар вилоят, туман, шаҳар ва айрим ташкилот ва идораларнинг номини ёзишда ҳам учрайди. Жумладан, XXXX шаҳри фуқаролик судининг ҳал қилув қароридида шундай дейилган:

XXXX вилояти XXXX шаҳар Фуқаролик суди 2018 йил июль ойининг 23 кунини ўз биносида **очик** суд мажлисида ... сонли фуқаролик ишни **қуриб чиқиб, қуйидагиларни** АНИҚЛАДИ:

Мазкур битта гапнинг ўзида “к” ва “қ” ҳарфи билан боғлиқ тўртта хатоликка йўл қўйилган. Шу боис мазкур гап қўйидагича тузилиши лозим эди:

2018 йил 23июль кунини XXXX вилояти XXXX шаҳри фуқаролик суди ўз биносида **очик** суд мажлисида ... сонли фуқаролик ишни **кўриб чиқиб, қуйидагиларни** АНИҚЛАДИ:

Бундан ташқари, ҳал қилув қарорлари матнларида кундалик фаолиятимизда ҳар куни ишлатиладиган оддий сўзлар: **қаноатлантирилган** (қаноатлантирилган), **турмушга чиқган** (чиққан), **қисқариш** (қисқариш), **қарор чиқариш** (чиқариш), **тусқинлик** (тўсқинлик) қилиш, **қичик халқа** (ҳалқа) йўли, **тақдим** (тақдим) қилган, **қайд қилинган** (қайд қилинган), **ҳақида** (ҳақида), **қайд** (қайд) этилган, **турмуш курган** (курган), **қушимча** (қўшимча), **қуйидаги** (қуйидаги), **ҳал қилади** (ҳал қилади) тарзида хато ёзилиши суд ҳужжатларининг сифатсизлигига олиб келади.

Айрим ҳал қилув қарорларида шу ҳужжат номининг **ҳал қилув қарори** тарзида нотўғри ёзилиши, оддий юридик терминлар: **қонун** (қонун), **ҳуқуқ** (ҳуқуқ), **фуқаролик** (фуқаролик), **қонуний** (қонуний), **ғайриқонуний** (ғайриқонуний), **сўроқ** (сўроқ) қилинган, **қуролли** (қуролли) кучлар тарзида хато ёзилиши жуда ачинарли ҳолат ҳисобланади.

“Х” ва “х” ҳарфлар имлосидаги хатоликлар

Юридик матнда “х” ва “х” ҳарфларини ўзбек орфографияси қоидаларига асосан тўғри ёзиш муҳим ҳисобланади. Аммо бу ҳарфлар айрим шева вакиллари нутқида фарқланмаслиги, қолаверса, суд ҳужжатини тузувчи мутахассисларнинг эътиборсизлиги натижасида суд ҳужжатларини ёзишда жуда кўп хатоликлар юз бермоқда. Бу эса ҳужжат матнининг сифатсиз бўлишига, айрим ҳолларда, тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Чунки улар айрим ҳолатларда маънони фарқлаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, **хил-хил** (*турли-туман*), **ҳил-ҳил** (*мевалар ҳил-ҳил пишди*) каби. Шунинг учун суд ҳужжатларида уларни фарқламадан қўллаш жиддий хатоликларга олиб келиши мумкин.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида “х” ва “х” ҳарфларини қўллашда орфография қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти, бу эса суд ҳужжатларида бир қанча хато ва камчиликларни келтириб чиқармоқда. Уни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.38-жадвал		
74	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 155
168	Андижон	Сурхондарё 183
83	Бухоро	Сирдарё 196
219	Жиззах	Фарғона 182
44	Қашқадарё	Хоразм 127
90	Навоий	Тошкент вилояти 456
147	Наманган	Тошкент шаҳар 167
“х” ва “х” ҳарфлари имлосидаги хатоликлар ЖАМИ: 2 291		

Жадвалдан кўринадикки, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида “х” ва “х” ҳарфларни тўғри қўллашда жами 2291 та хатолик аниқланган.

Айрим ҳал қилув қарорлари матнларида “х” ва “х” ҳарфи билан боғлиқ хатоликлар айрим давлат идоралари, вилоят, туман, шаҳар ва ташкилотларнинг номини ёзишда кўпроқ учрайди. Жумладан, **Вазирлар Маҳкамаси** (Вазирлар Маҳкамаси), **ФХДЁ** (ФХДЁ), **ҳокимият** (ҳокимият) кабилар.

Шунингдек, ҳал қилув қарорлари матнларида кундалик фаолиятимизда ҳар куни ишлатиладиган оддий сўзлар: **никоҳ** (никоҳ), **ҳақида** (ҳақида), **ҳолат** (ҳолат), **ҳаракат** (ҳаракат), **баҳо** (баҳо), **шаҳар** (шаҳар), **муҳокама** (муҳокама), **ҳудуд** (ҳудуд), **рўйхат** (рўйхат), **ҳақиқий** (ҳақиқий), **муҳит** (муҳит), **муस्ताҳкам** (муस्ताҳкам) каби сўзларни ёзишда ҳам хатоликлар мавжуд.

Бундан ташқари, айрим юридик терминларни ёзишда жуда кўп хатоликларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, **ҳал қилув қарори** (ҳал қилув қарори), **ҳуқуқ** (ҳуқуқ), ҳужжат (ҳужжат) кабилар.

Бу каби хатоликлар ҳужжатнинг сифатига жиддий салбий таъсир етказди. Жумладан, ...ўз **ҳаракатлари ахамиятини тушуна олмайдиган ҳолатда битим имзолаганликлари сабабли ҳаёда шартномасини ҳақиқий эмас деб топшига асос бўлишини кўрсатиб, Тошкент шаҳар нотариуси...**

Бу гапда **ҳаракатлари, ахамияти, ҳолатда, ҳаёда, ҳақиқий, шаҳар** сўзларини ёзишда эътиборсизликка йўл қўйилиб, яъни 21 та сўздан 6 таси хато ёзилган.

Куйидаги гапда ҳам худди шундай хатолик юз берган:

... **хисоблашлигини** баён **қилиб, даъвониколган қисмини** қаноатлантиришликни сўраб кўргазма беради...”

Бу гапдаги 10 та сўздан 5 таси, яъни **хисоблашини, қилиб, даъвонинг, қолган, қисмини** сўзлари хато ёзилган.

Бошқа имловий хатоликлар

Суд ҳужжатларининг сифат жиҳатдан мукамал бўлиши нафақат юқоридаги ҳарфларни тўғри қўллаш, балки мавжуд барча ҳарфий белгиларни, сўз ва қўшимчаларни орфография қоидаларига асосан тўғри ёзишни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорлари ўрганиб чиқилганда, уларда кўплаб хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Уларни куйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

2.3.39-жадвал		
129	Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд 268
188	Андижон	Сурхондарё 198
186	Бухоро	Сирдарё 255
190	Жиззах	Фарғона 222
108	Қашқадарё	Хоразм 98
169	Навоий	Тошкент вилояти 124
171	Наманган	Тошкент шаҳар 276
Бошқа имловий хатоликлар ЖАМИ: 2 582		

Жадвалдан кўринадики, Республика бўйича фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларида “у” ва “ў”, “к” ва “қ”, “х” ва “ҳ” ҳарфларини қўллашдан ташқари жами 2582 та имловий хатолик аниқланган.

Бундай хатоликларни куйидаги гуруҳга умумлаштириш мумкин:

1. Ҳарфларни ортиқча қўллаш: **энг кам иш ҳаққи** (ҳақи), **сулд** (суд) ҳокимияти, **ривожалантириши** (ривожлантириш) жамғармаси кабилар;

2. Керакли ҳарфни қўлламаслик: **тарафланинг** (тарафларнинг), **лозимлигин** (лозимлигини) билдирди кабилар;

3. Ҳарфларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш: **Ўлистон туман ижория** (ижроия) қўмитаси, **протетс** (протест) кабилар;

4. Сўзларни қўшиб ёзиш: **Ўлистон туман ҳокимлиги вакили** (ҳокимлиги вакили), **сохта ҳужжатлар** (сохта ҳужжатлар), **мазкур унинг Раҳматов Абдуваҳоб Абдужабборовичга тегишли эканлиги, Раҳматов Абдурашид ўзининг** (Абдурашид ўзининг), **қароритўлиқ** (қарори тўлиқ) ҳақиқий эмаслиги кабилар;

5. Абревиатура ва қисқартма сўзларни хато ёзиш: **Тошкент шаҳар ИИБ** (ИИБ), **Ҳақиқат ҚФЙ** (ҚФЙ), **Мирзачўл СИУ** (СИУ) кабилар;

6. Ўзбек алифбосида мавжуд бўлмаган ҳарфларни қўллаш: **Қрым** (Крим) вилояти Карасу базар тумани, **Сырдаря вилояти** кабилар;

7. Ташкилот ва идора номларидаги ҳар бир ҳарфни бош ҳарфлар билан ёзиш: **“ХАЙРУЛЛА САТТАРОВ”** фермер хўжалиги, **“АСЛИДДИН-ХУМОЮНБЕК”** фермер хўжалиги, **“УВОҚЛИ-ФАХРИДДИН”** фермер хўжалиги, **“GO’ZAL”** хусусий корхонаси кабилар;

8. Айрим юкламаларни хато қўллаш: **қонунга мос бўлмасида** (бўлмаса-да), **пойдевор қурилган бўлсада** (бўлса-да) кабилар.

Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтаемиз. Жумладан,

... Жавобгар Р.С. **углига** (ўғли) суд мажлиси ҳақида тегишли тартибда **хабордор** (**хабардор**) **этган** (**этилган**) **бўлсада** (бўлса-да), лекин **Каттақургон** тумани ...


Мазкур гаптаги 16 та сўздан 5 тасини ёзишда имло хатоларига йўл қўйилган.

Шундай қилиб, бугунги кунда фуқаролик судлари ҳал қилув қарорларини тузишда орфография ва пунктуация қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Бу эса ҳал қилув қарорлари матнида ноаниқликлар, услубий ғализликларга олиб келмоқда. Натижада унинг матнлари ижрочилар томонидан турлича талқин этилмоқда. Шунинг учун суд ҳужжатларини тузувчи мутахассислар ҳал қилув қарорларини тузишда орфография ва пунктуация қоидаларига қатъий риоя қилишга алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

Муҳаррир: М. Рихсибекова
Компьютерда тайёрловчи: А. Латкович
Нашриёт лицензияси АІ № 263 31.12.2014
Босишга рухсат этилди 00.00.2020 й. Бичими 60x90 1/8
«PT Sans Narrow» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Босма табағи 18,0.
Адади ___ нусха.

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25
тел.: +998 (71) 233-23-84

ООО «_____» босмахонасида чоп этилди
Манзил: _____
Tel.: + 998 (71) _____



СУД ҚАРОРЛАРИ
СИФАТИНИ
ОШИРИШ БЎЙИЧА

.....
.....